ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ФАЛСАФА

дарслик

Иккинчи нашр

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти
Тошкент – 2020

UOK: 1(075)
КВК 87
Ғ 22

Фалсафа [Матн]: дарслик. Иккинчи нашр / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2020. – 380 бет.

UOK: 1(075)
КВК 87

Мазкур дарсликда фалсафанинг умумназарий масалалари, унинг мантиқ, этика ва эстетикага доир йўналишлари бўйича умумий маълумотлар, ушбу соҳадаги қонунлар ва категориялар, асосий тушунчалар ва тамойиллар ҳақидаги билимлар мухтасар тарзда баён қилинган.

Дарслик Қ.Назаров, Л.Мухамеджанова, Д.Файзихўжаева, Ж.Раматов, П.Қулматов, Б.Узоқов, М.Обилқосимов, С.Маманазаров, А.Рўзиев, М.Тожибоев, Қ.Раззоқов, Ҳ.Хидиров, Т.Ибайдуллаев, Ш.Туратов томонидан тайёрланган.

Фалсафа асослари, унинг тарихи ва тараққиёти, мантиқшунослик, ахлоқшунослик ҳамда нафосатшунослик бўйича турли манбалар асосида ёзилган ушбу дарслик мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида билим олаётган талабаларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4788-8-6

© “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2020

МУҚАДДИМА

Муҳтарам китобхон!

Мана, сиз “Фалсафа” фанини ўрганишга киришдингиз. «Бу қандай фан?», “У нималар ҳақида баҳс юритади?” деган саволлар билан ушбу китобни очдингиз. “Фалсафани нима учун ўрганиш лозим?», “Ундан олинган билимларни ҳаётда қўллаш мумкинми?” каби саволлар ҳам хаёлингиздан ўтган бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, фалсафа қандай фан? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Бу фанни ўрганиш инсонга нима беради? Келинг, биргаликда ушбу саволларга жавоб топишга харакат қилайлик.

Аввало, таъкидлаш жоизки, инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган хикматлар хазинаси, атоқли алломалар мероси, уларнинг асарлари, ғоя ва таълимотлари муҳим ўрин тутади. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, рухияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи бундай ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ҳар қандай замонда ҳам инсоният мавжуд экан, олам ва одам қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излайди. Умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар ҳам барчани ўйлантиради. Эхтимол, ўзингиз ҳам шу сингари бир-биридан мураккаб саволларга дуч келгансиз, уларга жавоб излагандирсиз? Бу масалалар ҳақида кимлар биландир фикр алмашиб, бахслашгингиз ҳам келар? Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиёт масалалари фалсафанинг асосий мавзулари хисобланади.

Айни пайтда кўпчилигимиз “Инсон – Яратганнинг мўъжизаси, оламнинг гултожи, тирикликнинг энг буюк қадриятидир”, деган фикрга ўрганиб қолганмиз. Ҳар бир кишига умр бир марта ато этилиши, авлодлар ортидан авлодлар келишининг абадият қонуни эканлиги ҳам барчамизга аён. Шундай экан, ҳаётнинг маъноси ва умрнинг мазмуни нимадан иборат? Сермазмун ва бахтли яшашнинг барчага мос келадиган ҳаммабоп модели, махсус усуллари борми? Нима учун баъзи инсонларнинг ҳаёти, фаолияти ўзгаларга намуна, ибрат бўлади-ю, айрим кишилардан тузукроқ из, бирор-бир яхшилик ҳам қолмайди? Фалсафанинг азалий муаммолари бўлган бу каби саволларга жавоб топиш учун ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган не-не буюк зотлар мутафаккирлар, алломалар ўтганлар.

Бундай масалалар ечимини топишда фалсафий тафаккур услубининг бошқа соҳа билимларидан фарқи ва самарадорлиги маълум. Фалсафий билимлардан бехабар, ундан йироқ бўлган инсон теварак-атрофдаги, жамият,

нарса-ҳодисалар ва табиатдаги ўзгаришлар, янгиланишларнинг асосан, ташқи томонини сезги аъзолари воситасида идрок қилади. Лекин, нима учун бу ҳодиса содир бўлди? Нима учун айнан шундай ҳолатда, айнан шу вақтда ва маконда рўй берди? Бу тасодифий ҳодисами ёки зарурийми? Воқеалар ривожи қандай давом этади? Келажакда қандай ўзгаришларга олиб келади? – каби саволлар устида бош қотирмайди. Ушбу саволларга жавоб беришга имкон яратадиган фалсафий билимлар эса одамни фикрлашга мажбур қилади, олам ва яшаш сирларини англашга ёрдам беради.

Қолаверса, биз яшаётган олам турли-туман даражада яралган: жонсиз нарсалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, кишилик жамияти. Ташқаридан қараганда булар ҳар қайсиси ўз қонун-қоидаларига эга бўлган алоҳида бир системалардир. Аммо буларни яхлит бир тизим сифатида боғлаб турувчи, ўзаро тақозо қилувчи қандайдир бир боғлиқлик, сабабият, қонуният мавжудми? Нарса-ҳодисаларнинг ички, туб моҳиятини билиш мумкинми? Ва бу билимнинг холис, объектив эканлигига ким кафолат беради? Шу ва шу каби саволларга жавоб бериш учун ҳам фалсафий билимлар ёрдамга келади, албатта. Фалсафадан бошқа билим соҳалари ёрдамида бу саволларга жавоб бериш бироз мушкуллик туғдириши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жуда кўплаб табиатшунослар, адабиёт, санъат ва бошқа ижтимоий соҳалар вакиллари, математик, физик, инженер олимлар фаолиятида воқеа-ҳодисалардаги ўзгаришларнинг сабабини, ўзаро алоқадорлигини ва таъсирини илғай олишдек етук фалсафий тафаккур ва мушоҳада намоён бўлади. Нарсаларнинг ташқи томони, кўриниши эмас, балки унинг ички туб моҳиятига етиш, ўзгаришининг сабабини аниқлаш ҳамда келажаги тўғрисида фикрлар билдириш фалсафа мутахассиси бўлмаган кўпчилик олимларга ҳам хос фазилатлардир.

Лекин шу нарса аниқки, фалсафий билимлар инсонни ҳаётда ўз ўрнини топиши, том маънода ўз эътиқодига, фуқаролик позициясига эга бўлишида, мақсадига эришишида беқиёс роль ўйнайди. Албатта, файласуфлар оламни хилма-хил изоҳлайдилар, ҳар бир кишининг ҳаёти ҳам турлича кечади. Бу борадаги энг асосий масала, умрни мазмунли ўтказиш, яхши ном қолдириш, эл-юрт корига яраб, одамларга доимо керак бўлиб яшаш туйғусини ўзига саодат деб билишдир.

Шу билан бирга, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган муаммоларга фалсафий муносабатда бўлиб, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш умрни мазмунли ўтказишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, бу борада оддий тилда ёзилган фалсафий қўлланмалар, халқчил китоблар ҳали ҳам етарли эмас.

Одатда, мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва ниҳоятда мавҳум фан, деб хисоблайдилар. Бунинг сабаби нимада? Бунинг боиси шуки, фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва равон тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма-хил таълимот ва қоялар мажмуидан иборат мураккаб бир фан сифатида талқин этилар эди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият

берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар кўп холларда назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас, фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди.

Оқибатда нима бўлар эди? Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл мохиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса, фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шахар бошланадиган жойда қолиб кетарди. Кун сайин чуқурлашиб, фан сирларини бор мураккаблигича тушунтиришда давом этаётган ўқитувчи саноқли талабалар билан бирга ўша шаҳарга кирарди, кўчалар, махаллаларни – фалсафа дунёсини кезишда давом этарди. Лекин қолган талабалар эса бу хазинадан бебаҳра бўлиб, шаҳарга кирмасдан ўтадиган айланма йўлдан боришга мажбур бўлар ва шу тариқа фалсафанинг мохиятини дурустроқ тушунмай, диплом оларди ҳамда амалиётга кетарди.

Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, мавҳум ва ортиқча фан бўлиб қолади, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун ва қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу — фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланиб қолади. Агар фалсафадан билим берувчи ўқитувчининг ўзи ҳам бу соҳани бир маҳаллар четлаб ўтган собиқ талабалардан бири бўлса, масала янада чигаллашади.

Аслида, фалсафанинг асосий вазифаси инсон онгида эзгу интилишлар, юксак маънавий қадриятларга мос, соғлом дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқараш бирон-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қуруқ ёд олдириш орқали эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамойилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Ана шуларни ҳисобга олган холда, мазкур китобда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

— фалсафани жахон маданияти ва цивилизациянинг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;

- фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги тамойилига амал қилиш;

- ҳар бир мавзуни истиқлол ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан узвий боқлиқ ҳолда тушунтириш.

Биз бу жараёнда бирор бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириб, бошқаларининг аҳамиятини камситиш фикридан йироқмиз. Аксинча, мақсадимиз уларнинг барчасини холис талқин этиш, талабаларда фалсафа фани, хилма-хил фалсафий оқимлар, атоқли файласуфлар ва уларнинг таълимотлари хақида тўғри ва холисона тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ФАЛСАФА

1-мавзу. Фалсафа фанининг мазмун-моҳияти, мавзулари ва жамиятдаги ўрни

Режа:

1. «Фалсафа» атамасининг келиб чиқиши ва фалсафа фанининг мазмун-моҳияти.
2. . «Дунёқараш» тушунчаси, унинг шакллари. Фалсафий дунёқарашнинг йўналишлари ва вазифалари
3. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик, миллий фалсафани ривожлантириш зарурлиги
4. Ҳозирги давр фалсафасининг долзарб масалалари ва уни ўрганиш вазифалари.

«Фалсафа» атамасининг келиб чиқиши ва ушбу фаннинг мазмун-моҳияти. “Фалсафа” тушунчасининг асослари баён қилинган аксарият дарсликларда ушбу атама қадимги юнон тилидаги «философия» сўзидан олингани ва у «донишмандликни севиш» («фило» — севаман, «софия» — донолик) деган маънони англатиши таъкидланади.

Шу маънода, фалсафа барча фанлар ривожланишига асос бўладиган ва улардан озиқланадиган, айни пайтда уларнинг ривожланиш йўлларини белгилаб берадиган умуминсоний ва универсал илм соҳасидир. У қадим замонлардаёқ «барча илмларнинг отаси» деб таърифланган. Унинг ҳаётийлиги халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоқлиқ мос экани, жамият манфаатлари ва эзгу интилишларини қай даражада акс эттира олишига боғлиқ.

“Фалсафа” атамаси «философия» сўзининг Шарқ ижтимоий тафаккуридаги шаклидир. Шарқнинг атоқли файласуфи, машҳур мутафаккир Абу Наср Фаробий философия сўзини «Ҳикматни қадрлаш» деб талқин этган. Фалсафа Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, умр мазмуни хақидаги қараш ва хикматларни эъзозлаш маъносида ишлатилган.

Ҳаёт қонуниятларини яхши биладиган, умрнинг ўткинчи экани, абадият инсонга эмас, оламга хослигини яхши англаб етган, ўзи ва ўзгалар қадрини тўқри тушунадиган киши хеч қачон «Мен — донишмандман» дея очиқ эътироф этмайди. Айниқса, Шарқ халқлари ҳаётида бу хол яққол кўзга ташланади. Аммо, Фаробий таъкидлаганидек, хикматни қадрлаш, олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрига етиш — бошқа гап. Шу маънода, бизда қадим замонларда файласуф деганда, кўпдан-кўп илм соҳаларини эгаллаган, устоз ва муаллим сифатида шухрат қозонган аллома ва мутафаккир кишилар тушунилган.

«Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга яхши маълум бўлган, аллома Пифагор ишлатган. Европа маданиятига эса, у юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган. Асрлар давомида философияга нисбатан хилма-хил қарашлар шаклланган, унинг жамият,

инсон ва фанлар тизимидаги ўрнига нисбатан турлича муносабат ва ёндашувлар дунёга келган, бу атаманинг мохият-мазмуни ҳам ўзгариб борган. Шу тариқа, у аввало, қадимги Юнонистонда алохида билим соҳасига, тўғрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланган.

Қадимги Юнонистонда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар билан шуғулланишидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлиқ, ҳам табиат тўғрисидаги илм ҳисобланар эди. Шу маънода, дастлабки философия олам ва унда инсоннинг тутган ўрни хақидаги қарашлар тизими бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан вужудга келган эди. Унинг энг асосий қадрияти эркинлик тушунчаси эканини, ана шу эркин ҳаёт тўғрисидаги қарашлар буюк маданий юксалишга асос бўлганини аксарият олимлар алохида таъкидлайдилар.

Ушбу фаннинг шаклланишини фақатгина қадимги Юнонистон ва Рим билан боғлаш ҳам бу борада етарли тасаввур бермайди. Чунки ушбу ҳудуднинг дастлабки файласуфи Фалес кўп йиллар Осиёда билим олиб қайтганидан сўнг фалсафий фикрларни алоҳида илм соҳаси сифатида талқин эта бошлагани маълум. Алллома Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида ҳиндларнинг дастлабки қарашлари қадимги юнонларники билан ўхшаш эди, деган фикри ҳам бежиз айтилмаган, албатта. Бу ўз навбатида, фалсафий дунёқарашнинг қадимги шакллари барча халқлар тарихига тегишли умумий ҳодиса эканини исботлайди.

Аслида эса, Қадимги Юнонистон ва Римда эрамиздан аввалги VII-III асрларда ушбу фан эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси, оламни яхлит ва бир бутун холда тушуниш мужассамига айланган эди. Ушбу фан дастлаб сарой илми сифатида шаклланган ва асосан мулозимларнинг тафаккур тарзини ифодалаган. Бу фан билан кўпроқ аслзодалар шуғулланган, унинг асосан улар учун тушунарли бўлган муайян тушунчалари ва атамалари, ўзига хос фикрлаш услублари ва баён қилиш тили ҳам шаклланган.

Фалсафий билимлар ривожи узлуксиз жараён бўлиб, у инсониятнинг тафаккур бобида илгари эришган ютуқларни танқидий баҳолашни тақозо этади. Бироқ бу — уларни тамоман рад этиш, кўр-кўрона танқид қилиш лозим дегани эмас, балки уларга хос барча хато ва камчиликларни англаб, яхши ва ижобий жихатларидан фойдаланиш демакдир. Ана шундай танқидий ёндашув ва ворислик фалсафанинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Бу фаннинг олдига қўйилган вазифаларга ва унинг ҳаётдаги ўрнига қараб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки фанлар пайдо бўлиб ва уларнинг баъзилари фалсафадан ажралиб, алохида мустақил фан соҳасига айлана бошлаган даврлардаёқ шакллана бошлаган.

Фалсафанинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида фалсафанинг асл мохиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган.

Кишилик жамияти хеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ортидан инқирозлар, ютуқлар кетидан мақлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъқиб этган. Муайян жамият иқтисодий-сиёсий, ахлоқий-диний, бадиий-эстетик тараққиёт борасида инқирозга дуч келар экан, ундан чиқиб кетиш учун илқор фалсафий таълимотларга эхтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам буюк фалсафий таълимотларни, бир томондан, маданий-интеллектуал ривожланиш самараси, иккинчи томондан, туб ижтимоий ўзгаришлар тақозоси дейиш мумкин. Муайян тарихий бурилиш даврида «Фалсафа нима ўзи?» деган масала долзарб аҳамият касб этиши ҳам шундан. Ана шундай даврларда кишилар фалсафанинг мохияти, унинг мақсад ва вазифаларини янгича идрок этганлар.

Қадимги Юнонистон ва Рим давридан буён ўтган икки минг йилдан зиёдроқ вақт мобайнида «Фалсафа энди йўқ бўлди, уни ўрганишнинг хеч бир зарурати қолмади» қабилидаги гаплар кўп бўлган. Лекин замонлар ўтиши билан одамзод барибир фалсафага эхтиёж сезган ва у инсоннинг маънавий камолотида беқиёс аҳамият касб этишига қайта-қайта ишонч хосил қилган.

Бу жиҳатдан қуйидаги ривоят жуда ибратлидир. Милоддан олдинги биринчи асрда яшаб ўтган буюк файласуф Лукрецийнинг шогирдларидан бири унга қараб, «устоз, фаннинг бошқа соҳаларига оид илмлар жуда кўпайиб кетди. Энди фалсафани ўрганишнинг хожати бормикан?» дебди. Шунда улуғ файласуф бамайлихотир гап бошлаб, «Фалсафани Суқрот, Афлотун, Арасту каби буюк алломалар яратган. Лекин эндиликда инсониятнинг ана шундай буюк мутафаккирлари яратган бу фанни ўрганмаслик ҳар қайси нодоннинг ҳам қўлидан келадиган иш бўлиб қолди», деган экан.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Масалан, биология ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, турларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бу соҳага оид фанлар ушбу йўналишдаги жараёнларнинг баъзи хусусият ва жиҳатларини чуқурроқ тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни билан эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни билан қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг мохияти қандай? Масаланинг айнан шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фалсафий масалага айлантиради. Яъни, шу тариқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдан фалсафий муаммо тусини олади.

Энди Файласуф ким, деган саволга жавоб берайлик. “Философ” сўзини ҳам юқорида айтганимиздек илк бор буюк математик ва мутафаккир Пифагор қўллаган. Бу тушунчанинг маъносини у Олимпия ўйинлари мисолида қуйидагича тушунтириб берган: анжуманга келадиган бир гурух кишилар беллашиш, куч синашиш, яъни ўзи ва ўзлигини намоён этиш учун, иккинчи бир гуруҳ – савдо-сотиқ қилиш, бойлигини кўпайтириш учун, учинчиси эса, ўйиндан маънавий озиқ олиш, хақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб олади. Ана шу учинчи гуруҳга мансуб кишилар, Пифагор талқинига кўра, файласуфлар эди.

Бу, бир қарашда, оддий ва жўн мисолга ўхшайди. Аммо унинг маъноси ниҳоятда теран. Чунки, инсон умри ҳам шундай. «Дунё театрга ўхшайди, унга келган ҳар бир киши сахнага чиқади ва ўз ролини ўйнаб дунёни тарк этади», деган фикр бежиз айтилмаган. Кимдир бу дунёга унинг сир-асрорлари тўғрисида бош ҳам қотирмасдан келиб кетади, умрини ейиш-ичиш, уй-рўзқор ташвишлари билан ўтказади. Бошқаси – нафс балосига берилиб, мол-мулкка ружу қўяди. Учинчиси эса, олам хикматларини ўрганади, умрини хайрли ва савоб ишларга сарфлайди, бошқалар учун ибрат бўларли ҳаёт кечиради.

Қадимги даврларда ҳар томонлама чуқур билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, инсон маънавиятини бойитиш ва хақиқатни билишга интилувчи кишиларни файласуф деб атаганлар. Фозил ва комил инсонларгина фалсафа билан шуқулланганлар. Аслида, ўша даврларда фалсафани ўрганиш дейилганда, илмнинг асосларини эгаллаш кўзда тутилган. Грек мутафаккири Гераклит (эрамиздан аввалги 520-460 йилларда яшаган) шогирдларига мурожаат қилиб, «Дўстим, сен хали ёшсан, умрингни бекор ўтказмай десанг, фалсафани ўрган», деганда айнан ана шу хақиқатни назарда тутган.

Бошқа бир буюк грек файласуфи Эпикур (эрамиздан аввалги 470-399 йилларда яшаган) бу хақиқатни қуйдагича ифода этган: «ўз-ўзингни ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлигингдан юқори туриш эса – файласуфликдир».

Худди шунингдек, Шарқда ҳам Конфуций ва Моний, Хоразмий ва Форобий, имом Бухорий ва имом Термизий, Беруний ва ибн Сино, Нақшбанд ва Навоий каби донишманд боболаримиз ўз ҳаётий кузатишлари ва тажрибаларини умумлаштириш, инсонга хос хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариш, башарият томонидан тўпланган билим ва тажрибаларни ўзлаштириш орқали файласуф даражасига кўтарилганлар.

Умуман олганда, билимдон кишиларнинг барчасини ҳам донишманд ёки мутафаккир деб бўлмайди. Ҳақиқий файласуфлар ҳаётда ниҳоятда кам бўлади. Улар ўз даври ва миллатининг фарзанди сифатида инсоният тарихига катта таъсир кўрсатади. Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган бундай буюк шахслар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний ғоялар, маънавий бойликларнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган донишманд одамлар бўлган.

Кези келганда шуни алохида таъкидлаш лозимки, хозирги даврда бизда фалсафа ихтисослиги бўйича маълумот олган мутахассисни файласуф дейиш одат тусига кириб қолди. Аслида, файласуф сўзи ана шу тарзда ишлатилганида ушбу соҳанинг замонавий мутахассиси, унинг асосларини эгаллаган, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борадиган ёки илмий даражага эга бўлган кишилар тушунилади, холос.

Фалсафанинг умумбашарий фан экани, унинг бахс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интихоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури,

табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Шу билан бирга, муайян даврда туқиладиган ва хал этиладиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эхтиёжларидан келиб чиққани учун, муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ холда ривожланади. У тарихий давр билан мустахкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Фалсафий муаммолар бевосита ҳаёт заруратидан туқилади. Айнан улар орқали фалсафада даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Масалан, хозирги замонда юртимиз фалсафаси учун истиқлол даврига хос қонуниятларва хусусиятларнинг фалсафий асосларини изохлаш зарурати шу билан белгиланади.

Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва қояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади. Фалсафадаги устувор қараш ва қоидалар давр махсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади.

«Дунёқараш» тушунчаси, унинг шакллари. Фалсафий дунёқарашнинг йўналишлари ва вазифалари. Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўқрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Ана шу тасаввурлар, тушунчалар, қараш ва хулосалар муайян кишининг бошқа одамларга муносабати ва кундалик фаолиятининг мазмунини белгилайди. Шу маънода, дунёқараш - инсоннинг теварак атрофини қуршаб турган воқелик тўқрисидаги, оламнинг мохияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни хақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш - оламни энг умумий тарзда тасаввур қилиш, идрок этиш ва билишдир.

Дунёқарашнинг бир кишига ёки алохида шахсга хос шакли индивидуал дунёқараш дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамиятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса, ижтимоий дунёқараш деб юритилади. Ижтимоий дунёқараш индивидуал дунёқарашлар йиқиндисидан дунёга келади, дейиш мумкин. Бунда ижтимоий дунёқарашнинг умумий ва хусусий шаклларини ҳисобга олиш лозим.

Кундалик ҳаётий тажрибалар асосида жамиятда, одамларда оддий, ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) мохиятга эга бўлган қарашлар, тушунчалар, қоялар шаклланади. Бу – дунёқарашнинг ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) шакли ҳисобланади. Уни кўпинча ҳаётий фалсафа, деб ҳам атайдилар.

Ҳаётий фалсафанинг доираси жуда кенг бўлиб, онгнинг содда намоён бўлиш шаклларини ҳам, оқилона ва соқлом фикрларни ҳам ўз ичига олади. Ҳаётий фалсафа ёки оддий амалий дунёқарашнинг ўзига хос турини инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги билим ва тажрибалар таъсирида шаклланаётган қарашлар ташкил этади. «Ҳар кимнинг ўз фалсафаси бор»

дейилганида ана шу хол англашилади. Демак, дунёқараш ўзининг кундалик оммавий шаклларида чуқур ва етарли даражада асосланмаган стихияли характерга эга. Шунинг учун ҳам кўп холларда кундалик тафаккур муҳим масалаларни тўкри тушунтириш ва баҳолашга ожизлик қилади. Бунинг учун оламни илмий тахлил қилиш ва билиш зарур.

Дунёқарашнинг тарихийлик тамойили. Дунёқараш муайян даврда шаклланади. Шу маънода, ҳар қандай дунёқараш ижтимоий-тарихий мохиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва мехнати жараёнида вужудга келади. Ҳар бир даврда ижтимоий гуруҳ, жамият ва авлоднинг ўз дунёқараши мавжудлиги ҳам бу тушунчанинг тарихий мохиятга эга эканини кўрсатади.

Дунёқарашнинг тарихийлиги яна шундаки, у маълум биржараёнда такомиллашиб боради. Унинг шакллари ўзгаради, тарихий кўринишлари муттасил янгиланиб туради.

Маълумки, инсоният тараққиётининг илк босқичларида дунёқараш ниҳоятда оддий бўлган. Агар шундай бўлмаганида, ҳар қандай жисм ўз хажмига тенг суюқлик миқдорини сиқиб чиқариш хоссасига эга эканини кашф этган қадимги замоннинг буюк олими Архимед ҳаммомдан ялонқоч холда чиқиб, «Эврика!», яъни «Топдим!», дея қичқирмаган бўлар эди.

Дунёқараш жамият ривожига мос равишда аста-секин такомиллашиб борган. Тараққиётнинг кейинги даврларида фан соҳасида қилинган кашфиётлар инсон дунёқараши нақадар чуқурлашиб, унинг билимлар доираси кенгайиб кетганини кўрсатади. Бунда ворислик анъанаси яққол кўзга ташланади: ҳар бир даврнинг дунёқараши, қояси ўтмишда яратилган маънавий қадриятларнинг энг яхшиларини, илқор ва ижобийларини ўзида сақлаб қолади. Шу асосда янги тамойилларга эга бўлган дунёқараш ҳам такомиллашиб боради. Оддий буқ машинасидан космик ракеталаргача бўлган фан-техника тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади.

Фалсафий дунёқараш кундалик фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, ҳаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади ҳамда ривожланади. Инсон онгли ижтимоий мавжудот бўлгани боис, унинг дунёқараши муайян эхтиёж ва манфаатларга асосланади. Демак, ҳар қандай дунёқараш муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг ўз эхтиёж, манфаатларидан келиб чиққан холда борлиққа муносабатини ифодаловчи қоялар, назариялар, билимлар мажмуаси, рухий холат ва эътиқод мужассами ҳамда уларнинг намоён бўлишидир.

Дунёқарашнинг шакллари. Фалсафий дунёқараш, мохият-мазмунига кўра, маънавий фаолият бўлгани боис, у борлиққа бўлган онгли, инсоний муносабатнинг муайян йўналишларини вужудга келтирган. Масалан, кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий муносабатлари – ахлоқий дунёқарашларида, ҳуқуқий муносабатлари – ҳуқуқий, сиёсий муносабатлари – сиёсий, диний муносабатлари – диний, экологик муносабатлари – экологик дунёқараш шаклларида ўз ифодасини топган. Буни тизим тарзида изохлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш касб этади:

1. Ахлоқий.

2. Диний.
3. Ҳуқуқий.
4. Сиёсий.
5. Экологик.
6. Эстетик

Бу тизимни ташкил қилган нисбатан мустақил дунёқараш шакллари ўзаро боқлиқликда, алоқадорликда ҳаракат қилади.

Дунёқараш тизимининг ривожланиш даражаси жамият тараққиётига мос келади ва уни ифодалаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир тарихий даврда миллатнинг ривожланиши, унинг менталитети ва дунёқарашида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш тизими ва уларнинг хусусиятлари муайян инсон, ижтимоий гуруҳ, табақа ва бутун миллатнинг маънавий қиёфасини белгилаб беради.

«Дунёқараш» тушунчаси ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий қурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйқу ва тушунчалар билан узвий боқлиқ холда шаклланади. Чунки, дунёқараш айнан ана шу рухий-ижтимоий ходисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир бўлагига айланади.

Фалсафий дунёқарашнинг тарихий шакллари инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ўзларининг ижтимоий ҳаётига бўлган муносабати турли ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топган. Улар шу тариқа мифологик дунёқарашни шакллантирган. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашда яхшиликнинг мудом тантана қилиши мифологик дунёқарашнинг гуманистик мазмунидан далолат беради. Хусусан, ўзбек халқи цивилизацияси жараёнида яратилган ривоят, афсона ва бошқа жанрлардаги оқзаки ижод намуналари миллатимиз тарихда қандай маънавий қиёфага эга бўлганини хануз кўрсатиб туради. Улар бугунги кунда жахон ахлини хайратга солмокда.

Мифологик дунёқараш қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эхтиёжларидан келиб чиққан. Эзгулик ва хақиқат учун кураш қояларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян рухий холати, келажакка ишончи, ватанга мухаббати, инсоний камолотга интилиши бадиий воситалар, афсонавий қахрамонлар тимсолида ифода этилган.

Муайян дунёқараш таркибида диний-илохий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илохга бўлган эътиқоди билан боқлиқ бўлиб, вужудга келишига кўра, бошқа дунёқараш шакллари каби, муайян асосларга эга. Жамият ҳаётида ҳар қандай, шу жумладан, диний дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам сунъий равишида мутлақлаштириш, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу хол айниқса, диний фундаментализм ва экстремизм инсоният учун жиддий хавфга айланган хозирги даврда яққол намоён бўлмокда.

Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фалсафий фан ўрганади. Теология олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим муаммоси

каби масалаларни илохиёт, диний эътиқод тушунчалари билан боқлаб тахлил қилиш ҳамда ўзига хос мукаммал тизимини яратган. Бугунги кунда диний дунёқарашнинг бир талай асосий вазифалари орасида, унинг ҳаёт зиддиятларини бартараф қилиш билан боқлиқ регулятив фаолияти ниҳоятда муҳимдир. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоят улкан ва у тобора ортиб бормоқда.

Тараққиёт жараёнида фалсафадан табиатшунослик фанлари билан бирга психология, этика, эстетика каби ижтимоий фанлар ҳам ажралиб чиқди. Кейинчалик маданият, қадриятлар ва ҳуқуқ каби соҳаларни ўрганадиган алохида йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Улар оламни ўз предмети доирасида яхлит билиш, унинг хусусий қонуниятларини ўрганишга ёрдам беради.

Фалсафий йўналишлар, тадқиқот олиб борадиган соҳасига кўра, ўзига хос бўлиб, асосийлари қуйидагилардир:

Онтология — олам, инсон ва жамиятнинг объектив-универсал мохияти тўқрисидаги фалсафий таълимотдир. Бошқача айтганда, у борлиқ тўқрисидаги, инсоннинг оламга бўлган муносабати хақидагии фалсафий билим соҳасидир.

Гносеология — билиш фалсафаси бўлиб, оламни англаш, билиш назарияси, билишнинг шакли, усуллари ва имкониятлари тўқрисидаги таълимотдир.

Аксиология — қадриятшунослик ёки қадриятлар тўқрисидаги фалсафий таълимот.

Праксиология — инсоннинг предметли-ўзгартирувчан, амалий фаолияти тўқрисидаги фалсафий таълимот.

Методология — билиш ва ўзгарувчан фаолият усуллари тўқрисидаги таълимот.

Логика — тафаккур шакллари (тушунча, хукм, хулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, мухокама, тафаккур қонуниятлари), уларнинг мазмунидан қатъи назар, холис ўрганувчи таълимот.

Этика — ахлоқ фалсафаси, инсониятнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб-қоидалари тўқрисидаги фан.

Эстетика — нафосат фалсафаси, жамият ва инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қонун-қоидалари тўқрисидаги қарашлар мажмуи.

Бундан ташқари, инсон фалсафаси (антропология), ижтимоий фалсафа, табиат фалсафаси, маданият фалсафаси (культурология), санъат фалсафаси, мафкура фалсафаси (идеология), дин фалсафаси (теология), сиёсат фалсафаси (политология), ҳуқуқ фалсафаси, техника фалсафаси каби соҳалар ҳам мавжудки, улар бир сўз билан ижтимоий-фалсафий фанлар тизими дейилади.

Иккинчи хил классификация фалсафий фанлар таснифида олам ва одам, борлиқнинг асоси билан боқлиқ масалалар қандай усулда хал қилинишига қараб белгиланади. Бундай таснифлаш натижасида монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализи, теизм, атеизм каби кўплаб йўналишлар кўзга ташланади. Фалсафани ўрганиш жараёнида бу тушунчаларга хали кўп дуч келамиз ва ўрни келганда уларга зарур изох ва таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Бу тизимда фалсафа тарихи билимнинг муҳим тармоқи ҳисобланади. Бунда тадрижий тараққиёт тамойили асосида фалсафий тизимлар ўртасидаги тарихий изчилликка таянилади. Мазкур қўлланмада фалсафа тарихи ана шундай тамойил асосида ўрганилган.

Фалсафий билимлар тизимининг ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши объектив ижтимоий-тарихий жараён махсули бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келади ва уни ўзида ифода этади. Фалсафий билимлар тизимидаги алохида йўналиш ҳар бир тарихий даврда ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланса ҳам, уларнинг умумий тамойиллари мавжуд. Яъни, биринчидан, ҳар бир фалсафий билим йўналиши жамият ривожланишида ўзига хос детерминант (сабаб) вазифасини бажаради. Иккинчидан, фалсафий билимлар жамият тараққиётига таъсир қилувчи субъектив омил бўлса ҳам, вужудга келиш асоси - генезиси нуқтаи назаридан объектив ходисадир. Учинчидан, фалсафий билим йўналишларининг ўзаро боқлиқлик, алоқадорлик муносабати, уларнинг дунёни билишдаги яхлитлигини таъминлайди.

Фалсафий дунёқарашнинг умумий тамойиллари ҳар қандай конкрет дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

1. Фалсафий дунёқараш илмийдир, чунки у нарса ва ходисалар ўртасидаги боқланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалик онг даражасидагина эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди. Ҳар қандай фалсафий дунёқараш шакли объектив оламдаги нарса ва ходисаларнинг конкрет муносабатларини акс эттиради.

2. Фалсафий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили жамиятнинг ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлигини ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

3. Фалсафий дунёқарашнинг мантиқий изчиллиги тамойили ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши билан изохланади. Агар мантиқий изчиллик бузилса, дунёқарашнинг ташқи оламни холис, илмий, аниқ-равшан ва изчил акс эттиришига путур етади.

4. Фалсафий дунёқарашнинг универсаллиги бошқа дунёқараш шаклларининг мазмунини ташкил қилиши билан сифатланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фалсафий хусусиятга эга.

5. Фалсафий дунёқараш мақсадга мавофиқ бўлиб, инсон манфаатларига мос келади. Чунки, инсон муайян мақсад, орзу-умидлар билан яшайди, уларни ўз дунёқарашида акс эттиради.

6. Фалсафий дунёқарашнинг оявийлик тамойили, унинг асосида муайян қоя ётгани билан ифодаланади. Хусусан, бугунги ўзбек миллий фалсафий дунёқараши миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимиз келажагини белгилайдиган истиқлол қоясига таяниши билан характерлидир. Фалсафий дунёқараш шу қояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошиши учун хизмат қилади.

7. Фалсафий дунёқарашнинг энг муҳим тамойилларидан бири назария ва амалиёт бирлигидир. Дунёқарашнинг назария сифатида мавжудлиги ижтимоий

амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қўл келиши билан изохланади. Шунингдек, дунёқарашнинг амалиётга жорий этилиш жараёнида унинг усул ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган функцияларнинг ўзаро ички боқлиқлиги фалсафанинг муштарак умумназарий ва услубий аҳамиятини белгилаб беради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиш инсон ва жамиятнинг маънавий камолотига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, фалсафий билимлар тизимини такомиллаштириш йўлларини топиш имконини беради. Масаланинг бу тарзда хал этилиши умуминсоний цивилизация тамойилларига ҳам мос келади.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик, миллий фалсафани ривожлантириш зарурлиги. Фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади, албатта. Маълумки, олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боқлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, юқорида зикр этилган умуминсоний мавзу, масала ва муаммоларнинг барчаси аввал-бошда хусусий, миллий, минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. ўз юрти, миллати, ота-онаси ва ёр-биродарларини севган ватанпарвар инсон, аввало, ана шуларнинг камоли учун қайқуради, уларни ўйлайди, уларга хизмат қилишни олий саодат деб билади. Бундай шахс дунёқарашида ана шу жиҳат ва хусусиятлар албатта акс этади. Бу эса, ўз навбатида, умуминсоний фан бўлган фалсафада миллийликнинг акс этишига асос бўлади. Умуминсонийлик — ватансизлик (космополитизм) бўлмагани сингари, миллийлик ҳам — миллий қобиққа ўралиш, миллий махдудлик дегани эмас.

Лекин сизнинг хаёлингизда беихтиёр «Миллий фалсафа бўлиши мумкинми? Ахир, юқорида фалсафага ўз мохияти билан умуминсоний фандир, деган таъриф берилди-ку?» – деган саволлар чарх уриши мумкин. Бу — ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан кетаётган барча халқлар фалсафаси учун дахлдор бўлган саволлардир. Агар биз юқорида қайд этилган муаммоларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўзбекистонда бу йўналишни ривожлантириш зарурати етилганини англаймиз.

Фалсафий адабиётларда миллий фалсафа мавзуида турлича фикрлар мавжуд. Айрим файласуфлар, аслида миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас, бундай ёндашувнинг ўзи этник махдудликка олиб келади, деб ҳисоблайди. Бошқалари эса, модомики, миллий фалсафа миллий қоя ва мафкурани шакллантиришниг назарий асоси экан, ҳар қандай умумий қонуниятлар муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда хусусий холда намоён бўлади, дея миллий фалсафани ёқлаб чиқади.

Биз миллат бор экан, миллий маданият, тил ва адабиёт ҳам мавжуд деган фикрга ўрганиб қолганмиз. Аслида, уларнинг барчаси нафақат бир миллатга, балки бутун инсониятга хос-ку! Бизнинг назаримизда, миллий фалсафа

миллат менталитетини белгилайдиган муҳим омилдир. Умумбашарий цивилизацияга узвий қўшилиш жараёни миллий фалсафани яратиш орқали содир бўлади. Энг муҳими — фалсафадаги миллийлик умуминсонийликни рад қилиш эвазига эмас, балки уни ижодий бойитиш орқали ривожланиб боради.

Фалсафа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айрим миллий фалсафаларнинг умуминсоний маънавият хазинасига муносиб хисса бўлиб қўшилганини кўрамиз. Масалан, Рим империяси заволга юз тутганидан кейин ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа мамлакатларида, ўрта асрларга келиб, миллий фалсафа яратиш имкони туқилди. (ўрта аср Европа маданиятига бақишланган мавзуда бу хақда атрофлича фикр юритамиз). Тўқри, улар умумевропа худудида, қадимги Юнонистон ва Рим маданияти негизида шаклланди. Уларда Европа халқларига хос умумий жиҳат ва хусусиятлар, умумэтник менталитет акс этган эди. Бу жараён аввало, Италия ва Англияда, сўнгра Францияда юз берди. Бу фалсафий мактабларнинг Ф. Бэкон ва Р. Декарт, Б. Спиноза ва Ж.Ж. Руссо каби атоқли намояндалари нафақат ўз мамлакатлари, балки Европа ва жахон фалсафаси тарихида ўчмас ном қолдирди. Улар, аввалambор, ўз юрти, ўз миллати шаъну шарафини юксакликка кўтариш, тараққиётга олиб чиқиш учун илқор қояларни ўртага ташлаган, давр тақозо этган мафкуранинг шаклланишига хисса қўшган.

Худди шундай, XV111-X1X асрларда миллийлик ва жахон фалсафасининг тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган худуд Пруссия бўлди. Узоқ вақт Австрия-Венгрия империяси таркибида бўлган бу ўлка мустақилликка эришиб, миллий давлатчилигини тиклаганидан кейин, миллий озодликнинг фалсафий инъикоси ўлароқ И. Кант, И. Ҳегел, Фихте, Шеллинг, Фейербах каби донишмандлар томонидан асосланган немис фалсафаси шаклланди. Кейинчалик бу фалсафа Ничше, Фрейд каби кўплаб файласуфлар томонидан ривожлантирилди. Ушбу фалсафа мактабининг атоқли намояндаси ҳисобланган Ҳегел таълимоти эса, Прусс монархиясининг давлат мафкураси мақомини олди. Ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини ниҳоятда яхши биладиган, янги замоннинг Арастуси номини олган Ҳегел Прусс монархиясининг ўткинчи эканлигини билмасмиди? Нима сабабдан у диалектик таълимоти эмас, балки монархияга хизмат қилган фалсафий системасининг мукаммалроқ бўлиши учун кўпроқ куч сарфлади? деган саволлар халигача файласуфларни ўйлантириб келади.

Хўш, нима сабабдан Ҳегел бу йўлдан борди? Чунки, Ҳегел ўз даврининг, ўз халқининг фарзанди эди. У мустақил немис миллий давлати — Прусс монархияси даврининг махсули, ўша давр фалсафасининг намояндаси эди. У «Файласуфлар осмондан ёмқир каби ёқилмайдилар ёки ёмқирдан кейинги қўзиқоринлардек ердан ўсиб чиқмайдилар, балки уларни халқ яратади» деганида айнан ана шуни назарда тутган эди. Ҳегел ўз ижоди ва фаолияти билан Прусс монархияси, гарчанд монархия шаклида бўлсада, немис давлати эканлигини ўз миллатининг онги ва дунёқарашини таркибий қисмига айлантириб кета олган буюк файласуф эди. Унинг «Ақлга мувофиқ нарсаларнинг барчаси воқедир, воқе бўлган нарсаларнинг барчаси эса ақлга

мувофиқдир», деган сўзларини ҳам ана шу маънода тушуниш лозим. Ҳегелнинг бу масалада диалектик эмас, балки метафизик усулга кўпроқ эътибор берганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Ўша давргача, Рим империяси қулаганидан кейин кўпроқ тарқоқ худудларга бўлиниб, Австрия-Венгрия имсперияси таркибида яшаб келган немис миллати учун Прусс монархияси — миллий давлат эди. Унинг шакли-шамойили келажакда ўзгариши бошқа масала бўлгани холда, бу давлатнинг Европада немис миллий давлати тарзида сақланиб қолиши, унинг миллат фалсафасига айланиши билан боқлиқ эди. Миллат фалсафасига, унинг дунёқарашига айланган миллий давлатчилик қояси хеч қачон сўнмайди, гарчанд юртни ёвлар асрлар давомида босиб турсаларда, қачондир барибир қад ростлайди ва миллатнинг давлати тарзида яна қайта намоён бўлади. Ҳегел ўз миллатининг фалсафаси ва дунёқашига ўша давлатнинг шакли-шамойилини ва мазмун-мохиятини сингдириб кета олган файласуф даражасига кўтарилгани учун ҳам бу миллат тарихида ва у орқали, жахон фалсафаси тарихида абадий қолади. Миллийлик ва умумевропа маданиятидан бахра олган бу фалсафа халигача ўз жозибасини йўқотмаганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Шунга ўхшаш вазифани, ўз даврида, миллатимизнинг асл фарзанди Алишер Навоий ҳам бажарган. У озодликка эришган миллат фалсафасини адабиёт фалсафасига, мустақил давлат тилини адабиёт тилига айлантира олган, ўз халқининг бу соҳадаги дахоси буюк эканлигига, нафақат замондошлари, балки келажак авлодларни ҳам ишонтириб кета олган эди. Навоий ва унинг замонига, ўша даврга хос ўзгаришларнинг бошида турган Амир Темур фаолиятига қайта-қайта мурожаат этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Зеро, ҳар бир халқ, аввало, ўзининг тарихидан бугунги кун учун ташбехлар излайди ва ижтимоий тараққиёти учун асос бўладиган маънавий тамойил, анъана ва қадриятларга мурожаат қилади.

Бугунги кунда башарият милодий XX аср билан хайрлашиб, учинчи минг йилликка қадам қўйди, ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Фан ва техника, маданият ва маориф беқиёс ривожланди. Одамзод ўзининг ақл-заковати ва мехнати билан жуда кўп янгиликлар яратди. Дунёнинг кўплаб сир-асрори кашф этилди, буюк ихтиролар қилинди.

Биз яшаётган дунё сўнгги йилларда нихоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул воқеалар юз берди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, туб ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар, айниқса фалсафий билимларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги дунёда ўз миллий фалсафа мактабини яратган халқлар бор. Чунончи, “ҳинд фалсафаси”, “хитой фалсафаси”, “немис фалсафаси”, “инглиз фалсафаси” кабилар шулар жумласидандир. Миллий адабиёт, миллий маданият, санъат ва хоказолар бўлгани каби, миллий фалсафанинг ҳам

бўлиши табиий. Аммо бу — фалсафа миллий қобиққа ўралиб қолади, дегани эмас. У умуминсоний фан сифатида, бир томондан, умумбашарий муаммоларни қамраб олса, иккинчи томондан, шу масалалар билан шуқулланаётган аниқ шахс – файласуф мансуб миллатнинг муайян манфаатларини ҳам ифодалайди. Миллат озод бўлса, ўз турмуш тарзига мос фикрласа, оламни, унинг муаммоларини дунёқарашига хос холда идрок эта олса, унинг ўз фалсафаси шаклланади. Бундай фалсафа халқ манфаатларини ақл-идрок, мафкура йўли билан ҳимоя қилишга, унинг онги, дунёқараши ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шу боис Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий фалсафани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамият касб этди. Бусиз миллатнинг хақиқий фарзанди бўлган, унинг камолини ўйлайдиган чинакам озод, ҳур фикрли, баркамол инсонни тарбиялаб бўлмайди. Шу сабабли биз ўрганадиган фалсафа умумбашарий муаммолар билан бирга, Ватанимиз мустақиллигини мустаххамлаш, хуқуқий демократик жамият барпо этиш жараёнидаги маънавиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий тамойилларини акс эттирмоғи лозим.

Бугун улуғ аждодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг барча шарт-шароитлари мавжуд ва бунда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутади:

- халқимизнинг ўз миллий анъаналарига содиқлиги;
- мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончи;
- муқаддас қадриятларимизга ишонч-эътиқоди;
- мехнатсеварлиги, интеллектуал салохияти ва бошқалар.

ўзбек фалсафасини янада тараққий эттириш вазифаларини амалга ошириш қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга боқлиқ:

- биринчидан, мустамлакачилик шароитида сохталаштирилган тарихимизни хаққоний ёритиш фалсафий қоялар, қарашлар тарихини ҳам холис кўрсатиб беришни тақозо қилади. ўз даврида қимматли тарихий манбаларнинг йўқ қилингани ёки аёвсиз талон-тарож этилгани бу ишни қийинлаштирмоқда;
- иккинчидан, мавжуд манбалар араб ёки форс тилларида эканлиги, уларни биладиган файласуф олимларнинг, малакали таржимонларнинг камлиги умуминсоний маънавий меросдан бахраманд бўлиш ва улардан ижодий фойдаланишга тўсиқ бўлмоқда;
- учинчидан, одамлар онгидан мустабид тузумнинг сохта қояларини, улар қолдирган асоратларни сиқиб чиқариш, мафкуравий бўшлиқни янги қоялар билан тўлдириш, истиқлол мафкурасини шакллантириш муайян вақтни тақозо қилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги фалсафа масалалари билан шуқулланувчи олим ва тадқиқотчилар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Бунда, энг аввало, мазкур соҳага алоқадор ҳар бир юртдошимиз дунёқарашининг миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ўзгариши ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо

этилаётган хозирги даврда бу жараённинг қандай бориши янги фалсафий онгнинг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Ҳозирги давр фалсафасининг долзарб масалалари ва уни ўрганиш вазифалари. Фалсафий тафаккур ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боқлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ходисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди. Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу хол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда жамиятимизда истиқлол қояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни қуриш қийин. Истиқлол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажариш қоят мураккаб бўлиб, қуйидаги бир қатор муаммоларни хал қилишни тақозо этмоқда:

- кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос қайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;
- ўзбекистон фалсафасида жахон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгроқ фойдаланиш;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;
- маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;
- фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада кўпроқ мослаш, қўлланма ва дарсликларимизда миллий қоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини акс эттириш;
- истиқлол талабларига мос келувчи соқлом қояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш.
- жахон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя ва мафкураларнинг давлатлар ва халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш.

Ана шу масалаларни уй\ун холда хал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради.

Бунда, аввало жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз берадиган ижобий ўзгаришлар уни ҳаракатлантирувчи, тараққий эттирувчи асосий омил — инсон тафаккури, рухияти, хис-туйқуларига самарали таъсир этади. Шу билан боқлиқ равишда, Ватан ва халқ тарихи, маънавий-маданий мерос, она тили, дин, миллий турмуш тарзи, миллий урф-одатларни янги даврнинг мохият-мазмунидан келиб чиққан холда тиклаш,

бойитиш ва миллий қурур-ифтихорнинг юксалишида жуда улкан ўрин тутади.

Фалсафий дунёқарашни янгилаш зарурати бир қатор йўналишларда намоён бўлади.

1. Аввало бу келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боқлиқ. Бунда ана шу яратилажак янги жамият хақида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, миллий уйқониш ижтимоий тараққиёт тақозоси, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўқрисидаги қояларни одамлар дунёқарашида қарор топтириш зарур.

2. Фалсафий онгнинг янгиланиши мохият эътибори билан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида иқтисодий мустақилликка эришиш орқали сиёсий мустақилликни мустахкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, баҳамжиҳатликка хизмат қилувчи қояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги халқ иродасига, рухиятига, миллий туйқулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади.

3. Албатта, фалсафадаги янгиланиш миллат ва Ватан манфаатлари, истиқбол режалари, миллий қадриятларимиз рухига мос холда кечади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўқрисида халқимизда тўқри тасаввур ва тушунчаларни хосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4. Фалсафий тафаккур янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим вазифа покланиш жараёни одамлар рухияти ва тафаккурида амалий тус олиши учун ўзбекистон Конституциясида мужассам этилган мақсад ва қояларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Бу мақсад ва қоялар омма манфаатларини акс эттиргани боис уларни маънавий ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги, унинг фуқаролари тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиш, жамиятимиз ҳаёт тарзига хавф солиши мумкин бўлган тахдидларга қарши огохликни кучайтиришда фалсафа ва умуман, ижтимоий фанларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ўз халқи тарихини, ўз миллий маданиятини, урф-одат ва анъаналарини яхши биладиган, миллий қурури юксак авлодни тарбиялаш фалсафанинг муҳим вазифасидир.

6. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, мохият эътиборига кўра, инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. У нафақат умумжамият миқёсидаги, балки ҳар бир инсон камолоти учун ҳам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир. Шу маънода, у ҳам, жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг камоли ва ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган ислохотдир.

Мамлакатимизда бу борада жуда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бугун ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш

борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида қоятда масъулиятли вазифалар турибди. Биргина «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг ўзи бир неча йилларга мўлжалланган кенг кўламли фаолият йўналишларини назарда тутади. Бугунги кунда сиёсий, мафкуравий ва маънавий соҳалардаги тараққиёт вазифалари ўзаро уйқунлашиб бормоқда, таъсир доираси анча кенгаймоқда. Айниқса, мафкура борасидаги назарий фаолият, тарқибот ва ташвиқотни ҳар томонлама кучайтиришга алохида аҳамият бериш заруратга айланиб бормоқда. Галдаги вазифалар эса, ана шу имкониятларни амалий ишга айлантиришда ҳар биримиз ўз масъуллигимизни қай даражада сезишимиз ва қандай фаолият юритишимизга боқлиқ.

XXI асрга келиб, инсоният қоят мураккаб, оламшумул муаммолар қаршисида турганлигини англай бошлади. Хусусан, ядро уруши хавфи, кескинлашаётган экологик муаммолар, хом-ашё ва энергетика ресурслари, Ер шари ахолисининг шиддат билан ўсиб бораётгани, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, соқлиқни сақлаш, маориф ва маданиятни, фан-техника ва технологияни ривожлантириш муаммолари янгича тафаккурни тақозо қилмоқда. Бу масалани миллий ва умуминсоний фалсафий қояларни, назарияларни ишлаб чиқмасдан хал қилиш мумкин эмаслиги эса тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Фалсафа ижтимоий ҳаётда инсоннинг мохияти, яшашдан кўзлаган мақсади, олий қадрият экани, маънавий омиллари (идеаллари), борликдаги ўрни, муносабатлари сабаблари, рухий ва моддий эхтиёжларини қондириш усул ва воситалари — барча-барчасини кўрсатиб беради.

Жамият тараққиёти ва фалсафанинг ривожланиши диалектикаси ана шу хусусиятларга асосланиб, ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бир томондан, жамиятнинг ўзгариб бориш тамойили фалсафий ғоя, назария ва таълимотлар ўзгаришини тақозо қилади. Иккинчи томондан, ўзгараётган фалсафа жамият моддий-маънавий ҳаёт тарзини илқаб олиб, унинг истиқболларини белгилаш, мафкурасини шакллантиришда назарий, услубий асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўттган бугунги кунда кишилар тафаккури ва онгида сақланиб қолаётган эскича фикрлаш қолипларини бартараф этиш, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни рақбатлантириш, миллий ўзликни англаш, истиқлол мафкурасини шакллантиришда шошилмай, бехуда хис-хаяжонларга берилмасдан, ақл-заковат билан иш тутишда фалсафанинг ўрни ва аҳамияти қоятда улкандир.

Фалсафа ҳар қандай мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятда ҳам кишиларни юксак қоявийлик, мустахкам эътиқод, келажакка ишонч рухида тарбиялаш билан бирга, уларга муроса ва ҳамкорлик қилиш, чигал муаммоларни ҳам умуммиллий, умуминсоний манфаатларни назарда тутган холда маданий ва маърифий хал этиш имкониятларини топишга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар

Фалсафа, файласуф, фалсафий муаммолар, фалсафанинг миллийлиги, фалсафанинг умуминсонийлиги, дунёқараш, дунёқарашнинг вазифалари, мифологик дунёқараш, диний дунёқараш, фалсафанинг вазифалари, тафаккурнинг ўзгариши, дунёқарашнинг янгиланиши

Такрорлаш учун саволлар

1. «Фалсафа» тушунчасининг моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Фалсафанинг баҳс мавзулари нима?
3. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Фалсафа миллий бўлиши мумкинми?
5. «Дунёқараш» тушунчаси, унинг мохияти ва тарихий шакллари.
6. Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари нималардан иборат?
7. Ўзбекистонда янги дунёқарашни шакллантириш вазифалари.

2 МАВЗУ. ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРИХИ. ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси хақида борар

экан, бу хақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар «Бизга минг йиллар қаърида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда, яхшиси, бугуннинг гапидан гапиринг?", «Ўтмиш қаъридан ташбех излагандан кўра, бугунги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасми?» деган хаёлларга бориши мумкин. Бир қарашда уларнинг гапида ҳам жон борга ўхшайди. Аммо бир нарса аниқ: ўтмишни билмасдан туриб, келажакни тўқри тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ.

Шу маънода, биз фалсафа тарихини азбаройи ўтмишга қизиққанимиз учун ўрганмаяпмиз. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ходисаларнинг фалсафий фикр ва онгида қандай акс этгани, уларни қандай қояларнинг туқилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби хақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз. Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу — фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих хақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди.

Қадимги Шарқ фалсафаси ва унинг миллий йўналишлари. Шарқ қадимий маданият ўчоғи ва жахон цивилизациясининг бешиги дея бежиз таърифланмаган. Зеро, Шарқнинг ўзига хослиги, унга мансуб бўлган маданий тараққиёт жахон цивилизациясининг бешиги, дунё халқлари ривожига қўшилган муносиб ҳисса экани ҳам сир эмас.

Шарқ маданияти тараққиётининг илк даврлари деганда, кўпгина мутахассислар бизнинг Ватанимиз ўтмишини, Миср, Бобил ва инсоният тарихининг энг қадимги цивилизацияларидан бири бўлган Шумер даврларини, қадимги Хитой ва Ҳиндистон диёрида яшаган халқларнинг маънавий меросини эсга олади. Буларнинг ҳар бири инсоният тарихида жамият ҳаёти, қадриятлар тизимининг ўзига хослиги, бошқариш ва иқтисодий жараёнларнинг муайян тарзда намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу маданият ўчоқлари хақида мактаб таълими жараёнида «Энг қадимги тарих» дарсликлари орқали маълумот берилган. Зукко талабалар ўша даврларда қандай сиёсий жараёнлар кечгани, қандай подшолик ва империялар бўлганини яхши билади. Биз бугун ўша даврлардаги фалсафий дунёқараш, қадимги аждодларимизнинг фикр-мулохазалари, ўзига хос таълимотларининг асосий тамойиллари билан яқинроқ танишмоқчимиз.

Қадимги Миср ва Бобил фалсафаси. Кўхна Шарқ цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Миср, қадимги замонда илк ўтроқ ҳаёт ва ўзига хос дехқончилик анъаналари бошланган Нил дарёси бўйларидаги маданият дунё олимлари диққатини тортиб келади. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йиллик бошларида қадимги Миср ва Бобил худудида дастлабки диний-фалсафий фикрлар, олам хақидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид қарашлар бирмунча ривож топа бошлаган эди. Табиий-илмий, диний-фалсафий фикрларнинг юзага

келиши икки йўналишда борган. Биринчи йўналиш олам хақидаги тасаввурларнинг астрономия, космология, риёзиёт фанлари ривожи билан боқлиқ эканини, иккинчи йўналиш эса, бу тасаввурларнинг мифология билан боқлиқ бўлганини кўрсатади.

Биринчи холда, асосан, табиий билимларга таянилган, кундалик ҳаётда дуч келинадиган воқеа-ходисалар аниқ далиллар асосида тахлил этилган, ўрганилган, улардан тегишли хулосалар чиқарилган. Бу – ўша давр учун табиий хол эди, яъни у – даврнинг инсон онгида акс этиши, кундалик турмуш ходисаларининг оддий бир тарзда ифодаланиши эди. Айнан ана шу хол табиий билимлар ривожига, гарчанд содда тарзда бўлса-да, аксарият ходисаларнинг фалсафий асосда изохланишига сабаб бўлган.

Иккинчи холатда эса, ҳали табиат кучларининг қаршисида ниҳоятда ожиз бўлган одамзод, албатта, теварак атрофдаги воқеа-ходисаларни мифологик изоҳлаши табиий бир ҳол эди. Шу билан бирга, одамнинг мавжудлик хоссаларини ва олам қонуниятларини илмий тушуниш кўникмаси хали шаклланиб улгурмаган ўша қадим замонларда, афсона ҳамда ривоятларга асосланиб фикр юритмасликнинг имкони ҳам йўқ эди. Бу – ўша даврлардан қолган ёзма манбаларда, хусусан, «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни хақида суҳбати», «Муғаннийнинг қўшиғи», «Ўз ҳаётидан хафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби битикларда акс этган.

Қадимги Миср ва Бобилда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборат эдики, уларда, бир томондан, илохий кучларга ишонч, уларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устувор бўлган бўлса, иккинчи томондан, афсона ва ривоятлар тарзида бўлса-да, дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шакллана бошлаган. Умуман, бундай хусусиятни, қадим замондаги барча цивилизацияларга хос дейиш мумкин.

Қадимги Ҳиндистон фалсафаси. Қадимги Ҳиндистон ҳам инсоният маданиятининг бешикларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба — «Веда»ларда ўз аксини топган. «Веда»лар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган бўлиб, мутаассиб диндор хинду учун олий муқаддас илм ва башорат китобидир. Ҳиндулар «Веда»ни олий тангри Брахма томонидан айтилган сўзлар деб билади. «Веда»да хиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «Веда»лар бизгача тўртта тўплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар — «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Адҳарваведа»дир.

Ҳинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машҳур бўлган манбаларда ҳам ўз аксини топган. «Упанишадалар» сирли билим деган маънони англатиб, «Веда»ларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби ҳар хил ва турлича фалсафий қарашлар махсулидир. «Упанишадалар»даги фалсафий мавзулар, асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва

инсон табиати, унинг ҳаёти ва рухиятининг мохияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари хақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик нуқтаи назардан баён этилган.

Қадимги хинд фалсафий мактаблар икки гуруҳга бўлинади. Ҳиндистонлик файласуфлар бу гуруҳларни астика ва настика деб атайди. Веданта, санкхья, йога, вайшешика, нъяя ва миманса — астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблардир. Ушбу мактабларнинг тарафдорлари «Веда»нинг муқаддаслигини тан олиб, бирдан-бир хақиқат ундагина ифодаланган, дейишади. Чорвака-локаята, буддизм ва жайнизм — настика гуруҳига киради.

Чорвака-локаята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун «Веда»нинг муқаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илохий куч томонидан яратилмаган, «Веда» хақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Буддизм ва Жайнизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам «Веда»нинг муқаддаслигини тан олмаган. Санкхья қадимги Ҳиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида моддий унсур (пракрити) модда ва рух (пуруша) ётади, деб ҳисоблайди. Бу йўналишга, асосан, оламдаги барча нарсалар икки унсурнинг турли тенг миқдорда (пропорцияда) бирикишидан юзага келади, олам сабабият орқали ривожланади, оламда учта сабаб мавжуд, дейилади. Улар қуйидагилардир: моддий сабаб, яратувчи сабаб, алоқадор бўлмаган сабаб. Бу фалсафий мактаб хақида буюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний «Ҳиндистон» асарида атрофлича фикр юритган.

Қадимги Хитой фалсафаси. Қадимги Хитойда фан ва маданият ўзига хос шаклда ривожланган. Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилнинг ўрталарига келиб, Юань-инь давлатида муайян хўжалик шакли юзага келган. Эрамиздан аввалги XII асрда эса, урушлар натижасида давлат Чжоу қабиласининг қўлига ўтган. Бу хокимият эрамиздан аввалги III асргача давом этган. Бу вақтда диний мифологик дунёқараш хукмронлик қилган. У олам ва табиатнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда тушунтирган ва дунёвий билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Бундай рухдаги фалсафий қоялар айниқса қадимги Хитой донишманди Конфуций (551-479) ижодида яққол акс этган. Унинг «Ҳикматлари», яъни афоризмлари жуда машҳур. Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган. Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу худудда миллий қоялар мажмуи, миллатнинг мафкураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. у хозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Конфуций фикрича, оламни осмон бошқаради. Осмон иродаси — тақдирдир. Биз яшаб турган олам, ундаги тартиб осмон хукмдори томонидан юборилган. Жамият ҳаётидаги тартибга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Тартиб, Конфуций нуқтаи назарига кўра, илохий мазмунга эга ва унинг мохиятини «Ли» тушунчаси белгилайди. у, яъни тартиб дунёнинг мохиятини

акс эттиради. Бинобарин, жамиятдаги барча ҳаракатлар унга биноан амалга ошиши лозим. Тартиб — инсоният жамоасининг энг олий ҳаётий қадриятларидан биридир. Конфуцийнинг таъкидлашича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак. Конфунций таълимотида инсоннинг ҳаётдаги ижтимоий ўрни ниҳоятда улуқ, у ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларига ҳам раво кўриши лозим.

Конфуцийнинг қарашлари кейинчалик жахон фалсафасида ахлоқий тамойиллар ривожида, адолат, биродарлик, эркинлик қоялари такомилида муҳим ўрин тутган. Бу таълимот Хитойда икки минг йил давомида давлат дини даражасига кўтарилган ва халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Қадимги Хитойнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири Лао-Цзидир (VI-V асрлар). Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоқи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тариқа шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйқунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир. Бу қонунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи «Ци», яъни бешта унсур — олов, сув, хаво, ер ва ёқоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди. Лао-Цзининг таъкидлашича, оламда хеч бир нарса доимий ва ўзгармас, ҳаракатсиз холда бўлиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги ҳамма нарса бир холатдан иккинчи холатга ўтиб туради. қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш, яъни инь ва Янъ орасидаги муносабат — бизни ўраб турган оламни ҳаракатга келтирувчи кучлар манбаидир. Инь ва Янь ўртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонида туриши, ўзини қуршаб турган табиат ва атрофдаги оламга мехр кўрсатиши лозим. Бўлмаса, Дао қонуни бузилади ва бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради. Лао-Цзи бу ўринда экологик фалокатни назарда тутган. «Кишилар Дао қонунини бузмасликлари керак, акс холда табиат улардан албатта ўч олади», деган эди Лао-Цзи. Буни экологик фалокатлар авж олиб бораётган бугунги кун воқелиги ҳам тасдиқлайди.

Умуман, табиат, жамият ва инсонга нисбатан эхтиёткор муносабатда бўлиш, Она замин ва Ватанни асраб-авайлаш, одамлар ўртасидаги муносабатларда яхшилик томонида туриш — қадимги халқларга хос бўлган фалсафанинг бош қояларидир. ўша, ҳамма нарса оддий тушунилган қадим замонлардаёқ буюк ақл эгалари одамларни табиатни асрашга, инсонни қадрлашга чақиргани бежиз эмас. Улар инсоният ҳаётига хавф соладиган даражага етмай туриб, у борадаги муаммоларнинг олдини олиш тўқрисида жуда ибратли ўгитлар берган. қадимги дунё фалсафасини чуқурроқ ўрганган одам ўша давр мутафаккирлари хозирги замон цивилизацияси қаршисида турган барча умумбашарий муаммолардан одамларни огохлантирганлигининг гувохи бўлиши мумкин. Гап бу огохлантиришни эшитиш, уларни ўзлаштириш ва ҳаётнинг қонунига айлантиришда эди, холос. Афсуски, одамзод насли ўзи яратган буюк дахоларнинг барча ўгитларига ҳамма вақт ҳам қулоқ солавермаган. Илм ва фанда неча-неча кашфиётлар қилинган, аммо улардан ўз вақтида керакли тарзда

фойдаланилмаганига кўхна тарих гувоҳ. Бугун ҳам аждодларимизнинг Ватан, табиат, жамиятни асраш, ундаги тартиб ва қоидаларни бузмаслик тўғрисидаги даъватлари эскиргани йўқ. Йиллар, асрлар ўтиши уларнинг қадрини туширмайди. Зеро, бу таълимотлар инсониятнинг ўтда ёнмас ва сувда чўкмас умуминсоний қадриятлари тўғрисидадир.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги фалсафий қарашлар. Зардўштийлик таълимоти. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр махсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардўштийликдир. Бу таълимотга Зардўшт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳурдир. Манбаларга кўра, Зардўшт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканли хақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Лекин унинг пайғамбарлиги илохий китобларда ўз тасдиғини топмаган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу таълимот Ватанимиз худудида, хусусан, Хоразм заминида пайдо бўлган. Зардўштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. Унда қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий қарама-қарши кучлари - яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим борасидаги қарашлар ўз ифодасини топган. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Фалсафа тарихида македониялик Шох Филиппнинг ўғли Александр (эски ўзбек тилида Искандар дейилган) истилоси ва Грек-Бақтрия даври фалсафаси ҳам халқимизнинг тараққиёт тарихида муҳим ўрин тутган. Манбаларда Александр «Авесто»нинг кўпгина қисмини ёндириб юборгани хақида маълумотлар бор. Бугунги кунгача ҳам айрим тарихчилар Александр «Авесто»нинг тилини билмагани, уни ўқий олмагани сабабли бу китобнинг қадр-қимматини тушунмаган ва уни ёқиш тўқрисида кўрсатма берган, деган фикрларни баён этадилар. Аслида ундай эмас. Бу — тарихий хақиқатни, гарчанд у кимлар учундир аччиқ ва кимлар учундир ибратли бўлса-да, хаспўшлашга уринишдан бошқа нарса эмас. Негаки, Александр ўз замонида фанларнинг отаси деб ном олган фалсафани фан даражасига кўтарган, буюк донишманд сифатида етти иқлимда тан олинган Арастудан таълим олган эди. Бинобарин, Александрни саводсиз, китобнинг қадрини тушунмайдиган кимса деб таърифлаш тарих хақиқатига тўғри келмайди.

Тўғри, у «Авесто»ни ўтда куйдирган бўлиши мумкин. Лекин буни китобнинг қадрини тушунмагани учунмас, балки ерли халқларни бирлашишга даъват этиб турувчи, улар эътиқод қўйган миллий ғоялар тимсоли бўлган ва ўз салтанатига қарши муттасил кураш олиб борувчи ватанпарварларни тарбиялайдиган манба эканини назарда тутиб, шу ишни амалга оширган. У, юқорида таъкидланганидек, мазкур китоб омон турса, у ушбу замин фарзандлари учун ўзликни англаш, бинобарин, куч-қудрат манбаи бўлиб қолаверишини ниҳоятда яхши тушунган. Александрдан кейин яшаган Рим императорлари ҳам Миср ва Византияга қарши уруш қилиб,

яхудийларнинг ерини босиб олганида туб ахолининг маданий бойликларини йўқ қилгани, «Забур» ва «Таврот»нинг қадимги нусхаларини куйдириб юборгани юқоридаги мисолнинг тасодифий эмаслигидан далолат беради.

Умуман, ҳар қандай шароитда ҳам истилочиларнинг биринчи иши халқ ва миллатларни зўрлик билан босиб олиш, бойликларини талаш бўлса, кейинги асосий фаолияти — миллатни ўз тарихи ва анъаналаридан узиб қўйиш, маданий меросини талон-тарож қилиш, унинг маънавиятини йўқотишдан иборат бўлади. Тарихнинг бу аччиқ сабоқи мустамлакадан озод бўлган, ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустахкамлашга интиладиган ҳар қандай халқ тараққиёти учун энг муҳим хулоса бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жахонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидҳарта уруқидан чиққан Гаутама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Бу таълимот ўрта Осиёга эрамиздан аввалги II-I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тоҳаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини хукмрон динга айланган эди.

Буддавийликнинг ўзбекистон ва Ҳиндистон халқи ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари ҳам ўша даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айниқса, ёшларимизнинг хинд халқи, унинг маданияти ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. У зардўштийлик ва христианликнинг синтезлашуви натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисолалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Моний хатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган. унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси – яхшилик ва зулмат дунёси- ёвузлик бўлган. Улар ўртасида абадий кураш боради, инсон икки унсурдан (рух — нур фарзанди, жисм — зулмат махсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли хукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида Маздак таълимоти юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида халқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, ҳурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига рахнамолик қилгани учун тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, издошлари кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган. Унда асосий ёвузлик-бойликка хирс қўйиш ва ўта камбақаллик қораланади. Бу инсонпарвар ҳаракатдан чўчиган шох Маздакни турли хийлалар билан ўлимга махкум этади. Маздакийлар ҳаракати,

эрамизнинг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятига эга. Ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жахон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган. Афсуски, Ватанимизнинг ана шу давр тарихи ниҳоятда кам ўрганилган. Бу даврга оид манбаларнинг аксарияти эса йўқ қилиб юборилган. Бу вайронкорликнинг бошида милоддан аввал македониялик Александр турган бўлса, мамлакатимизни забт этган кейинги босқинчилар ҳам ана шу йўлдан борган. Улар халқ онгидан мустақиллик ва эркин ҳаёт тўғрисидаги мақсад-муддаоларни бутунлай йўқотиб юборишга уринишган. Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Босқинчилар Мовароуннахрда ниҳоятда бой маданият шаклланганини эътироф этган. Аммо унинг босқинчилик ғояларига мос келмайдиган жуда кўп намуналарини аёвсиз йўқ қилишган.

Араб халифалиги ва ислом фалсафаси. Мовароуннахр араб халифалиги таркибига киритилиши арафасида Турк қоғоноти тизимига мансуб эди. У майда амирликлардан иборат бўлиб, улар ўртасида тинимсиз тўқнашувлар рўй бериб турар эди. Айниқса, Турк қоғоноти билан сосонийлар Эрони ўртасидаги тўқнашувлар ўта шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу худуд араб халифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннахр худудида яшовчи халқлар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, ўзаро қирғин-баротларнинг авж олиши сабаб бўлди.

Мовароуннахрга араб халифалиги билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Ушбу диннинг назарий асослари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда акс этган бўлиб, ислом асрлар давомида юртимиз тарихи ва халқимиз тафаккурига катта таъсир кўрсатган. Бу ҳақда манбалар кўп ва биз шу сабаб бу тўғрида кенг тўхталмаймиз. Ислом фалсафаси ва унинг назарий ҳамда амалий масалалари ҳақида ҳам юртимизда манбалар бисёр.

Исломда калом илми шаклланган ва у ислом илохиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир. У диний ақидаларни асослаб беришда Қуръонга таянади ва Оллоҳнинг ҳақлиги, уни оламнинг яратувчиси эканлиги, олам ва инсоннинг Оллоҳ томонидан яратилгани ва одамзотининг тангри олдида масъул эканлигини таъкидлайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан буён ўтган асрлар давомида исломда турли мазҳаблар ва оқимлар шаклланди, калом билан ёнма-ён маънавий жараёнлар силсиласида машшоийунлар ва таббиийунларнинг (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга ахд қилганларнинг) фалсафий қарашлари ҳам намоён бўлди.

Қадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият ва донишмандлик кўп холларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлса, ислом фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятининг юксак бир шакли

сифатида қаралади. Исломда давлатни бошқариш — бу санъат, аммо у “Оллоҳ ҳаммани тенг қилиб яратган” деган ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг ҳуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади, деб ҳисобланади.

Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар такомили. Мусулмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз худудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллох, инсон ва табиат масалалари илохиёт ва дунёвий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган. Бирон та буюк аллома ва мутафаккир исломий қадриятлар мавзуини четлаб ўтмаган.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий ва имом Бурхониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилганлар. Имом Бухорий (810-870йиллар) йирик илохиётчи, мухаддис сифатида 60 мингга яқин хадис тўплаган, улардан ишончли деб топганлирини махсус тўплам холига келтирган. Бу тўплам «Сахихи Бухорий» номи билан машҳурдир. Имом исо Термизийдан (824-892) “Сунани Термизий мерос бўлиб қолган. Бу мазхабнинг муҳим жиҳатлари калом ва илохиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «Тавхид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурхониддин ал-Марғиноний (1123-1197) нинг «Ҳидоя» тўпламида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Дунёвий илмлар соҳасида Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Ахмад ал-Фарғоний (тахм. 797-865) бутун мусулмон Шарқи ва жахонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли хисса қўшган буюк алломалардир. Муҳаммад ал-Хоразмий араб халифалигининг пойтахти Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-хикма») га рахбарлик қилган. Унинг «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоби тўқрисида рисола», «қуёш соати тўқрисида рисола», «Мусиқа хақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди.

Шарқ халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Ахмад ал-Фарғоний (тахм. 798 й. да қувада туқилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси хақида китоб», «Астрономия асослари», асарларида коинот ҳаритаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар хажми, иқлимлар, жўқрофий кенгликлар тўқрисида кузатувчилар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда хиссий ва ақлий мушохада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди ва ундан кейин яшаган илм ахлига таъсири сезилиб турди.

Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абу Наср Форобий (873-950) – мусулмон Шарқида Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг қаламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-

илмий ва фалсафий муаммолар шархлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини тахлил қилишга бағишланган. Мутафаккир оламни икки кўринишда: «Вужуду вожиб» (оллох) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва рухий нарсалар) мисолида талқин қилади, барча нарсалар «вужуди вожиб» туфайли яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан сабабий тарзда боқланади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий. Олам сифат, миқдор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Билиш жараёни ақл ва сезгилар орқали юзага келади. Билишда ақл ва мантиқ илмининг мақоми беқиёсдир. Ақл воситасида инсон илм-фанни яратади. Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил хукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўқрисида илқор қояларни илгари сурган. Форобийнинг Шарқ халқлари фалсафий тафаккури ривожига бўлган таъсири сезиларли бўлган.

Абу Райхон Беруний (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни ўрганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг ўзаро тортишуви, қуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер қаърида рўй берадиган геотектоник силжишлар, Ер қиёфасининг тадрижий тарзда ўзгариб туриши, хилма — хил оламлар тўқрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий қарашлари табиий-илмий қарашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эхтиёжларини қондиришдир. Билиш сезгилар етказиб берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг юқори босқичи ақлий билиш учун ўзига хос кўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба орқали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кўра, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг сохибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун қамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туқи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоқида туғилиб, Ҳамадонда вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 номдан зиёдроқдир. Улар тиббиёт,

фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, мусиқа, фармакология ва бошқа соҳаларга бақишланган. Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби», «Табиат дурдонаси» каби асарлари машҳурдир. Борлиқни талқин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуди вожиб» биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуди мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши доимий бўлганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулохазалари эътиборга моликдир. Унга кўра, сабаблар моддий (муайян холатни келтириб чиқарувчи сабаб), фаол (муайян холатни ўзгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил қувватлар билан боқланган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларнинг пировард мақсади) сабаблардан иборатдир. Ибн Сино Закариё ар-Розий ва Беруний каби жахон фалсафий тафаккури тарихида биринчилардан бўлиб кузатув ва тажрибага муҳим эътибор қаратди. Масалан, аллома улар кўмагида хастанинг холати, келажакда кутилаётган кайфияти, дори-дармонлар таркиби, инсон ва атроф-мухит ўзаро муносабати муаммоларини хал этишга уринди.

Хуллас, Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган ислом дини, исломий таълимотлар, тасаввуф фалсафаси, имом Абу Ҳанифа, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридий ва имом Бурхониддин Марғинонийлар ғоялари, Мусо ал-Хоразмий ва Ахмад ал-Фарғоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий қоялар, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий қарашлари, фандаги янги йўналишлар биринчи галда мусулмон Шарқи, қолаверса, бутун жахон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равнақига ҳаётбахш таъсир кўрсатди.

Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ходиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва хиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун вахдоният — Оллохнинг бирлиги, Оллох ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан рухан бирлашиб кетиши каби мушохадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим намояндалари ва тарафдорларини сўфийлар, деб атаганлар ва «сўфизм» атамаси шундан пайдо бўлган. Расмиятчилик, ақидачиликни тасаввуф ахли қабул қилмаган. Уларнинг фикрича, иймон-эътиқоднинг мохияти Оллохдан бошқа нарсага мухтож бўлмаслик, хеч қандай мулкнинг қулига айланмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшашдир. Оллохга етишиш учун қалбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор. Ана шундагина инсон дили нур билан тўлади, нуқсонларни бошқалардан эмас, ўзидан излайдиган даражага кўтарилади, Ҳақ сари яқинлашади, бемаъни қараш ва тушунчаларнинг қуллик кишанидан ўзини озод қилади, чунки инсон қалби ҳурдир.

Бутун ислом оламида кенг тарқалган тасаввуфнинг юртимиздаги энг кенг танилган йўналишлари кубравия, яссавия, нақшбандия тариқат-сулукларидир.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро (1154-1226) Хевада туғилган, асарлари орасида «Шархус-сунна вал-масолих", «Усули ашара», «Фавоихул-жамол» кабилар машҳурдир. Кубравия тариқатининг мохияти ўнта усулда мужассамлашган. Булар — тангрига ўз хохиши билан юзлашиш, зухд фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул — Оллохга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, узлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр — узлуксиз зикр, таважжух — Ҳаққа мухаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, муроқаба — тафаккурга қарқ бўлиш, ризо — тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

Кубро мўғуллар билан бўлган жангларда жасорат кўрсатган ва шахид бўлган. Мўғуллар Кубронинг номи улуқлиги, обрўси баландлигини ҳисобга олиб, унга озод бўлиши, омон қолиши мумкинлигини, бунинг учун эса қамал қилинган қалъадан чиқиб кетиши кифоя эканини билдирган. Аммо Кубро бундай жон сақлагандан кўра, ўз халқи билан бирга юрт ҳимояси йўлида жон беришни афзал кўрган. Ривоят қилишларича, ул зот қартайиб қолганига қарамай, жангчиларга фаол кўмак берган. Буни кўрган шогирдларидан бири «Устоз, анчадан бери байроқ кўтариб чарчадингиз, уни менга беринг», деганида, у «Агар кучим бўлганида қилич ёки камон олган бўлар эдим. Байроқни бизга қўйингда, сиз ё қилич ёки найза билан ёғийга қарши курашинг», деган экан. У байроқни шунчалик махкам ушлаган эканки, халок бўлганидан кейин, қўлидан байроқни олишнинг иложи бўлмаганидан, бир мўғул Кубронинг қўлини кесиб олган экан.

Яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Ахмад Яссавий (1166 йилда вафот этган). Туркистоннинг Сайрам музофотида туғилган, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдухолиқ \иждувонийга қолдириб, Ясси — Туркистон шахрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машқул бўлади.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган хикматлари девонида ўз аксини топган. Унда илохий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик хақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алохида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллахонада ўтказган. Яссавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Қозон шаҳригагача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

Машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган яна бир улуғ зот - Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг мохияти «Дил — ба ёру даст — ба кор» шиорида яққол ифодасини топган. Унга кўра инсон Оллох иноятн натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллохда, қўли эса мехнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва хақиқат мақомларини эътироф этади.

Нақшбандниng таъкидлашича, шариат — ахдга вафо, исломнинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Ҳақиқат — бехуда ишлардан узоқлашиш, хақ ишларга боғланиш. Демак, шариат — қонун, тариқат — йўл, қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилни поклаб, руҳни илохий қувватдан бахраманд қилади.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катта ўрин тутган ва ўз таъсирини ҳалигача сақлаб келмоқда.

Ватанимиз цивилизациясининг шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига таъсири ниҳоятда катта бўлган. Унинг худудида араб халифалигидан нисбий мустақилликка эришган давлатларнинг ташкил топиши, халқимизнинг бақрикенглиги туфайли янги марраларга эришилди. Дунёвий ва диний соҳалардаги маданий-маънавий юксалиш мазкур уйқониш даврининг ёрқин тимсолидир. «Авесто» анъаналари, табиатни ўрганишдаги ютуқлар, гуманитар соҳадаги ижобий силжишлар, Шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига самарали таъсир кўрсатди. Ўша даврда жахон миқёсида Ватанимизнинг маънавий-интеллектуал нуфузи ортиб борди. У жахондаги йирик маданият ва илм-фан марказига айланди.

Афсуски, бу маданий уйғониш мўғул босқини туфайли таназзулга юз тутди. Амир ва султонлар ўртасидаги ўзаро ихтилофлар, ноахиллик Чингизхон босқинига қўл келди. Бу босқин мўғулларнинг 1218 йилда Ўтрор шахрини босиб олиши, унинг хокими, Хоразмшохнинг қайноғаси, Инолчиқни банди қилиши ва қулоғига қайнаб турган кумушни қуйиб юборишдек хунрезликдан бошланди. Муғулларнинг хукмронлиги даврида ана шундай қонхўрлик тинимсиз давом этди. Кўркам шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Илм-фан, маданият, жумладан фалсафа илми ҳам инқирозга учради.

Гарчанд уқувсиз хукмдор Муҳаммад Хоразмшох салтанатни сақлаб қола олмаган бўлса-да, халқимизнинг босқинчиларга қарши кураши асло тўхтагани йўқ. Баъзи тарихий манбаларга кўра, ўша даврда ниҳоятда катта худуддан 600 мингга яқин қўшин тўплаш мумкин эди. Бу қўшин тўпланганида ва тажрибали лашкарбошига топширилганида Чингизхон салтанатни босиб олиши гумон эди. Инсониятнинг ўтмишини яхши биладиган баъзи олим ва мутахассисларнинг фикрича, агар шох ўзининг ёвқур ўғли Жалолиддинни аввал бошданоқ тахт вориси этиб тайинлаганида ва қўшиннининг ихтиёрини унга топширганида, нафақат Осиё тарихи, балки жахон тарихи бошқачароқ йўлдан кетиши мумкин эди.

Афсуски, тарих «Агар ундай бўлмаганида эди...» қабилидаги тамойилларни тан олмайди. Чингизийлар босқини Ватанимиз маданий тараққиётини бир неча асрлар орқага суриб юборди. Ўша даврда босқинчиларга қарши курашнинг энг атоқли вакили Жалолиддин Мангуберди эса миллатимиз озодлиги учун олиб борган курашининг тимсоли сифатида тарихимиз сахифаларида абадий қолди.

Амир Темур ва темурийлар даври фалсафаси. Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг

йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жахон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта хисса бўлиб қўшилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий дахоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг сохибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустахкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир.

Муғуллар ўрнатган мустабид тузумнинг Амир Темур дунёга келган даврида ерли ахоли ўртасида чуқур ижтимоий ва маънавий уйқониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, «Тарихи, ўша даврдаёқ, минг йилликлар қаърига кетган буюк халқ мустамлакачилик азобида ётаверадими?» ёки «Мустақиллик учун кураш олиб боришда давом этади ва озодликка эришадими?»- деган асосий саволлар атрофида рўй бераётган эди.

Муғуллар мамлакатимизни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан истило қилган эдилар, аммо уни маънавий бўйсўндириш, маданий жиҳатдан мўғулларнинг устунлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кўчманчилик ва шаҳарларни ғорат қилишдан бошқасига ярамайдиган, ўтроқ ҳаётга менсимай қарайдиган Чингиз авлодлари маънавий ва маданий жиҳатдан ўзларидан устун бўлган халққа нима ҳам бера олар эдилар? Улар ўз хукмронлигининг охиригача ҳам Ватанимизда бирорта тузукроқ яшаш мумкин бўлган янги шаҳар барпо этмадилар, маданият ўчоқларининг юксалиши учун имкон бермадилар, ерли ахоли орасидан чиққан баркамол кишиларни қиличдан ўтказиб турдилар. Аммо халқ иродасини бука олмадилар, унинг озодлик ва мустақилликка интилишини тўхтатиб қўя олмадилар. Амир Темур ана шу ҳаракатнинг натижаси, халқининг миллий ғояларини рўёбга чиқариш учун тарихий шаклланган зарурият, ўша пайтда ҳарбий уюшқоқлик, сиёсий хушёрлик, фодокорлик жиҳатидан жахонда тенги йўқ миллатга айланган халқ дахоси яратган буюк жахонгир эди. Халқ жахонгирга айланганида ўзининг жахонгирини яратади. Гохида бир жахонгир миллат бошқасини уйғотиб юборади. Бу эса тарихнинг муайян худуддаги энг бурилиш нуқталарига тўқри келади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаган-ку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлайди. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? у фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тўла-тўкис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар ситемаси холос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйқун тарзда ёзиш орқали нисбатан тўқри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, унинг фаалияти,

темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожи каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ. қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаъб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулолаларни жахон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган бирор темурийзода бўлмаса керак. Тарих шундан далолат берадики, юртбошлиқлари фан ва маданиятга қизиққан, маънавиятни юксакликка кўтариш учун кўрашган ўлкада бу соҳаларда хақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргаликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлигини рад қилиш унчалик ўринли эмас. Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий ва иқтисодий асосларни тўла-тўкис яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйқуси билан ёндашуви, халигача ўз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини қўйиб юриши, бугунги кунларда ҳам ўша замондан ташбехлар излаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш (Шахрисабз) шахри яқинидаги Хўжа илқор қишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўқулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши курашиб, ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида «Куч — адолатда» тамойили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга мамлакатлар билан мустахкам алоқалар ўрнатилди.

Амир Темур мохир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннахр халқининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун сарфлади, унинг даврида хашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боқлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал худудига айланди.

Темурнинг яна бир улкан хизмати шуки, у маданият ва илм-фан хомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало ва дин арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машқул бўлдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, ўша даврда Самарқанд энг гўзал шаҳар эди. Испан сайёхи Р. Г. Клавихо Самарқанднинг гўзаллигига қойил қолган эди. Темур хукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо кучайди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Русия, араб мамлакатлари билан алоқаларнинг кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини ўша даврда асосий мафкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйди. Сохибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, хақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик қояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўқри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуқулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан қочиш, халол мехнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга мехр-шафқат кўрсатиш каби қояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темурнинг пирлари бўлиб, сохибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган.

Темурийлардан Шохруҳ, Улуқбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шохизинда, Бибихоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шахрисабз) Оқсарой барпо қила бошлади. Мирзо Улуқбек даврида 1417-1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432-1433 йилларда \иждувонда мадрасалар қурилди, Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси қуриб битказилди. 1429 йили эса Улу\бекнинг фалакиёт расадхонаси нихоясига етди. Хиротда ҳам кўплаб меъморчилик бинолари барпо қилинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонақохлардан иборат бўлган Гумбази сабз, Алишер Навоий қурдирган «Ихлосия», «Низомия», «Шифоия» мадрасалари, Марв шахридаги «Хусравия» мадрасаси ва бошқалар киради. Навоий яшаган замонда Хиротда «Шарқ Рафаэли» деб ном олган Камолиддин Бехзод (1456-1535) ва шох Музаффар каби дунёга машҳур рассомлар ижод қилди. Бехзод «Зафарнома» китобига, Хусрав Дехлавийнинг «Ҳамса», Саъдийнинг «Бўстон» асарларига нақш берган ва Хусайн Бойқаро, Хотифий, Жомий ва бошқаларнинг расмини чизган, халқнинг мехнатини, табиат манзараларини хаққоний тасвирлаган.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Ҳуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жахонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, хандаса, тарих, адабиёт, жуқрофия, педогогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик қоялари олқа сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Бехрўз ва Бахром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар хақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшох Самарқандий, «Юсуф ва Зулайхо», «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), Ҳайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Ҳилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» («икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофизи Абрунинг (1361-1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 да вафот этган) «Равзат ал — жаннат фи авсоф мадинат», Фосих Ҳавофийнинг (1375-1442) «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг (1454да вафот этган) «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг (X1V аср ÕV асрнинг боши) «Зафарнома»си ва бошқалар машҳур эди.

Ўша замоннинг энг машҳур тарихчилари Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475-1535) эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшохлар ва халифалар таржимаи холлари хақида поклик боқлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади. Хондамир ҳам Ҳиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка хавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисолалари «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўлланма» ва бошқалардир.

X1V-XV асрларда мантиқ, табий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларидан бири Саъдиддин Тафтазонийдир (1322-1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоқида дунёга келади. Ёшлигидан илохиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуқулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, Ҳирот, Жом, \иждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шухрати, илмий ишлари Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади. Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Тахзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш») «Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ходий», (Араб тили граматикасига оид «Йўл бошловчи рахбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шархлар ҳам битган.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси Мир Саййид Шариф Журжоний Астробод шахри яқинида туқилган. Журжоний Истамбул, қохира, Ҳирот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фиқх ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради. Журжоний 50дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фиқх, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бақишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари хақида рисола»), «Сукро» («Кичик далил бўла оладиган хукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладиган хукм»), «Авсат дар мантиқ», («Мантиқда ўрта хулоса»), «Рисолайи вужудия» («Борлиқ хақида рисола») ва бошқа асарлари мавжуд. Булардан ташқари, Журжоний

салафларининг, хусусан ибн Сино, Чақминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шархлар ёзганлиги маълум.

Умуман олганда, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантиқий қарашлари илм-фан ривожида катта хисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

Жахон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарақай Улу\бек (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баркамол ижод қилган. Унинг отаси, Амир Темурнинг ўқли Шохруҳ Мирзо эди. Улуқбек ёшлигидан илм билан қизиқди. унга таниқли олимлар қозизода Румий ва \иёсиддин Жамшид устозлик қилдилар. У гарчи давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан равнақига кўп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, Муҳаммад Хоразмий, ал-Фарқоний, Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади.

Улуғбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самарқандда, Кўхак тепалигида, Оби Рахмат ариқининг бўйида, расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона қурилиши 1424 йилда бошланиб, 1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» деб аталади. Ундан ташқари, Улуқбек математикага оид «Бир даража синусни аниқлаш хақида рисола», астрономияга бақишланган «Рисолайи Улу\бек» ва тарихга оид «Тўрт улус тарихи» китобларини ёзди. Улуқбек мантиқ илми, фиқхшунослик, мусиқа ва адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ва холати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

Улуқбек ўз атрофига қобилиятли олимларни тўплади, ўзга мамлакатлардан иқтидорли алломаларни таклиф этди. Ана шундай олимлардан бири Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший (1430 йилда вафот этган) бўлиб, у йирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтох ул-ҳисоб» («Ҳисоб калиди»), «Рисола ал-мухитийа» («Доира хақида рисола») ва бошқалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али қушчи номи билан машҳур бўлган Алоуддин Али ибн Муҳаммад қушчи (1403-1474) Улуқбекнинг шогирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт соҳасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми хақида рисола», «Мантиқ рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошқалардир. Али қушчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва қуёш тутилиши қонуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг қонуниятларини ўрганди, жисмлар ҳаракати ва уларнинг оддийдан мураккабга ўтиши тўғрисида ўз фикрларини илгари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Улуқбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ходисаларни ўрганишда муҳим рол ўйнади, ўша вақтгача фанга маълум бўлмаган ходисаларни идрок қилиб, инсон ақл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтирди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир кўрсатди. Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги ғояларини

Европада XV1 асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошқалар ривожлантирдилар.

Улуғбек ислом динига чуқур эътиқод қўйган, илохиёт ривожига муносиб хисса қўшган, мактаб ва мадрасалар қуришга эътибор берган шоҳ ва жахонга машҳур олим эди. Лекин собиқ шўролар даврида унинг табиий-илмий қарашлари ислом динига қарши қаратилди, хатто уни атеист даражасига кўтаришга уринишлар ҳам бўлди. «Улуғбек Мирзо — деб таъкидлаган эди Алишер Навоий, — донишманд подшох эди. Камолоти бағоят кўп эрди». “Темурхон наслидин Мирзо Улуғбек, Ки дкнё кўрмади подўлҳ анингдек” мисралари ҳам Навоийга тегишлидир.

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳирот маданий ва илмий марказга айланди. Айниқса, Темурийлардан Хусайн Бойқаро хукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби жахонга машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. ўрта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуқ шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомийни (1414-1492) Навоий устоз деб ҳисоблар эди. Унинг қаламига мансуб асарлар «Нафахот ул-унс», «Ҳужжат ул-асрор», «Мусиқа хақида рисола», «Нақши фусус», «Вохид атамаси хақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари хақида рисола», «Баҳористон» ва бошқалардир. Жомийнинг энг йирик асари «Ҳафт авранг» бўлиб, унга «Тухфат ул-ахрор», «Сухбат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайхо», «Сухбат ул-асрор», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол», «Хирадномайи искандарий» достонлари киради.

Барча мусулмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлақ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо мавжуд бўлганда, борлиқ йўқ эди, дунё ўзининг бошланқичини Оллохдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб ҳисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлари унинг инсонпарварлик қоялари билан чамбарчас боқланиб кетади. Мутафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, мухаббат, эзгулик қоялари тасвирланади. Жомий нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради.

Жахон маданияти равнақига улкан хисса қўшган сиймолардан бири, улуқ ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоийдир (1441-1501). Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина Шахрисабздан Ҳиротга бориб қолган барлос бекларидан эди. Навоий Ҳиротда Хусайн Бойқаро саройида турли лавозимларда ишлади, 1472 йилдан бошлаб вазир этиб тайинланди. Мамлакат ободончилиги, халқ равнақи ва осойишталиги йўлида кўп ишлар қилди.

Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Ҳамса» яъни «Ҳайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари ҳамда «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси»), «Лисон ут — тайр», «Мажолисун нафоис», «Махбубул қулуб», «Мезон ул-авзон», «Мухокамат ул-луқатайн» ва бошқалар.

Навоийнинг ижоди фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа,

таълим-тарбия хақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган. Шоир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадиий ўхшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зохирий ва ботиний маъноларда баён қилинади. Навоийнинг ижодий меросида инсонпарварлик ва комил инсон ғояси муҳим ўринни эгаллайди. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, мухаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари, насихатомуз сўзлари республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳам баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

ўша даврнинг кўзга кўринган мутафаккирларидан бири Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий (тахм.1440/1450 — 1505 йилларда яшаган) бўлиб, Ўрта Осиё ва Ҳуросонда ахлоқ фалсафаси ривожига хисса қўшган. Кошифий Сабзавор шахрида таваллуд топади, кейинчалик Абдурахмон Жомийнинг таклифи билан Ҳиротга кўчиб келади. У қолган умрини Ҳиротда ўтказади ва шу ерда вафот этади. Олимнинг муҳим рисолалари «Ахлоқи мухсиний» «Футувватномайи султоний», «Анвари Сухайли», «Махзанул-иншо», «Рисолайи хотамия» ва бошқалардир. Кошифий катта олим ва мударрис бўлиб етишади, бутун умрини илм-фан ва насру-назм равнақига бақишлайди. У Навоий ва Жомий билан дўстона алоқада бўлади. «Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий тахаллус қилур, сабзаворликдур. Йигирма йилқа яқин борким, шаҳардадур ва мавлоно зуфундун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлқайким, дахли бўлмақай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг хаққидур ва ҳар қайсида машҳур ишлари бор...» — деган эди Навоий унинг хақида.

XV асрнинг охиридан бошлаб Темурийлар давлати секин-аста инқирозга юз тута бошлади. Бунга темурий шахзодаларининг ўзаро уруш-жанжаллари, тарқоқликнинг кучайиши, ўзаро низолар, тахт учун курашлар натижасида мамлакатнинг бўлиниб кетиши, иқтисоднинг тушкунликка учраши сабаб бўлди. Натижада Мавороуннахр Шайбонийхон томонидан босиб олинди.

Бобур ва бобурийлар даври фалсафаси. Темур авлодидан бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди. Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонида туғилган Бобур кейинчалик Ҳиндистонда улкан салтанатга асос солди. Бобур даврида хинд диёри гуллаб яшнади, ундаги маданият юксак даражага кўтарилди. Ҳиндистоннинг XX асрдаги энг атоқли кишилари Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру ҳам Бобур ва бобурийлар — Шох Жахон, Аврангзеб ва Акбар каби темурийзодаларга жуда катта баҳо берганлар.

Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган Бобур аввал Қобулда, сўнгра эса 1526 йилги Панипат жангида Иброхим Лўди устидан қалаба қозониб, Ҳиндистонда ўз хукмронлигини ўрнатди. «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятининг давомчиси сифатида машҳур бўлди.

Бобурнинг хизмати шундаки, у Ҳиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва қурилиш

ишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боқчалар, кутубхоналар барпо қилди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. Бобур илм-фан, санъатга катта қизиқиш билан қараган, юксак ақл эгаси, қомусий билимга эга бўлган давлат арбоби, олим ва шоирдир.

Бобурийларнинг кўпчилиги маърифатчилик билан машқул бўлдилар, олиму фузалолар билан маслахатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва хиндуларни келиштиришга, ахил яшашга чақиришда бўлди.

Бобурнинг машҳур тарихий асари «Бобурнома»дир. Булардан ташқари, у ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин», аруз илмига оид «Муфассал», мусиқа бўйича «Мусиқий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисолаларини ёзган. «Бобурнома» ўша даврдаги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афқонистон, Эроннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётини, савдо муносабатлари, жуқрофияси, ҳайвонот ва наботот оламини, иқлими, қабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини акс эттирган асардир.

Бобур ўзининг лирик шеърларида ишқ, мухаббат, Ватан соқинчи, мехр, вафо, инсонийлик, дўстлик, яхшилик ва мехр-оқибатни куйлади.

Жавоҳарлал Неру Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолиятига катта баҳо берган эди. Неру Бобурнинг дилбар шахс эканлиги, мард ва тадбиркорлигини, санъатни севганини ва умуман, Ҳиндистон учун кўп иш қилганлигини таъкидлаган эди. Бобур ва бобурийларнинг сиёсий, маданий фаолиятлари Ҳиндистон ва ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини мустахкамлашда хозир ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

Шундай қилиб, XIV-XV асарларда Мовароуннахр ва Ҳуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарқ мамлакатларига тўқри келмаслиги тўқрисида ўз фикрларини айтмоқдалар. Нима бўлганда ҳам Европада XV-XVI асарлардаги кўтаринкилик, Ренессанснинг муҳим хусусиятлари Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш бир-бирига кўп томонлари билан ўхшаб кетади. Булар орасида муштаракликлар кўп.

XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда ишлаб чиқариш ўсди, ички ва ташқи савдо, хунармандчилик, дехқончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди, инсон ақл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларига эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди. Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар мустақил давлатимизни мустахкамлашда, маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий қоя ва мафкурани шакллантиришда маънавий озуқа вазифасини ўтамоқда.

Темурийлардан кейинги ижтимоий жараёнлар ва фалсафий тафаккур. XV1 асрдан бошлаб Мавороуннахрда ўзаро урушлар, низолар авжга чиқди, Темурийлар давлати инқирозга юз тутиб, майда давлатларга бўлиниб кетди. Натижада Шайбонийлар давлати тузилди, 1510 йилда

Шайбонийхон Исмоил Сафавий лашкарлари томонидан ўлдирилганидан сўнг, марказлашган давлат инқирозга юз тутди.

Шайбонийлардан Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин вафотидан сўнг, XVI аср охирида бу давлат барҳам топиб, хокимият аштархонийлар сулоласига ўтди. Имомоқулихон (1611-1642) даврида давлат бирмунча мустахкамланган бўлса-да, кейинги даврларда тахт учун курашлар давом этди. Бу эса иқтисод, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат равнақига ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, табиий-илмий фанлар ривожи заифлашди, дунёвий билимда таназзул рўй берди.

XVI-XVII асрларда фалсафий ва ахлоқий фикр соҳасида Пошшохўжа, Мирзажон аш-Шерозий ал-Бағнавий, ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин. Бундан кейинроқ халқимиз фалсафий тафаккури тарихида Боборахим Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди Фароғий ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари муҳим ўринни эгаллади.

Улар орасида Машрабнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлари эътиборга сазовордир. Боборахим Машраб (1640-1711) Наманганда таваллуд топади. У Мулла Бозор Охунддан диний-тасаввуфий таълимот сирларини ўрганади. Кейинчалик эса Офоқ Хожага муридлик қилади, 1675 йилда Наманганга қайтади. Машраб ўзининг маънавий устозлари сифатида Боязид Бистомий ва Мансур Ҳалложларни эътироф этади, кейинги ҳаётида Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларининг кўп жойларида хусусан, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хўжанд, Бадахшон ва бошқа ерларда бўлади. У умрининг охирида Балхда бўлиб, Қундузда Махмуд Қатағон томонидан қатл қилинади.

Ўзининг ижтимоий-фалсафий фикрлари билан Марказий Осиё маданиятига катта таъсир кўрсатган шоир ва файласуф Мирза Абдулқодир Бедилдир (1644-1721). Бедил илмнинг кўп соҳалари, хусусан фалсафа, адабиёт, санъатшунослик бўйича ижод қилди. У хинд, араб, эрон, кўплаб Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олимдир. Булардан ташқари, Бедил Саъдий, Аттор, Жомий, Ҳофиз, Навоийларнинг шеърияти, дунёқарашини пухта билган. Вахдати-мавжуд оқими тарафдорлари сирасига кирган. Унинг муҳим асарлари «Чор унсур», «Ирфон», «Рубоиёт», «Ғазалиёт» ва бошқалардир.

Мирза Бедил ижтимоий-сиёсий қарашларида жамият, инсон, давлат ва унинг келиб чиқиши, уни бошқариш йўллари, дехқончилик ва унинг фойдаси хақида фикр юритди. Айниқса, у инсонни юксак даражага кўтарди, унинг ирқи, дини ва миллатидан қатъи назар ҳурматга сазовор эканлигини уқтирди. У одамлардаги ватанпарварлик, мехнатсеварлик, вафодорлик, сахийлик, самимийликни қадрлади, дангасалик, такаббурлик, очкўзлик, ёлқончилик, маккорликни қоралади. Бедилнинг инсонпарварлик руҳи билан суқорилган ижтимоий ва фалсафий қоялари ўша даврда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим ўзининг фалсафий қарашлари билан ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий, илмий ва дўстлик алоқаларини мустахкамлашга катта хисса қўшди.

Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиги давридаги ижтимоий тафаккур. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Марказий Осиёда уч давлат — Қўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирликлари пайдо бўлди. Улар даврида ҳам илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантирган баъзи мутафаккирлар яшадилар.

Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Огахий ва Мунис каби шоирлар ижод қилдилар: Огахий — Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли 1809 йилда Қиёт қишлоқида туғилиб, 1874 йилда вафот этган. Шоирнинг муҳим асарлари «Гулшани давлат», «Риёз уд-давла», «Жомеъ ул воқеоти Султони», «Зубдат ут-таворих», «Шохиди иқбол», «Баёзи мутафарриқаи форсий», «Фирдавс ул-иқбол» ва бошқалардир. Булардан ташқари, Огахий Саъдий Шерозий, Низомий, Кайковус, Жомий ва Кошифийнинг бадиий, тарихий, фалсафий, ахлоқий-дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Огахий ўзининг «Қасидаи насихат» номли асари ва бошқаларда давлатни бошқариш йўлларини кўрсатади, Хива хони Ферузга мамлакатни одилона бошқаришнинг йўл-йўриқларини айтади. Огахий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик қояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этди. Унинг тарихий рисолалари хаққонийлиги билан ажралиб туради. Мутафаккир Хива хонлигининг 1813-1873 йиллар тарихини ёзиб қолдирган. Ҳозирги вақтда, тарихимизни холисона яратишга интилиш кучайган бир шароитда, Огахий асарларининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Қўқон хонлиги худудида яшаб ижод этган ўша давр маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндалари Нодира (1792-1843), Увайсий (1789-1850), Дилшод Барно (1800-1906), Муқимий (1850-1903), Фурқат (1859-1909), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914) ижтимоий зиддиятлар кучайган даврда яшадилар. Улар фалсафий фикр ривожига муносиб хисса қўшдилар.

Ўша давр фалсафий тафаккури нуқтаи назаридан отаси Увайсийнинг жияни бўлган Анбар Отиннинг "Қаролар фалсафаси" ("Рисолаи фалсафаи сиёҳон") рисоласи муҳим аҳамиятга молик асардир. Асар кичик муқаддима ва тўрт фаслдан иборат бўлиб, унда шоиранинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, ўзи яшаган давр ва унинг муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари акс этган. Муаллиф рисолада замона адолатсизлиги ва меҳнатчи халқнинг оғир аҳволидан нолийди, мустамлакачилик залолатларини кўрсатади, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қидиради, маърифатни улуғлайди, фалсафий тафаккурни юксалтириш ҳақидаги хулосаларини баён қилади.

Рисоладаги хулоса ва мулоҳазалар ўша давр маърифатпарварлари дунёқарашини, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби алломалар пешқадам бўлган ҳурфикрли ўзбек зиёлиларининг фалсафий тафаккури, ундаги устивор ғоя ва қарашларни ҳам ўзига хос тарзда ифодалайди. Ана шундай ҳассос фикрлар б-н ниҳояланган бу асарнинг ҳар бир фаслида шоиранинг шеърлари ва ғазаллари берилган, улар асар мазмунига мос ҳолда жойлаштирилган. Рисола Анбар Отин қўлёзмалари таркибида Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв №1647). У шоиранинг

1970 йилда Ғ.Ғулом нашриётида “Шеърлар. Рисола” номи билан чоп этилган тўпламига киритилган. Асарда умрининг охирги йилларидаги “қаро”ликлар захматини бошидан кечираётган шоиранинг давр ва унинг залолатлари ҳақидаги фикрлари ниҳояланган, бу борадаги ғоя ва қарашларига хулосалар қилинган. Афсуски, асар фалсафий нуқтаи назардан ниҳоятда кам ўрганилган, холбуки унда шу соҳадаги тадқиқотлар учун объект бўладиган қизиқарли мавзулар борлиги шубҳасиз.

Ўша даврда Туркистонда кўплаб маърифатчилар етишиб чиқди. Маърифатпарварлик мафкурасининг кўзга кўринган вакилларидан бири Бухора амирлигида катта мавқега эга бўлган аллома Ахмад Дониш (1827-1897) бўлиб, у фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, тарих соҳасида асарлар ёзган. У мамлакатни одилона бошқариш учун ислохот зарурлигини уқтиради. Давлат, олимнинг нуқтаи назарича, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, хукмдор эса, билимдон, ақлли бўлиб ўз атрофидагилар билан кенгашиб давлатни идора қилиши лозим. Бундай фикрлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар олимнинг «Наводирул-вақое» ва бошқа рисолаларида ўз ифодасини топган. Олимнинг асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод этган қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Бердақ (1827-1900) «Омонгелди», «Халқ учун», «Ахмоқ подшо», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Ерназарбий» каби асарларнинг муаллифидир. Ушбу асарларда мутафаккир қорақалпоқ халқининг турмуш тарзини, ўша замондаги ҳаётини мохирона тасвирлайди. Бердақ асарларида ахлоқ ва хулқ-одоб, нафосат ва гўзаллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тенглик, қахрамонлик ва мардлик, мустақиллик, хақиқат учун кураш каби миллий ва умуминсоний қадриятлар кенг ўрин олган. Унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари ёшлар онгида маънавият ва миллий мафкурани шакллантиришда муҳим тарбиявий кучга эга.

19 аср охири ва 20 аср бошидаги фалсафий тафаккур. Минтақамиз 19 аср охирларида Чор Россияси таркибига зўрлик билан қўшиб олинди ва бу ижтимоий тафаккурда чуқур из қолдирди. Туркистонда маърифатчилик ҳаракатининг авж олиши жадидчилик ғояларининг вужудга келишида муҳим ўрин эгаллади. Лекин Шўролар даврида жадидчилик кўпинча бир томонлама талқин қилинди, унинг қоя ва мақсадларини сохталаштириш ва хатто уни миллатчилик ҳаракати деб баҳолаш холлари ҳам бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу ҳаракатни холисона ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш имконияти туқилди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Туркистонда мустақиллик, миллий тараққиёт учун, халқнинг манфаатлари учун кураш олиб бордилар. Жадидчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти уни миллий-озодлик ҳаракати ва Туркистонда миллий буржуазияни вужудга келиши билан чамбарчас боқлиқлиги эди.

Ўша даврда жадидчилик ҳаракатининг қатор вакиллари етишиб чиқди. Булар Мунаввар қори, Авлоний, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқалардир.

Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар қуриш, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларни илмли қилиш, маърифат ва тараққиёт учун

курашга катта хисса қўшган мутафаккирдир. Бехбудий янги мактаблар учун «Рисолайи асбоби савод», «Рисолайи жукрофияи умроний», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Рисолаи жукрофияи русий» ва бошқа дарсликларни ёзади. Унинг асосий асари «Падаркуш» драмасидир. Булардан ташқари, Бехбудий кўплаб публицистик мақолалар ёзди, матбуотда хизмат қилди, нашр ишлари билан машқул бўлди. Унинг мақолаларида миллат ва Ватан тақдири, мустақиллик қояси, ахлоқ ва таълим-тарбия ва бошқа масалалар ўрин олган.

Жадидчилик ҳаракгининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Авлонийдир (1878-1934). У педагогик фаолият ва бадиий ижодни қўшиб олиб борди. Авлоний очган мактабларда дунёвий фанларни болаларга ўқитиш йўлга қўйилди. Мутафаккир «Иккинчи муаллим», «Биринчи муаллим», «Алифбедан сўнгги ўқув китоби» каби дарсликларни яратди. Айниқса, олимнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги болалар дунёқараши, миллий онги ва мафкурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда болаларга илм-фан сирларини ўргатиш, яхши хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, Туркистон халқини асрий қолоқликдан қутқариш йўллари, иқтисод, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни хомашё қарамлигидан халос этиш, маърифат ва маънавиятни юксалтириш масалалари ёритилган. Авлоний «Адвокатлик осонми», «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби», «Икки севги» ва бошқа драматик асарлар ёзиб, ўзбек театри ва драматургияси ривожига муносиб хисса қўшди.

Жадидчилик ҳаракгининг яна бир ёрқин вакили Абдурауф Фитрат (1884-1939) бўлиб, илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган мутафаккирдир. Олим «Сайха» («Бонг»), «Ҳинд сайёхининг қиссаси», «Учқун» тўплами, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «ўзбек тили грамматикаси», «Чиқатой адабиёти» ва бошқа кўплаб асарлар ёзди. Фитратнинг асарларида халқни жахолат ва нодонликдан қутқазиш, илм-маърифатга чорлаш, миллий мустақилликка эришиш, халқнинг ўзлигини таниши, онгининг ўсиши, кучли ва ривожланган давлат тузиш, халқнинг билимдон бўлиб, тижорат ва тадбиркорлик билан шуқулланиши, Европанинг фан ва техника ютуқларини ўрганиш каби қоялар илгари сурилади. Унинг юқоридаги миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билан суқорилган қоялари хозир ҳам тадбиркорлик, маънавият ва маърифатни равнақ топтиришда, миллий қоя ва мафкурани шакллантиришда, халқнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, Ўзбекистон худудидаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини қисқа ёритиш шундан далолат берадики, у бизнинг давримизгача узлуксиз равишда маданият, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Лекин мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр тарихига бир томонлама, синфий нуқтаи назардан ёндашилди, фақат коммунистик партия мафкураси талабларига тўғри келадиган ғоя ва фикрларга эътибор берилди. 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан сўнг аста-секин ўтмиш маънавияти, фалсафий фикри ўрнини марксча-ленинча мафкура эгаллай бошлади. Олий ўқув юртлари, кенг халқ оммаси орасида диалектик ва тарихий материализм ва илмий атеизм тарқиб қилинди, уларга тўқри

келмайдиган таълимотлар қаттиқ танқид остига олинди. Энг ачинарлиси шуки, ўз миллий маданияти, урф-одати ва анаъаналарига содиқ бўлган, уларни сақлаб қолишга интилган зиёлилар, шоир ва ёзувчилар қувғинга учраб, қатағон қилинди.

Лекин юқоридан бўлган тазйиқларга қарамай, маданий-маънавий ва ижтимоий-фалсафий меросимизни ўрганиш, тадқиқ қилиш тамоман тўхтаб қолмади. 60-70 йилларда И.М. Мўминов, В. Зоҳидов, кейинроқ эса, О.Файзуллаев, Э.Юсупов, М.Хайруллаев, Ж.Туленов, Ҳ.Пўлатов каби олимларнинг ижтимоий-фалсафий тадқиқотлари ўша давр тафаккурини акс эттиришда аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви фалсафий меросимизни холисона, хаққоний ва янгича тафаккур асосида тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Эндиги вазифа собиқ мафкуранинг асоратларини бартараф қилиб, миллий мафкурамизга таяниб, бой маънавий ва маданий қадриятларни, ижтимоий фалсафий тафаккур тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир.

Таянч тушунчалар зардўштийлик, «Авесто», Конфуцийлик, «Веда»лар, буддавийлик, илк ўрта асрлар фалсафаси, «Қуръон», Ҳадислар, ислом фалсафаси, тасаввуф, темурийлар даври фалсафаси, «Темур тузуклари», «Зижи Кўрагоний», “Хамса”, “ Бобурнома”, хонлик ва амирликлар даври фалсафаси, “Қаролар фалсафаси”, жадидчилик, жадидлар фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Шарқ — инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоғи.
2. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?
3. Зардўштийликнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ислом дини ва фалсафаси тўғрисида нималарни биласиз?
5. Темур ва темурийлар даври фалсафаси
6. Амирлик ва хонликлар даври фалсафаси.
7. 19 аср охиридаги миллатнинг тарқоқлиги ва маънавий таназзул оқибатлари.
8. Жадидчилик - миллий тараққиёт учун кураш фалсафаси.

3 МАВЗУ. ФАЛСАФАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ. ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Режа:

1. Қадимги Юнонистон ва антик давр Рим фалсафаси.

2. Рим империясининг қулаши ва илк ўрта асрларда Европа маданияти.

3. Уйғониш даври ва XVII-XIX аср Европа фалсафасидаги оқимлар ва йўналишлар.

4. XX аср ва ҳозирги замон Ғарб фалсафаси

Қадимги Юнонистон ва Рим фалсафаси. Қадимги давр фалсафасининг бир силсиласи Юнонистон ва Римга тегишлидир. Бу даврдаги фалсафий қарашлар — антик давр фалсафаси деб юритилади. Унда Милет фалсафий мактаби, Элей фалсафий мактаби, Фалес, Зенон, Гераклит, Пифагор, Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит, Эпикур ва бошқаларнинг фалсафий, табиий — илмий, ижтимоий — ахлоқий таълимотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар ўртасида Милет шахрида юзага келган ва ривожланган. Милет мактаби вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Унинг асосчиси Фалес (эрамиздан аввалги 624 — 547 йилларда яшаган). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси бўлиб, ўз даврининг етук сиёсий арбоби, файласуфи бўлган. Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ходисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо бўлган ва яна сувга айланади ва бу моддий бирлик доимо ўзгаришда бўлади. Анаксимандр (Фалеснинг шогирди) эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI ўрталарида яшаб ижод этган. У «Табиат хақида» асарини ёзган, бироқ асар бизгача ётиб келмаган. Фалес оламнинг асосига сувни қўйган бўлса, Анаксимандр дунё — чексиз, газсимон апейрондан иборат, иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик апейрондан ажралиб чиқиб, модданинг бир холатдан иккинчи холатга ўтишини таъминлайди, деб ҳисоблаган. Унинг таълимотини замондоши, шогирди Анаксимен давом эттирди. Анаксимен (эрамиздан аввалги 588-525 йиллар) хаво — оламнинг асоси, деб билган. Унингча, хавонинг қуюқлашишидан сув, ер, тош каби моддалар ташкил топган, сийраклашишидан эса олов пайдо бўлган.

Яна бир юнон файласуфи Гераклит (эрамиздан аввалги 520-460 йиллар) Кичик Осиёнинг Ғарбий қирғоғидаги Эфес шахрида заргар оиласида дунёга келган. У стихияли диалектикага асос солган, олов — оламнинг асоси, деб билган. Унинг фикрича, оламда ҳамма нарса ҳаракатда. «Оқар сувга бир сонияда икки марта тушиш мумкин эмас, чунки сув ҳар дақиқада янгиланиб туради». Оламда турғунлик йўқ. Гераклитнинг фикрича, доимий ўзгариш, ҳаракат ва ўзаро қарама-қарши томонларга ўтиш — жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боқлиқ. Масалан, денгиз суви инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлса, балиқлар учун айни муддаодир. Гераклитнинг қарашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатган.

Пифагор (эрамиздан аввалги 580-500 йиллар) Юнонистоннинг Самос оролида яшаб ўтган файласуфлардан биридир. У қадимги Юнонистонда диний-мафкуравий фалсафий мактаб, яъни пифагорчиликка асос солган. Пифагор ўзининг сиёсий қарашлари туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган ва Самосни тарк этиб, жанубий Италияга кўчиб кетган, ўша ерда ўз

уюшмасини ташкил этган. Унингча, дунёни билиш жараёни, аввало, рақамларни билишдан бошланиши керак. Пифагорчиларнинг таълимотига кўра, оламнинг асосида модда ҳам, табиат ҳам эмас, балки идеаллашган рақамлар ётади; нарса ва ходисалар айнан ана шу рақамлар махсулидир. Пифагорчилар биринчи бўлиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ходисаларни изохлашда миқдор категориясини илгари суради.

Элей фалсафий мактаби намояндаси Ксенофан (эрамиздан аввалги YI — V аср) шоир ва файласуф бўлган. У Кичик Осиёда дунёга келган. Илм олиш мақсадида Юнонистонга, жанубий Италияга саёхат қилиб, умрининг сўнгги йилларини Элей шахрида ўтказган. Тарихчи Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, Ксенофант «Табиат хақида» асарининг муаллифидир. Афсуски, ушбу асарнинг ярмигина омон қолган, холос. Унинг фалсафий таълимотига кўра, табиат - ўзгармас ва ҳаракатсиздир, «Ҳамма нарса ердан униб чиқади ва пировардида яна ерга қайтади». Биз ҳаммамиз ердан туғилганмиз ва ерга айланамиз». Ксенофан қадимги юнон файласуфларидан биринчи бўлиб, билишнинг имконияти ва чегараси хақида фикр юритган. Бу қадимги юнон гносеологиясининг ривожига туртки бўлди.

Ксенофант илгари сурган ғоялар унинг шогирди Элей фалсафий мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, эрамиздан аввалги 504 йили туқилган Парменид томонидан ривожлантирилган. Парменидниг шогирди ва дўсти Зенон (490-430 йиллар) ўз устозининг таълимотини ҳимоя қилди ва уни ривожлантирди.

Қадимги Юнон маданиятида софистлар фалсафаси катта ўрин тутади. Софистлар антропология (инсон хақидаги фан) ва гносеология (билиш тўқрисидаги фан) муаммолари билан шуқулланган. Софистлар янги касбларнинг мохир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиқлар, суд махкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, хақиқат, осойишталик, адолат ўрнатишга хизмат қилган. уларнинг таълимоти Суқрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Суқрот (эрамиздан олдинги 469-399 йиллар) (асли — Сократ) — қадимги Юнон файласуфи, у камбағалдан чиққан, тош йўнувчининг ўғли, Афина ҳаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шуғулланган, ҳурфикрли инсон, ўта билимдон киши сифатида машҳур бўлган. Унинг ҳаёти фожиали тугагани тўғрисидаги мисол фалсафий афсонага айланиб кетган. Ўз даврида Афинадаги хукмрон тартиб-қоидаларга қарши чиқиб, янги фикрларни илгари сургани учун уни дахрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаганлар. Унга шунчаки айб эмас, сиёсий айб қўйилган. Гарчанд қутилиш имкони бўлса-да, қонун ва жамият тартибларини ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилганлиги боис, у жазодан қочишни истамаган ва бир қадах заҳар ичиб ўлган. Суқрот ва унинг тарафдорлари жамият қонунларига, улар қандай бўлишидан қатъи назар, сўзсиз итоат этишни тарғиб этганлари ғоятда ибратлидир. «Афлотун менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради» деган хикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Суқрот ўз таълимотини оқзаки равишда кўча-кўйда, майдонларда, хиёбонларда шогирдлари ва издошлари билан бирга шакллантирган ва халқ

онгига сингдиришга ҳаракат қилган, лекин бирорта ҳам асар ёзмаган. Унинг фалсафий, ахлоқий таълимотлари моҳиятини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Афлотунларнинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Суқрот хақида эсдаликлар» асарида ўз устози хақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб, ахлоқ-одоб борасида хаққоний фикр юритган инсон сифатида таърифлаган. Ёшларнинг ахлоқини бузган деб унга сиёсий айб қўйиш — тухмат эканини алохида таъкидлаган. Афлотун эса уни чуқур мулохазали, инсонни улуқловчи донишманд, дея таърифлаган, унинг фалсафий қарашларини ўз асарларида Суқрот номидан баён этган. Суқротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоқи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг ахволига боқлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганли боис халқимиз, буюк алломаларимиз Суқрот номини бенихоя ҳурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб хақидаги панд-насихатларига амал қилган.

Суқротнинг шогирди Афлотун (асли — Платон) жахон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломадир. У нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз қояларини диалоглар тарзида баён қилган. Афлотун 428 йил 21 майда Делос оролида туқилган. ўзидан кейин 35 дан зиёд диалог шаклидаги асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг у хақдаги маълумотларини бирдан-бир тўқри далил деб қараш мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

Афлотун «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» таълимотининг асосчисидир. Унингча, қоя хақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт қоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. \оялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиган зотлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур ном қолдиради. Аксарият кишилар эса, соялар дунёси билан кифояланади.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши Арасту (384 — 322 йиллар) (асли — Аристотель) қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи, ўзининг бетакрор, жахонни лол қолдирган илмий мероси билан машҳурдир. ўн етти ёшида ўз илмини ошириш мақсадида Афинага келиб, Афлотун асос солган академияга ўқишга кирган ва 20 йил давомида (Афлотуннинг ўлимига қадар) шу ерда тахсил олган. Кейинчалик Македония подшоси Филиппнинг II таклифига биноан, унинг ўқли Александрга 3 йил мунтазам устозлик қилган. Бинобарин, кейинчалик дунёни забт этиб, жахонгирлик мақомига кўтарилган Искандарнинг камолотида Арастунинг хизматлари беқиёс бўлган.

Кейинроқ Арасту Афинага қайтиб келиб, 50 ёшларида «Ликей» номли мактаб очган. Илмий фаолиятининг самарали бўлишида, умуман, Юнонистондаги илм-фан ривожида Александр томонидан кўрсатилган химмат ва рақбатлар муҳим аҳамият касб этган. Искандар вафотидан кейин унга қарши кучлар бош кўтариб, Арастуни дахрийликда айблашган ва судга тортишган. Суддан олдин Эвбей оролига кўчиб кетган Арасту кўп ўтмай ўша ерда вафот этган.

Арасту забардаст қомусий олим бўлиб, фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, нотиқлик санъати, табиий фанлар бўйича ўлмас, бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг ғоя ва қарашлари Шарқда кенг ёйилган ва у "Биринчи муаллим", дея эътироф этилган.

Юнон фалсафасида Демокритнинг қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади. У ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар — бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий холатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. У «на табиатда на жамиятда хеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот муҳим ўрин тутади. Унинг бу борадаги қарашлари сиёсий қарашлари билан узвий боқлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат — буюк қўрғондир. Давлат манфаатлари қолган барча нарсалардан устун турмоғи лозим.

Қадимги Юнон мутафаккири Эпикур (341-270 йиллар) Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотини янада такомиллаштириб, уни юқори поқонага кўтарган ва тегишли қарашлар билан бойитган файласуф. Эпикур таълимотича, олам — моддий, абадий ва чексиз. Атомлар — бўлинмас, олам — жисм ва бўшлиқдан иборат, деб ёзган эди у. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотига улкан хисса қўшган. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий таълимоти ўз замонасида илқор аҳамиятга эга бўлган. Рохат-фароқат, ҳурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шохона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш ҳамда рухий ташвишлардан халос бўлишни, озодликни тушунамиз, дейди Эпикур. унинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув қояси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари ҳамда XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Эпикур таълимотини римлик Лукреций Кар (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) давом эттирган. У «Нарсаларнинг табиати тўқрисида» номли асари билан машҳур бўлган. Яшашдан мақсад, деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам, худди табиат сингари, ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган холда ривож топади, дейди у. Унинг фалсафий қарашлари ўз даври ва ўрта аср фалсафасига ўз таъсирини кўрсатган.

Унинг фикрича, модда (материя) — абадий, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб, шаклини ўзгартириб яшаш — унинг хоссаси. Оламдаги барча нарсалар иккига — оддий ва мураккаб турга бўлинади. Лукреций Кар атом ҳаракатининг учта турини санаб ўтган. Булар — нарсанинг оқирликка эга бўлгани учун тўқри

чизиқли ҳаракати, нарсанинг ўзича оқиш ҳаракати, нарсага туртки бўлган асосга қаратилган ҳаракат. Лукрецийнинг назарияси мохиятан содда бўлса-да, табиатшуносликка улкан таъсир кўрсатган.

Рим империяси даври ва ўрта асрларда Европа фалсафаси. Европада қадимги Юнон ва Рим давридан ўрта асрлар фалсафасигача, яъни милоддан илгариги 1 асрдан милоднинг X1V асригача, бир ярим минг йил давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва амал қилди. Бу давр фалсафасида икки хил жараённи кўриш мумкин: 1. Хиристианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкурасига айланиши; 2. Ўрта асрларга келиб инквизициянинг устивор йўналишга айланиши. Гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм ва бошқа оқимлар ўша давр фалсафасининг қиёфасини белгилайди.

Гностиклар. Бу давр фалсафасида ўз ўрнига эга бўлган гностицизм эрамизнинг 150 йилларида ўзининг юксак равнақига эришади. Улар шундай фалсафий таълимот яратдиларки, уларнинг фикрича Худо руҳ сифатида ёвузликда мутлақо соф, инсон эса ўз табиатинниг руҳий жиҳати билан худога мослашган. Бу масалада гностицизм файласуфлари христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Агар бу уринишда гностицизм қалаба қилса, христианлик қадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини бўлиб қолар эди ва шундай бўлди ҳам. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон қилди.

Дуализм — гностицизмнинг асосий йўналиши, бу оқим тарафдорлари моддий ва руҳий дунё ўртасида мустахкам чегара мавжуд деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар худо хеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Гностиклар томонидан эълон қилинган дарвешлик (аскетизм) ўрта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Апологетлар христианлик тарихида 1 ва III асрларда вужудга келди. Апологетика сўзининг луқавий маъноси «ҳимоя қилиш», — демакдир. Апологетлар хукуматнинг христианликка бўлган душманлигини бартараф қилишга, Рим давлатининг христианликни таъқиб қилиши хеч қандай оқлашга лойиқ эмаслигини исботлашга ҳаракат қилганлар, ўз асарларида мушриклик (кўп худолик) адабиётларидан олинган бахслашиш (диалог) шаклидан, ёки апологетиканинг мумтоз шаклидан фойдаланганлар. Апологетлар асарларида икки анъана яққол сезилиб туради. Яъни инкор қилиш ва тасдиқлаш. Улар энг аввал мушриклар томонидан христианликка қўйилган айблар — ғайриодатий ҳаракатлар, дабдабабозлик кабиларни инкор қилганлар. Христианликнинг софлигини эса тасдиқлаганлар. Бу соҳада Юстиннинг «Биринчи апологея», «Иккинчи апологея» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

«Патристика» - сўзи «ота» («падре») сўзидан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Ғарбда епископларни уларга ҳурмат сифатида атаганлар. Машҳур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шархи эди. Унинг

асарларида инжилни амалий қўллаш соф ахлоқий масалалар билан қоришиб кетган.

Ғарбда энг йирик черков оталаридан бири «Пок» деган унвонга сазовор бўлган Аврелий Августин (354-430) бўлиб ҳисобланади. У файласуф ва ислохиётчи бўлган. Августин ўз ҳаётини епископликка, тадқиқотчиликка, адабиётга бақишлайди. У 100 га яқин китоб, 500 та даъват ва 200 га яқин номалар ёзади. Унинг ўша даврдаги энг машҳур асарларидан бири «Сиғиниш» 401 йилда ёзилган. Бу асарда у ўзининг христианликкача бўлган ҳаётини ёзади. Унда Таврот оятлари рамзий — тимсолий баён қилинади. У мушриклик фалсафасини қоралайди. Унингча, бу фалсафа инсонни христиан диничалик хеч маҳал хақиқатга олиб келмайди. Августин бахс шаклида бошқа (диалог) фалсафий асарлар ҳам ёзган.

«Схоластика»- сўзи юнонча «школа»дан («shola») олинган бўлиб, «ўқиш жойи»,»мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни, ёки умуман сарой мактабидаги ўқитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани татбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илохиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш деб ҳам баҳолаш мумкин. ўша даврда илохиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тоқозо қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми деган саволга жавоб бериш бўлган.

Реализм. Унинг йирик вакилларидан бири Ангельм Кеттерберий (1038-1109) дир. У Шимолий Италияда туқилган, 1093 йилда Кеттерберий шахрининг архиепископи этиб тайинланади. Ангельм ўзининг икки асари билан машҳур. Биринчиси «Монополия» — худонинг борлигини сабаб оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу исбот — космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда кўп неъматлардан фойдаланади. Бу неъматлар эса энг олий илохий неъматларнинг аксидир. Улар орқали ҳамма нарсалар мавжуддир. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни худо деб атаймиз.

Ангельмнинг иккинчи асари «Прологион» худо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам учун олий ва комил мохият хақида қоя мавжуддир. Бу қоя эса объектив мавжудликка эга бўлган реалликка мос келади. Чунки агар борлиқ мавжуд бўлмаганда эди, нарса комил бўлмас эди. Агар худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, худо реалликда мавжуддир.

Арасту таълимотининг кўп томонларини қабул қилган ўрта аср схоластлари мўътадил реалистлар деб аталганлар. Уларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Аквиниялик Фом лар бўлган. Британияда туғилган П. Абеляр (1079-1142) жуда ёшлигиданоқ ўз билими билан машҳур эди. Абеляр — мўътадил реалистдир. Унинг таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб худо ақлида мавжуддир, ундан кейин нарсаларнинг ўзида мавжуддир ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламан»

деган қояни илгари сурган. Яъни билмайдиган, билимсиз кишидан кўра, дин ва унинг асосий тамойилларини яхши ўрганган киши абзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр хақиқатни топишда тафаккурнинг хизматини таъкидлаб, унга ҳамма вақт мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, шубха ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса хақиқатни топади. Унинг фикрича, инсоннинг ўлими худони рози қилиш учун эмас, балки одамларни худога бўлган мухаббат билан таажжубга солиш ва одамларга ахлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз ҳаётини худога бўйсўндирадилар. Бу қараш ахлоқий таъсир қилиш назарияси деб аталади.

Аквиниялик Фома (1224-1292) мўътадил реализмнинг яна бир йирик вакили бўлиб ҳисобланади. Фома ўша давр учун Арасту натур фалсафасини илохиёт билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда у мўътадил реализм позициясида турган ва схоластиканинг энг йирик намояндаси бўлган. Унинг фикрича, натурал фалсафада тафаккур ва Арасту мантиқий таълимоти ёрдамида худо мавжудлиги хақидаги хақиқатга эришиши мумкин.

Фоманинг «Илохий суммалар» асари 3000 мақоладан иборат бўлиб, 600 масалани ёритишга бақишланган. У илохиётнинг системали баён қилиниши вазифасини бажаради. «Илохий суммалар»нинг биринчи қисми худонинг мавжудлиги ва борлиқи масаласида бахс юритади. Иккинчи қисми «худога қараб ҳаракат» хақида хикоя қилади. Фома таълимотидан кейинчалик «томизм» оқими шаклланди ва у «неотомизм» тарзида Ғарбда хозир ҳам сақланиб қолган.

Ўша даврнинг машҳур файласуфларидан бири Вильям Оккамдир (1309-1349). Унинг фикрича, илохиёт ақидалари рационал (ақл) йўл билан исботланиши мумкин эмас. Улар фақат Таврот нуфузи туфайлигина қабул қилиниши мумкин. Бу қараш эътиқод ва тафаккурни бир-биридан ажратарди, уларни омухта қилишни қораларди. Оккам, шунингдек, универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор қилади. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун фақат исмдирлар. Бу тушунчаларни одам ўз онгида яратган. Унингча, алохида одам инсонга нисбатан реалроқ ва муҳимроқдир.

Роджер Бэкон (1214-1292) ҳам Оккам мансуб бўлган оқим вакилларидандир. У ўз ҳаётини илмий тажрибаларга бақишлаган. Улар ёрдамида у тажрибавий фанга асос солди. Бундай методни XYII асрда Френсис Бэкон ишлаб чиқди. Ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллаш номиналистлар қарашларига тўлиқ мос келарди. Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрта аср схоластикасининг муҳим муаммоларидан бири эди. Бутун ўрта асрларда схоластиканинг бу икки оқими ўртасида кураш кетган. Схоластиканинг авжга чиққан даври — 1150 ва 1300 йилларда — Фома Аквинийскийнинг мўътадил реализми номинализм устидан қалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илохиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу кўп жиҳатдан уйғониш даври фалсафасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, хақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

Европа фалсафасининг ривожида университетлар муҳим ўрин тутади. Улар билим ва маърифатнинг ўчоқи сифатида 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд бўлган. Университет дастурининг жуда катта қисмини схоластика билан шуқулланиш ташкил этар эди. Университетларнинг вужудга келишининг сабаби машҳур олимларнинг фаолиятидир. XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлади ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шахрига оқиб кела бошлайдилар. Натижада Болонья шахри университети муваффақиятли фаолият кўрсата бошлайди. Абелярнинг ўқитувчи сифатидаги шухрати кўп жиҳатдан Париж университетининг вужудга келишига сабаб бўлди. Университетлар, шунингдек, талабаларнинг чиқишлари натижасида ҳам вужудга келган. Масалан, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, Англия талабаларига яхши муносабат билдирилмаганлиги уларнинг Париждан Англиянинг Оксфорд шахрига кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Бунинг натижасида машҳур Оксфорд университети ташкил топди. Кембридж университети эса Оксфорд университети талабаларининг қўзқолон кўтариши ва 1209 йилда уларнинг Оксфорддан Кембриджга кўчиб ўтишлари натижасида вужудга келди.

Университетлар қадимги Юнонистон ва Римда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур бўлган устоз ва шогирдлар тўпланиб илм ўрганадиган, ўргатиладиган ва илмий бахслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган бўлсалар-да, аммо фан соҳаларининг кўплиги туфайли алохида илм ўчоқига айланиб қолдилар. Уларнинг тажрибаси кейинроқ бутун дунёга тарқалиб кетди.

Уйғониш даври фалсафаси. Бу инсоният тарихида юз берган энг буюк илқор тараққиёт даврларидан бири эди. Уйқониш даврида ҳаётнинг ҳамма тармоқида муҳим, илқор, хатто айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлар юз бераётган эди.

Уйқониш даврида Европада фалсафанинг ривожланишига катта хисса қўшганлардан бири немис Николай Кузанийдир (1401-1464). Кузаний таълимотича, худо ҳамма нарсаларда мавжуд, шунингдек, ҳамма нарсалар худода мавжуд. Энг олий хақиқатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки, тажриба асосида амалга ошади.

У худони борлиқнинг олий ва ягона асоси деб ҳисоблайди. Бу масалада Кузаний шундай муҳим космологик фикрларни баён қиладики, хатто маълум даражада уни Коперник ва Бруноларнинг ўтмишдоши деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчи масала эса билиш назариясига нисбатан унинг бутунлай янгича ёндошишидир. Ушбу масалалар бўйича Кузаний томонидан илгари сурилган қоялар айрим холларда XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги немис философлари томонидан баён қилинган фикрларнинг дебочаси эди.

Философия ва фан ривожланишига энг катта хисса қўшган уйқониш даврининг мутафаккирларидан бири поляк олими Николай Коперникдир (1473-1543). Маълумки, фан тарихида Коперник ўзининг фанда туб ўзгариш ясаган гелиоцентрик таълимоти билан машҳур бўлган. Унинг таълимотича, инсонлар томонидан кузатиладиган қуёш ва юлдузларнинг ҳаракатлари

аслида Ернинг ўз ўқи атрофида кундалик айланишидан ва қуёш атрофида йиллик айланишидан иборат. Бизнинг планетамизнинг маркази Ер эмас, қуёшдир. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда тўнтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши хақидаги ва ўзгармас деб танилган таълимотига зарба берди. Агар ер оламнинг маркази эмас, балки қуёш атрофида айланувчи планеталарнинг бири бўлса, унда дунёни, коинотни мақсадга мувофиқ худо томонидан одамлар учун яратилганлиги хақидаги талимот асоссиз бўлиб қоларди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан чуқур илмий хулосалар чиқарган мутафаккирлардан бири италиялик Жордано Брунодир (1548-1600). У Неапол яқинида туқилган. ўзининг илқор фикрлари учун Бруно дахрийликда айбланади ва черковдан хайдалади. Италиядан қочишга мажбур бўлади. Узоқ вақт Швецария, Франция, Англия ва Германияда қувқинда юради. 1592 йилда Бруно италияга қайтиб келади, лекин черков инквизицияси томонидан ушланиб турмага солинади. қийноқларга қарамасдан, у ўзининг таълимотидан воз кечмайди, натижада қатл этишга хукм қилинади, 1660 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёқиб ўлдирилади.

Уйғониш даврининг натижаси сифатида намоён бўлган Ғарбий Европа мамлакатларидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Нидерландияда XYI асрнинг 60-70 йилларида, Англияда XYII асрнинг 40-50 – йилларида бўлиб ўтди. Бу даврга келиб, Европада алохида миллатларнинг шаклланиши юз берди, миллий давлатлар пайдо бўлди. Энди монархия тузуми жамиятнинг илқор табақалари назарида фақат тарихан ўз умрини ўтаб қолмасдан, балки ғайритабиий, ғайриақлий бўлиб кўрина бошлади. Ўша даврнинг идеологлари илгари тан олинмаган инсоннинг табиий ҳуқуқлари масаласини ўртага қўйдилар. Улар ижтимоий тартиблар инсон табиатига мос келишини талаб қила бошладилар. Бор-йўқи 50-60 йил илгари инквизиторлар Жордано Брунони ёқиб юборганларида лом-мим демаган Европа, энди ўзининг ҳаётида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари эгаллаши кераклигини хис эта бошлади. Ҳатто Рим папасининг номидан бўлса-да, инсон умрига зомин бўлишга хеч кимнинг хаққи йўқлиги, одамзоднинг яшаш, фикр юритиш эркинлигининг табиийлиги англаб олина бошлади. Албатта, бунгача иквизиция бир неча асрлар бу худудни ақидапарстлик чангалида ушлаб турган, не-не ақлли кишиларни ўз домига тортиб улгурган эди.

Маънавий уйғонаётган миллат ва худудда ҳеч қачон ақидапарастлик ўз таъсирини тўла — тўкис сақлаб қола олмайди. Европада ҳам худди шундай бўлди. Маънан камолга етган, миллий давлатчилигига эга бўлган ва ана шу мустақил давлатларини камолга етиши учун қарздор эканлигини англаб олган Европа миллатлари ўзларининг комил инсонларини энди инквизициянинг, ақидапарастларнинг хукмига топширишга сира ҳам хақлари йўқ эканлигини англадилар. Европа уйғонди.

Европада айнан ана шу даврда илгариги, бутун минтақа ҳаёти учун христианлик ва унинг хилма-хил оқимлари умумий ва ягона мафкура ролини ўтаб келган давр тугади. Энди диний оқимлараро кураш, христианликнинг

софлигини сақлашга уринишнинг мутлақлаштирилиши натижасида вужудга келган инквизиция ҳам ўз даврини ўтаб бўлди. Бутун Европани бошқариб келган қон-қардош ва бир-бирига душман қироллар даври ҳам ўтмишга айлана бошлади. Илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Одамларнинг дунёқараши кескин ўзгара бошлади. Эндиликда миллий давлатларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган мафкуранинг шаклланиши заруриятга айланиб қолди. Албатта бунда биз санаб ўтган омиллар, яъни қироллик анъаналари, христианлик ва унинг оқимлари таъсири, умумевропага хос хусусиятлар, Рим империяси даврида бир оила бўлиб яшаган халқлар ўртасидаги худудий ва маънавий яқинлик ўз таъсирини ўтказди. Аммо, асосийси, бу даврда миллий қоялар тўла-тўкис амалга ошиши учун ижтимоий шароит етилди, италия, инглиз, француз ва бошқа халқлар ўз давлатчилик анъаналарини тўла-тўкис тикладилар. Бу давлатларда шаклланган фалсафий мактаблар фақат миллий қобиққа ўралиб қолмадилар, балки умумевропа ва бутун жахон тараққиётининг умумбашарий муаммоларини фалсафий жиҳатдан изохлаш, илмий ўрганиш ва асослашга ҳаракат қила бошладилар. ушбу давр фалсафаси ҳам олдингига нисбатан катта қадам ташлади. Фалсафий қонунларни фаннинг турли соҳаларида синаб кўрилиши ўша давр файласуфлари учун одатий холга айланди. Бу тамойиллар эса миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний қадриятлар хусусиятига эгадир. Уйғониш даври Европа фани ва фалсафаси ҳам инсоният тарихида энг буюк кўтарилиш даврларидан бири бўлиб қолди.

Инглиз фалсафаси. Ўша давр фалсафасининг асосий вакилларидан бири Ф. Бэкон (1561-1626) юқоридаги масала хақида шундай деган эди: «Моддий дунё, мамлакатлар, денгизлар, планета жуда кенг бўлгани холда инсонларнинг маънавий дунёсини эски чегаралар билан ўраб қўйилиши шармандаликдан бошқа нарса эмас» («Янги Органон» китоби). Бэкон инглиз фалсафасининг ўрта асрлардаги тараққиётига энг катта хисса қўшган олимлардан биридир. Унинг таълимотича, фаннинг янги биносини кўриш учун, тўғри фикрлашга ўрганиш керак. Бэкон таълимотича, табиатни билишда бир неча «идоллар» инсонга халақит беради. Улар инсон ақлини ўраб ташлайди. Улар асосан тўртта. Биринчиси уруқ идоллари, булар инсон зотига, бутун одамларга хосдир. Масалан, Бэкон шундай дейди: «инсоннинг ақли қийшиқ кўзгуга ўхшайди. У нарсаларнинг табиати билан ўз табиатини аралаштириб юбориб нарсаларни қийшиқ, бузуқ кўрсатади. Иккинчиси, қор идоллари. Бу ҳар бир одамннинг ўз специфик хусусиятлари натижасида янглишиши. Улар фикрлаш уфқининг чекланишидан туқилади. Бу нарса ҳамма нарсани ўз нуқтаи-назари билан ифодалаш, ўзинниг тор доираси билан ўлчаш натижасида вужудга келади. Учинчиси, майдон идоллари, бўлиб, у маълум бўлган тасаввурларга таяниш одати, нотўқри ёки ноаниқ термонологияларга танқидий ёндошмаслик оқибатида вужудга келади. Бу масалага Бэкон жуда ҳам катта аҳамият беради. Масалан, у шуни таъкидлайдики, реал борлиқни ифодаламайдиган ёки уни ноаниқ, мавхум ифодалайдиган сўзлар сохта тушунчаларни туқдирадики, улар тафаккурга тескари таъсир қилади. Тўртинчиси, театр идоллари: улар авторитетлар

фикрига кўр-кўрона эргашиб қадимгиларнинг фалсафий системаларини давом эттираверадилар.

Бэкон томонидан схоластикага қарши қаратилган идолларнинг танқиди катта метотологик аҳамиятга эга. У ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган. Жамият ҳаётида асосий ролни Бэкон фикрича санъат ва савдо ривожланиши ўйнайди.

Унинг таълимотини Томас Гоббс (1588-1679) такомиллаштирган ва ривожлаштирган. Гоббс моддийликни асосий субстанция деб ҳисоблаган, материянинг абадийлиги, ҳаракатнинг эса механистик тарзда амалга ошишининг тарафдори бўлган олимдир. У математик сифатида борлиқнинг намоён бўлишини геометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирган. Билиш назариясида Гоббс кўпроқ эмпирик жиҳатларга ўз эътиборини қаратган, сезгиларнинг билимлар хосил қилиш жараёнидаги аҳамиятини тахлил қилган. Жамият тараққиёти ва унда давлатнинг ўрни ҳамда келиб чиқиши масаласида Гоббс кўпроқ хусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирга унинг фикрича давлатнинг монархия шакли мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Инглиз фалсафасида Жон Локк (1632-1704) қарашлари алохида ўрин тутади. У тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратиб кўрсатилади. 1690 йилда Локк томонидан ёзилган «Инсон ақли хақида тажриба» номли асарида Р. Декартнинг «ту\ма \оялар» тў\рисидаги қарашларига қарши чиқади. Локкнинг фикрича билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, хақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда хосил қилган тушунчалари, \оялари ва хулосаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига кўра Локк давлатнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини таърифлайди: 1. Ҳокимиятни қонун чиқарувчи тизими; 2. Ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари; 3. Иттифоқ федератив хокимияти. Ана шу тамойиллар уй\ун бўлганида давлатнинг фаолияти самарали амалга ошади.

Француз фалсафаси. Ўрта асрлардаги Европа фалсафаси тараққиётида Францияда шаклланган миллий фалсафа мактаби ниҳоятда катта ўрин тутади. Бу борада Р. Декарт, Волтер, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Руссоларнинг қарашлари ниҳоятда муҳим.

Р. Декарт (1596-1650) фалсафасида дуализм асосий ўрин тутади. Унинг фикрича материя ва руҳ борлиқнинг асосида ётади ва худога бўйсунади. Олам, Декарт фикрича чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига бо\лиқ бўлмаган холда ривожланади ва такомиллашади. Р. Декартнинг «Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудман» деган фикри файласуфлар орасида машҳур бўлиб ҳисобланади. Билишда фикр ва сезгиларнинг аҳамиятини ниҳоятда ортиқча деб билган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Унингча инсоннинг фикрлаши ва мулохаза қилиши шубха остига олиб бўлмайдиган жараёндир, ундан бошқа ҳамма нарсани текшириш шубха остига олиш мумкин. Декарт ўша замоннинг энг буюк математикларидан бири бўлиб, ўз даврида аниқ фанлар соҳасида катта аҳамият касб этган дедукция усулини фалсафага киритган олим бўлиб ҳисобланади.

Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Голбах ўз даврида француз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган миллий давлатчилик, инсон эркинлиги ва хақ-ҳуқуқлари муаммоларига алохида эътибор қаратганлар. Француз миллатини маънавий жиҳатдан юксакликка кўтариш ва маърифатли халққа айлантириш учун ўз асарларида ана шу қадриятларга эришишнинг йўллари ва усулларини кўсатиб берганлар.

Улар томонидан яратилган кўп томлик «Энциклопедия» ўша замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан хал қилиш усуллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган «Европа қомуси» даражасига кўтарилган эди. Бу китобни яратишда бошқа кўпгина маърифатпарвар француз олим ва мутахассислари ҳам қатнашган бўлиб, ўзининг аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги ва тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги билан энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўқ китоби эди. Айнан ана шу китоб муаллифлари ўзларининг бошқа асарлари ва фаолиятлари билан 1789-1884 йиллардаги Француз инқилоби қабул қилган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлар деклорацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жамиият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

Немис мумтоз фалсафаси. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида шундай фалсафий таълимот вужудга келдики, унинг шаклланишида табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожи асосий ўринни эгаллади.

Немис фалсафасининг асосчиларидан бири Иммануил Кант (1724-1804) фақат машҳур файласуфгина бўлиб қолмасдан, йирик табиатшунос олим ҳамдир. Кант томонидан яратилган газ холатидаги улкан туманликдан қуёш системасининг келиб чиқиши хақидаги назария хозирги даврда ҳам астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ходисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши хақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кант фалсафада катта ўрин қолдирди. Унинг вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожи Ҳегел (1770-1831) ижодида ўзининг юксак чўққисига эришади. Ҳегел диалектиканинг қонунлари ва категориялари хақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида биринчи марта бир тизимга солган холда диалектик логиканинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Ўша даврларда хукмрон бўлган метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Ҳегелнинг таъкидлашича, категориялар борлиқнинг объектив шаклларидир. Борлиқнинг асосида эса, «дунёвий ақл», «мутлақ қоя» ёки «дунё руҳи» ётади.

Ривожланиш ғояси Ҳегел фалсафасини қамраб олган. Унинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, қуйидан юқорига қараб боради. Мана шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат

ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама-қаршиликдир. Ҳегел фалсафасида борлиқ диалектик ўтишлар занжири сифатида баён қилинган. Ҳегел фикрича, тарих дунёвий руҳнинг ёки мутлақ қоянинг ривожи сифатида намоён бўлади. Умуман тарих бу мохиятан фикрнинг, ақлнинг ўз-ўзидан ривожи тарихидир. Ҳегел таълимотича, ақл тарихда шундай намоён бўладики, унда ҳар бир халқ руҳ ўз-ўзини англаб, тобора юқорилаб боришига ўз хиссасини қўшиш ҳуқуқини олади. Лекин бу жараён қандайдир тартибсиз (хаотик) амалга ошмайди. Ҳегел умумжахон тарихини тўрт босқичга бўлади: 1. Шарқ дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси: Ҳегелнинг даъвосича, фақат герман халқларида тўлиқ эркинлик бўлган. Бу халқлар ўз тарихий ривожланишларида ислохотчилик (реформация), 1789 йил Француз инқилоби меваларидан бахраманд бўлганлар. Фақат уларгина умумий фуқаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар. Ҳегелнинг таъкидлашича, ақлга мувофиқ давлатчиликни ўрнатган фақат герман халқигина умумжахон — тарихий жараённинг хақиқий тимсолидир. Ҳегел умумий фалсафий системаси ҳам, унинг яратган методи ҳам бошқа камчиликлардан, ички қарама-қаршиликлардан холи эмас эди.

XX аср ва ҳозирги замон фалсафаси. Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини хал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жахон уруши, экологик инқироз, оқир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шуқулланган муаммоларнинг салмоқи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида, хозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма — хил оқим ва йўналишлар мавжуд. ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва хозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини белгилайди.

XX асрга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига «нео», яъни янги, замонавийлашган деган маънони англатувчи қўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига киради.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — сциентизм (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча ижтимоий муаммоларни хал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм қоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — антисциентизм, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим

Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боқлиқдир. Антисциентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш қоясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими Артур Шопенгауэр (1788 — 1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-ҳаракатлари — ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон мохияти ирроционал асосга эга. Ақл эса тасодифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода қилдирагига боқлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи Фридрих Ницше (1844-1900) фикрича, «борлиқнинг энг чуқур мохияти хокимиятга эришиш учун бўлган иродадир.» Ницше инсон борлиқида махлуқлик ва холиқликни бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил муқаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш қояси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўқрисидаги қоясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер «Европанинг сўниши» деган асарини ёзади.

Ўтган аср охири олимлари ижтимоий инқироз ва маънавий турқунликдан чиқишнинг йўлини \арбда классик фалсафий меросга мурожаат этишда ва уни қайта тиклашда кўрдилар. Шу зайлда «Орқага Кантга» шиори остида неокантчилик, «Орқага Ҳегелга» шиори остида эса неохегелчилик пайдо бўлди. Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим бўлган неотомизм ҳам ёқлаб чиқди. Неатомизм шу бугунга қадар ҳам ўз мавқеини йуқотмаган бўлиб, католик черкови томонидан қўллаб-қувватланади. Бунда айниқса Рим папаси рахбарлик қиладиган Ватиканнинг фаолияти муҳим ўрин тутади.

Неотомизм — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини қайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — «фома», транскрипцияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган хақиқат. Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод

қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран англанган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантиқий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Неотомизм хозирги дунёда цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида бу демократия устивор бўлган ҳаёт тарзига муайян даражада мос келади.

Неокантчилик XIX аср ўрталарида шаклланган ва XX аср бошларида ривожланган таълимотдир. Унинг вакиллари И. Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти хақидаги ҳамда тажрибавий ақл хақидаги муаммоларни тахлил этадилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун энг олий мақсаддир. Шундай экан, инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари ўзи хохлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига қарши юрмайдиган, унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз хақ-ҳуқуқларини яхши биладиган инсонни назарда тутадилар.

XX асрга келиб, фан ва техника тараққиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий тахлил қилишга қизиқиш ниҳоятда ортди. Бу йўналишда ишлаётган энг йирик оқимларга неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий қараш намоёндалари мисол бўлади.

Неопозитивизм оқимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео — янги; позитив — ижобий деган маънони англатади. Непозитивизм Ғарбда X1X асрнинг 20 — йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Неопозитивистлар верификация принципини илгари сурадилар (лот. Veritas — хақиқат.) уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиқини топган билимгина хақиқийдир. Лекин назарий, мавхум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги туфайли бу принцип кейинчалик инкор этилди.

Шундан сўнг постпозитивизм (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер фальсификациялаш методини илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг хақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг хақиқийлигини мантиқий — лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 — 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви — Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ходисанинг структурасини билиш унинг объектив мохиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни тахлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ

келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга.

Герменевтика — қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хохиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси — Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика — тушуниш, тушунтириш, тахлил этиш қояларига асосий диққатини қаратади. Жамият, бу таълимотга кўра, кишилар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, мохиятини кишилар ўртасидаги мулоқотдан қидиришдан иборат. Бу оқим вақиллари Шлейермахер ва Дильтей фикрича, бирор бир тарихий манбанинг тўқри тахлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла хис этиши, тушуниши билан боқлиқ. Ҳозирги даврда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

XX асрнинг 30 — йилларига келиб «экзистенциал фалсафа» ривожланди. Экзистенция — том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзестенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдири, эркинлиги қоялари асосида умумлаштирди. Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор зиёлилар ўртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кенг тарқалган оқим бўлиб қолди. Экзистенциализм вакиллари асосан икки йўналишга бўлинадилар. Бири — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) бўлиб бундай бўлиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон ўз мохиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб етишиши фақат унинг ўзига боқлиқ. Шу маънода, инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойихага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий холати тарзида талқин этилади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш ниҳоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзи, бошқаларни ҳамда уни ўраб турган оламни ҳам қайта яратади.

Диний экзистенциализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида худога қараб унга етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга тахликали онларда, ташвишда, ёлқизликда намоён бўлади. «ахлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди. Ҳаёт ва ўлим, қўрқинч, дахшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенциалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслиги абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам дахшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими прагматизм АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари хақида мулохаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «хақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ходисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар. Инсоннинг хатосиз фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи восита — интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади, ҳамда унга мухитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборини қаратади. Джемс фикрича, хақиқат фойдали бўлган нарса ёки ходисадир.

Прагматизм АқШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менеджерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Америкаликлар бу таълимотнинг назариётчиларини халқнинг дунёқараши ўзгаришида, хозирги америкача ҳаёт тамойилларини кенг оммага сингдиришда катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини «Американинг Арастуси» дея ҳурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараққиётига оид -оялар тахлили фалсафада антик даврлардан, Суқрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу қояларнинг ривожида XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда яшаган И.Г. Гердер ва айниқса, немис фалсафасининг йирик намоёндаси Хегел катта хисса қўшганлар. Жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотлар орасида тадрижий тараққиёт ва инқилобий сакрашлар йўлидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Кўпчилик тадрижий йўлни маъқул кўради ва биз юқорида тилга олган файласуфларнинг аксарияти ана шундай қараш тарафдордир.

Афсуски, бошқача қарайдиган таълимотлар ҳам бор. Янги давр фалсафасида тарқалган ана шундай назариялардан бири марксизм бўлиб, кейинчалик собиқ иттифоқда хукмрон мафкурага айланган бу таълимотнинг асослари К. Маркс (1818 — 1883) ва Ф. Энгелс (1820-1895) асарларида таърифлаб берилган ва кейинчалик ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. Унинг К. Каутский, В. Плеханов бошлиқ мўътадил тарофдорлари социал-демократияга кўпроқ мойил бўлишди. Россияда В. Ленин бошчилигидаги тарафдорлари эса синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлақлаштириш йўлидан бордилар. Бу ўз навбатида, инқлобий сакраш усулини танлашга олиб келди ва Россияни террор йўлига бошлади. Оқибатда эса бу типдаги дунёқараш жамият ва халқлар тақдирида ғоят салбий ўрин тутиши маълум бўлди.

Ғарбда Марксниng хозирги даврдаги тарофдорлари «неомарксизм» оқимини ташкил этадилар. Кўпгина неомарксистлар синфий курашни мутлақлаштирмаслик, инқлобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориш устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо уларнинг асл

қарашларини жамият, миллат эмас, синф ва улар ўртасидаги кураш тараққиётни белгилайди, деган ўша таълимотга боғлиқлигича қолмоқда.

Алохида таъкидлаш лозимки, яқингача собиқ Иттифоқ ва унинг иттифоқчилари худудида мутлақ хукмрон бўлган ушбу мафкуранинг тақдирини ва оқибатини ўрганиш, унинг тарихидан холисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-мим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар тарихи — инсонлар, халқлар ва уларнинг тақдири, жамият ва давлатлар юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу юксалиш ёки таназзул кўп холларда муайян ғоялар, мафкуралар таъсирида рўй беради. Гохида минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун қилган баъзи ғоялар ёки мафкуралар охир-оқибат ана шу миллионларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Биз қисқа тахлил қилган марксизм ва кейинроқ у пайдо бўлган худудда шаклланган национал социализм (фашизм) назариялари ана шу тарихий хақиқатни исботлайди. Бу хақиқатнинг остида эса, бирор таълимот қадриятларини мутлақлаштириш, албатта, муайян «изм»га, ақидапарастликка олиб келади, бу ўз навбатида жахолат ва қабохатга элтувчи йўлдир, деган умуминсоний тамойил ётади.

XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари шаклланди. Уларга кўра, жамият тарихи — ўзига хос маданиятларнинг бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шаклларининг ранг-баранглигига қиёсланади. Демак, табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-баранглликнинг уйқунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

Бу ғоялар немис файласуфи ва социологи О. Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер ўзининг «Европанинг сўниши» номли асарида тарихни бир — биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, хинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунади. Ва қуйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туқилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қарилик ва сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд, деб кўрсатилади. Биринчи босқич — маданият равнақи (соф маданият) ва иккинчиси — унинг таназзули («цивилизация»). О. Шпенглер европоцентризмга, яъни барча маданиятларни европалаштириш ғоясига қарши чиқди. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги, бир-биридан мустасно холда ривожланиш қоясини мутлақлаштирди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳам мавжудлигига кам эътибор қаратди.

Яна бир олим А. Тойнби эса ўзининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг ҳудудий ривожланиш ғоясини давом эттирди. Бироқ унинг таълимоти Шпенглер концепциясидан ўзининг икки жиҳати билан фарқланади. Биринчидан, инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини, тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараққиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик, ислом) нинг барча халқларни якинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил қояси билан бойитилган. Тойнби Ғарб христиан цивилизациясининг таназзулга қараб бораётганлигини кўрсатиб, унинг олдини олиш йўлини маънавий бирликда, жахон халқларининг ягона динни қабул қилишларида, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, хозирги пайтда жамият тараққиётининг цивилизацион концепцияси кўпчилик файласуфлар томонидан тан олинмоқда. Хусусан, индустриал ва постиндустриал жамият ғоялари, айниқса, оммавийлашиб бормоқда. Унга кўра, жамият тараққиётининг бош мезони — саноатнинг ривожланиш даражасидир.

Шундай қилиб, XX аср охири ваXX1 аср бошларига келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм хақида, фалсафа замон ва макон билан боқлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, ўз навбатида бизнинг миллий қоя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятимизнинг бойиб, мустахкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар: Рим империяси, христианлик дини, схоластика, апологетика, реализм, номинализм, уйғониш даври фалсафаси, инглиз фалсафаси, француз фалсафаси, немис мумтоз фалсафаси, XX аср фалсафаси, тарих фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Рим империяси ва ундан кейинги давр фалсафаси
2. Христианлик ва Европада ижтимоий тафаккур
3. Инквизиция нима, унинг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
4. «Уйғониш даври» тушунчасини қандай талқин этасиз?
5. XX аср фалсафасининг асосий оқим ва йўналишлари.
6. Ҳозирги замон фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

4-МАВЗУ. БОРЛИҚ – ФАЛСАФАНИНГ ФУНДАМЕНТАЛЬ КАТЕГОРИЯСИ.

Режа:

1. Олам ва одам муносабатлари
2. Борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари.
3. Борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва реаллик.
4. Ҳаракат, фазо ва вақт, макон ва замон.
5. Борлиқ фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.

Олам ва одам муносабатлари. Сиз билан биз яшаётган шу дунё ўзининг барча мураккаблиги ва муаммолари, жозибадорлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди, бу олам хақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Ҳеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавхум тушунча, яъни абстракциядир.

Қадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб, унинг ҳаётини таъминловчи тирикчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шакллана бошлади.

Шу туфайли, олам асосида ётувчи тўрт элементни: хавони, сувни, тупроқни ва оловни муқаддаслаштириш сингари қоялар вужудга келди ҳамда олам тўқрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва хашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг руҳий олами унинг билим, тажриба ва хаёлотини ўз ичига олувчи ўта кенг қамровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога қараганда янада кенгроқ мазмунга эга бўламиз.

«Онтология» атамаси. Фалсафанинг кўплаб соҳалари ва турли йўналишлари бор. Улар орасида борлиқ тўғрисидаги фан “Онтология” муҳим ўрин эгаллайди. Онтологиянинг предметини борлиқ ташкил этади. Унинг мазмуни борлиқ ва йўқлик, меъёр ва сифат, миқдор ва ўлчов, макон ва замон, ҳаракат ва ўзгариш каби тушунчалар орқали ёритилади.

Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра асл фалсафани ўрганиш айнан онтологиядан бошланади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаган файласуф ва мутафаккирлар ижодида онтология қамраб оладиган борлиқ ва мавжудлик, коинот ва олам, ботинийлик ва зоҳирийлик, борлик ва йўқлик, материя ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилик ва чексизлик, инсон ва жамият борлиғи билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Фалсафа тарихида ушбу соҳага доир турли оқимлар ва йўналишлар шаклланган.

«Онтология» атамаси борлиқ ҳақидаги таълимот маъносида илк бор Р.Гоклениус (1636 йил) ва И.Клауберг (1646 йил) томонидан илмий муомалага киритилган. Луғавий маънода у юнонча “ontos” – борлиқ ва “logos” – таълимот деган мазмунни англатади. Ғарб файласуфи Х.Вольф тадқиқотлари

бу атаманинг кенг тарқалишига асос яратди ва у фалсафанинг асосий мазмунини ташкил этувчи муҳим бўлимини ифодалай бошлади.

“Борлиқ тушунчаси”.[1] Файласуфлар қадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» хақида бахс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, мохияти, хусусиятлари ва шакллари хақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чоққача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу холат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изохланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боқлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ – объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У холда фикр, инсон тафаккури, ўй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг хосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ хақидаги таълимотни изохлайдиган қисми — онтология деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси ўрганади.

Йўқлик хеч нима демакдир. Ҳамма нарсани хеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, нихоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни хеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Ҳозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон қобиқлардан иборат. Атомнинг электрон қаватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узоқликда жойлашган бўлади. Энг содда атом ҳисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброқ атомларнинг ядроси эса, протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон ва нейтронлар кварклар ва уларни туташтириб турувчи глюонлар (глюон-ёпиштирувчи деган маънони беради) дан ташкил топгандир. Протон ва нейтрон нуклонлар (лот. nucleus — ядро, ўзак) ҳисобланади, нуклонлар ва хиперон (юн. hiper-устида, юқоридан ташқари) лар, барионлар (юн. barys-оқир) дейилади. Булар оқир заррачалар сифатида кучли ўзаро таъсирлар майдонида бўлиб, адронлар (юн. adros-кучли) группасига мансуб.

Органик ва анорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг таркиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини қуршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси,

[1] Ушбу қисм ф.ф.д., проф. Б.Тураев асарлари асосида тайёрланди.

ҳайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Маълумки, Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказади. Ер юзида минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боқлангандир. қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда қуёш системасини ташкил этади. қуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса, — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) таркибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруқлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тўпи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг, у 30 тагача галактикани ўз ичига олади (1 парсек (3,26 ё. й). Кейинги система – галактикаларнинг маҳаллий тўпи, унга 2 та гипергалектика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 мегапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. ўта йирик мажмуалар коинотнинг бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ё.й. тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борлиқнинг моддий кўринишларини турли хил структура даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, кўринишда учрайди: моддасимон ва номодда кўринишида. Материянинг моддасимон кўринишдаги шакллари иккига, модда ва антимоддага ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боқланган бўлиб, улар тўқнашганда кескин сифатий ўзгариш рўй беради, яъни модданинг моддавий кўриниши номоддавий кўринишга айланади. Материянинг номоддавий кўриниши ҳам икки хил шаклда учрайди: майдон ва нурланиш. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан холи бўлган жой) моддий заррачаларнинг хосил бўлишига имкон беради. Хуллас, булар ҳам бир-бири билан чамбарчас боқлангандир. Материянинг биз юқорида қайд этган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати хали фанга маълум эмас. Агар биз борлиқнинг моддий кўринишларини тузилиши жиҳатидан туркумлаштирсак, борлиқнинг структура даржалари хақидаги хулоса хосил бўлади.

Борлиқнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуқтаи назаридан олиб қарасак, моддий олам бу холда ҳам учта даражага ажралади. Унинг ташкилий структура даражаларини: анорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият) га ажратилади. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги билан фарқ қилади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар хукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган бўлиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада бўлади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намойиш қилади. Бу дунёнинг структуравий элементи бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алоқадорликларда онгли равишда, мақсадга биноан, муайян мўлжалларни олдиндан белгилаган холда ҳаракат қилади.

Бу борада оддий бир мисол келтирайлик. Масалан, қўлингиздаги китобни ҳам ҳар хил, бир-бирига ўхшамайдиган, аммо бир касбдаги олим ва мутахассислар ёзишган. Агар сиз, масалага ижтимоий дунёнинг тузилиши нуқтаи назаридан баҳо бермоқчи бўлсангиз, унда мазкур китобнинг қайси қисми қандай ёзилгани, кимнинг қандай фикрлаши, мавзуни содда ва халқчил тушунтира олиши ёки мураккаб тилда баён қилишига эътибор беринг. Шунда масала бироз ойдинлашади. Худди шундай холни сизга турли фанлардан дарс бераётган ўқитувчилар мисолида ҳам кузатишингиз мумкин. Кейин эса, ўзингиз ва ўртоқларингизнинг дарсларга, китобларга, уларни ўзлаштириб, ўқиб ва уқиб олишга, ҳаётга муносабатингизга виждонан баҳо бера олсангиз, бу борадаги мураккаб жараёнларни муайян даражада тўғри англаб олишингиз мумкин. Ҳолбуки бу — бор-йўқи сиз, ўқитувчиларингиз ва мазкур китобни ёзган кишилар ҳаётининг кичик бир қисмидаги жараёнлар, холос. Ҳаёт эса ниҳоятда мураккаб, унда бир вақтнинг ўзида, бирваракайига қанчадан-қанча воқеа ва ходисалар кечади. Масалан, сиз хозир ана шу сатрларни ўқияпсиз, жисмингиз ва хаёлингизда, атрофингизда, сиз билан бирга яшаётган, сиз биладиган ва билмайдиган одамлар жисми, онги ва қалбида не-не ўзгаришлар, жараёнлар кечмоқда... Демак, табиат доимий ўзгаришда ва ҳаракатда, бир холатдан иккинчи холатга ўтишда, ривожланишда ва тараққиётда. Сиз ва бизнинг умримиз эса, ана шу чексизликнинг бир лахзаси, жисмимиз ва жонимиз ҳам азалий ва абадий ўзгаришлар жараёнидаги оламнинг мўжизасидир. Бу оламда айнан сиз ва бизнинг дунёга келганимиз ҳам Яратганнинг ана шундай мўжизаси ва биз эса мана шу ёруғ оламда ўтганларнинг келажакдаги авлодлар билан боқланишида бир халқамиз холос. Ва айнан ана шундай бўлганлиги учун ҳам табиат, жамият, ривожланиш ва тараққиёт қаршисида доимий қарздормиз. Бу қарздорлик дунёга бизгача келганлар ва кетганлар, келадиганлар ва келмайдиганлар, кела олганлар ва кела олмаганлар руҳи қаршисидаги чуқур масъулият хиссидир.

Инсон томонидан ном қўйилган дунёлар хеч қачон бир-биридан ажралиб, алохида холда мавжуд бўлмаган. Улар ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликларда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қарганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда инъикоснинг энг содда ва қуйи шакли — механик инъикос фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ кўринишдаги биологик инъикос намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли социал инъикос фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шаклларини ҳам қамраб олган бўлади. Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлиқ шаклий структура даржаларининг балки биз хали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар хали бизнинг тушунчаларимиз доирасига сиқмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ хақида турлича қояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроқида вужудга келган зардўштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг хосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий мохиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу қоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади. Қадимги юнон файласуфи Суқрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди. Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг мохияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Ислом таълимотида эса борлиқ Оллох яратган мавжудликдир. Бу борада вахдати вужуд ва вахдати мавжуд таълимотлари шаклланган. Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ хақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллохнинг ўзидир. Беруний фикрича, Оллоҳдан бошлангувчи борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир.

Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талқин этишган. Ҳегел эса борлиқни мавхумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни хозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боқлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, хозир ва келажагини ҳам қамраб олади.

Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурий мохиятини очишга интилганлар. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

Борлиқ ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, қоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боқлиқ бўлмаган жисмоний мохиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ходисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг хозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ходисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиқи, жамият борлиқи, онг борлиқи киради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлиғининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. Табиат борлиқи одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, холатлар борлиқи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиқи (ёки табиий табиат борлиқи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам мехнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиқи («иккинчи табиат» борлиқи, яъни маданият). Иккинчи табиат борли-и эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- инсон борлиқи (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиқи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиқи);
- маънавий борлиқ (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);
- социал борлиқ (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиқи ва жамият борлиқи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Кейинги йилларда виртуал борлиқ (лот. virtus – эҳтимол тутилган, мумкин бўлган; realis – ҳақиқий, мавжуд) – замонавий техника воситалари ва информацион коммуникациялар ёрдамида яратиладиган ва инсонга

оламни ўзига хос идрок этиш ва англаш имконини берадиган сунъий дунё шакли ҳақида ҳам кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Борлиқнинг турли компьютер моделлари ва электрон борлиқ унинг синонимларидир. 20-а.нинг 60-й.лари охирида Майрон Крюгер томонидан “Сунъий борлиқ” тушунчаси илмий муомалага киритилган бўлса, Жарон Ланьер ҳозирги кунда кенг тарқалган “вертуал борлиқ ” атамасини 1989 й.да илмий муомалага киритган эди. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда олам, борлиқ шакллари ва инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади.

Виртуал борлиқни одамлар яратади. Шу боис унда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, уобъектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ходисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий мохиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини»- субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл хақида махсус тўхтаб ўтайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сўнгра унинг гулига, баргига, кўчатига ва уру-ига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобоколонини», «праматерияни» ахтариш усулидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий мохиятни ахтариш фалсафада материя хақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам, атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг махсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Борлиқнинг асосида ётувчи мохиятни ахтариш тарихи ҳам фаннинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Масалан, қадимги Ҳиндистон ва Хитойда, Миср

ва Бобилда, қадимги ўрта Осиё ва Юнонистонда баъзи файласуфлар оламнинг асосида қандайдир модда ёки муайян унсур ётади, деб ҳисоблашган. Уларнинг баъзилари бу унсурни олов, бошқалари сув ёки хаво, айримлари эса — тупроқдан иборат деб ҳисоблашган. Баъзи бир фалсафий таълимотларда эса, оламнинг асосида — олов, хаво, сув ва тупроқ ётади, барча нарсалар ана шу тўртта унсурнинг бирикишидан хосил бўлган, дейилган.

Оламнинг асосида ётувчи субстанцияни ахтаришнинг яна бир йўли нарсаларнинг таркибидаги бўлинмас энг кичик унсурни, яъни нарсаларнинг таркибидаги умумий субстрат (лотинча substratum — асос маъносини англатади) ни ахтаришдир. Бундай йўналишга мансуб оқимлардан бири атомистик оқим ҳисобланади. Масалан, қадимги Юнон файласуфлари Левкипп, Эпикур, Демокрит ва Лукрецийлар нарсаларнинг ва бутун оламнинг асосида энг кичик бўлинмас унсурлар атомлар ётади, улар ўзларининг шакли, ҳаракатланиши ва вазнлари билан бир-бирларидан фарқ қилади, деб ҳисоблашган.

Албатта бу таърифларни бир ёқлама мутлақлаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда кўпроқ сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин бўлган реаллик назарда тутилган. Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда сиз билан биз мансуб бўлган дунёни ифодалайди. Аммо табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосида ётувчи ва уларни бирлаштирувчи шундай бир умумлаштирувчи тушунча ҳам борки, у объектив оламнинг мазмунини ифода этади. Бундай тушунча хақидаги тасаввурлар бутун фан тарихи мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу умумлаштирувчи тушунча, нарсаларнинг асосида нима ётади, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, субстанция (лотинча, substantia — ниманингдир асосида ётувчи мохият деган маънони беради) деб аталди.

Субстанция – муайян нарсалар, ходисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилма-хил кўринишлари ички бирлигини ифода этувчи ва улар орқали намоён бўлувчи мохиятдир. Оламнинг асосида битта мохият — субстанция ётади, деб ҳисобловчи таълимотни монизм деб аташади. Файласуфлар субстанция сифатида бирор жисмни, ходисани, материяни, қояни ёки руҳни олишган. Субстанция сифатида моддий жисмларни, материяни олувчилар — материалистик монизм тарафдорлари. \ояни, руҳни олувчилар эса – идеалистик монизм тарафдорлари ҳисобланадилар. Шунингдек, оламнинг асосида ҳам моддий жисм ёки материя, ҳам қоя ёки руҳ ётади деб ҳисобловчи файласуфлар дуалистлар (дуализм лотинча, dualis — иккиланган деган тушунчани англатади) деб ҳисобланади. Арасту, Моний, Р. Декарт ва бошқалар дуалистлардир. Оламнинг асосида кўп субстанциялар ётади деб ҳисобловчиларни эса плюрализм (лотинча pluralis — кўпчилик сўзидан олинган) тарафдорлари деб аташади.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу

пайтда биз билан биргаликда мавжуд бўлган олам актуал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам потенциал олам дейилади. Масалан, сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубхасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эхтимоли бўлган олам виртуал олам деб аталади (виртуал сўзи лотинча virtualis — эхтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган олам конкрет олам дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал оламга, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт оламга мансубдир. Одам ўз режаларини реал оламга асосланиб тузса, потенциал оламининг конкрет реалликка айланиш эхтимоллиги ошади.

Одам оламда бошқалардан ажралиб, яккаю ягона бўлиб эмас, балки ижтимоий ҳаёт кечиради ва жамоа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад ва маслаклари билан биргаликда ижтимоий оламни ташкил этишади. Одамнинг жамиятдаги бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал оламларига боқликдир. Индивидуал олам, айни пайтда ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эттиради, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боқликдир.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва хозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг объектив олам хакидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар хақида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механика нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи системалар хақидаги илмий манзараси ўрнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя хақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туқдирди. Бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (яъни турли асбоблар; қурилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган қўшимча киритишди. Шундай қилиб, бу таъриф гўё материянинг моддавий ва номоддавий шаклларини, яъни модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боқлиқ бўлмаган холда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқеликдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг

ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўқри келади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

Борлиқнинг атрибутлари. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари дейилади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. «лар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари хақида тўхтаб ўтайлик.

Ҳаракат. Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруқлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ходисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улқайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи хақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари хақидаги мулохаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўқри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шаклларининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бақрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина

механик силжиш билан изохлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боқлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ривожланиш. Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. Ривожланиш бу — муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва туркунлигини сақлаган холда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг туркунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги хақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган қуёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, хозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган қуёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни қуёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда қуёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса «қора карликка», кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулохазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жахатдан кетма-кет боқланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулохазаларга таянган холда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиб олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Ҳаракат шакллари. Фалсафада ҳаракат шаклларини туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шаклларини ҳар бир фаннинг номи билан боқлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг хатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва холатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шаклларини қамраб олади.

Ҳаракат шаклларини турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда – ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда – одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Фазо ва вақт, макон ва замон. Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига макон ва замон, яъни фазо ва вақт киради. Фазо нарсаларнинг кўламини, хажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ходисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, хажмга эга. Фазо — вақтнинг муайян лахзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ходисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп холларда, форс тили таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон, деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ходисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиқдирувчи субстанция. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вақтнинг хусусиятлари. Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боқланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар қўшилади.

Фазо (вақт) нинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боқланган системанинг кўп боқланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиқдириш мумкин бўлади. ўлчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган

системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боқланган фазо кўп боқланган фазога айланиши мумкин.

Ҳаёт – борлиқнинг намоён бўлиш шакли. Табиат ва жамият хақидаги конкрет фанлар борлиқнинг муайян хусусиятларинигина ўрганади. Борлиқнинг умумий хоссалари хақида эса, фалсафа фани тадқиқот олиб боради. Бу жиҳатдан фалсафада ҳаёт муаммосига нисбатан муайян ёндашув шаклланганини алоҳида қайд этиш лозим. Хўш, ҳаёт нима? Борлиқнинг энг мураккаб шаклларидан бири ҳаёт ва унинг мохияти хақида тўхталайлик. Биз ҳаёт эканмиз, оламни биламиз. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутади. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. Бу инсон руҳияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боқланган. Ҳар бир одамга бир маротабагина ҳаёт кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади.

Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий мухитга ҳам боқлиқ. Фаровон жамиятда инсонлар ҳам фаровон ҳаёт кечиришади. қашшоқ жамиятда эса қашшоқлик томир отади. Демак, жамиятимизни қанчалик фаровон қилсак, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ҳаётнинг вужудга келиши ва мохияти хақида ханузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хосдир. Балки станокнинг бир детали ўрнига бошқа детални қўйиш билан натижа ўзгармас ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш билан станок тўхтаб қолмас. Аммо бир отанинг ўрнини бошқа ота, бир дўстнинг ўрнини бошқа дўст бола олармикин? Шундай экан, ҳар бир одам такрорланмас ва ўз ўрнида қадрли. Инсонни, унинг ҳаётини қадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир.

Инсон табиий мухитсиз, сув, хаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир. Ернинг ҳаёт тарқалган қисми биосфера деб аталади. Биосфера тирик организмларнинг ҳаёт кечириш мухитидир. Агар Ер шари қуёшга яқинроқ жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиб кетган бўлар эди ва оқибатда ердаги намлик, сув йўқолар эди. Агар у қуёшдан узоқда жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу музлик билан қопланар эди. Ҳар иккала холатда ҳам ер юзасида ҳаётнинг пайдо бўлишига имконият йўқолган бўларди. Яна бошқа холни олайлик: Қуёш системаси Галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда эди, ер юзасида кучли гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оқирлашиб, инсондек мураккаб жонзоднинг, балки умуман ҳаётнинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган бўлар эди. Аксинча, Қуёш системаси Галактикамиз марказидан хозиргига нисбатан четда жойлашганда ҳам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй

беришига халақит берган бўлар эди. Бунинг оқибатида ер юзасида ҳаёт пайдо бўлмас эди.

Демак, инсон оламнинг энг ажойиб мўъжизаси, Яратганнинг инъоми, ўзи учун энг қулай бўлган жойда, Ер сайёрасида яшайди ва бунга шукур қилса арзийди. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси "Ноосфера"деб аталади. Қадимда инсоннинг табиий мухитга таъсири ўта кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши билан инсон қўлида қудратли куч ва қувват манбалари тўпланган, унинг табиатга таъсири ўзгарди, атроф-мухитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чиқара бошлади.

Бугунги инсон ўзлигини англамас экан, унинг сайёрамизга халокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир-оқибатда унинг ўзини ҳам халокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ҳақиқатан ҳам инсон фаолияти ақл-идрок билан оқилона бошқарилмас экан, у Ер юзининг халокатини тезлаштириши муқаррардир.

Ҳозирги замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон томонидан атроф-мухит ифлосланишининг олдини олиш ва бу халокатни тўхтатиб қолишдан иборат. Бу оламни қай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг ҳаётига нисбатан масъулиятни англашимизга боқлиқдир. Ҳар бир инсон жамиятда ва табиатда тутган ўз ўрнини, умрининг маъноси ва бу ҳаётдаги масъулиятини тўғри англаса, атроф-мухитни авайлаб-асраши, Ер юзини гуллатиб яшнатишга ҳаракат қилиши шубҳасиз.

Таянч тушунчалар: олам, онтология, борлиқ, борлиқ шакллари, индивидуал борлиқ, ижтимоий борлиқ, реал борлиқ, виртуал борлиқ, йўқлик, мавжудлик, реаллик, материя, ҳаракат, ривожланиш, фазо, вақт, табиат, табиий муҳит, биосфера, ноосфера, ҳаёт

Такрорлаш учун саволлар

1. Олам нима ва унда одамнинг ўрни қандай?
2.. Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Борлиқнинг мураккаб тузилиши деганда нима тушунилади?
4. Реал, конкрет ва виртуал борлиқнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг?
5. Мавжудлик ва реаллик нима?
6. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўқрисида сўзлаб беринг.
7. Фазо ва вақт, макон ва замон қандай маъноларни англатади?
8. Ҳаёт нима ва унинг мазмуни нимадан иборат?

5-мавзу. Оламнинг универсал алоқалари ва ривожланиш. Фалсафанинг қонун ва категориялари

Режа:

1. ўзгариш ва тараққиёт жараёнида такрорланиш тамойили. қонун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини.

2. Воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддият диалектикаси. Унинг табиат ва жамиятдаги хусусиятлари.

3. Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида. Тараққиётда тадрижийлик тамойили.

4. ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили. Ворислик ва янгиланиш.

Оламдаги алоқалар, ўзгариш ва ривожланиш. Боғланишларнинг турлари. Оламдаги нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли бахс, мунозара, тортишувларга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисида аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тўқрисида ҳамда, энг асосийси, келажак хақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ходисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, қуёш, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилик жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боқлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда ўз-ўзидан, тасодифий равишда хеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам юз бермайди.

Биз нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боқланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боқланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боқланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Боқланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва хоказо боқланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ходисалардан алохида, улар билан боқлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ходиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боқланиш ва таъсир натижасида нарса-ходисаларда ўзгариш содир бўлади. Лекин, барча ўзгаришни ҳар доим ҳам бирданига, яққол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён бўлиши турли даражада бўлганлиги сабабли, ўзгаришлар ҳам турличадир.

Масалан, янги туғилган чақалоқнинг бир хафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги ўзгаришини, яъни улқайишини ёки бўлмаса, табиатдаги қиш фаслидан баҳор фаслига ўтишдаги ўзгаришларни оддий кўз билан яққол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер қаъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам одамлар зилзилалар, вулқонлар отилиши каби офатлар қаршисида лол, гохида эса қафлатда қолиб келмоқдалар. Яъни ташқи факторлар (инсон фаолияти, ёруқлик, иссиқлик, намлик, атмосфера босими) натижасида рўй берган

ўзгаришларни кўз кўради, қулоқ эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очиқ-ойдин намоён бўлади. улардаги ўзаро боқлиқликни ҳам осон кўриш, илқаш мумкин. Ана шундай осон кўриш ва илқаш мумкин бўлган, очиқ-ойдин рўй берадиган воқеа, ходиса, натижага нисбатан «зохирийлик» тушунчаси, мохиятини илқаш қийин бўлган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан «ботинийлик» тушунчаси қўлланилади. ўрта асрларда, айниқса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алохида эътибор берилган.

«Ҳаракат» тушунчаси «Борлиқ фалсафаси» мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг қуйидаги қисқа таърифи билан чекланамиз: ҳаракат деб оламдаги ҳар қандай ўзгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи ҳаракатни ифодалайди. Лекин бу жараён гох тўқри чизиқли, гох аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги ҳаракатдан иборат бўлиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вақтнинг ўтмишдан келажакка томон ўтиши ҳам, лекин маконда воқеа ва ходисаларнинг такрорланиши, замонда орқага қайтишлар ҳам содир бўлиб туради. Баъзида тараққиётнинг маълум бир босқичида олдинги босиб ўтилган давр такрорлангандек бўлади, аммо бу илгаригидан фарқ қиладиган, бошқачароқ тарздаги такрорланишдир.

Ҳеч қачон бир хил тонг отмайди, деб бежиз айтмайдилар. Ҳолбуки, ҳар куни тонгда ўша қуёш чиқади, ўша тоқу тошларни, боқу биёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар ҳам, иш ва ташвишлар ҳам ҳамон ўша-ўшадек. Кимдир ишга шошади, кимдир ўқишга, кимдир яна илгариги кундек бекорчиликдан зерикади... Аммо дунё ўзгармадими бу бир куннинг ичида? унда минглаб болалар туқилмадими, сон-саноқсиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчакларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар тарқатилмадими? Она замин ўз ўқи ва қуёш атрофида айланишини давом эттирмадими? Буларнинг барчаси бир куну-тунда рўй берган ботиний ва зохирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

Қонун тушунчаси. Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ботиний ва зохирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир. Бу такрорланишлар эса ўз мохияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган.

Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортишиш қонунини ўрганганимизда ана шундай холни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий мохияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий такрорланиши, ҳар сония ва ҳар дақиқада бу холатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Хўш, қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? қонунни билмасдан, ўрганмасдан туриб яшаш мумкинми? қонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва х. к. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тўқрисида бўлиб, унда барча соҳада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Юқоридагиларни

бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар борми?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва х. к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа бўйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин. Яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд қилмай, турли хил съезд, пленум, конференция қарорлари асосида экспериментлар ўтказиб, барча учун фаровон ҳаёт — коммунизм жамиятини барпо қилмоқчи бўлишганини ва бундай сиёсат қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

Ҳозир мустақил ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: Нима учун инсон қонунни билиши керак? Бунда оддий мисолларга мурожаат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, қўлқоп ва х. к.) сотиб олишади, ўтин ёки кўмир қамлаб қўйишади ва х. к. Нима учун? Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фаслларнинг ўзгариши, ёздан кейин куз, ундан кейин қиш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жўнроқ бўлса-да, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И. Ньютон кашф қилган «Бутун олам тортишиш қонуни»ни яхши биласиз. Балки билмассиз ҳам, хавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор қилмассиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу холда омон қолишингиз қийинлигини, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик нима? Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Юристларда шундай ибора бор: «қонунни билмаслик жавобгарликдан холос қилмайди». Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу холда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф қадамлар қўймайсиз.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, қонунга қўйидагича таъриф бериш мумкин: қонун оламдаги нарса ва ходисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боқланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боқланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боқланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ходисаларнинг мохиятидан келиб чиққан бўлади;

- қонун зарурий боқланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боқланишлар, гох пайдо бўлиб, гох йўқолиб кетадиган боқланишларга асосланмайди.

- қонун нарса ва ходисаларнинг умумий боқланишларини ифодалайди.

Қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боқланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боқланишларни қонун қамраб олмайди. Масалан, 2019 йили қишдан кейин баҳор келиб, 2020 йилда қишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу табиат қонуни — фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.

Табиат қонунларининг яна бир энг муҳим хусусияти — у объектив характерга эга, яъни у инсонга ҳам, инсониятга ҳам боқлиқ эмас. Бирор киши, хатто миллатнинг иродаси билан ҳам, табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш ёки уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чунки бу қонунларнинг асосини ташкил қилган боқланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Айният ва зиддият билан боғлиқ қонуният. Оламдаги ҳар бир нарса ва ходиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий хол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жахолат ва х. к. қарама-қарши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у холда ушбу нарса магнит бўлолмайди.

Борлиқ нарса, воқеа-ходисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалардир. Лекин барибир улар ўртасида ўхшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки бўлмаса, вазни ўхшаш бўлиши мумкин ва х.к.

Айният тушунчаси нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ходисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ҳеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Ҳасан ва Ҳусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни

уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, тафовут нарса — ходисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ходисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни зиддият деган тушунча ифодалайди. Кўп холларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва хал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўқрисида гапирилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея хаёл қилинар эди. Ҳолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган қоялари уйқунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

Ана шундай интилишлар фанда «Конфликтология» (конфликт — зиддият, логос- таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуқулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда хал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотиришади.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, хал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд. Улар ўртасида фарқ бўлгани билан бирга, мутлақ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, биргалашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тутишлари мумкин.

Миқдор ва сифатнинг боғлиқлиги қонуни. Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг мохияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ходисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат — нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташқи хоссаларини боқлиқликда намоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У

кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиқиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суръатда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг хажми, ўлчови, оқирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ходисалари каби ижтимоий ходисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оқирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, мехнат унумдорлиги, маданияти ва хоказолар билан ҳам фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боқлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган холатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ходисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ холатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу холатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боқланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусуссиятларга ҳам эга. Чунончи:

- биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ходисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

- иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100° гача суюқлик холатини йўқотмайди, кейин эса буқга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ходисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ходисага айланишини тақозо қилади;

- учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп холларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим холатда тўсатдан содир бўлади;

- тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараёндир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ходисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладиган холатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакрашнинг турлари ўз ҳарактерига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси — портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ходисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва кутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, хатто салбий холатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;

- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;

- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган холатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни хал қилишдир;

- тўртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боқлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ходиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат.

Инкорни инкор қонуни. Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ходисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ходисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили ниҳоятда муҳим. Бунда ворислик – эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши инкорни инкор қонунининг мохиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият холларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан қўшилиб кетади, инкор қилмоқ — «йўқ» демакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тўқридан-тўқри «йўқ» дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бақрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боқлиқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изохламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ходисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ходиса ўзигача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишининг махсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ходисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга махкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ходисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи – авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай хол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян халқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон ўсимликдан яна донларга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва хоказо.

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўқри чизиқ шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охирги нуқтаси бошланқич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охирги нуқта билан туташиши бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрами олдинги ўрамига нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боқланишни буткул рад қилади, деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илқор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки эскининг қобиқида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам кўп холларда эскидан янгига ўтилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ходисалар мохиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу — халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўқрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оқирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимларнининг номи билан боқланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро қонунлари ва хоказо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик мақомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, «қонун» фалсафий категория сифатида нарса ва ходисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боқланишлар, алоқалар, муносабатларнинг мантиқий ифодаси эканлигини юқорида кўриб ўтдик. Энди категорияларнинг мохияти ва мазмуни билан қисқа танишайлик.

Категория нима? Бу сўз қадимги юнон тилидан олинган бўлиб: «изохлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданоқ илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъкоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча қуйидаги категориялар мавжуд: «мохият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «холат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу туркумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «мохият», «холат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изохлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда қўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур олими ва мутафаккири Суқротни ҳам ана шундай, хали гўёки шаклланмаган фан билан шуқулланган ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўқри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу хол Суқротнинг буюк шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан даражасига кўтарган. ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар тахлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изохланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Ҳегел эса мантиқий категорияларни: «борлиқ» (сифат, миқдор, меъёр), «мохият» (асос, ходиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют қоя) тарзида изохлаган.

Фалсафа фанининг категориялари хақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ходисаларнинг ўзаро боқланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ходисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Бу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, «жуфт категориялар» деб аталадиган; умумий боқланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ходисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боқланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари

мазмунидаги ички бирлик, боқланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Алохидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик – оламдаги алохида, индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса – ходисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган холда намоён бўлишидир. Алохидалик ва умумийлик ўртасидаги боқланиш, алоқадорлик ва муносабат «хусусийлик» категорияси орқали ифодаланади. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантиқий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алохидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ходисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантиқий тушунчалар тарзидагина намоён бўлиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён бўлиш шаклидир.

Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алохидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки аксинча, изохлаш кенг тарқалган. Вахоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алохидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади. Алохидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус усул ва воситаларини қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Алохидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яккаликни муайян хосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет холати, бошқача килиб айтганда, ҳар қандай ходиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алохидалик категориясининг мазмуни муайян туркунликка эга бўлган бирлик сифатида қаралган (Афлотун, Арасту). Ҳегел, алохидаликни воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоён бўлиш моменти сифатида қарайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алохидаликнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу хақда «Осиёцентризм» ва «Европацентризм» тўқрисида эслаш кифоя).

Вахоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд бўлиб, маданият тарихида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк давлатчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса

эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабабалардан бири эди.

Алохидаликни, умумий қонуниятлар таркибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алохидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай система ўз таркибидаги нисбатан янги, алохида ходисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўла олмайди. Шундай қилиб, алохидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шаклларини вужудга келтиради.

Нарса ва ходисаларда алохидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боқланишлар, бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмунини ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алохидаликлар системаси тарзида намоён бўлади. Бу системага структурали ёндашиш билишнинг нисбатан тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида «иқтисодий маданият», «ҳуқуқий маданият», «сиёсий маданият», «экологик маданият» ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиққан бўлиб, умумий тараққиёт даражасига мос келади.

«Бутун», «қисм» «структура», «система», «элемент» категориялари. Фалсафанинг «алохидалик», «хусусийлик», «умумийлик» категориялари билан «бутун», «қисм» «структура», «система», «элемент» категориялари ўртасида узвий боқлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни «алохидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнидаги боқланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, «бутун», «қисм», «структура», «система», «элемент», категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боқланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни – умумийлик, қисмни ёки элементни – алохидалик тарзида олиб қараш холатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамасдан, системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ходисаларни таркибий жиҳатдан «бутун», «қисм», элемент»ларга ажратиш билишга хос нисбий ходиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак.

Система, структура, элемент фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Система – грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси

бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система категориясининг мазмуни, уни ташкил қилган элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, билиш жараёнидаги системалаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган таркибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изохланади. Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра туркумлаштириш, муҳим методологик аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти система структурасидаги элементларнинг мавжудлик холати ва ривожланиши объектив қонуниятларини ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив реалликни назарий билишга асосланган: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Система — нарса ва ходисаларнинг боқланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ходисалар боқланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик холатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилган элементларнинг нисбатан турқун боқланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Ҳозирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани системанинг аспекти сифатида қараш устувордир. Системани ташкил қилган элементларнинг структуравий тузилиши унинг мавжудлик холатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради. Масалан, табиатдаги атомларнинг таркибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил кўринишлари, ДНК ёки РНК ларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган холда, моддий оламнинг объектив реаллиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг конкрет структурасига эга бўлган системалардир. Борлиқни ташкил қилган элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни «ички структура» ва «ташқи структура» га ажратиш мумкин.

Элемент системани ташкил қилган структуранинг ўзаро боқланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алохида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари структуравий тузилишни ташкил қилган. ўз навбатида, системани тўлалигича билиш, унинг стуктуравий тузилишидаги ҳар бир элементнинг функционал фаолиятини алохида тахлил қилишни тақозо этади.

Шуни алохида таъкидлаш кераки, инсонларнинг нарса ҳамда ходисаларга муайян манфаатлари ва эхтиёжларига кўра ёндашишига қараб, ҳар бир элементни

нисбатан мустақил система сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавиятни, махсус ижтимоий ходиса сифатида алохида олиб тахлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил системалигини кўрамиз. Шунга кўра, система, структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида конкретлашади.

Шунинг учун «система», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ходисаларни билишга системали ёндашиш, структуравий тахлил усулларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Элементларни системани ташкил қилишдаги структуравий аҳамиятига кўра: муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва асосий бўлмаган элементларга ажратиб ўрганиш алохида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай конкрет элемент, муайян системада макон-замон хусусиятларига кўра, ўз аҳамиятига эга бўлади. Бироқ, уларнинг аҳамиятини, юқорида кўрсатилганидек, туркумлаштириш мутлақо нисбий ҳамда шартли характерга эга бўлиб, муайян манфаатлар ва эхтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чиқади. Шунга кўра, конкрет макон ва замонда системани ташкил қилишдаги элементларнинг аҳамияти структуравий функциясида муқобилликлар вужудга келиб туриши билан изохланади. Яъни, системадаги унинг характерини белгилаб турган муҳим элемент, маълум вақтга келиб муҳим бўлмаган элементга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ходисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, ўқув қўланмаларидан фарқли ўлароқ, бу категорияларни қиёсий тахлил қилишимиздан мақсад, бошқа жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «мохият ва ходиса», «мазмун ва шакл», «сабаб» ва оқибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва воқелик» категорияларининг мазмуни, юқорида кўрсатилган «алохидалик», «хусусийлик» «умумийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент», категориялари мазмуни билан узвий боқлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш усулларининг яхлит системаси тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алохида тахлил қилиш зарур.

«Мохият ва ходиса» категорияси ҳам шундай таҳлилни талаб қилади. Мохият-ўзида алохидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини, заруриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боқланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Мохиятни алохидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, туркумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки

ўзгарувчан мохиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ходисаларнинг мохиятини билиш уларнинг инсон эхтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан, жамият устқурмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш усул ҳамда воситалари мамлакат худудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг мохиятини ташкил қилади. Шунга кўра, ҳар қандай мохиятни одамларнинг манфаатлари ва эхтиёжларига, цивилизация келажагига боқлаб тахлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ходисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эхтиёжлар асосида ёндошади. Бу ёндошиш субъектив ҳарактерга эга бўлиб, унинг конкрет эхтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоқини қондириш, физик учун-агрегат холати, электр токини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг H_2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун-тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий мохият ҳисобланади.

Нарса ва ходисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг мохияти ҳам, шунга мос тарзда ходиса ҳам ўзгариб туради. Мохиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам, унинг муқаррар ўзгарган ходисасида ифодаланади. Масалан, сувнинг электр токини ўтказиш хусусияти, унинг температурасига боқлиқлиги аниқланган. Агар биз сувнинг температурасини маълум даражада кўтарсак, унинг электр токини ўтказиш хусусиятини ўлчайдиган асбоблар бу ўзгаришларни қайд қилмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг мохиятини ифодалайдиган электр токини ўтказувчанлик хусусияти йўқолган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Нарса ва ходисаларнинг мохият ва ходиса тарзида боқланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Мохият ва ходиса ўз хусусиятларига кўра система, структура ва элементларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ходисани ва мохиятни тахлил қилишда аниқ тамойилларга асосланиш лозим.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ходисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун - нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боқланиши бўлиб, уни бошқа системалардан фарқини белгилайдиган алоқадорликлар ва муносабатларини ифодалайди.

Шакл эса – системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боқланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боқланишларни бир-биридан ажратиб тахлил қилиш анъанавий ҳарактерга эга. Яъни, мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади, деган хулоса устувор бўлган. Вахоланки, системанинг элементлари структуравий боқланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиш мумкин

бўлмаганлигидек мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат холати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни, сув буқ холатида чанқоқни қондирмайди, ўсимликларни суқориш учун ярамайди. Бундан ташқари, элементларнинг структуравий боқланишлари системанинг ҳарактерини белгилашидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, структуравий боқланишлар шакл сифатида системанинг мазмунини ҳам белгилаб туради. Шунга кўра, шаклни мазмунга нисбатан «иккиламчи» дейиш ноўриндир. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, демократия бошқаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил тахлил қилганда, унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эхтиёжлар асосида ёндашишларини алохида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив ҳарактерига путур етказа олмаса ҳам, уларни баҳолашдаги субъектив, муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ходисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилига кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. ўз навбатида, ҳар қандай системанинг элементлари ўртасидаги структуравий боқланиш конкрет мазмунга эга бўлиб, унга мос мазмунларда ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шакл ўртасидаги алоқадорлик, боқланиш, муносабатнинг ҳарактери муайян сабабга асосланади. Яъни, нарса ва ходисаларнинг система шаклида намоён бўлиши, муайян сабаб оқибатидир. Демак, нарса ва ходисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, сабаб – бирор нарса ва ходиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ходисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши асос бўлган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва муҳим бўлмаган сабабларга ажратиш мумкин.

Сабабнинг мохияти аввалги ходисаларнинг оқибати сифатида вужудга келаётган ходисалар учун сабаблигидадир. Шунга кўра, сабабни бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий такрорланишдан фарқлаш керак. Чунки, сабаб

мавжудликнинг генетик боқланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан биргаликда, уларнинг истиқболларини ҳам белгилаб беради. Ҳегел тили билан айтганда, сабаб-мохиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик холатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг объектив ҳарактери нарса ва ходисаларнинг ички, таркибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, мохиятнинг реал мавжудлик холатини ифодалайди;

2) сабабнинг конкретлиги нарса-ходисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) сабаб умумий ҳарактерга эга бўлиб, хеч қандай нарса ва ходисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) сабаб зарурий бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) сабабнинг узлуксизлиги, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боқланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боқлиқлигини ҳарактерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият – нарса ва ходисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир. Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштараклигини ва самарадорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, заруриятни туркумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини системали-структурали тахлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ходисаларнинг муқаррар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимига асосланади. Масалан, ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий обеъктив заруриятдир, унинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф «субъективлаштирилган» жараён сифатида кўзга ташланса ҳам, объектив ходисадир. Чунки, ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳарактерини белгилаб беради.

Заруриятлар табиий-тарихий ривожланишнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқиб, доимий ўзгариб туради. Заруриятларнинг тасодифлар тарзида намоён бўлиши, ўз навбатида, бошқа ходисалар учун зарурият мақомига эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф ўртасидаги боқланишлар сабаб-оқибат муносабатлари ҳарактерига мос келади.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва баҳолашга муайян субъект эхтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, муқобил қарашлар вужудга келади. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга

келиши, айрим назариётчилар томонидан тасодифий ходиса деб баҳоланиб, унинг зарурий, объектив қонуний ҳарактери инкор этилмоқда. Вахоланки, жамият тараққиётида хеч қандай империянинг абадий бўлмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни кўриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боқланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, яъни заруриятнинг муқаррарлиги тасодифга ҳам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг муқаррарлиги, тарихийлиги, сабабийлигини, қонунийлигини инкор қилувчи қарашлар қайриилмийдир.

Имконият ва воқелик ҳам фалсафанинг муҳим категорияларидир. Фалсафанинг сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл, зарурият ва тасодиф, моҳият ва ҳодиса сингари категориялари воқеликдаги ўзгариш, янгиланиш ҳолатларининг муҳим томонлари, боғланиш ҳолатлари ва асосий тамойилларини ифодаласа, имконият ва воқелик узлуксиз ривожланиш жараёнидаги нарса ва ҳодисаларнинг, икки хил босқичи, даври, ҳолатини ҳамда бу даврлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди.

Имконият бу янги нарса, ҳодиса ва тамойиллар келиб чиқишини ифодаловчи муайян шарт-шароит ва вазият мажмуидир. Нарса ҳамда ҳодисанинг ички табиатига кўра зарурий равишда реаллашиши лозим бўлган, бироқ ҳали юзага чиқмаган воқеликдир. Воқелик эса имкониятнинг нисбатдоши бўлиб реал ҳолат ва мавжуд бўлиб турган ҳодисаларни ифодалайдиган категориядир.

Имконият ва воқелик ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади, улар бир-бирини ҳам тақозо қилади, ҳам истисно этади. Амалий фаолиятда доим имконият ва воқеликдан ҳамда имокниятсизликдан ажрата билишга ўрганиш керак. Мумкин бўлмайдиган нарсани мумкин бўладиган нарса ёки ҳодиса қилиб кўрсатиш ярамайди ёки аксинча, мумкин бўладиган нарсани мумкин бўлмайдиган нарса қилиб кўрсатиш ҳам имконият ва воқеликнинг моҳиятини, нотўғри тушуниш асосида келиб чиқади. Бу ҳол ғайриилмий қараш ва нотўғри хулосага олиб келади.

Имконият ва воқелик муайян мазмунга зга бўлган олам ҳодисотларининг икки томони, ривожланишнинг бошланиш моменти ва ниҳояси, узлуксиз тараққиёт жараёнининг бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тавсифлайдиган халқалари, деб аташ м-н. Ривожланиш узлуксиз имкониятларнинг вужудга келиши, уларнинг воқеликка айлана боришидан иборат жараёндир. Бунда имконият эндигина куртак отаётган, рўёбга чиқиши лозим бўлган ҳодиса бўлса, воқелик эса баъзи ҳолларда ўз умрини тугаллаётган, эскириш жараёнида ўз интиҳосига қараб бораётган ҳодисадир.

Имконият нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян қонуниятларга асосланади. Воқелик эса, шу қонуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён бўлишидир. Имконият ва воқелик категориясини ҳам, билишнинг умумий мантиқий тамойилларига кўра, бошқа категориялар билан боқлиқликда тахлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Имконият нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнининг

ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг воқеликка айланиши қонуний ходисадир. Унинг реал, формал, мавхум имконият деб аталадиган шакллари бор. ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик ҳуқуқий жамият қуриши учун реал имкониятлар вужудга келди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар оқибат, тасодиф, ходиса сифатидагина имкониятга таъсир қиладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд воқелик тарихий генезисига кўра, ўзида бошқа воқеликнинг имкониятларини мужасамлаштирган бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётининг хозирги босқичи реал воқелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён қилади.

Замонавий фалсафа имконият ва воқеликни илмий тушунтириб бу категориялар дунёдаги алоқадорлик ва ривожланишнинг муҳим хусусият, томонларини ифодалайди оламдаги нарсаларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини, тараққиётнинг оддийдан мураккабга қараб йўналишини, эскилик билан янгилик ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни билдиради, деб ҳисоблайди.

Таянч тушунчалар: боғланиш, алоқадорлик, такрорланиш, қонун, қонуният, айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият, миқдор, сифат, инкор, инкорни инкор, ворислик, янгиланиш, категориялар, алохидалик, умумийлик, сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл, система ва элемент, бутун ва бўлак, моҳият ва ходиса, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Оламдаги айният ва зиддият холатларига мисоллар келтира оласизми?
4. Миқдор ва сифат нима? Меъёр-чи?
5. Инкор нима? Инкорни инкор-чи?
6. Фалсафий категориялар тизими, уларнинг мазмуни.
7. Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
8) Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боқлиқлик тамойиллари қандай намоён бўлмоқда?

6-мавзу. Билиш назарияси: асосий муаммолари ва йўналишлари

Режа

1. Билиш ва билим — фалсафий тахлил мавзуи.
2. Билишнинг объекти ва субъекти. Инсон билишининг асосий босқичлари.
3. Илмий билишнинг мохияти ва усуллари, назария ва методология.
4. Ҳақиқат тушунчаси. Унинг шакллари.
5. Ўзликни англаш ва ахборот омили
6. Ҳозирги даврда юксак билимли ёшларни тарбиялаш масалалари.

Билиш ва унинг шакллари. Билишнинг мохияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат, жамиятни ва ниҳоят, ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуқулланувчи махсус соҳаси — “Гносеология” вужудга келди ва у қадимги лотинча “гнозис” – билиш ва “логос” – фан, илм маъноларини англатади.

Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Гносеология асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини хал этиш билан шуқулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эхтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдига янги вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, хақиқий илмий билишлар хосил қилишнинг усулларини ўрганиш, илмий хақиқат мезонини аниқлаш билан шуқулландилар. Тажрибага асосланган билимгина хақиқий билимдир, деган қояни олқа сурдилар.

XVIII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли имкониятларига, рационал билишнинг хиссий билишга нисбатан устунлигига алохида урқу бердилар. Буюк немис файласуфи И. Кант билиш натижаларининг хақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари хақида бахс юритди. Гносеология олдида инсон оламни била оладими, деган масала кескин қўйилди. Инсоннинг билиш имкониятларига шубха билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

Билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўқрисида билимлар хосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-мухит тўқрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шуқуллана олмайди. Билишнинг махсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-корни

эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эхтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Инсоният кўп асрлар давомида орттирган билимларини умумлаштириб ва кейинги авлодларга бериб келганлиги туфайли ҳам ўзи учун қатор қулайликларни яратган. Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури муайян илмга таянади ва фаолият жараёнида янги билимлар хосил қилинади.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар хосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усулидир. Билимлар бевосита ҳаётий эхтиёждан, фаровон ҳаёт кечириш заруратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуқулланадиган ва илмий назариялар яратувчи алохида социал гуруҳ вужудга келди. Булар — илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуқулланадилар.

Билишнинг икки шакли: кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш бир-биридан фарқланади.

Кундалик билиш усуллари ниҳоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштириш ва умумлашган холда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Ҳозирги замон қарб социологиясида халқларнинг кундалик билим хосил қилиш усулларини ўрганувчи махсус соҳа — этнометодология фани вужудга келди. Гносеология асосан назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуқулланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир-биридан фарқлаш муҳим.

Билиш объекти. Тадқиқотчи-олим, файласуф, санъаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар хосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ходиса, жараён, муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари моддий, маънавий, конкрет, мавхум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб улкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади. Билиш объектларига асосланиб, билим соҳалари табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

Билиш субъекти. Билиш билан шуқулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи-олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алохида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият мохиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам қаратилиши мумкин. Инсон ва бутун инсоният айни бир вақтда ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

Билишнинг мақсади илмий билимлар хосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида хосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш, табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан — фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан қадрият сифатида эъзозлана бошлайди. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм

соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

Билиш предмети субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим соҳалари ва томонларидир. Фаннинг ўрганиш соҳаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметига қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа соҳалари вужудга келгандир. Тадқиқот предмети фанларни бир-биридан фарқлашга имкон берадиган муҳим белгидир.

Билиш даражаларини шартли равишда: қуйи, юқори ва олий даражага ажратиш мумкин. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, хиссий билиш дейилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсаларга хос хусусият, белгиларини фарқлаш, табиий мухитга мослашиш ва ҳимояланиши учун ёрдам беради. Билишнинг қуйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл ташқи олам тўқрисида муайян билимлар хосил қилишга ёрдам беради.

Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, ақлий билиш (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ходисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ходисаларнинг ички мохиятини билиб олади. Мохият ҳамиша яширидир, у доимо ходиса сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ходисада мохиятнинг фақат бир томонигина намоён бўлади. Шу боисдан ҳам ходиса алдамчи ва чалқитувчидир. Бинобарин, инсон сезгиларининг бирон бир нарса ёки ходиса тўқрисида берган маълумотлари хеч қачон унинг бутун мохиятини очиб бера олмайди.

Тушунча, хукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситаларидир. Бундай билиш инсондан алохида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ходисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси интуитив билиш, қалбан билиш, қойибона билишдир. ўзининг бутун борлиқини фан, дин, сиёсат ва санъат соҳасига бақишлаган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш хиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг қойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган, ечимини кутаётган умумбашарий муаммолар билан боқликдир. Илмий билишнинг энг самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларидан фойдаланади.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билишнинг методлари мавжуд ва уларни ўрганадиган махсус соҳа — методология деб аталади. Илмий билиш методлари ўз ҳарактерига кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий илмий билиш методлари барча фанлар учун хос бўлган методлардир. Бунга анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавхумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, таққослаш умумилмий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантиқийлик умумилмий методлар ҳисобланади.

Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, сухбатлашиш, анкета сўрови, хужжатларни ўрганиш социология фанига хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиги мумкин. Илмий билишда тўкри методни танлаш билишда муваффақият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак, деган масала фан предметини аниқлашга имкон берса, қандай ўрганиш керак, деган масала эса илмий билиш методини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боқликдир. Илқор илмий назария фаннинг бутун тараққиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларга танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудга келади. Фан мохиятан ўзи эришган ютуқларга шубха билан қарашни тақозо қилади.

Фан, фалсафа соҳасида эришилган ютуқларни мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона сиқиниш муқаррар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамиша нисбийдир. Лекин бундай нисбийликни мутлақлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса, скептицизмни вужудга келтиради. Фан тараққиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халақит беради.

Илқор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарльз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеологияда хақиқат тушунчаси муҳим ўрин тутади. Ҳақиқат инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишидир. Ҳақиқатни очиш ёки илмий хақиқатга эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқат ўзининг мазмунига кўра мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан хақиқати ҳамиша нисбий ҳарактерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлақ хақиқат вужудга келади.

Ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хохиш-иродасига боқлиқ эмасдир. Масалан, ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги объектив хақиқатдир. Айрим кишиларнинг бу мустақилликни тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, бу хақиқат ўз мазмунини сақлаб қолаверади. Ҳақиқатни атайин бузиш ёки сохталаштириш охир-оқибатда фош бўлади ва ўз қадрини йўқотади. Шунингдек, хақиқат хеч қачон мавхум эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Ҳегель

сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у хақиқатдир, хақиқат — воқеликдир. Ҳақиқат мазмунининг конкрет ҳарактери жой, вақт ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Гносеологияда табиий-илмий ва ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давомида табиатшунослик фанларига хос бўлган объективлик, холислик илмийликнинг муҳим мезони деб ҳисоблаб келинди. Бироқ XX аср ўрталарида фан-техника инқилоби инсоният олдида пайдо бўлган муаммолар табиатшунослик фанлари олдига қадриятли ёндашув вазифасини қўя бошлади. Ақлли мавжудот бўлган инсон ҳар қачон табиатни ўрганишда ҳамиша ўз манфаатларини кўзлайди. Табиат ресурслари чексиз ва битмас-туганмасдир, деган бир ёқлама қараш охир-оқибатда инсон томонидан табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатни вужудга келтирди. XX аср охирларига келиб табиатга нисбатан инсонларча, қадриятли муносабатда бўлиш зарурияти чуқурроқ англана бошлади.

Ижтимоий фанлар ҳамиша мавжуд сиёсий тузум, даврнинг талаб ва эхтиёжлари билан узвий боқлиқ равишда ривожланади. Ижтимоий билишда жамият ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади: инсоният ўз тарихини яратувчи ва ўз-ўзини билувчидир.

Табиатшуносликда нисбатан барқарор системалар билиш объекти ҳисобланади. Табиатдаги нарса ва ходисалар тадқиқотчига хеч қандай қаршилик кўрсатмайдилар. Ижтимоий билишда эса, нисбатан тез ўзгарувчи системалар билиш объекти ҳисобланади. Ижтимоий билишга хос бўлган муҳим хусусият шундаки, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларинигина эмас, балки жамиятнинг анча мураккаб маънавий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, қарашлар ва қояларни ҳам ўрганади. Ижтимоий фанлар миллий қоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Гносеологиянинг мақсад ва вазифалари, билишнинг мохияти ва мазмуни тўқрисида зарур билимларга эга бўлиш мамлакатимизда билимдон, ҳар жиҳатдан етук баркамол инсон шахсини шакллантиришда алохида ўрин тутади. Билиш назарияси бўлажак мутахассис-кадрларда муайян илмий лаёқат ва қобилиятларни шакллантиришга кўмаклашади. Миллий мустақиллик йилларида гносеология олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири, илмий билимларнинг жамиятимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилишини таъминлайдиган омил ва механизмларни ўрганиш, улуқ аждодларимизнинг илмий билимларни ривожлантириш борасида орттирган тажрибаларини кенг оммалаштиришдир.

Билиш ва тил. Тил онг ва тафаккур, билиш жараёнининг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушунилади? Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўқри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзодлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Айтайлик, кабутарларининг «мухаббат» рақси, жонзодларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини

огохлантириши, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган худудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу белги — сигналлар тизими узоқ давом этган эволюция давомида хосил қилинган рефлекслар эканлигига ишонч хосил қилиш мумкин.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъий назар фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боқлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно — мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, конкрет шароитдаги кайфияти каби омилларга ҳам боқлиқ бўлади. Тил фикрлаш қуроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда қўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг — баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар рақс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм- фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон ҳисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортан» каби тиллари яратилди. Комьпютерларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез ўсиб бораётган хозирги даврда бу «тил»лар ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини кўрсатмоқда

Тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаххамланади. Шундай экан, мустақиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алохида эътибор берилаётганлиги миллий ўзлигимизни англашимизнинг ўтиш жараёнида миллий истиқболимизни белгилашнинг узвий қисми сифатида қаралмоқи лозим.

Билиш ва ўз-ўзини англаш. Инсон воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи хақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни тахлил қилиш, хатти-ҳаракатларини бошқаришдек қобилиятга ҳам эга. Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баҳолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг сохибига — субектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши хақида гап кетар экан, у ўзини алохида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан қатъи назар алохида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг камол топиш жараёни, ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ўзига хос ҳарактер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошқалар томонидан берилган тасаввур ва баҳолар устунлик қилади. Боланинг тафаккури ўсиши билан, у оламни мустақил англай бошлайди ва ўзининг имкониятларини ўзи баҳолашга ўрганиб боради. Айнан мана шу даврда тўқри йўлга қўйилган тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, айнан мана шу тарбия таъсирида болада ўз имкониятларини тўқри баҳолаш ҳам ёки унга ортиқча баҳо бериб юбориш холати ҳам шаклланиб қолиши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнида у мансуб бўлган маданият, турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг ўз-ўзини англаши, баҳолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс холда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

Билиш ва ахборот. Кейинги йилларда “Ахборот”, “Ахборотлашган жамият”, «Информацион портлаш» тушунчалари тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч -қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб уддалайди.

Хўш, буларнинг инсон онги, билиши ва тафаккурининг мохияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, компьютерлар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Аммо улар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқарига чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ходисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади ва ўзининг яратувчиси устидан хукмрон бўла олмайди.

Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, хозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кўндаланг бўлмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари

бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ўн минг ўқилмаган сахифа тўқри келар экан.

Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан ўқиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, холос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб қолаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормоқда. Масалан, олий — таълим соҳасида бу жараён олти — етти йил, компьютер технологияси соҳасида эса бир йил давомида содир бўлаётганлиги хақида фикрлар билдирилмоқда. Бу агар сиз олий ўқув юртини битирганингизга етти йил бўлган бўлса, ўз вақтида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг ўз билимларини юқори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диққат-эътиборни, ўз устида ишлашни талаб қилади. Акс холда, таълим даргохини энг юқори натижалар билан битирган мутахассис ҳам тез орада чаласавод бўлиб қолиши мумкин.

Умумлаштириб айтганимизда, билишнинг мохиятини, тушуниш, у билан боқлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, билиш мохиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу билиш ва у билан боқлиқ масалалар ҳар бир инсон ҳаётида ниҳоятда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Таянч тушунчалар: дунёни англаш, онг, инъикос, билиш, гносеология, билим, кундалик (эмпирик) билим, назарий билим, билиш объекти, билиш субъекти, билиш методлари, хақиқат, ўз-ўзини англаш, ахборот

Такрорлаш учун саволлар

1. Онг нима?
2. Гносеология нимани ўрганади?
3. Билиш нима?
4. Билиш объекти, субъекти, предмети тушунчаларини изохланг.
5. Билишда ҳақиқатга эришиш йўлини изоҳланг
6. Билимлар ва ахборот омили таъсири ортишини қандай тушунасиз?
7. Билишнинг ёшларни тарбиялаш ва камол топтиришдаги аҳамият нимада?

7-мавзу. Тарихий жараёнда жамиятнинг маданий ва маънавий қадриятлари. Жамият ва тарих фалсафаси

Режа

1.“Жамият” тушунчасининг мазмун-моҳияти, тузилиши ва вазифалари.
2. Жамиятнинг моддий - маънавий ҳаёти. Демократик жамият.
3. Цивилизация тушунчаси ва жаҳон цивилизациясининг хусусиятлари
4. Цивилизациялашган жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш вазифалари.
5. “Маданият” тушунчаси, унинг моҳияти ва вазифалари
6. “Қадрият” тушунчасининг тавсифи ва моҳияти. Қадрлилик ва қадрсизланиш, уларнинг ижтимоий характери.

“Жамият” тушунчасининг мазмун-моҳияти. Инсоният азал-азалдан жамоа бўлиб яшайди. Ер сайёраси унинг абадий макони, умумий Ватанидир. Қуёш тизимидаги ана шу митти сайёрада яшаётган одамлар оиласини жамият, деб аташ одат тусига кирган. Демак, умумбашарий маънода жамият одамзотнинг умри, ҳаёти ўтган ҳамма даври, жой ва ҳудуди билан боғлиқ барча ўзгариш ва жараёнларни ифода этади.

Шу билан бирга, бирор давлат ҳудудидаги одамлар ҳаёти, цивилизациянинг муайян даврларидаги турмушига нисбатан ҳам ушбу тушунча қўлланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам, у умумий тушунча бўлиб, айрим одам ва алоҳида шахс жамият аъзоси деб аталади. Ҳар бир жамиятнинг ўз қиёфаси, тузилиши, таркибий қисмлари мавжуд бўлиши тарихий заруратдир. Муайян жамият**ҳ**аётига хос бўлган яшаш ва тараққий этиш со**ҳ**аларининг **ҳ**ам ўзига хос хусусиятлари бор. Бу масалани ўрганиш айниқса дунё **ҳ**амжамияти ва Ўзбекистон **ҳ**аётида туб ўзгаришлар рўй бераётгани **ҳ**озирги даврда му**ҳ**им а**ҳ**амият касб этмоқда.

Жамият билан боғлиқ масалалар азалдан кўплаб мутахассисларнинг диққатини тортиб келади. Фан тарихида бу мавзуга доир турлича қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мавжуд. Бу масалалар қадимги авлодларимиздан қолган “Авесто” ва “Ўрхун-Енесей тошбитиклари”да, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Ал-Беруний, Нажмиддин Кубро, Мирзу Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа алломаларимиз меросида ёрқин ифодасини топган. Шарқ сиёсатшунослигида жамият билан боғлиқ масалалар Конфуций, Кайковус, Низомулмулк, Мирхонд, Хондамир, Шарафиддин Али Яздий каби кўплаб алломалар ижодидан ўрин олган.

Ижтимоий тараққиёт давомида жамият тўғрисидаги қарашлар, ғоялар ва таълимотлар ривожланиб такомиллашиб борганлигини, хусусан ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида **ҳ**амда Амир Темур ва темурийлар сулоласининг жамият ривожи масалаларига оид назарий ва

амалий жиҳатдан ёндашганлигида кўриш мумкин. Хусусан, “Темур тузуклари”да қайд этилгани каби: “... салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш **ҳ**ақида қўлланма (дастур уламал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг **ҳ**ар бири унга мувофиқ иш юритсин, ме**ҳ**нату машаққатлар, кўп **ҳ**арбий юришлар, уруш-талашлар билан, тангрининг инояти ва **ҳ**азрати Му**ҳ**аммаднинг, унга тангрининг мар**ҳ**аматлари ва саломлари бўлсин, толеи баланд миллатнинг шарофати, он**ҳ**азратнинг улуғвор авлоди ва қимматли са**ҳ**обаларига қилган му**ҳ**аббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган салтанатни сақлагайлар”[2]. Шунингдек, мазкур мавзуга Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирларимиз ижодида ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ҳозирги даврда ҳам ушбу масалага доир кўплаб китоблар, рисолар ва қўлланмалар чоп этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жамиятнинг мо**ҳ**иятини, тузилишини, қонуниятларини билиш, уларга таянган **ҳ**олда бошқарув ва раҳбарлик фаолиятини ташкил этиш му**ҳ**им а**ҳ**амият касб этади. Шунинг учун “Жамият” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, тузилиши, ижтимоий қонунлар – жамият тараққиёти ва ислоҳотлар жараёнини билишда му**ҳ**им омил сифатида намоён бўлади. Бу борада Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги жамиятга доир айрим хусусиятлар, умумий муштарак нуқталар, унда шаклланган ва қарор топган ғарбона ва шарқона қадриятлар, шахс эркинлиги, индивидуаллик ва жамоавийлик уйғунлиги каби ҳодисаларнинг моҳияти ниҳоятда муҳим.Ҳозирги замонда жамиятга доир плюрализм ҳамда синергетик қарашларнинг унинг тараққиёти қонуниятларини билиш орқали ижтимоий жараёнларни илмий ташкил этишдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бериш лозим.

Жамият — табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар йиғиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб борувчи мураккаб тизимдир. Ҳар бир янги даврда жамият моҳиятини билиш зарурати вужудга келади. Миллий мустақиллик туфайли жамият моҳиятини янгича идрок этиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Жамият моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Ҳозирга қадар адабиётларда моддий ва маънавий ҳаёт бир-биридан кескин фаркланар эди. Ҳолбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқ. Худди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зид. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда халқ маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Зеро, кишилар иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлгани учун илмсиз бўлмайди, балки, аксинча — илмсиз бўлгани учун қашшоқ бўлиши мумкин. Шунинг учун юртимизда халқ

[2]Темур тузуклари. Т.: “Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 68-б.

маънавиятини юксалтириш орқали иқтисодий фаровонликни таъминлашга катта эътибор бериляпти.

Ижтимоий муносабатларнинг амал қилиш жараёнида одамларни уюштиришнинг тарихий шакллари — оила, давлат, жамоа (қишлоқ, шаҳар) вужудга келган. Одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, мафкуравий каби муносабатларнинг барчаси, бир сўз билан, ижтимоий муносабатлар дейилади. Ижтимоий уюшмалар кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Улар моҳиятан инсон ва жамият мавжудлигининг зарур шарти ҳисобланади. Масалан, оила, давлат, таълим-тарбия, маҳалла, Ватан каби қадриятларсиз инсон ва жамият ўз моҳиятини йўқотади.

Жамиятнинг моддий - маънавий ҳаёти. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура, гўзаллик, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондиришида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, моддий ва маънавий оламни уйғунлаштиришга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон юксак маънавият туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Мамлакатимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилаётганининг сабаби ҳам ана шунда. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келди.

Жамиятнинг моддий ҳаётига қуйидагилар киради:

—кишиларнинг яшаши, шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитлар;

—озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилғи, коммуникация воситалари;

—моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш;

—ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи;

—моддий бойликлар, табиий захиралар.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутади. Жамиятни

бошқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳам муҳим. Кишилар томонидан сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши жамиятнинг барқарор яшаши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ривожи, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишида меҳнат, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши беқиёс аҳамиятга эга. Меҳнатни кишиларнинг қобилиятига қараб ижтимоий тақсимланиши натижасида муайян касб-кор билан шуғулланадиган тоифалар, гуруҳ, қатлам ва синфлар вужудга келади, улар жамият структурасида ўзига хос ўрин эгалдайди, жамият тараққиётига муайян ҳисса қўшади.

Жамият ва оила. Жамият ва оила моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топади. Шу маънода, оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданиятга боғлиқ. Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Оилада эр ва хотиннинг мавқеи, оилавий муносабатлар характери турли халқларда турлича. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оила қадриятларини, энг илғор анъаналарни тиклашга қаратилган. Она ва аёл муқаддаслиги ўзбекона қадриятдир. Ҳадиси шарифда она ва аёлнинг муқаддаслиги тўғрисидаги ғоялар оилавий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Улуғ мутафаккурлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги аҳволи, мавқеи билан белгиланишини алоҳида таъкидлаган. Соғлом, баркамол авлод тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг маънавий салоҳияти, билими, уддабуронлиги ва эркинлигига боғлиқ. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган қатор тадбирлар аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ҳамда ролини кучайтиришга қаратилган.

Оила муаммолари илмий асосда ўрганиш уларни оқилона ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республика "Оила" илмий-амалий марказининг ташкил этилгани ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Давлатнинг жамият ҳаётидаги ўрни. Давлат — жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида муассаса. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир.

Жамият маънавий салоҳиятининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислоҳотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қўмиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган.

Демократик жамият. Демократик жамиятни барпо этиш — Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. Бу жамият кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган демократик тараққиётнинг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг кўп қир-рали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиб бажарувчи жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув. сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Юртимизда бундай жамиятни барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Ўз навбатида, маънавий етук авлод жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Бугун бизнинг бош стратегик мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган, қонун устуворлигига таянган, эркин, демократик жамият барпо этишдир. Ундаги "эркинлик", "демократия", "қонун устуворлиги" сўзларига эътибор қаратиш керак. Бу тушунчалар Ўзбекистон қураётган жамиятнинг қандай умуминсоний тамойилларга, қадриятларга асосланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик давлатлар каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъмин-лаш давлатимиз сиёсатининг фалсафий мазмун - моҳиятини ифодалайди. Бу — халқимизнинг асрий анъаналарига, инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда ривожланган давлатлар тажрибаларидан шунчаки нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни изчил давом эттиришни англатади. Бу жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қуришни эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийликни қарор топтиришни билдиради. Бу маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини оширишни кўзда тутади.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнларининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрамиз. Конституция ўзига хос фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг устувор мақсадлари, тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўзининг яққол ифодасини топган.

Мустақиллик мамлакатимизга жаҳон цивилизациясининг эшигини очди, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш ва дунёдаги энг ривожланган давлатлар

қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини яратди. Бугунги кунда халқимизнинг ана шу йўлда амалга ошираётган улкан бунёдкорлик фаолияти цивилизациялашган мамлакатларга хос ҳаёт тарзини шакллантиришга қаратилган.

“Цивилизация” тушунчаси. Маълумки, лотин тилидаги “ civilic” сўзи асосида шаклланган, фуқаровий, ижтимоий, деган маъноларни англатадиган мазкур тушунчани илм-фан тарихида дастлаб шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723—1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, француз маърифатпарварлари эса ақл-идрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар. Ундан кейин ҳам цивилизация тушунчасига турлича мазмун бериш давом этди. Айрим ҳолда уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер эса, аксинча, уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган.

Цивилизация тушунчасининг мазмунини белгилашда турфа хиллик ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу тушунча: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон цивилизацияси); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (мас., Европа ёки Осиё Ц.си); 5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи маданий бирликларни (мас., христиан ёки ислом цивилизацияси); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликларни (мас., Ер цивилизацияси, Ердан ташқаридаги цивилизациялар); 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (мас., қад. Миср ёки Бобил цивилизацияси) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда.

Цивилизация тарихнинг, жамиятнинг сифатий ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган, ишлаб чиқариш кучлари, инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди. Буларнинг барчаси цивилизацияни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имконият яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши цивилизациянинг ҳалокатини англатади.

Ушбу мулоҳазалардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, цивилизация тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина, у аниқ илмий мазмунга ва демакки, методологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар даражасида цивилизациянинг ўзига хослиги, асосий характеристикалари ўзини яққол намоён этади.

Жаҳон цивилизацияси. Жаҳон цивилизацияси деганда Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, минтақавий ва ҳудудий цивилизацияларнинг яхлит, бир бутун ижтимоий тизими бўлган умуминсоният, сайёрамиздаги жамият тушунилади. Бу тушунча, умумий маънода, заминимизда яшаган барча одамларнинг умумий макони бўлган Ер юзидаги ҳаёт, тарихнинг ҳамма

даврларида мавжуд бўлган давлат, жамият, халқ ва миллатларнинг умргузаронлик қилиши билан боғлиқжараёнлар мажмуасини ўзида акс эттиради.

Инсоният тараққиётининг бугунги ҳолати замонавий цивилизациянинг асосий тамойиллари билан узвий алоқадор экан, Республикамизнинг умуминсоний цивилизация билан уйғунлашуви ҳам кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Ҳозирги пайтда инсоният ўз ривожининг янги босқичига кўтарилди. У ўзида моддий ишлаб чиқариш ютукларини, инсоният томонидан орттирилган тажрибаларни, жаҳон миқёсида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш йўллари ва усулларини мужассамлаштиради.

Ўзбек халқи Шарқ Цивилизацияси бағрида камол топди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлик, катталарга ҳурмат, камбағалпарварлик ва б. Шарқ цивилизацияга хос белгилардир. Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат ва маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Шарқ ва Ғарбнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунёвий цивилизация йўлидан бормоқда.

Бугунги таҳликали дунёда инсониятнинг эсон-омон яшаб қолиши ва келажакда бахтиёр бўлиши жаҳон цивилизациясининг асосий мақсади ва йўналишига айланиб қолди. Шу маънода, Ер юзидаги ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизацияси деб аталадиган яхлит тизимнинг турли таркиблари бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги цивилизациянинг такомиллашуви, барқарор яшашига имкон беради.

Тўғри, бу тизим таркибида Америка, Россия, Хитой, Япония каби салмоқлйи таркиблар ҳам бор. Улар кўп жиҳатдан жаҳон тизими тараққиётига таъсир кўрсатади, муайян жараёнларнинг йўналишла-рини белгидайди. Аммо бу тизимда ҳар бир давлатнинг, кичкина Ватикан ёки Лихтенштейндан тортиб Германиятача, Андорра ёки Монаколан токи Франциягача ўз ўрни, ўзига хос таъсир кучи ва доираси бор. Шу маънода, уларнинг ҳар бири, ҳудудининг катта-кичиклиги, аҳолисинингсони қанчалигидан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тенг овозга эга. Демак, таркиблар тизимда муайян тарзда амал қилгани сингари ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизациясига тенг ҳуқуқли аъзо ва муҳим элемент сифатида кириб борган.

Жаҳон ҳамжамияти ўзида умумийликни, ҳар бир мустақил мамлакат эса айримлик ва ўзига хосликни ифодалайди. Бу ҳолда Осиё ёки Марказий Осиё мамлакатлари хусусийликни акс эттирса, Ўзбекистон алоҳидаликни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига кўп бўлмаганига қарамай, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Унинг Марказий Осиёдаги мавқеи эса бу минтақанинг асосий тараққиёт йўналишларини кўп жиҳатдан белгилайди.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг бетакрор, ноёб хусусиятларини саклаган ҳолда мустақил ривожланади ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб боради. Бундай қўшилиш кўп қиррали, ранг-баранг бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, сиесий, маънавий, ҳуқуқий, давлатлараро муносабатларни қамраб олади.

Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш табиий-қонуниятли жараён бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий этиши, ер юзида умумий хавфсизлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга, табиий ресурслар, илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишга, экологик мувозанатни таъминлашга имкон беради. Мустақил тараққиёт йўлига ўтган халқларнинғ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини эътироф этиш, халқаро хуқуқ меъёрларига амал қилиш, инсон ҳуқукларини ҳимоя этиш, демократия тамойилларига амал қилишда яққол намоён бўлади.

Цивилизациянинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари цивилизациянинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, ўзига хос рангини белгилаб беради. Ҳатто ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характерлилик, аҳамиятлилик беради. Бу билан маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни цивилизациянинг шаклланишини, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз вазифасини ўтайди. Демак, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради.

“Маданият” тушунчаси. Бу тушунча (араб. шаҳарга оид, фаровон маскан, тараққиёт ўчоғи) табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодалайди ва индивиднинг ҳаётий фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гуруҳ ёки жамиятнинг фаолият усули (ижтимоий маданият)ни акс эттиради. Дастлаб маданият тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ тарзда таъсири (ерга ишлов бериш, табиий бойликлардан фойдаланиш ва ҳ.к.) ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаши ва билим олиш маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик турли халқлар Маданиятнинг ўзаро яқинлашуви, муносабатларининг ифодаси ўлароқ жаҳон маданияти, тамаддунлар маданияти тушунчалари пайдо бўлди.

Инсон фаолиятининг икки асосий тури – моддий ва маънавий яратувчанликка кўра, маданият моддий ва маънавий маданиятларга бўлинади. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳалари ҳамда уларнинг ҳар бирида эришилган натижалар – меҳнат қуроллари, турар-жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва ш.к.ни ўз ичига олади. Маънавий маданиятга ақлий ва маънавий яратувчанлик соҳалари – билим, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, дин, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, асотирлар ва шу кабилар киради.

Уйғониш ва маърифатпарварлик даврларида маданият етуклиги деганда инсон ва жамият ҳаётида инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари устувор ўрин тутиши лозимлиги тушунилган. Жамиятдан ташқарида маданият мавжуд эМасалан Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маданиятга таъсир этади ва унда бу муносабатлар қандай натижаларга олиб келиши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу боис маданият нафақат ўтмиш ёки бугунги кун, балки келажакка нисбатан муносабатнинг ифодаси ҳамдир. Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичи. Инсоният ўзи ҳам пировард натижада маданият маҳсулидир. Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам

шундай шаклланади. Маданиятнинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ маданиятида аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, маданиятли киши бўлиш мумкин эмас маданият ривожида ноёб истеъдод соҳиблари: фан, адабиёт, санъат аҳли ҳам катта ўрин тутади. Улар туфайли маданиятда янги ёндашув, ижод турлари, бадиий-эстетик қарашлар юзага келади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кенг тарқалган айрим касб турлари маданиятнинг алоҳида шакли сифатида эътироф этилади. Масалан, китобат маданияти, кулолчилик маданияти, бинокорлик, машинасозлик, темирчилик, ипакчилик маданиятлари ва ҳ.к. Бундан ташқари, фанда маданиятнинг барча халқлар ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган турлари ҳам қайд этилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маданияти, технологик маданият, минтақавий маданият ва ҳ.к. Бу ҳол маданият турларини алоҳида-алоҳида ҳамда қиёсий ўрганиш ёндашувининг шаклланиши, фаннинг алоҳида тармоғи сифатида ажралиб чиқишига олиб келди.

Маданиятшунослик. Ҳозирги вақтда маданият ва маданий ҳодисалар “Маданиятшунослик” (“Культурология”) фанининг асосий объекти сифатида олий ўқув юртлари доирасида кенг миқёсда ўрганилади. Маданиятшунослик мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг тараққий этаётган фалсафий фан соҳаларидан биридир. Собиқ иттифоқ даврида бу фан умуминсоний маънода ўқитилмас эди. Аслида эса, жаҳон фалсафасида маданият тўғрисидаги алоҳида бир фаннинг вужудга келгани маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Маданиятшунослик маданиятдаги ранг-барангликни эътироф этади, маданиятнинг универсал характерга эга бўлган тарихий намуналарини бир-биридан фарклайди.

Маданият фалсафаси. Маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фалсафий фан “Маданият фалсафаси”дир. Фалсафий қонун ва категорияларни билиш маданият ва унинг ривожланиш муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан тўғри ечиш учун замин яратади. Айни пайтда маданият фалсафаси маданиятнинг хилма-хил кўринишларини таҳлил қилиш асосида фалсафий қонунлар, ва тушунчаларнинг мазмунан бойиши, фал.нинг ижтимоий амалиёт билан алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашуви, у илгари сураётган хулоса ва қоидаларнинг бойиши ва такомиллашувига хизмат қилади. Маданият фалсафаси ижтимоий тараққиётнинг субъектив, яъни кишилар фаолияти билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Маданият фалсафасининг предмети доираси маданият масалалари билан чекланган. Шу боис маданият тушунчаси кенг талқин қилинган тақдирда ҳам бутун жамиятни қамраб ололмайди. Маданият фалсафаси бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланиш билан бирга ўзининг эмпирик материалларини йиғади ва таҳлил қилади. Маданият фалсафаси ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро таъсирда бўлиб, уларнинг категорияларидан фаол фойдаланади. Бундан ташқари, маданият фалсафасиси семиотик, структуравий, постмодерн, антропологик ёндашувлар нуқтаи назаридан ўрганилиши мумкин. Шундай қилиб, маданият фалсафасининг талқин этилиши борасида турли-туман ёндашувлар мавжуд

бўлса-да, бу тушунча ва ҳодисага яхлит, умумэътироф этилган концепция нуқтаи назаридан ёндашиш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда.

Маданий мерос. Авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий бойликлар "Маданий мерос" тушунчасида ифодаланади. Ҳар бир давр маданий мерос ривожига ўзига хос ҳисса қўшади. Масалан, қадимги нодир асарлар ва ёдгорликлар ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астраномия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қиммабаҳо асарлар, ўлмас осори атиқалар бу қўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқдақадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради". Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт минг йилдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намнаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо Маданий меросни тиклаш, уни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Қарши, Термиз, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз каби қўҳна шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, масжиду-мадрасалар, мақбаралар, қадамжолар ҳам Маданий мероснинг ажралмас қисмидир. Мамлакатимиз мустақиллика эришгач, мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган урф-одат, маросим ва анъаналар, исломий қадриятлар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзб. тили давлат тили мақомига эга бўлди, жаҳон ва миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг номлари тикланиб, асарлари ҳар томонлама ўрганилмоқда, қадамжолари обод этилмоқда. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бой Маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиб беришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

"Маданий бойликлар" тушунчаси. У аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугуни ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар, бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликларни ифодалайди. У халқнинг, миллатнинг а.лар мобайнида ёзма манбалар ва халқ оғзаки ижодида ифодаланган, объективлашган ва субъективлашган нарса ва буюмларда акс эттирилган моддий, маънавий фаолият маҳсулидир. Унда билим, тажриба, дунёқараш, маънавият ва маърифат уйғун тарзда муҳрланган. ЮНЕСКО ташкилоти 1972 йилда жаҳон маданий ва табиий ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган (1975 йилдан кучга кирган). Жаҳон Маданий бойликлари рўйхатига жами 721 та маданий ва табиий ёдгорликлар киритилган. Улар орасида Ўзбекистондаги Хива (Ичан қалъа), Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанднинг тарихий марказлари ҳам бор.

Маданиятнинг умуминсонийлиги ва миллийлиги. Бу соҳада умумбашариятга хос бўлган жиҳатларни биз маданиятдаги умуминсонийлик. миллатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни эса маданиятнинг миллийлиги деб атаймиз. Аслида эса миллийлик ва умуминсонийлик бир бутун маданиятнинг икки томони, бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлардир. Маданият ана шу икки жиҳатнинг узвий алоқаси ва бир бутунлиги орқали намоён бўлади. Миллийлик — маданиятнинг жони, унинг миллат билан боғлиқ яшаш усули, миллатнинг унда намоён бўладиган руҳидир. Умумин-сонийлик эса маданиятнинг бутун жаҳонга хослиги, ана шундан келиб чиқадиган умумбашарий хусусиятлари, жамият ривожининг барча давр ва ҳудудларга хос умумий тамойилларидир.

Миллий маданиятлар бир-бирини бойитади. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир табиий равишда халқлар ва миллатларнинг бир-бири билан иқтисодий, сиёсий, ахлоқий соҳалардаги ҳамкорлиги узвий боғ-ликдир. Бироқ бир миллий маданиятни бошқа халқларга зўрлаб тар-ғиб этиш, жорий қилиш ижобий натижаларга олиб келмайди. Миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши халқларнинг цивилизациялашган тараққиёт йўлидан бориши ва ўзига хос цивилизация яратишида муҳим аҳамиятга эга.

Истиқлол ва маданият. Ўзбекистоннинг ўтган асрнинг 80 йиллари охирида мустақиллик тамон қадам ташлаши билан, барча соҳалар қатори, маданий ҳаётда ҳам ўзгариш ва ислоҳотлар олиб бориш учун муайян замин ҳозирлана бошлади. Жумладан, Наврузни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ва ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши бу йўлдаги энг дадил қадамлар бўлди. Шундан сўнг биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини таъминлаш, маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маънавий бойликларни яратувчи олимлар ва ижодкор ходимларга эътиборни кучайтириш, ўсиб келаётган авлодга, унинг маданий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндошиш вазифалари белгиланди.

Ватанимизнинг ёруғ келажагини белгилайдиган, унинг куч-қудратини таъминлайдиган омиллар орасида таълим-тарбия соҳаси алоҳида ўринга эга. Чунки ҳар бир миллатнинг, халқнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа сифатида белгиланиб, ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Фалсафада қадриятлар муаммоси такрор ва такрор мурожаат қилиб туриладиган азалий мавзулардан бири сифатида қаралади. Бу мавзу, айниқса, тарихда туб бурилишлар рўй бераётган, жамият ривожи бир босқичдан бошқасига ўтаётган, ижтимоий-сиёсий тартиблар, кишилар кўникиб қолган мезонлар ўзгариб бораётган даврларда ниҳоятда долзарб муаммога айланади. Бундай даврларда жамият аъзоларининг қадриятларга муносабати, улар билан боғлиқ мақсад ва идеаллари, қараш ва тасаввурлари ўзгариб кетади. Жамиятда эски тизим ва унга асосланган ижтимоий, сиёсий ва маънавий мезонлар ўрнига янги қадриятлар тизимига эҳтиёж туғилади, уни шакллантириш заруратга айланади.

XX аср охирида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шундай давр бошланганини яққол кўрсатди. Бу эса юқоридаги хулосанинг тарихий жараёнлар натижасида исботланган ҳаёт ҳақиқати эканидан далолат беради

Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди, давлат ва жамият қурилишида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаёт қуриш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳон цивилизацияси андозаларига мос келадиган қадриятлар тизимини шакллантириш ушбу жараённинг таркибий қисмига айланди.

Айнан ана шу даврда мамлакатимизда қадриятлар ва инсон қадри масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бир-бири билан уйғун ва чамбарчас алоқадор бўлган бундай жараёнлар умуминсоний ва миллий кадриятлар устиворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қадриятлар тўғрисидаги фан — "Аксиология" (аксио — қадрият, логос — фан, таълимот маъносинй англатади) фалсафанинг шу масалани ўрганадиган ва у билан шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади. Собиқ иттифоқ даврида бу тўғрида ниҳоятда кам маълумотлар бор эди. Истиқлол туфайли қадриятлар тўғрисидаги қарашларимиз шитоб билан ўзгарди. Собиқ иттифоқнинг илгари улуғланган парти-явий-синфий қадриятлари саробга айланди, замона реалликлари та-лабларига жавоб бера олмай, ўтган ўн йилликлардан иборат тарих саҳифалари билан бирга ёпилиб кетди. Ўзбекистонда қадриятларга эътибор кучайди, унинг турли қирралари олим ва мутахассислар томонидан таҳлил этилмоқда. Қадриятлар фалсафаси — аксиология-нинг кўпдан-кўп мавзулари мутахассисларимизнинг илмий изла-нишларида ўзига хос ўрин тутмоқца.

"Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир", — деб ёзган эди Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" романида. Худди шундай, "Қадрият ўзи нима?" саволига жавоб беришдан олдин мавзунинг тарихини, қисқа бўлса-да, ўрганмоқ лозим. Бусиз қадриятларнинг бугун ва келажакдаги аҳамиятини тушуниб бўлмайди.

Қадриятлар мавзуининг тарихи. Қадриятлар мавзуининг тарихи, илдизлари ва инсониятга хос қадрлаш тамойиллари шаклланиши узоқ ўтмишга эга. Ғарб олимлари бу борада, асосан, Европа маданий мероси ва ғояларига таянадилар, кўплаб алломаларнинг номларини тилга оладилар. Ғарбда қадриятлар билан шуғулланадиган фалсафий соҳа — аксиология фанининг шаклланган ҳам уларнинг бундай қарашлари учун муайян асос бўлади. Биз Суқрот ва Афлотун, Арестотель ва Гегеллар катта эътибор берган бу мавзунинг Ғарб фалсафасида ўз тарихига эга эканлигига шубҳа қилмаймиз.

Аммо ушбу мавзу кўҳна ва навқирон Шарқ, хусусан Ўзбекистон учун бегона эмас! Унинг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан қидириш ҳам фойдадан холи бўлмаса керак. Номлари цивилизациямиз тарихига абадий битилган Хоразмий, Форобий. ал Бухорий, ат Термизий, Беруний, ибн Сино, Нажмид-дин Кубро, Яссавий, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бедил, Беҳбудий, Авлоний каби мутафаккирлар ижодида ҳам бу мав-зунинг

излари бор, теран қирралари очилган. Гап ана шу изларни излаб топишда, уларни унутмасликда, сайқаллаб туришда, замона реалликлари нуқтаи назаридан холисона талқин қилишдадир.

Авлод ва аждодларимиз яратган қадрлаш мезонларининг тарихи энг қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, достонларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Спитамен, Му-қанна ва Жалолиддин Мангуберди тўғрисидаги асарларда, Алпо-миш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсона ва достонларда ватан-парварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик каби кўплаб умуминсоний қадриятлар тасвирланган. Маънавий меросимизнинг ёрқин намунаси — "Авесто" зардўштийликнинг муқаддас китоби бўлганлигидан унда бу диннинг қадриятлар тизими, қадрлаш ме-зонлари, ўша даврдаги миллий ғоялар ёрқин ифодаланган.

Қадрлаш тўғрисидаги қарашлар ривожида УШ-ХП асрлар катта аҳамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом ҳукмрон динга айланган эди. Эътироф этиш керакки, Қуръон ва Ҳадисларда таърифлаб берилган илоҳий қадрият ва қадрлаш масала-лари халқимиз тарихи ва маданиятига таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, араб истилоси даврида кўпгина миллий қадриятларимизнинг йўқотиб юборилганлигини ҳам қайд қилмоқ керак. Бу тўғрида Бе-руний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида афсус билан ёзиб қолдирган.

Цивилизациямиз қадриятлари ва халқимизга хос қадрлаш меёрлари мусулмон Шарқи ва араблар дунёси маданиятинингривожига ҳам ниҳоятда катта акс таъсир кўрсатган. Тарихда номлари сақ-ланган алломаларимиз ўз навбатида бутун жаҳон, Шарқ маданияти-га ғоят катта ҳисса қўшганлар. Бундай фикрни Абу Ҳанифа, ал Бухорий, ат Термизий, Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари тўғрисида ҳам айтиш жоиз. Уларнинг ҳар бири ўз замонасида исломни цивилизациямизнинг юксак маданияти нуқтаи назаридан тарғиб ва ташвиқэтдилар, ис-лом фалсафасини юксакликка кўтардилар, мазкур диннинг бутун жаҳонда катта мавқега эга бўлишида муҳим фаолият кўрсатдилар. Уларнинг ислом фалсафаси ва илоҳиётига, уни замона зайллари орасидан ўтиш жараёнига кўрсатган ниҳоятда катта таъсири тўғри-сила махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Афсуски, манбалар етарли бўлишига қарамасдан, юртимиз иивилизациясининг ислом дини ривожига ва азалий ислом мамлакатларининг маданияти та-раққиётига таъсири тўғрисида ёзилган асарлар ҳалигача кам, бу тўғри-да кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурияти аллақачон етилган.

Масаланинг муҳимлиги атоқли қомусий олимлар — Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, ал Фарғоний, Улуғбек, Лутфий, Навоий, Бобур каби цивилизация-мизнинг забардаст намояндалари ижоди ва мероси кўзгусида янада яққолроқ намоён бўлади. Зеро, улар нафақат Марказий Осиё, араб-мусулмон цивилизацияси, балки жаҳон маданияти тараққиётига ниҳоятда катта ҳисса қўшганлар, юртимиз қадриятлари таъсирининг бутун оламга ёйилишида хизмат қилганлар.

Афсуски, дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган собиқ иттифоқда қадрлашнинг умуминсоний тамойилларини барқарор қилиш у ёкда турсин,

ҳақиқий қадриятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб боришга ҳам изн берилмас эди. Фақат ўтган асримизнинғ 60-йилларига келиб, қадриятлар муаммоси баъзи мутахассислар томонидан таҳлил қили-на бошлаган бўлса-да, 90-йилларгача фалсафа дарсликларида ало-ҳида мавзу сифатида ўз ўрнига эга бўлмади. Ҳукмрон мафкуранинг таркибий қисмига кирмаганлиги, мавзуларининг жуда кам тадқиқ қилинганлиги ва ниҳоятда оз аҳамият берилганлигидан махсус фал-сафий тадқиқотлар соҳасига айлана олмади. Аксиология номи билан собиқ иттифоқда бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси чоп этилмаган, ҳатто университетларнинг файласуф, жамиятшунос, тарихчи каби мутахассислар тайёрлайдиган ижтимоий бўлимларида ҳам бу соҳага оид махсус билимлар берилмас эди.

“Қадр” ва “қадрият” тушунчалари, қадрсизланиш муаммоси. Қадриятлар тўғрисида Ғарбда кенг тарқалган “**Аксиология”** (аксио қадрият, логос - фан, таълимот) фани ривожланган мамлакатларда инсон қадри ва ҳақ-ҳуқуқларига доир кўпгина тамойилларнинг амалиёти учун назарий асослардан бири бўлган илмий соҳалар қаторига киради.

Бу борада “Қадр” тушунчасига катта аҳамият қаратиш лозим. **у** муайян қадриятнинг яъни, бирон-бир нарса, воқеа, ҳодиса ёки бирор идеалнинг инсон ва жамият учун қадри ва ижтимоий аҳамиятини англатадиган тушунчадир. “Қадр” тушунчаси ўзбек тилида серқирра маъно ва мазмунга эга, у тилимиздаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фалсафий мазмун борлигидан далолат беради. Ана шу сабабдан ҳам ўзбек тилида қадриятнинг мазмунини билиб олиш ва унинг аҳамиятини англаш, аввало, қадрнинг маъносини билиш орқали боради. Инсоннинг инсонга ибрати, тарбиядаги таъсирини унинг ўзи баҳолай олмайди, балки бошқа инсон баҳолайди. Демак, қадрият сифатидаги инсон таъсирида унинг қадри ва аҳамияти намоён бўлади, бошқа киши эса ана шу бевосита таъсир натижасида унинг аҳамиятини баҳолайди, қадрига баҳо беради.

Қадриятлар муаммосига бағишланган илмий-фалсафий манбаларнинг кўпчилигида қадриятни “баҳо” тушунчаси биланн қиёслаш, уларга бир хил даража ва кўламдаги тушунчаларр сифатида қараш ҳоллари учрайди. Айни пайтда қадриятлар жамият ривожи ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруратга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий тараққиёётнинг энг олдинги поғонасига чиқади, бошқалари хиралашгандек туюлади. Мас., юртни ёв босганда – озодлик, империя ҳукмронлиги ниҳоясида – истиқлол, уруш даврида – тинчлик, тутқунликда – эркинлик, хасталик ва беморлик пайтларида – сиҳат-саломатликнинг қадри ортади, уларга интилиш кучаяди.

Қадриятларнинг асосий шаклларини аниқлаш борасида олимлар орасида бир хил ва ҳамма эътироф этган ягона н.назар йўқ. Уларни моддий ва маънавий, умумбашарий ва умуминсоний турларга бўлиш мумкин. Бу шакллар ҳам уларга мос равишда табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар ўзаро уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликда намоён бўлади. Бундай ҳоллардаги таҳлил жараёнида илмий билишнинг тизимлилик усули, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, бутун ва бўлак категорияларининг диалектикасига асосланиш қўл келади.

Қадрсизланиш – муайян қадрият ёки қадриятлар тизимининг ўз қадрини йўқотиши ёки пасайтириши жараёнини, инсоннинг ўз обрў-эътиборини, мавқеини йўқотиши, назардан қолиши маъносини англатувчи тушунчадир. Жамият тараққиётида содир бўладиган умумий қадрсизланиш бирданига, бир кунда ёки тўсатдан эмас, балки тадрижий рўй берадиган жараёндир. Инсоният тарихида қадриятлар тизими қадрсизланиб кетган давлатлар ва империяларнинг таназзулга юз тутгани, йўқ бўлиб кетгани маълум. Мас., собиқ иттифоқ ҳаётининг охирида, 80-йилларнинг охирларида илгари зўрлик биланн ушлаб турилган қадриятлар тизимининг бутунлай қадрсизлани.и яққол кўриниб қолган эди. Охир-оқибат, бу тузум таназзулга юз тутди ва ҳалокатга учради.

Қадрсизланиш жараёнига сабаб бўладиган кўплаб омиллар мавжуд. Муайян қадрият ёки бир неча қадрият шаклларининг ҳаддан ортиқ бўрттириб юборилиши, мутлақлаштирилиши ёки сийқалаштирилиши, уларга нотўғри муносабатнинг муттасил сиёсат усулига айлантирилиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда қадриятлар ўз мазмун-моҳиятини, одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун умумий мезон, уларнинг интиладиган идеал ёки уларни муайян мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сафарбар қилувчи мезон сифатидаги аҳамиятини йўқотади.

Қадрсизланиш муайян қадрият, миллий манфаатлар, давлат сиёсатига ишончсизлик, одамларнинг “нималар”дандир ҳафсаласи “пир” бўлиши, кўпчиликнинг кўнгли “қолиши” тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳар бир шахс учун жамиятда ўз атрофидагилар ўртасида ўз қадрини йўқотиш одамийликни йўқотиш б-н баробар бўлади. Ш.у. ҳар бир шахс қадрсизланиш сўзи англатадиган маънодаги хусусият ўзида шаклланиб қолмаслигига интилиши зарур бўлади.

Қадрсизланиш фақат шахслар ўртасидагина бўлиб қолмасдан, балки бошқа соҳаларда ҳам рўй бериши мумкин. Мас., қимматли қоғозлар, пуллар, ашёлар ҳам қадрсизланиши мумкин. Бундай ҳолатни дунё давлатларида ишлатиладиган маблағлар ва қимматли қоғозлар мисолида кўриш мумкин. Баъзан қадрсизланиш оқибатида маълум бир мамлакатларда пуллар ва қимматли қоғозларни ислоҳ қилишга зарурат сезилади. Қадрсизланиш иқтисоднинг барча соҳаларини қамраб олиши, муайян давлат ёки бутун жаҳон инқирози тарзида рўй бериши мумкин. Бундай ҳолнинг иқтисодий бўҳронга олиб келади ва бутун дунёда умумий муаммоларни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Мустақиллик ва қадриятлар тизими ўзгариши. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бу мавзуга умуминсоний тамойиллар асосида ёндашиш шаклланди. Истиқлол асрлар давомида шаклланган ўзига хос шарқона ва ўзбекона қадрлаш масалалари ва меъёрларини қайта тиклаш ҳамда замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришни кун тартибига қўйди. Зеро, мустақил бўлмаган мамлакатнинг қадриятлар тизими ҳеч қачон тўкис бўлмайди. Мустамлака мамлакатнинг маънавий ҳаётида мустамлакачиларнинг қадриятлари устувор бўлиши аниқ. Фақат мустақилликкина ушбу ҳолатни тубдан ўзгартиради,

мамлакатнинг қад-риятлар мажмуасини жаҳон тизимининг тенг ҳуқукли ва ҳақиқий қисмига айлантиради.

Шу сабабдан ҳам истиқлол янги қадриятлар тизимини шакллантиришни тақозо қилди. Бу зарурият эса қадрият-ларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона, азалий ва умуминсоний қадрлаш мезонлари устувор бўлган ҳаёт тарзини шакллантириш жа-раёни билан уйғунлашиб кетди. Қадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар-га эътибор ва бу борадаги янги тамойиллардан таълим-тарбияда фой-даланиш эҳтиёжи ошаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Ўзбекистоннинг миллий истиқолига асосланадиган янги қадриятлар тизими шаклланиш жараёнлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар, республикамизда қадриятлар омили самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятнинг аосий йўналишлари ҳам илмий ўрганишни талаб қилади. Ушбу масалани ойдинлаштириш учун тарихга мурожаат қилиш, ундан танбеҳлар излаш мумкин. Ҳолбуки дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бирига мансуб бўлган, ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақаладиган ва уч минг йилдан кўпроқ даврни қамраб оладиган халқимиз тарихи, мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган янги қадрият тизими ва унга муносабатимизнинг тамал тошларини қўядиган маънавий асосдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожи қанчалик юқори поғоналарга кўтарилиб бораверар экан, тарих саҳифаларига мурожаат қилиш, ундан ташбеҳлар излаш эҳтиёжи шунчалик ортиб бораверади. Аммо ҳаёт фақат тарихдан иборат эмас. Тарих нақадар серқирра ва сермаъано бўлмасин, бугунги ва келажакдаги ўзгаришларни тўла-тўкис қамраб ололмлайди, балки келажакда тарихга айланадиган жараёнларга асос бўлади, холос.

Ижтимоий тараққиёт эса тарих силсилалари, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очиб боради. Унинг замондаги бундай илгариланма ҳаракати жамият тараққиётини умумижтимоий қонуниятидир. Бу қонуният қадрият тизимлари, уларни таркибий қисмларидаги ўзгаришлар диалектикаси учун ҳам умумийдир. Қадрият тизимларининг замона зайллари таъсирида ўзгариши ва давр реалликла рига мос ҳолатга келиши ҳам ана шу жараёнга бўйсунади. Бу жараёнда ўзгаришлар воқеа ва ҳодисаларни замондаги кетма-кетлиги тарзида рўй беради. Диалектик тафаккур эса ана шу давомийликнинг инъикоси, уни англаб олиш воситаси сафатида намоён бўлади. У қадриятларни ўзгариши ва янги қадрият тизимлари вужудга келиши жараёнини англаб олиш имконини беради. Ҳозирги даврдаги турли номутаносибликлар, замона силсилалари ва муаммолари орқали шаклланаётган янги қадриятлар тизими вужудга келиш жараёнини тасаввур қилмоқ у учун ҳам диалектик тафаккур ва илмий билиш усулларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Жамиятнинг туб бурилиш босқичларида қадриятлар тизими, кишиларни уларга муносабати ўзгариши шунчалик шиддатли тус оладики, бу жараённинг тезкор суръатларини англаш, изоҳлаш ва асослашга энг диалектик тафаккур усули ҳам улгура олмай қолади. Биз тадқиқотларимиз давомида бу фикр тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Бу даврда собиқ иттифоқ тизими билан боғлиқ давр ўтмишга айланди.

Ҳуллас, Ўзбекистонни мустақил ривожланиш йўлига ўтганлиги янги қадриятлар тизими шаклланиши ва барқарорлигини таъминлайдиган асосий омилдир. Мустақиллик туфайли дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига, тараққий этган давлатлар қаторига қаторига собитқадамлик билан кириб бориш, ўзаро иқтисодий, мадаиий, илмий, савдо ва бошқа соҳаларда қизғин ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданиятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитиш имкониятлари очилди.

Бугунги кунда заминимизда яшаётган ва бизга замондош бўлган кишилар ҳаётида янги давр бошланди. Яъни мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий истиқлолига асосланган янги қадриятлар тизимини барқарор қилиш, бу тизимда қадрият шаклларининг диалектик уйғунлигига эришиш, инсон қадри, қобилияти, истеъдодини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги долзарб вазифалар ҳозирги авлод умрининг мазмунига айланди.

Мазкур соҳада зиммамиздаги вазифаларни бажаришда маънавий-маърифий воситалар ҳамда тарғиботнинг таъсирчан усулларини қўллаш, фаолиятимизнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бу эса ҳар биримизни ушбу йўналишда фаол ва омилкор бўлишга ундайди ҳамда барчамизга улкан масъулият юклайди.

Таянч тушунчалар: жамият, жамиятнинг тузилиши, оила, демократик жамият, фуқаролик жамияти, тараққиёт, цивилизация, жаҳон цивилизацияси, маданият, қадриятлар, қадрлаш ва қадрсизланиш мезонлари

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятга хос белгиларни сананг.
3. Цивилизация нима?
4. Маданият нима?
5. “Қадр” ва “Қадрият” тушунчаларининг мазмунини қандай изоҳлайсиз?
6. Қадрсизланишни қандай тушунасиз?

8-мавзу. Фалсафий антропология. Инсон фалсафаси

Режа:

1. Инсон — Яратганнинг мўъжизаси, фалсафанинг бош мавзуси.
3. Инсон табиати ва мохияти. Инсон онгли мавжудот.
4. Инсон, шахс ва индивид тушунчалари.
2. Инсон ҳақидаги қарашлар ранг-баранглиги. Инсоннинг жамиятдаги ўрни.

Ўзбекистон мустақиллиги ва инсоннинг қадр-қиммати. Ислохотлардан мақсад — инсон, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати.

5. Инсон муаммосини ўрганишнинг тарбиявий зарурияти ва аҳамияти.

Инсон — Яратганнинг мўъжизаси, фалсафанинг бош мавзуси. Инсон муаммоси фалсафанинг азалий мавзуларидан биридир. Одам зотининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни, инсоний фазилатлари, шахсий ҳусусиятлари тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида турган. Фан соҳасида одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Ижтимоий фанларда эса шахс камолоти, ижтимоий, маънавий қиёфаси билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзод учун ўзи ва ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар азал-азалдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келмоқда.

Суқротнинг «Ўзлигингни англа», «Ўзингни билсанг, оламни биласан» деган хикматли сўзлари ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг мохияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуф Абдулхолиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фалсафада бахс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдордир. Умуман олганда, инсонга дахлдор бўлмаса, унга фойда келтирмаса, жамиятнинг оқирини енгил қилмаса, ундай фаннинг кераги бормикан? Шу маънода, инсон, аввалло, ўзи учун зарур бўлган фанларни, илмлар ва билимлар тизимини яратган.

Бу борада "Одам","инсон", "шахс" тушунчалари ыщлланилади ва уларни кундалик ҳаётда қарийиб бир хил маънода ишлатиш ҳоллари учрайди. Аммо улар орасида илмий жиҳатдан муайян фарқлар ҳам йўқ эмас. "Одам" тушунчаси - биологик ва ижтимоий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирадиган тирик жонзотга, - одам зотига, - нисбатан ишлатилади. Одам зотини бошқа жонзотлардан фарқ қилувчи энг муҳим белгилари онг, ахлоқ, хулқ, билим, ижтимоий меҳнат қила олиш қобилияти ва бошқалардир. "Инсон" тушунчаси эса одам зотини муайян даражадаги ижтимоий ҳусусиятлар ва жиҳатларни ўзлаштириб олганлиги билан боғлиқ камолот даражасини ифодалайди. Ижтимоийлик - "шахс" тушунчаси учун ҳам асосий ҳусусиятдир, аммо бунда

ижтимоий жиҳатдан маънавий-ахлоқий камолотга етганлик тушунилади. Илмий адабиётларда иисон ва шахсга нисбатан ранг-баранг таърифларни, турли хил талқинларни учратиш мумкин

«Инсон» тушунчаси ва унинг фалсафий талқини. Инсон - аввало тирикликнинг энг олий мўъжизаси, бошқа жонзотлардан ажралиб турувчи ижтимоий мавжудот сифатида, табиий-тарихий қадриятдир. Инсонни онтология /грекча - борлиқ, назария, таълимот/ ва антропология /грекча-инсон, таълимот/ нуктаи назаридан, яъни инсонни борлиқнинг бир қисми сифатида талқин қилиш /онтология/ ва уни вужудга келиши, ижтимоий хусусиятларининг шаклланиши билан боғлик тадқиқотлар /антропология/ ҳамон давом этмоқда. Инсон - тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, сифатлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий-ахлоқий жиҳатларни қиёфасида акс эттирган ижтимоий мавжудот сифатида жамиятдаги асосий қадриятдир. Шу билан бирга у оламга ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомала ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосида моддий ва маданий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, ҳис-туйғулари, фикрларини тили воситаси да ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган - умумижтимоий вужуд ҳамдир.

Инсон жамиятсиз яшайолмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган кишилар фаолияти, ўзаро муаосабати ва умргузаронлиги билан тирикдир. Шу маънода инсон - ҳар қандай жамият бор бўлишини таъминлаб турадаган асосий ижтимоий элементдир. Бундай таъминлаб туриш инсонни индивидуал - шахсий иштироки орқали, яъни бирор гуруҳ, қатлам, синф, қавм, элат, халқ ёки миллат доирасидаги фаолияти, оила ва турмушдаги ҳатти-ҳаракати, амалга оширган ишлари, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади.

Ҳозирги илмий адабиётларда инсоннинг табиий-ижтимоий борлиғи мавжудлиги тан олинади. Бу борада биологик ёндашув инсоний муносабатлар меъёрларининг эволюцион-биологик асосларига эътибор қаратади. Унга кўра одамзотининг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узоқ йиллар давом этади. Дастлаб, норасида гўдак учун Она кўкраги, сути, алласи энг буюк қадрият бўлса, она кўлидан тушган, одимлар Она кўкрагидан ажралган бола учун эса, аста-секин атроф-муҳит, ўзи яшаётган макон, ўзга кшшлар ва ўзи ҳам қадриятга айланиб боради. Бу даврда у ўз шахсий эҳтиёжи ва мақсадларини ўзига хос қадрият кўзгуси орқади кўради, ўзига керакли ва зарур нарсаларни муҳайё қилишларини кўпроқ хоҳлайдиган, талаб қиладиган бўлиб қолади. Болалар ҳаётини кўпгина тадқиқотчилари камолотнинг бу муҳим даврида /3-6 ёш/ ўз қадрини ошириш ва шахсини кўпроқ севиш /болалик эгоизми/ мавжуд бўлиишни таъминлайдилар.

Албатта инсон илк болалик даврида қолиб кетмайди, ота-она, қариндош-уруғ, дастлабки ўқитувчилар уни қадриятлар мезонини англашида муҳим ўрин тутади, шу тариқа инсон камолот сари боради. Бу жараёнда етук шахсга айланиш имконияти бўлган одамзод наслининг ҳар бир вакили оилавий, маънавий-ахлоқий, миллий, ижтимоий қадриятлар таъсиарида тарбияланади, шу билан бирга, шахсий жиҳатлари,қадрланадиган сифатлари ва хусусиятлари камолотга

етиб боради. Бу жараёнда шахснинг ўзи ҳам ижтимоий қадрият сифатида шаклланиб, ўз қадрини намоён қилиб боради.

Инсон табиати билан боғлиқ бу жараённи социал ёндашув тарафдорлари ижтимоий аҳамиятга молик сабаблар билан тушунтиради ва инсоннинг ижтимоий функционер, «қандайдир генлар»га эътибор бермасдан фойдаланиш мумкин бўлган давлат машинаси унсури сифатидаги образини яратади. «Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир», деган шиор айнан ижтимоийлик инсон ҳаёти субстанцияси, негизини ташкил этишини тушуниш имконини беради.

Ҳозир Ғарб адабиётларида «mind - bodi» (ақл – тана), «nature - nurture» (табиат – тарбия) муаммоси муҳокама қилинмоқда. Аммо асосий муаммо кўрсатиб ўтилган моҳиятларни муфассаллаштиришда эмас, балки инсоннинг ягона образини яратишдадир. Бу эса ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий соҳалардаги билим ютуқларини ўзида мужассамлаштирган комплекс ёндашувни тақозо этади. Homo sapiens эволюцияси тўғрисида сўз юритганда, оддий биологик ёки ижтимоий мезонларга эмас, балки биологик-ижтимоий мезонларга суяниш лозим.

Инсон онгли мавжудот. Бир замонлар файласуфларнинг устози Суқрот «Ўзингни билсанг, оламни биласан», – деган эди. Фалсафий ҳикматга айланиб кетган бу фикр ортида олам каби инсон ҳам сиру синоатларга бой, у ўзини билиш орқали олам моҳиятини англашга йўл очиши мумкин, деган ғоя ётибди. Шу маънода, инсон ўзини ташқи оламдан ажратиб, алохида бир мўъжиза ва тадқиқот мавзуи сифатида ўрганишга ҳаракат қила бошлаган пайтдан буён уни ўйлантириб келаётган муаммолардан бири онгнинг моҳияти, тафаккурнинг келиб чиқиши масаласидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, онгнинг табиатини англаш масаласи – энг қадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Гарчанд онг ва унинг турли хусусиятлари инсонга хос ходиса сифатида психология, адабиёт, социология каби фанларнинг тадқиқот мавзуи доирасига кирган бўлса-да, онгнинг моҳияти, унинг турли кўринишлари ўртасидаги муносабат каби масалаларни ўрганиш билан айнан фалсафа шуқулланади.

Онгнинг моҳияти масаласи энг қадимий муаммолардан бири экан, уни англаш жараёнида турли хил жавоблар бўлганлиги табиий. Бу саволга энг қадимий жавоб диний ва мифологик қарашлар доирасида берилган.

Онгни диний тушуниш уни илохий ходиса, Худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги Худонинг, буюк илохий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у олам ва одамнинг яратилганлиги масаласи билан бевосита боқлиқдир. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг ҳам яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий. Барча динлар каби ислом динида ҳам ана шундай қараш эътироф этилади ва онг, тафаккур Яратганнинг инсонга инъоми, илоҳий мўжизалар сифатида тавсифланади.

Бундай қарашлардан фарқ қиладиган ва онг муайян моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг мохияти инсон танаси фаолияти билан боғлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боқлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг мохиятини бузиб талқин қилиш холлари ҳам пайдо бўлган. Фалсафа тарихида «Вульгар материализм» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида онг маънавий эмас, балки моддий ходиса, деган хулоса чиқади. Вахоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Моддийликка асосланган қарашларга кўра, **о**нг инъикоснинг олий шаклидир. Хўш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, хеч бўлмаганда, иккита нарса, жонзотлар, яъни объектлар бўлиши ва улар ўртасида ўзаро таъсир содир бўлиши лозим. Энг умумий маънода, ҳар қандай нарсаларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа нарсаларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боқлиқ хоссасига инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда ҳар бир холатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб ҳарактер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади. Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг сохиблари – субъектлари алохида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётда эгалланган мавқелари хеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгда назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткорлар турли назариялар, бадиий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озиқ оладилар.

Одатий онгда халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат хақидаги билимлар, шунингдек турли

уйдирмалар, нотўкри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ мақоллари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф холда учрамайди. Чунки, инсон фарзанди мурқаклик давриданоқ ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам баҳо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Хўш, назарий онг деганда нимани тушуниш керак?

Назарий онг деганда назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли ўлароқ назарий онг ўзгарувчан ҳарактерга эга. Бу ўзгарувчанлик илмий билимларнинг шиддатли ривожланиши, воқелик хақидаги билимларнинг доимий чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг мохиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида хосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

Ушбулардан хулоса шуки, онг ва тафаккур инсонга олам ва одам, воқеа ва ҳодисалар сирларини билиш, улар билан боғлиқ тушунча ва томойиллар, қонунлар ва ўзига хос жиҳатлар, масала ва муаммоларни англаш, бу ёруғ дунёда мазмунли ҳаёт кечириш учун ато этилган.

Инсоннинг биологик ва ижтимоий табиати ҳақидаги фалсафий асарларда жинс, жинсий муносабатлар, эркак ва аёл ўртасидаги фарқ, авлодлар ўртасидаги муносабатлар, ўлим муаммолари деярли ёритилмаган. Ваҳоланки, инсоннинг реал ҳаёти – туғилиш ва ўлиш билан боғлиқ биологик вақт доираси билан чегараланган. Мазкур чегараларда ҳаёт континуал ва авлодлар ўртасидаги муносабатларга ҳам, жинслар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқ бўлган ўзгаришларга тўла. Ҳозирги замон фалсафаси ва фани инсонни ўрганишда унинг яхлит ижтимоий-биологик мавжудот сифатидаги талқинидан келиб чиқади.

Инсон ва унинг қобилияти муаммоси шунинг учун ҳам алоҳида ўрин эгаллайдики, табиий илмий билимнинг бу муаммони ўрганиш имкониятлари анча чекланган. Фалсафий ва ижтимоий билим ҳам инсонни мукаммал билишни даъво қила олмайди. Демак, бунда комплекс ёндашувгагина умид қилиш мумкин. Бу ёндашув инсон табиатини тушунишнинг бутун рационалистик анъанаси ҳамда эзотерик тафаккур имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига инсонни ўрганиш чегараларини анча кенгайтириш имконини беради.

Ҳозирги замон фани инсон ҳодисасини ўрганишга табиатшунослик ва жамиятшуносликка оид билимлар синтези асосида ёндашишни таклиф қилади. Бунда инсон ижтимоий хулқ-атворининг ижтимоий-биологик асосларини аниқлаш асосий муаммо ҳисобланади. Ҳозирги фанларда инсон ва олий ҳайвонлар хулқ-атвори ўртасидаги ўхшашликларнинг самаралилиги кенг муҳокама қилинмоқда. Ижтимоий биология дарвинизм принциплари ва тушунчалари, чунончи, табиий танланиш, эволюция жараёнини популяцион генетика қонуниятлари универсаллигининг адаптогенези сифатида тушунишни

қабул қилиш зарурлигини қайд этмоқда. Инсонни билишнинг табиий-илмий методларига ён босиш инсоншуносликнинг биологияга боғланиб қолишига олиб келиши мумкин. Табиий фанлар соҳасида эришилган ютуқларга эътиборсизлик эса инсонни реал ўрганишда унча фойдали бўлмаган абстракт ва спекулятив моделларнинг тузилишига олиб келади.

Инсон ҳақидаги фикрлар инсон табиати ва моҳиятини фарқлаш зарур, деган хулосага олиб келган. Бу ерда аниқ чегара бўлиши мумкин эмас, чунки инсон доим олам жумбоғи, унинг очилмаган сири бўлиб келмоқда. Лекин, шунга қарамай, фанда инсон қобилияти ва сифатлари мажмуини унинг табиати билан боғлаб ўрганиш қабул қилинган. Ақллилик, муомала қилиш ва ижтимоий ҳаёт кечириш қобилияти инсоннинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Инсон моҳияти эса, ўз табиатининг теран ўзаги, фақат «инсонгагина хос бўлган» жиҳатлар ёки инсонни олий ҳайвондан фарқлаш имконини берувчи сифатлар билан боғлиқ. Инсон моҳияти нимада, деган саволга мутафаккурлар ҳар хил жавоб беради. «Инсон моҳияти айрим индивидга хос бўлган мавҳум нарса эмас. Амалда у барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир», деган таъриф инсоннинг ижтимоийлигини одамзотнинг энг муҳим ва асосий негизи сифатида қайд этади. Бу ёндашув бутун инсониятнинг ягона теран моҳияти ва аниқ қайд этиладиган инсон табиати мавжудлигини инкор этувчи фалсафий антропологик релятивизмнинг амалдаги муқобилидир.

Инсон ҳақида оддий одамлар орасида сўз юритилганида, одатда, моҳият – туғма, шахсият – ўзлаштирилган сифат эканлиги қайд этилади. Шахсиятдан фарқли ўлароқ, моҳиятни осонгина йўқотиш, ўзгартириш ёки бузиш мумкин эмас. Шарт-шароитларни ўзгартириш орқали шахсиятни деярли тўлиқ ўзгартириш мумкин. Шахсият йўқолиши ёки ўзгариши мумкин. Моҳият инсон жисмоний ва ақлий ҳолатининг негизи ҳисобланади. Шахсият ўзлаштирилган сифатлардан ташкил топади. Шахснинг шаклланишида имитация – тақлид йўли ва тасаввур муҳим аҳамиятга эга. Моҳият шахсиятдан устун бўлса, одам ўзи учун фойдали нарсаларни афзал кўради, шахсият моҳиятдан устун бўлган ҳолда эса ўзи учун зарарли нарсаларни афзал билади, деган ғайриоддий ёндашув ҳам мавжуд.

“Инсон” тушунчасининг талқинлари. Дунё марказига инсонни қўювчи ёндашув доимо антропоцентристик ёндашув деб аталган. Қадимги софист Протагорнинг. «Инсон барча нарсаларнинг мезони», деган машҳур ибораси антропоцентризмнинг аниқ ифодасидир. Бунда жонсиз ва жонли табиатнинг ўзаро таъсири инсон меъёрлари, идеал ҳамда даъволари нуқтаи назаридан қаралади. Инсон дунёнинг асосий ва энг катта бойлиги саналади.

Аммо инсонни билиш соҳасида антропоцентризмдан ташқари бошқа ёндашувларга ҳам дуч келиш мумкин. Табиатни ҳамма нарсадан устун қўювчи натуралистик ёндашув – табиий центризм ва у билан узвий боғлиқ бўлган натурализм принципи шулар жумласидан. Бу ерда, инсон – табиат фарзанди. Унинг барча хато ва камчиликлари бошқа ҳар қандай табиий жараёнлар сингари ўринли ҳамда табиий. Космоцентризм – космоснинг ҳамма нарсани, шу жумладан, инсоннинг моҳияти ва табиатини ҳам белгиловчи таъсирига ишора қилувчи дунёқараш, ҳисобланади.

Тарихий-цивилизацион жараёнда теоцентризм таълимоти ҳам муҳим роль ўйнаган. У олий, ғайритабиий мавжудотни дунёнинг асосий ва энг муҳим омили деб эълон қилган. Бу борада тарихда жуда чиройли, эзгу ниятли ва кучли одамлар яшаган Атлантида ҳақида ўта жозибали афсона мавжуд. Бу афсонада айтилишича, Атлантида жаннатмакон бир жой бўлган, унда одамлар бахтиёр яшар эканлар. Афсуски, атлантларнинг ҳар бири ўзини ўйлаб, ўз фаровонлиги ҳақида қайғуриб, ўзлаштирган билимларидан шахсий мақсаддагина фойдаланиб, оламда инсондан улуғроқ жонзот йўқ ва ҳар ким ўзига ўзи қонун, деб ҳисоблай бошлагач, Атлантида инқирозга юз тутган эмиш.

Платон бу идеал давлатга Атлантика океанидан географик ўрин ва тарихдан муайян вақт берди – у 11500 йил олдин мавжуд бўлганини қайд этади. Платон 70 ёшга тўлгач, Атлантида ҳақидаги афсонани эслаш фурсати етди. «Тимей» ва «Критий» диалогларида Атлантида тарихи ҳикоя қилинади. Платон ўз бобоси Тимейдан, Тимей – отасининг Солон исмли яқин дўстидан, Солон эса – давлат ишлари билан Мисрда бўлган пайтида шу ерлик коҳиндан эшитган ривоят тўғрисида сўз юритилади: «Тўққиз минг йил муқаддам сизлар Геракл устунлари (Гибралтар бўғози) деб атайдиган бўғоз ортида Атлантида деган катта орол бўлган. Бу оролда қирролларнинг қудратли ва ажойиб сулоласи юзага келган. Бу сулола жуда кўп мамлакатларни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Аммо бир нечта кучли зилзилалар бу оролни қисмларга бўлиб ташлаган, кейинчалик у сув остида қолган ва бутунлай йўқ бўлган».

«Критий» диалоги манзарани қуйидагича тўлдириш имконини беради. Худолар Ерни ўзаро бўлиб олганларида, донишмандлик илоҳаси Афинага Греция, Атлантида денгиз худоси Посейдонга теккан. Посейдон оролда яшайдиган Клейто исмли қизни севиб қолган. Клейто унга ўнта ўғил туғиб берган. Бу ўғилларнинг ҳар бири кейинчалик оролнинг ўз қисмида ҳокимлик қилган ва фақат олий ҳукмдор Атлас ёки юнонча Атлантга бўйсунган. Атлантида аҳолиси юксак ахлоқий меъёрларни асрлар давомида сақлаб келган. Лекин вақт ўтиши билан улар жуда иззатталаб ва очкўз бўлиб қолганлар. Шунда Зевс уларни жазолашга қарор қилган ва оролни сувга ғарқ қилган.

Атлантида ҳақидаги афсона катта маънавий мазмунга эга. У ахлоқий нопокликдан сақланишга чақиради, айни вақтда, инсон ўз миллатдошлари ва бутун дунё тақдири учун масъул экани ҳақида огоҳлантиради.

Ҳозирги адабиётларда космос тафаккури ёки космик ақлни англатувчи теокосмизм атамасига ҳам дуч келиш мумкин. Баъзан инсон, умуман, инсоният ривожланишининг янги даражаси зарурлигини асослаш учун айни шу космик ақлга мурожаат қилиш талаб этилади. Олий космик ақл фаоллик, чексиз ҳаракат ва ривожланишнинг бош негизи сифатида қабул қилинади.

Социоцентризм таълимоти маданий-цивилизацион омилларга суянади. Бу ерда инсон ўзи яшайдиган ижтимоий-маданий муҳит маҳсули сифатида намоён бўлади. Социоцентризмга энг яқин тушунча сифатида амал қилувчи культуроцентризм инсон маданият мазмуни орқали ўз маъносини касб этади, деган тезисни ҳимоя қилади.

Антропоцентризмнинг зидди – инсонга геологик кучлардан бири сифатида қарайдиган ёндашув дезантропоцентризм деб аталади. Ҳозирда анча машҳур

бўлган бу ёндашув инсонни унинг устун мавқеи ва ўрнидан маҳрум этади, ҳеч нарса билан чекланмаган ўзбошимчалик оқибатлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Инсонни ўзи яратган технократик, сунъий дунё билан универсал эволюцион ривожланишга боғлашдан иборат бўлган масала коэволюция муаммоси сифатида намоён бўлди.

Фалсафий қизиқишлари марказида табиат ва инсон моҳияти тўғрисидаги масала турувчи фан «Фалсафий антропология» деб аталади. У экзистенция ғояларига қараб мўлжал олувчи файласуфларнинг фикр-мулоҳазаларига жуда бой. Антропологик ёндашув инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди, инсоннинг экзистенциал таҳлили билан шуғулланади. «Экзистенция» тушунчаси тадқиқотчининг фикрини, аввало, инсон қилмишлари ва азоб-уқубатларида намоён бўлувчи инсон ҳамда дунё алоқаларини излаш, аниқлаш томонга йўналтиради.

Ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг йўналиши сифатидаги фалсафий антропология дастлаб немис файласуфи ва социологи М.Шелер (1874-1928) асарларида ишлаб чиқилган ва германиялик файласуф Х.Плеснер (1892-1985), немис мутафаккури А.Гелен (1904-1976) асарларида ривожлантирилган.

Шахсни умумбашарий ривожланишнинг асосий мазмуни деб эълон қилувчи персонализм уни ўрганишга нисбатан анча мураккаб ёндашувларни таклиф қилади. Шахс ўз моҳиятини муқаррар тарзда ўзидан ташқарида кўради, бу –экстериоризация, у теран ички меъёр ва мўлжаллардан озиқланади, бу – интериоризация. Ниҳоят, шахс ўз реал эмпирик мавжудлигининг тор чегараларидан ўтиб, олий қадриятлар: ҳақиқат, эзгулик ва гўзаликка интилади, бу –трансценденция.

Экзистенциализм инсонни илмий методлар ёрдамида билиб бўлмаслиги ҳақидаги ғояни қаттиқ ҳимоя қилади. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда Европа цивилизациясида инсонпарварликнинг тақчиллиги фанга бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келди. Инсоннинг ҳақиқий мавжудлиги, яъни экзистенция унинг объект тарзидаги ҳақиқий борлиғига тенг эмас. Атамалар, тушунча ва абстракциялар билишнинг илмий объективлигини инсоннинг ҳақиқий борлиғидан узоқлаштиради. Инсон доим ҳаётида муайян йўлни танлаш ҳолатида бўлади, у ўзликни англаш йўлида кўп карра ўзгаради. Экзистенциализм асосчиси С.Кьеркегор анъанавий фандан воз кечиб, ҳақиқий экзистенция сари юксалишнинг анча изчил уч босқичли назариясини таклиф қилди. Ташқи борлиқни аниқлаш билан боғлиқ биринчи – эстетик босқичда лаззатланишга интилиш етакчилик қилади. Иккинчи – ахлоқий босқичда бурч ҳисси ва ахлоқ қонуни меъёрлари ҳукм суради. Учинчи – диний босқичда онгли равишда қабул қилинган азоб-уқубат мавжудлик принципи ҳисобланади. Бу ўз кечинмаларини хаёлдан ўтказиш борлиқнинг янги «трансцендент» мезонини тушуниб етиш имконини беради.

Юқоридаги қарашлар инсон мавзуининг ниҳоятда серқирра эканини, у билан боғлиқ муаммоларга нисбатан ранг-баранг ёндашувлар мавжудлигини яққол намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ҳозирги даврда, балки келажакда ҳам инсон билан боғлиқ муаммолар фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолаверишини кўрсатади.

Турли замонларда мутафаккурлар инсонни турлича таърифлаганлар. Homosapiens- ”ақл-идрокли одам”- энг кўп қўлланиладиган таъриф. Animalrationale – “оқил ҳайвон” таърифи К.Линнейнинг зоологик таснифида келтирилган; atoolmakinganimal - «қурол ясовчи ҳайвон» - Франклин таклиф қилган таъриф; - Animalsymbolicum – «рамзий ҳайвон сифатидаги одам» Кассирер чиқарган хулоса. Кьеркегор ғояларини қуйидагича талқин қилиш мумкин: «инсон - танлаш қобилиятига эга жонзот», Ницше инсонни ваъда беришга қодир, бизни ахлоқ қоидалари дунёсига олиб кирувчи жонзот сифатида таърифлаган. Руссо «Фикрловчи инсон - йўлдан озган жонзот», деган. Инсон янгиликка интилувчи жонзотга тенглаштирилади. Баъзан унга ўз ҳаётига мутлақо аскетик ёндашишга қодир жонзот сифатида қаралади. М.Шелер фикрига кўра, инсон ҳақида фикр юритаётган ўқимишли европаликнинг онгида ғояларнинг уч доираси тўқнашади. Биринчиси – яҳудий ва христианларнинг Одам Ато ва Момо Ҳаво, яралиш, жаннат ва гуноҳга берилиш ҳақидаги анъанавий тасаввурлари доираси. Иккинчиси – қадимги юнонларнинг инсонни инсон қилган нарса унинг ақли, нутқи ва оқиллигидир, деган тасаввурлари доираси. Учинчиси – ҳозирги табиатшуносликнинг инсон Ер ривожланишининг анча кечки маҳсули, ўзидан олдин ҳайвонот дунёсида мавжуд бўлган шакллардан энергия ва қобилиятлари бирикувининг мураккаблик даражаси билангина фарқ қилувчи жонзот, деган ёндашувлари доираси.

Айтиб ўтилган ва бошқа шунга ўхшаш таърифлар инсоннинг умумий образини яратади. Шунга қарамай, инсон барча замонлар ва халқларда дунёнинг энг буюк сири бўлиб қолаётир. Бу таърифларни фалсафа тарихида инсоннинг мавжудлиги ягона ишончли далил асосида аниқланган даврда дунёга келган таърифлар билан тенглаштириш мумкин. Масалан, Ф.Декартнинг «Cogitoergosum» - “фикрлаяпман, демак, мавжудман” ёки Ж.Берклининг «Мавжуд бўлиш - идрок этилиш демак», Мен де Бираннинг «Voloergosum» - «Хоҳлаяпман, демак, мавжудман», А.Камюнинг «Исён қиляпман, демак, яшаяпман» каби фикрлари ҳам инсон табиати ва моҳиятининг янги-янги қирраларини намоён этади. Бунга Ф.Ницше инсоннинг бош ғояси деб эълон қилган ҳокимиятга интилишни ёки З.Фрейд илгари сурган яширин жинсий майл - либидо ғоясини қўшиб, иқтисодий материализмнинг иқтисодий омили аҳамиятига эътибор қаратсак, фалсафий антропологиянинг муаммолар доираси аён бўлади. Ғоялар ва ёндашувларнинг бу антагонизмида инсон табиатининг бир хиллиги ҳамда ягоналиги намоён бўлмайди, балки янада мавҳумлашади. Инсоннинг ўзи унинг учун энг асосий муаммога айланади.

Тана ва руҳ, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат инсоннинг азалий сири ва жумбоғини ечиш йўлидаги изланишларнинг моҳиятини белгилайди. Инсонни унинг муайян кўринишлари, фазилат ва камчиликлари нуқтаи назаридан тушуниб етиш, инсон тўғрисидаги масалани фалсафий ижоднинг бош масаласига айлантириш мутафаккирларнинг кўплаб авлодлари олдида турган муҳим вазифадир.

Индивид ва индивидуаллик, инсон ва шахс. Индивидлик – бир нарса ҳақидаги тасаввур бўлса, ўз қиёфаси, дастхати, мезонларига эга бўлган, қонунга, бир хиллаштирувчи меъёрга бўйсунмайдиган, алоҳида таҳлилни тақозо этадиган

нарса индивидуал ҳисобланади. Индивидуаллик ғояси ўзига хослик ва ўз номига эгалик руҳи билан суғорилади. Индивидуалликнинг рўёбга чиқиши – янги ва бетакрор нарсанинг туғилиши. Индивидуалликка у ўз иш қобилиятига қайтарувчи мавжудлик хос. Унда лозимлик андазасига бўйсуниш мажбурияти йўқ. «Мен» ўз-ўзи сифатида фаолдир.

Инсоннинг эркинликка интилиши унинг ҳозирги талқинида ўзига хос тарзда сақланиб қолган. Инсоннинг эволюция «кванти» сифатидаги талқини таклиф қилинган. Бу инсон нафақат ўта фаол, балки анча номуайян жонзот эканлигини англатади. Инсон яшайдиган маънавий муҳит кенгайиши билан унинг қиёфаси ўзгариб боради. Инсон, рус «собор» фалсафаси анъаналарида қайд этилганидек, нафақат шахсий, балки умуминсоний ҳамдир.

«Шахс» тушунчаси инсон ўз ҳаракатлари ва ҳиссиётларининг масъул субъекти сифатида амал қилиши мумкинлигини, у ўзи идрок этаётган нарсаларни англаши ва ўз ташаббусларининг аҳамиятини тушунишини англатади. «Шахс» тушунчаси одатда икки хил маънода таърифланади. Биринчи маънода, шахс – инсон индивиди муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида намоён бўлади. Бунга лотинча persona атамаси мос келади. Иккинчи маъно, инсоннинг ижтимоий-психологик қиёфаси анча барқарор тарзда намоён бўлишини кўрсатади. Бу ўринда шахс индивидни тавсифловчи доимий ва муайян ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатлар мажмуи сифатида амал қилади, ҳамиша эмпирик инсондан фарқ қилади, чунки у ўз қилмиши ва қарорларида ўзи қабул қилган муайян қадриятлар тизимига риоя этади. Шахс вербал жиҳатдан ҳам, объектив жиҳатдан ҳам моддийлашувчи қадриятлар тизимининг ташувчисидир. Шу боис шахс ўзини ўзи «яратиши», яъни идеал режа-мўлжалга мувофиқ, ўз ҳаётини йўлга қўйиши ва шарт-шароитларни муайян даражада ўзига бўйсундириши мумкин, деб ҳисобланади.

Шахс доим ўзини ўзи намоён этишга интилади, у ўзгармас ва таниқлидир. Шу маънода, шахс тасодифий тарзда намоён бўлувчи сифатлар ва хусусиятлар мажмуи эмас, балки яхлит ва уйғун жонзот, деган фикр ўринли.

Ҳозирги замон фалсафасининг йўналишларидан бири – персонализм шахсда кишилик тараққиётининг энг муҳим ютуғини ва унинг асосий маъносини кўради. Шахс дунёни ўзлаштирувчи ўзига хос бетакрор субъективликдир. У бутун вужуди билан баркамолликка интилади ва ҳар томонлама уйғун шахслар жамиятида яшашга ҳақлидир.

Шахс кечинмалари муқаррар тарзда у қабул қилган қадриятлар билан белгиланади. Индивидга эса ҳаёт фаолиятининг инстинктив омиллари кўпроқ хосдир. М.Шелер индивиднинг бундай майллари қаторига очлик, жинсий майл ва ҳокимият инстинктини киритади. Аммо фаол инсон ҳаётининг ҳар бир ҳодисаси витал ва маънавий асослар бирлиги сифатида намоён бўлади.

Индивид омма вакили сифатида амал қилади. Унинг ҳаммага ўхшашлиги унинг муқаррар хоссасидир. Бунда индивиднинг шахссизлашуви шу қадар кучли бўлиши мумкинки, у ном ўрнига тартиб рақами ёки кўрсатиш олмоши билан «у, бу, бошқа» деб аталиши мумкин. Индустриал стандартлашган дунёда ижтимоий вазифа ва функциялар индивидуал хулқ-атворда йўл қўйиладиган хатти-ҳаракатларни анча қаттиқ тартибга солади. Тизим қабул қилинган андазадан ҳар

қандай тарзда четга чиқиш ҳоллари билан муроса қила олмаслигини очиқ-ойдин намойиш этади. Рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида «ишлаб чиқариш – айирбошлаш – истеъмол» тизимига муккасидан кетган одам ўзи ҳам товарга – яхши нархга пуллаш мумкин бўлган ташқи сифатлар мажмуига айланади. Нарх баланд бўлиши учун эса қабул қилинган андазага риоя этиш ва Эрих Фромм таъбири билан айтганда, «чиройли ўрам»га эга, хушчақчақ, соғлом, иззатталаб ва фаол бўлиши керак. Буни бугунги спортчилар, айниқса машҳур футболчилар мисолида яққол кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан, Роналду, Месси, Неймар каби футболчиларнинг бир неча юз миллион долларга, бошқа фуиболчилларнинг эса бир неча ўн миллион долларга баҳоланиши бугунги кунда ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Хуллас, одамзот тарихида қачон «инсон», «шахс», «индивидуаллик» тушунчалари пайдо бўлгани баҳсли масаладир. Бу масаланинг Шарқ ва Ғарбда ўзига хос талқинлари мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда инсонга хос муайян хусусиятни устувор деб билиш асосида шаклланган. Ушбу талқинларни ҳозирги замон нуқтаи назаридан ўрганиш инсон борлиғи масаласининг тарихи узоқ эканини, бугунги кунда ҳам унинг фалсафий назариялар учун қизиқарли эканини англаб олиш имконини беради.

Экософия ва инсонни асраш муаммолари. Маълумки, инсон тана ва руҳдан иборат. Руҳ ва тананинг бир-бирини тақозо этиши, айни вақтда, бир-бирини инкор этиши, ҳар сафар янги ва янги куч билан намоён бўлувчи зиддият сифатида, ўз ечимини фақатгина маънавий ва жисмоний бўлмаган бошқа бир нарса воситасида топишни тақозо этади. Шу маънода, ўз қобилиятини рўёбга чиқариш, ўзликни англаш ва асраш муаммоси доим инсон экологиясининг бош муаммоси бўлиб келган. М.Монтень ўз вақтида «Дунёда энг муҳими ўзликни сақлашдир», деб бежиз ёзмаган.

Бинобарин, биз ўз манфаатларимиз соҳасини ўрганишимизга қараб, асосан шахсий мўлжалларимиз чегарасидан четга чиқамиз ва ўзимиздан бошқа нарсаларни, бизни қуршаган муҳитни кўра бошлаймиз. Инсон экологияси тўғрисида сўз юритганда, инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутиш лозим. Бу ерда нафақат инсоннинг жисмонийлиги, у яшайдиган моддий муҳит, балки маънавият ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий фанларда бу борада «Экософия» атамаси қўлланмоқда. У янги атама бўлиб, шахс хулқ-атворини белгилайдиган ва унинг ўзлигини сақлаш хусусиятини таъминловчи шахсий қадриятлар мажмуи ҳамда шу асосдаги дунёқарашни англатади. Экософиянинг категориялар тизимига ўз қобилиятини рўёбга чиқариш ва қадриятлар тизимидан ташқари, ўз-ўзини тинимсиз ўрганиш ҳам киради. Унинг энг етук шаклини И.Кантнинг машҳур саволларида кўриш мумкин: «Инсон нима? Мен нимани билишим мумкин? Мен нимага умид қила оламан? Мен нима қилишим керак?» Булар умуминсоний муаммолар рўйхатига киритилган умумий оламшумул саволлардир. Аммо яшаш жараёнида вазиятга қараб муайян саволлар туғилиши ҳам мумкин.

Инсон ҳар сафар ўз аҳамиятини теран ҳис этганида муайян қобилиятларини фаоллаштиради. Инсон моҳияти бефарқлик ҳолатида бўлганида (инсон кўпинча бу ҳолатни ўзи хоҳлаган ҳолат сифатида қабул қилади), онгнинг

барча имкониятидан фойдаланилмайди. Ҳар қандай танглик ёки мушкул муаммо соат бонги сифатида янграб, одамни мудроқ уйқудан уйғотади. Инсоннинг «ухлаб ётган» психик қобилиятларини «уйғотиш» муҳим вазифа. Кўпгина одамлар шу асосда «ўз ичидаги хира тортган чироқни қайта ва ёрқинроқ ёқишни ўрганади». Ўз қобилиятларини мумкин қадар кенгайтириш учун зарур даражасига эриша олмаслик инсоннинг асосий муаммоси ҳисобланади.

Инсон эволюцияси муаммоси унинг қобилиятларини кенгайтириш ва ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш соҳасига татбиқан ҳал қилинади. Инсон ўз ички бирлиги, доимий эгасини англаб етиши лозим. Эволюция йўлидаги биринчи қадам – ўз-ўзини ўрганиш. Бунда салбий эмоцияларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, токи инсонда салбий эмоциялар мавжуд экан, унинг бирлиги, онги, иродаси ривожлана олмайди. Ўз-ўзини ривожлантириш учун инсон ўзини кузатишни, ўзининг фойдали ва зарарли жиҳатларини фарқлашни ўрганиши лозим. Шахсда юзага келувчи қизиқишлар, худди магнетик марказ каби, инсоннинг ривожланишини йўлга солади ва назорат

Хуллас, одам зотининг она заминдаги ҳаёти, инсон умри, унинг маъноси, шахс камолоти билан боғлиқ масалалар тавсифи ва уларга нисбатан ёндашувлар хилма-хиллиги давом этмоқда. Инсоннинг имкониятлари, қобилиятлари ва қатор сифатлари тўғрисида янги қарашлар пайдо бўлмоқда. Лекин бир нарса аниқки, ҳалигача ҳеч ким бу масалаларда нима асл ҳақиқат, нима иккиламчи, ниманинг аҳамияти бошқасиникидан кўп ёки камлиги ҳақида мутлақ тўғри ва ҳамма тан оладиган хулосага эриша олгани йўқ. Балки бунинг иложи ҳам йўқдир ва бундай ҳақиқат керак ҳам эмасдир. Агар бундай ҳақиқатларга эришилса доимо янгиликка, кашфиётларга интиладиган инсон учун бу дунёнинг қизиғи ҳам қолмаслиги мумкин. Бу эса одам зоти мавжуд экан унинг учун ўзи ва бошқа одамлар, уларнинг ҳаёти, фаолияти, инсонлар орасидаги муносабатлар, алоқалар, шахснинг оламдаги ва жамиятдаги ўрни билан боғлиқ масалалар азалдан то абадгача мавжуд ва долзарб бўлиб қолаверишидан далолат беради.

Истиқлол ва инсон камолоти. Мустақиллик йилларида инсон табиатини чуқурроқ ўрганиш ва ундаги салбий майлларни бартараф этишга ёрдам берадиган фалсафий қарашларга эхтиёж вужудга келди. Шуни таъкидлаш жоизки, айрим кишилар миллат, Ватан, халқ манфаатларига зид равишда жамиятдаги мавжуд қонун-қоида ва меъёрларни поймол этиб, кўпроқ қаразли мақсадларини амалга оширишга ва турли ихтилофларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Шундай ниятлар йўлида хатто жиноий гуруҳларга бирлашадилар, жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларини амалга оширишга тўсқинлик қиладилар. Шунингдек, улар миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорликка рахна солади, маънавий-ахлоқий мухитни бузади, кишиларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини сусайтиради, баркамол инсонни вояга етказишга қаршилик кўрсатади. Улар турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи фирибгарлар, хокимиятга интилувчи экстремистлар, коррупция ва жиноятчилик олами вакиллари, гиёхванд, порахўр, террорчи ва шухратпарастлар каби жамият учун нохуш одамлардир.

Инсонни фалсафий билиш ва тахлил этишда ана шундай кишилар мавжудлигини эътиборга олиш муҳимдир. Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бундай кишиларни тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали мехнатга жалб этишга, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий қадриятларни ривожлантиришга алохида эътибор беради.

Шахс эркинлиги ва тарихий зарурат бир-бири билан узвий боқлиқ тушунчалардир. Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида пайдо бўлган қийинчилик ва муаммолар мохиятини англаш шахсни ўз билими ва махоратини оширишга, юксак қояларга содиқ бўлиб яшаш ва уларни жадал амалга оширишга ундайди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон қобилиятлари тўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий табақаланиш жараёнида кишиларнинг бой ва қашшоқ гуруҳларга ажралиши табиий қонуний жараёндир. ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим хусусияти — ахолининг муайян қисмининг ижтимоий ҳимояланишида, кўп болали оилалар, нафақахўрлар, талабалар ва ногиронларнинг давлат томонидан ҳимояланишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида яққол намоён бўляпти. Кишиларнинг боқимандалик кайфияти, тафаккур турқунлигидан озод бўлишлари, ўзгарган янги иқтисодий шароитга мослашишлари, ўз билими ва махоратини оширишлари учун қамхўрлик қилиш иқтисодий ислохотларнинг инсонпарварлик йўналишга эга эканлигидан далолат беради.

Бундай фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш ва умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш орқали ўзбекистонда озод ва обод жамият қуриш вазифалари уйқунлигини таъминлашга эришиш бутун таълим-тарбия ишимизнинг бош мезони ва унинг олдида турган муҳим вазифадир.

Таянч тушунчалар: инсон, шахс, индивид, антропология, инсон онги, инсон — биологик мавжудот, инсон — ижтимоий мавжудот, инсон фаоллиги, Экософия, инсонни асраш, истиқлол ва инсон камолоти

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон нима учун фалсафанинг бош мавзуси деб қаралади?
2. Шахс, индивид деганда нималарни тушунасиз?
3. Антропология фанининг маъноси ва вазифалари нималардан иборат?
4. Инсон танаси ва руҳининг боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?
5. Экософия нима? “Инсонни асраш” деганда нимани тушунасиз?
6. Истиқлолнинг инсонпарварлик мохияти нималарда кўринади?

9-мавзу. Глобаллашув ва умумбашарий муаммоларнинг фалсафий жиҳатлари

Режа

1. “Глобаллашув” тушунчаси ва глобаллашиш ҳодисаси - янги фалсафий мавзу.
2. Ҳозирги даврнинг асосий умумбашарий муаммоларининг таснифи.
3. Умумбашарий муаммоларни ўрганиш ва башорат қилишнинг аҳамияти.
4. Техника ва техник тараққиёт. Технологик жараёнларнинг натижалари ва оқибатлари.
5. Техноген цивилизация шароитида инсониятнинг ҳаёти ва келажагини асраш муаммоси

“Глобаллашув” (лот. globus – шар, Ер сайёраси) – XX а.нинг иккинчи ярми - XXI а. бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий ҳодиса бўлиб, ҳозирги даврдаги халқаро тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунчадир.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди (у йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини глобаллашув, деб атаган). 1985 йилда эса таниқли америкалик олим Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий муомалага киритиб, бу т.ни “одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англаниши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган, яхлит концепция яратилмаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида, чунончи, ижт-й фанларда ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, намоён бўлиш шакллари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт фанида диққат-эътибор асосан молиявий глобаллашув, глобал трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдонинг жадаллашуви каби масалаларга қаратилган. Тарихий асарларда эса глобаллашув жараёни инсониятнинг кўп асрлик тараққиёт босқичларидан бири сифатида талқин этилади. Сиёсатшуносликда трансмиллийлашув жараёнининг тезлашуви, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, БМТ ва б. халқаро ташкилотлар иштирокида янги умумсайёравий тартибнинг шаклланиши

тадқиқ этилмоқда. Социология соҳаси мутахассислари цивилизация ва маданиятнинг универсаллашуви таъсирида турли мамлакат ва минтақа халқлари турмуш тарзининг яқинлашуви ҳамда бир хиллашувини тасдиқлайдиган далилларни изламоқда. Баъзи файласуфлар XXI а.да дунёда ягона ахлоқ, умумий маънавият, глобал маданият қарор топишини башорат қилмоқдалар. Бошқалари эса, Кантнинг яхлит абадий дунё ҳамда умумдунёвий ҳукумат ҳақидаги ғоясига таяниб, турли миллат ва халқлар қадриятларининг уйғунлашувини асослашга интилмоқда. Кейинги йилларда илмий адабиётларда турли фан ютуқларини уйғунлаштириш асосида ҳамда инсониятнинг бирлашуви, ижтимоий воқеликнинг универсаллашуви ва кишилар дунёқарашининг кенгайиши тенденцияларига таяниб, глобаллашув жараёнининг умумий назариясини яратиш борасида интилишлар кўзга ташланмоқда.

Шу биланн бирга, глобаллашув жараёнининг турли давлатлар ва халқларнингмиллий давлатчилиги ва ўзига хос қадриятларига, маънавий тараққиётига салбий таъсирини илмий тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, унинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан огоҳ бўлиш, аҳоли. айниқса, ёшларимизни бундай хуружлардан асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этаётганини англатади.

Умумбашарий муаммолар. Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида глобаллашув натижасида шундай муаммолар домига тортилдики, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, энди ўзгарди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан-техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли типдаги башоратлар келиб чикди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл-заковатли одам "Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синов-ларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасавур қилаяпмиз? деган саволни ўз олдига кўндаланг қуиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволни бутун жаҳон халқларининг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий муво-занатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи. соғлиғи, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутулиши мумкин. Шу маънода бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдириш жанлиги шубҳасиз.

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халкларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммолар тушунилади.

Бундай муаммолар қуйидагилардир:

—термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартараф этиш;

—жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

—иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;

—табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;

—инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютукларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш (энг хавфли касалликларга қарши кураш, коинотни ўзлаштириш);

—дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фой-даланиш; озон қатлами йўқолиши хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.;

—инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмининг тобора тез суръатлар билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гурухлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда "интерсоциал" муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, "инсон ва жамият" ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши — "демографик портлаш", кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмининг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши, шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, "инсон — табиат." муносабатларига эса хом ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг

ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий умумбашарий муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқца. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулият юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас "Авесто" ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. "Авес-то"да Зардўшт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаба қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида шуҳрат қозонаётган бир қатор Ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намояндаларидан Фон Карман, Е.Шервин, Г.Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган "Рим клуби" аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А.Кинг ва бошқалар тайёрлаган ҳисоботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. "Рим клуби" аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категориларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим ил-мий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белги-лашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кьюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилоти-нинг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан ар-боблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қўллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб

қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди.

Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бош-лаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда "янгича тафаккур услуби" деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио Кьюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июль куни Б. Рассел томонидан ўтказилган матбуот конференцияда "Рассел-Эйнштейн манифести" номи билан шуҳрат қозонган, бутун Ер юзи аҳолисига, сиёсат ва давлат арбобларига қаратилган машҳур чақириқ эълон қилинганди. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда: "Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларнинг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур, деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг, деб сўрашимиз керак", — деган сўзлар бор эди.

"Рассел-Эйнштейн манифести" чоп этилганига ҳам мана 60 йилга яқин вақт ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган вақт мобайнида қуролланишга 18—20 трлн. доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1,4 трлн. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа ажратиладиган маблағ 3,4—3,5 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга мурожаат қиламиз. Жаҳон соғлиқни сақдаш ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28—30 млн. доллар ажратишини, халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 950—980 млн. доллар миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликлари-ни тортаяптики, бу сарф-харажатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекла-ниб қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишилар-нинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Энергия ва ёқилғи ресурсларидан фойдаланиш муаммоси. Давримизнинг яна бир муҳим белгиларидан бири жаҳон иқгисодиетининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол қилиш кўла-ми муттасил кенгайиб бораётганлигидир. Агар жаҳон иқтисодиёти ҳозирги суръатда давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35— 40 млрд., XXI аср охирига бориб 80—85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вужудга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса бит-та, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва ҳ.к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС,

шамол электростанциялари, Қуёш энергияси, водород, гелий ва ҳ. к.) дан олинадиган энергия миқцо-рини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол элек-тростанциялари 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%ини қондириши мум-кин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 34% ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётган-лиги ён атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши. ўз навбатида ана шу регионнинг иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқхўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши) мумкин. Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши му-раккаб муаммоларга айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катга миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий му-ҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хом ашё ресурсларидан фойдалаиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқа-рилган кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хом ашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқарилган хом ашё миқдори 60—70-йиллардагига қараганда 1,5—2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсони-ятни хом ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хом ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият табиий муҳитнинг инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом ашё ресурслари, фойдали қазилмалар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур

муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3—5% миқдорида маблағ ажратиши зарур, дейилмоқда. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650—850 млрд. доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг тан-қислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқца. Айни шу мамлакатлардан 42—45% км^3 ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқова сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувини ўзининг заҳарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида ўтган асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3—2,5 баробар ошди.

Ҳар йили океанларга 12—15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб, яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км^2 территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб, қайта тикланмай қолмоқца. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқца. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқца.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда коинотга ҳам таъсир эта бошлади.

Озиқ-овқат муаммоси. Бугунги дунё аҳолиси 7 миллионга етди ва унинг сони ортиб бормоқда. Тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бо-шига нисбатан камайиб, 0,2 га ни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5 га ни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқ зуғум натижасида эришилди. Жуда кўп ерлар бундай тазйиққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бугунги кунда ана шу ерларни табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай тахликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суръатлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан

табиий муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги та-фовутни йўқотиш ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлакати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг беқиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни ўтган асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энғ аввал АҚШ, кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорироқ босқичига ўта бошлади.Бунда илмий-техника ютуқлари кўпроқ талабга мос ва юқори технологияни ривожлантиришга кўп эътибор берди, табиийки, оқибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тараққиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан ўлчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан ўтган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари ҳисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоғи кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг туғилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблағни юқори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилди.

Учинчидан, илмий тадқиқот, олий ўқув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юқори технологияни эгаллаш юқори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил — илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилик даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдорида маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич бир неча марта кўп микдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туғдиради.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб борди. Агар XX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотлар-га мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангла-дешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, Италияда 14,8 минг

доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг дол-лар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат миқцорий ўсишининг ўзи кўр-кўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

Демографик муаммолар. XX аср ўзининг бир қатор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Хусусан, XX асрни "демографик портлаш" давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қол-ган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. "Де-мографик портлаш" тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тўғрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766—1834 й.) огоҳлантирган эди. У ўзининг "Аҳолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар" номли китобида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича кўпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий муҳит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, бундан 6—8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамизнинг бошларида 230 млн., 1 минг йилликнинг охири 2 минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн., 1500 йилда 440 млн., 1800 йилда 952 млн., 1900 йилда 1656 миллионни, 2012 йилда эса 7 млн.ни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 2016 йилгача эса бу нисбат салкам 5 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонида) Франция аҳолиси 27 млн. киши — Ер юзи аҳолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган аҳоли 1,6 млн. киши микдорида бўлиб, планета аҳолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябрь куни Ер юзи аҳолиси олти миллиардлик довонни босиб ўтди. Франция аҳолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи аҳолиси салмоғининг 0,94 фоизини, Филиппин аҳолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон аҳолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва Ҳиндистон

алоҳида ўрин тутади. Хуллас, бу масала бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Умумбашарий муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтган эмас. Албатта, мамлакатимизда собиқ иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон ўз аҳолиси ўсиши билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Кейинги пайтларда республика ҳукумати инсон соғлиғини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чақалоқ олдида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек, фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда "Соғлом авлод" жамғармасининг тузилиши, "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳам фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муқаддас туйғулари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлиги бежиз эмас. Зеро она-Ватанимиз Ер юзининг энг обод ва озод гўшалардан бирига айланиши шак-шабҳасиздир.

Таянч иборалар: умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий муаммолар тушунчалари; энергетика масалалари, озиқ-овқат муаммоси, демография; экология; экологик таназзул; экосистема; демографик сиёсат;

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари нималарда намоён бўлмоқда?
3. Энергетика ва озиқ-овқат муаммоси
4. Уруш ва тинчлик муаммоси. Жаҳонда барқарорликни таъминлаш масалалари
5. Умумбашарий муаммоларда демографик омилнинг ўрни қандай?

ИККИНЧИ БЎЛИМ. МАНТИҚ ФАЛСАФАСИ (ЛОГИКА)

10 - мавзу. Мантиқ илмининг предмети, асосий қонунлари. Тушунча тафаккур шакли сифатида

Режа:

1. Мантиқ илми ва унинг асосий қонунлари.
2. Тушунчанинг таърифи, тузилиши ва турлари.
3. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
4. Тушунчалар билан бажариладиган мантиқий амаллар.
5. Фикр юритишда тушунчалар билан боғлиқ хатоликлар.

Мантиқ илми ўрганадиган масалалар ва унинг асосий қонунлари. Мантиқ илми жамият тарихида икки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўрганиб келинади. Уни ўрганиш инсонга оламни билиш, билимларини кўпайтириш, атрофидаги одамлар билан мулоқотини тўғри ташкил қилиш учун хизмат қилади. Фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсон тўғри тафаккур шакллари ва улар билан боғлиқ қонун-қоидаларни билиб олар экан, ўз фикрини мантиқан тўғри қуришга, асосланган бўлишига, нафақат ўзининг балки бошқаларнинг ҳам фикрларидаги ноаниқликларни аниқлашга ва тузатишга ўрганади. Бу иш узоқ тарихга эга бўлган мантиқ илмини чуқур билишни тақозо этади.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Қадимги Юнон файласуфи Аристотел (эр. ав. 384-322 йй.) номи билан боғлиқ. У биринчи бўлиб, ушбу илм ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб берди. Аристотелнинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишланган. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Руҳ ҳақида» асарларида эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинган. Аристотел ўз таълимотини “логика” эмас, “аналитика” деб атаган. Логика термини эр.ав. III асрдан бошлаб, фанни ифодаловчи термин сифатида қўлланила бошлаган.

“Мантиқ” сўзи юнон тилидаги “логика” сўзининг арабча таржимасидир. “Логикос” – сўз, ақл, ақл юритиш, қонун маъноларини берувчи кенг қамровли терминдир. “Мантиқ” истилоҳининг қамрови ҳам

“логос”ники каби бўлиб, унинг ўзаги “сўзлашув” маъносини берадиган “нутқ” сўзидир.[3]

Биз “мантиқ” истилоҳини фанни ифодалаш учун қўллаймиз. Мантиқ шакллари орасида қуйидагилар муҳим ўринни эгаллайди:

Формал мантиқ – мулоҳазалар ва исботлашнинг структурасини анализ қилиш, ўрганиш билан шуғулланувчи фан бўлиб, унда асосий эътибор мазмунга эмас, шаклга қаратилади.

Ноформал мантиқ – Ноформал мантиқ (informal logic)– табиий тилда аргументлашни қуриш ва баҳолашнинг ноформал стандартларини, уни талқин қилишнинг усуллари ва мезонларини ишлаб чиқувчи норматив фандир.

Назарий мантиқ –муайян билимларнинг мантиқий системаси ёки мантиқий назариялар йиғиндиси бўлиб, улар табиий ва махсус формаллашган (сунъий) тил воситасида, маълум бир принцип ва аксиомаларга асосан қурилгандир.

Амалий мантиқ – 1. Инсонларнинг табиий тафаккурлаш жараёнини; 2. Назарий мантиқдан конкрет холатларда фойдаланишни, яъни далиллаш ва рад этишни; 3. Фаолият мантиғи, қарор қабул қилиш мантиғи, танлаш мантиғи, эвристика, праксеология, конфликтология ва б. шу турдаги мантиқий назариялар ва тадқиқотларни ифодалайди.

Эр.ав. IV асрдан бошланган ва XIXасрнинг охири – XX асрнинг бошларида якунланган (формал) мантиқ ривожланишининг биринчи босқичи **анъанавий (классик) мантиқ** деб аталади. Анъанавий мантиқ тўғри тафаккурлашни асосан табиий тилга таянган холда ўрганган.

Ноанъанавий (ноклассик) мантиқ – классик мантиқни танқид қилиш ва такомиллаштириш билан бирга, уни мукаммаллаштириш, тўлдириш ва ундаги замонавий мантиқнинг асосини ташкил этувчи ғояларни янада ривожлантириш натижасида вужудга келган мантиқий назарияларнинг мажмуидир.

Замонавий мантиқ атамаси XIXасрнинг охири – XX асрнинг бошларида мантиқ илми ривожининг ҳозирги босқичини ифодалаш учун қўлланилади. Бу босқич яна математик мантиқ ва символик мантиқ терминлари билан ҳам аталади. **Математик мантиқ** терминининг қўлланиши унинг замонавий мантиқ билан қўллайдиган усулларига кўра ўхшашликларини билдиради. **“Символик мантиқ”** термини эса замонавий мантиқда мантиқий тахлил қилиш мақсадида махсус яратилган формаллашган тиллар қўлланишини кўрсатади.

Биз формал мантиқни ўрганамиз. **Формал мантиқнинг ўрганиш предмети**ни қуйидагилар ташкил этади:

- Тафаккурлаш шакллари, уларнинг табиати ва уларнинг тузилмаси (структураси) билан боғлиқ қонуниятлари;
- Фикрлар ўртасидаги алоқаларнинг қонунлари;
- Бу қонунларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар.

[3] Муҳаммад Фазлул-имом Хайриободий. Мирқотул мантиқ. –Т.: Тошкент ислом университети, 2011. 3-бет.

Тафаккур ва унинг ҳусусиятлари. Тафаккур билишнинг юқори босқичи - рационал (лотинча ratio – ақл) билиш бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади.
Ақлий билиш, тафаккурлаш воқеликни абстрактлашган (мавҳумлашган) ва умумлашган холда акс эттиради. Тафаккурлаш тил билан узвий алоқада, яъни тил фикрнинг воқе бўлиш шакли ҳисобланади. Шарқ мутафаккирлари тилга катта эътибор берганлар.

Тафаккур (ақлий билиш) ҳиссий билиш билан узвий боғлиқ. Тафаккур ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга эришилади.

Тафаккур воқеликни умумлаштириб ва мавҳумлаштириб, муайян мантиқий шаклларда, яъни тушунча, мулоҳаза ва хулоса чиқариш ҳамда улар ўртасидаги алоқалар шаклида акс эттириб, маълум мантиқий қонун-қоидаларни вужудга келтирадики, тўғри, аниқ, изчил, зиддиятлардан холи фикрлаш ана шу қонун-қоидаларга амал қилишни тақозо этади. Бу қонун-қоидалар амалиётда вужудга келган билимларни исботлаш ёки рад этиш, уларнинг тўғрилиги ёки хатолигини тасдиқлаш ёхуд инкор этишга хизмат қилади.

Тафаккур қонунлари. Инсон билиш жараёнида буюм ва ҳодисалар, уларнинг сифат, хусусиятлари ҳақида тушунчалар хосил қилади, фикр-мулоҳаза юритади, уларни мантиқий боғлаб, хулосалар хосил қилади. Бу жараённи тушуниш учун тафаккур шакли ва тафаккур қонуни нима эканлигини билиб олиш зарур.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва асосланганлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Булар мантиқий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Айният қонуни.Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатда такрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти Айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ илмида «А–А» дир формуласи билан ифодаланади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва, аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил

ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибини алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида Айният қонуни талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади, уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Ўзбек халқига хос бўлган аския санъатида Айният қонуни талабининг атайлаб бузилишини сўзларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиримлар аския айтувчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади. Айтиш мумкинки, ҳаётда, амалиётда тушунчаларнинг турли маъноларда қўлланилиши ғаразли ёки беғараз, яхши ёки ёмон мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади.

Нозидлик қонуни. Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлиши билан бирга, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қилади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, ёлғон бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда ёлғон бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса, бир вақтда ёлғон бўлмайди, улардан бири ёлғон бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса, бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг ёлғонлигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Аристотел — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Аристотел — мантиқ фанининг асосчиси эмас” — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда ёлғон бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун, иккинчиси ёлғон бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган “Бу қоғоз оқ рангда” ва “Бу қоғоз қора рангда” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил

нисбатда ёлғон бўлиши мумкин. Чунки қоғоз оқ ҳам, қора ҳам бўлмаслиги, балки сариқ, қизил ёки бошқа рангда бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама –қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: “Акмал мусобақада қатнашмади” ва “Акмал мусобақада қатнашди”. Бу мулоҳазалар турли вақтга нисбатан (бир ой аввал ёки кейин), турли муносабатда (сузиш ёки шахмат бўйича) баён қилингани туфайли бир-бирини инкор этмайди. Демак, фикрлаш жараёнида вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши Нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади.

Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъқиқламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ мантиқий зиддиятлар билан реал ҳаёт зиддиятларини чалкаштириб юборишни қоралайди. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ҳодисалар тараққиётининг ички манбаини ташкил қиладиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектив, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Учинчиси – истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб, баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси ёлғон, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди.

Бу қонун фикрлар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда “Учинчиси – истисно” қонуни амал қилмайди.

“Учинчиси-истисно” қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

2.Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда, буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан, шу синф буюм ва ҳодисаларининг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси ёлғон, учинчисига ўрин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма санъаткорлар қўшиқчидир.

Баъзи санъаткорлар қўшиқчи эмас.

Бу икки мулоҳаза бир вақтда чин ҳам, ёлғон ҳам бўла олмайди.Улардан бири (Баъзи санъаткорлар қўшиқчи эмас.) албатта чин, иккинчиси ёлғон, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ.

Демак, Учинчиси истисно қонуни:

1.Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан.

2.Умумий тасдиқ ва жузъий инкор этувчи мулоҳазаларга нисбатан.

3.Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мазмунидаги мулоҳазаларга нисбатан қўлланади.

“Учинчиси-истисно” қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

“Учинчиси-истисно” қонуни, бошқа мантиқий қонунлар сингари, зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки ёлғонлигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки ёлғон эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди.

Етарли асос қонуни. Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири асослилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни асослаш, исботлашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар **мантиқий асос,** берилган мулоҳазанинг ўзи эса **мантиқий натижа** деб юритилади.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қилади. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки

бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг характерига қараб амал қилади. Бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

1. ТУШУНЧАНИНГ ТАЪРИФИ, ТУЗИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ.

Тушунча тафаккур шаклларидан бири сифатида тил орқали ифодаланади. Тушунчанинг моҳиятини билиш учун унинг ном ва сўз билан қандай боғлиқлигини аниқлаб оламиз.

Инсон буюм ва ҳодисалар ҳақида тушунчага эга бўлиш учун уларнинг номларини билиши зарур. Оламдаги барча жонли ва жонсиз мавжудотларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг номи бор. Номлар билиш ва мулоқотнинг зарурий воситасидир. Буюм ва ҳодисаларнинг номи тилни мавжуд воқелик билан боғлаб туради. Фараз қилинг, оламдаги ҳеч бир нарсанинг номини билмасак, улар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз, фикр юритишимиз мумкинми?

Ном нима? У тушунча билан айнанми? Ном алоҳида предметни ёки предметлар гуруҳини белгиловчи тил ифодасидир. Масалан: “Амур Темур” сўзи темурийлар давлатининг асосчиси бўлган буюк бобокалонимизнинг номини билдиради; “ўқитувчи” сўзи билим берувчи инсонни, “қизил”сўзи эса барча буюмлардаги қизил рангни ифодалайди. Буюм ва ҳодисаларга инсон ном қўяди ва ном туфайли улар ҳақида тушунчага эга бўлади. Бундан маълум бўладики, ном тил ифодаси бўлса, тушунча тафаккур шаклидир.

Тушунча буюм ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим ва фарқ қилувчи белгиларини бир бутун, яхлит холда акс эттирувчи тафаккур шаклидир. Буюм ва ҳодисаларнинг белгилари мулоқот ва фикр юртиш жараёнида бирор предметнинг вакили сифатида хизмат қиладиган белгилардан фарқ қилади. Буюм ва ҳодисаларнинг белгилари предметларни бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода қилувчи хусусиятлар ва муносабатларни ифодаловчи белгилардир. Масалан, савдо-сотиқ билан шуғулланиш фақат инсонга хос белгидир. Бошқа тирик мавжудотлар бундай фаолият билан шуғулланмайдилар.

Буюм ва ҳодисаларнинг белгилари умумий, муҳим, фарқ қилувчи турларга бўлинади. Бир синфга мансуб бўлган ҳамма предметларга хос бўлган белгилар – умумий белгилардир. Инсонлар синфи учун қаддини тик тутиб юриш, кулиш ва б. шундай белгиларга мисол бўлади. Бирор белгининг ўзгариши ёки йўқ бўлиши тушунчанинг ҳам ўзгариши ёки йўқ бўлишига олиб келадиган белги муҳим ҳисобланади. Инсон учун ақллилик (тафаккур қилиш) муҳим белгидир. Фарқ қилувчи белги предметни ўзига ўхшаш бошқа предметлар орасидан таниб олишга имкон берувчи белгидир. Масалан, ҳар бир инсон ўзига хос индивидуал белгилари билан бошқалардан ажралиб туради. Демак, тушунча маълум белгиларига кўра бир тўпламга бирлашган предметларнинг бирлигини ифодалайди.

Тушунча сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён

бўлишидир. Тушунчалар сўз (талаба, университет, қоғоз) ва сўз бирикмалари (Ўзбекистон Миллий университетининг талабаси, Ўзбекистон Миллий университети, рангли қоғоз) ёрдамида ифодаланади. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хилдир, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Баъзи сўзлар (аммо, чунки, учун ва ҳ.к.) ҳеч бир тушунчани ифодаламаслиги ҳам бунинг сабабларидан биридир. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифодаланади. Тилдаги омоним ва синоним сўзларнинг мавжудлиги эса сўз ва тушунчанинг айнан эмаслигидан далолат беради. Айрим сўзларнинг кўп маънолилиги баъзан тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шу сабабдан кундалик ҳаётда қўлланадиган тил билан илмий тил бир-биридан фарқ қилади. Илмий тил табиий тил, сунъий тил ва махсус термин (атама)лардан ташкил топади.

Термин (атама) илмнинг ҳар бир соҳасида предметларни белгилаш учун фақат бир маънода қўлланиладиган сўз ёки сўз бирикмасидир. Илмий тилда термин ва тушунча бир маънода қўлланади.

Тушунча ва сўз шаклланишига кўра ҳам бир-биридан фарқланади. Сўзнинг шаклланишида сўз ясовчи қўшимчалар иштирок этади. Шунингдек, ўзлаштирма (бошқа тиллардан кириб келган) сўзлар ҳам миллий тилларда янги сўзларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Тушунча эса қуйидаги мантиқий усуллардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади:

Таққослаш усулида предметларнинг сифат ва хусусиятлари ўзаро солиштирилиб, тушунча хосил қилинади.
Анализ – таҳлил ёрдамида предмет уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга фикрда ажратилиб, ҳар қайсиниси ҳақида алоҳида тушунча ҳосил қилинади.
Синтез усулида таҳлил давомида ажратилган қисмлар, томонлар фикран бирлаштирилиб, предмет ҳақида тушунча ҳосил қилинади.
Абстракциялаш, яъни мавҳумлаштириш усули ёрдамида предметнинг сифат, ҳусусиятлари фикран ажратиб олиниб, тушунчада ифодаланади.
Умумлаштириш усулида предметлар умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилиб, тушунча ҳосил қилинади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Тушунчанинг турлари. Ҳар бир тушунча муайян ҳажм ва мазмунга эга. Тушунчанинг ҳажми унда фикр қилинаётган предметлар йиғиндисини акс эттиради. Масалан, “орол” тушунчасининг ҳажми Ер юзидаги мавжуд барча оролларни ўз ичига қамраб

олади. Тушунчани ифодаловчи сўзда кўплик қўшимчаси “лар” бўлмаса ҳам, у умумий хажмга эга бўлиши мумкин. Масалан, инсон, уй, давлат тушунчалари каби.

Ҳажмига кўра якка ва умумий, айирувчи ва тўпловчи, шунингдек бўш хажмли тушунчалар фарқланади:

Хажмига кўра тушунча турлари	**Мисоллар**
Якка тушунчанинг ҳажмида битта предмет фикр қилинади	“Ўзбекистон республикаси”, “Кўкалдош мадрасаси”
Умумий тушунчалар предметлар гуруҳини акс эттиради. Умумий тушунчаларни акс эттирувчи предметларнинг миқдори **саналадиган** ва **саналмайдиган** бўлиши мумкин.	Инсон, стол, шоир – саналмайдиган умумий тушунчалар. XIX аср ўзбек шоиралари, Нобел мукофотини олганлар – саналадиган умумий тушунчалар.
Айирувчи тушунча шундай синф (умумий) тушунчасики, унда акс этган белгилар шу синфнинг ҳар бир предметига хосдир.	Фан, нон.
Тўпловчи тушунча ҳам синф (умумий) тушунчаси бўлиб, у акс эттирган белгилар шу синфни (умумийликни) ташкил этувчи ҳар бир предметга тааллуқли бўлмайди.	Қўшин, ўрмон.
Бўш хажмли тушунча реал воқеликда мавжуд бўлмаган, лекин тушунчада ифодаланадиган буюм ва ҳодисаларни акс эттиради.	Учар гилам, кентавр, симоб денгизи.

Тушунчанинг мазмунини унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари тўғрисидаги ахборот ташкил этади. Масалан, “имиж” тушунчасининг мазмунини – одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижтимоий обектга мос келадиган, идрок этилаётган объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий хулқ-атворга даъват этадиган муайян синтетик образ ҳақидаги маълумот ташкил қилади.[4]

Мазмуни бўйича тушунчалар олти турга (конкрет, абстракт, мусбат, манфий, нисбатдош, нисбатсиз) бўлинади:

4

Мазмуни бўйича тушунчаларнинг турлари	Мисоллар
Конкрет (аниқ) тушунчаларда предмет ўзининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади.	уй”, “гулдон”, “трактор
Абстракт (мавҳум) тушунчаларда предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади.	“оқ”, “босим”, “қўрқув”
Мусбат (ижобий) тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлган белгилар орқали фикр қилинади.	“ақлли”, “уйли”, “ҳунарманд”
Манфий (салбий) тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади.	, “ақлсиз бола,”, “ҳаёсиз одам”, “кучсиз жангчи”, “фойдасиз иш”
Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равишда бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиладиган, бири орқали бошқасини билиш мумкин бўлган предметларни ёки уларнинг белги ва ҳусусиятларини акс эттиради.	“устоз ва шогирд”, “қаттиқ ва юмшоқ”, “севинч ва қайғу”
Нисбатсиз тушунчалар зарурий равишда бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қилмайдиган, нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради.	“устоз ва шогирд”, “қаттиқ ва юмшоқ”, “севинч ва қайғу”

Мазмуни ноаниқ тушунчалар. Кундалик ҳаётда ва илмий билишда қўлланиладиган шундай тушунчалар бор-ки, уларнинг мазмунини аниқлаб бўлмайди. Бунинг бир неча сабаблари бор:

1. Воқеликдаги буюм ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари қўп қиррали ва мураккабдир. Масалан, “севги”, “ҳақиқат” шундай тушунчалар жумласидандир. Бу тушунчаларни ҳар бир инсон ўзича талқин қилади.

2. Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар доимий ўзгаришдадир. Баъзан бу ўзгаришларнинг вақт чегараси ноаниқ бўлади. Масалан, “ёш йигит”, “қари одам” тушунчаларида “қачондан бошлаб?” “қай вақтгача?” каби саволларга аниқ жавоб бўлмагани учун, бу тушунчаларнинг мазмуни ноаниқдир.

3. Одамлар бир хил бўлган объектларни ҳар хил баҳолайдилар. Масалан, “зерикарли фильм”, “қийин вазифа”, “ёқимли куй” ва ҳ.к. Шундай тушунчаларга нисбатан “нима учун?” деган саволни қўйсак, ҳамма ҳар хил жавоб беради, натижада бу каби тушунчаларнинг аниқ мазмунини билиб бўлмайди, лекин тасаввур қилиш мумкин. Бундай тушунчалар илмий адабиётларда ёки норматив хужжатларда қўлланилганда уларнинг мазмуни қатъий аниқлаб олинади. Масалан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”

ги дастурда “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” каби тушунчаларнинг мазмуни қатъий белгиланган.[5]

Тушунчаларнинг мазмуни ва хажмига кўра турларини билиш фикрлаш жараёнидаги ноаниқликларни бартараф этишга, фикрни аниқ ва тўғри баён қилишга ёрдам беради. У ёки бу тушунчанинг мазмуни ва хажмига кўра қайси турга мансуб эканлигини аниқлаш унга мантиқий тавсиф бериш дейилади. Масалан:

Университет - умумий саналадиган, тўпловчи, аниқ, мусбат, нисбатсиз тушунча.
Кентавр – бўш хажмли, аниқ, мусбат, нисбатсиз тушунча.
Билимсиз - умумий саналмайдиган, мавхум, манфий, нисбатдош тушунча.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми узвий боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик тескари нисбат қонунида ифодаланади. Бу қонунга кўра тушунчанинг хажми кенг бўлса, унинг мазмуни тор бўлади ва аксинча, тушунчанинг хажми тор бўлса мазмуни кенг бўлади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни тушунчалар билан олиб бориладиган қатор мантиқий амаллар асосида ётади.

2. ТУШУНЧАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР.

Аввал кўриб ўтганимиздек, тушунчалар хажмига кўра бир-биридан фарқ қилади. Баъзиларининг хажми кенг, бошқаларинiки тор, баъзиларининг хажми бошқаларининг хажмига киради ва ҳ.к. Шунингдек, мазмунига кўра бир-бирига яқин бўлган (“талаба” ва “ҳунарманд”) ёки жуда узоқ бўлган (“қалам” ва “тоғ”) тушунчалар ҳам бор. Мазмуни бирор умумийликка эга бўлган тушунчаларни ўзаро таққослаш мумкин, мазмуни бир-бирдан узоқ бўлган тушунчаларни эса таққослаб бўлмайди. Айтиш мумкинки, баъзи тушунчалар мазмуни ва хажмига кўра яқин бўлса, бошқалари узоқ бўлади.

Умумий белгиларга эга бўлган, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига яқин турган тушунчаларга **таққосланадиган тушунчалар** дейилади. Масалан, “квадрат” ва “ромб”, “мухандис” ва ”олим” тушунчалари ана шундай таққосланадиган тушунчалар ҳисобланади.

Бир-бири билан узоқ алоқада бўлган, кўп ҳолларда моддий ёки идеал бўлишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттирувчи тушунчалар **таққосланмайдиган тушунчалар**дир. “Планета” ва “дарахт”, “бахт” ва “нон” тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалар ҳисобланади. Таққосланмайдиган тушунчаларни таққослаш албатта фикрнинг хато бўлишига, нотўғри хулосаларга олиб келади. Нотўғри, хато фикр хатти - харакатларнинг ҳам нотўғри бўлишига сабаб бўлади. Масалан, “бахт” ва “қимматбаҳо тақинчоқ” тушунчаларини таққослаб бўлмайди. Шунинг учун инсоннинг бахтли ёки бахтсиз бўлиши унинг қимматбаҳо тақинчоққа эга эканлигига боғлиқ эмас.

---

[5] Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. /Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

Мантиқда фақат таққосланадиган тушунчалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар ўрганилади. Таққосланадиган тушунчалар ҳажм жиҳатидан сиғишадиган ва сиғишмайдиган бўлади. Хажми умумий элементларга эга бўлган тушунчалар **сиғишадиган тушунчалар** бўлиб, уларнинг ҳажми бир-бирига бутунлай, тўлалигича ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсуниш.

Мослик муносабати	А – А.Навоий. . В – “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг муаллифи. А=В 
Қисман мослик муносабати	А – депутат. В – ҳуқуқшунос. 
Бўйсуниш муносабати	А – тарих. В – Ўзбекистон тарихи 

Сиғишмайдиган тушунчалар ҳажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалардир. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил: бирга бўйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик муносабатлари мавжуд.

Бирга бўйсуниш муносабати	А – шифокор В – кардиолог С – эндокринолог 
Қарама-қаршилик муносабати	А – таъм В – аччиқ С – ширин **А** 
Зидлик муносабати	А – уруш. В – адолатли уруш. 

	⎤B – адолатсиз уруш. **А**

Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни билиш уларнинг мазмуни ва ҳажмини аниқлаштиришга, алоқадорлик томонларини топишга ёрдам беради. Масалан, “талаба” ва “ёшлар етакчиси” тушунчалари ўртасидаги муносабатни аниқлаш асосида “Баъзи талабалар ёшлар етакчисидир” деган мулоҳазани ҳосил қилиш мумкин.

ТУШУНЧАЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН МАНТИҚИЙ АМАЛЛАР.. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш. Тушунчани чегаралаш – жинс (ҳажми кенг) тушунчадан тур (ҳажми тор) тушунчага фикран ўтишдан иборат. Тушунча чегараланганда жинс тушунчанинг мазмунига тур тушунчани ҳосил қилувчи белгилар қўшилади. Масалан:

Инсон → аёл → ўзбек аёли → ўзбек шоираси → шоира Увайсий. Чегаралаш амали якка тушунчада тўхтайди.

Тушунчани умумлаштириш тур (ҳажми тор) тушунчадан жинс (ҳажми кенг) тушунчага фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада, мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ, лекин ҳажмига кўра кенгроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Масалан: Олма дарахти → мевали дарахт → дарахт → ўсимлик.

Умумлаштириш амали энг умумий тушунча – категорияларда тўхтайди.

Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амаллари илмий билишда ва кундалик турмушда кенг қўлланилади.

Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция). Ҳар бир инсон ҳаёти давомида тушунчаларнинг аниқ таърифланишига эҳтиёж сезади, тушунчанинг таърифига асосланиб билимга эга бўлади, воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини белгилайди. Масалан, Мажид Хавофийнинг: “Саҳийлик- бу (бирор нарсани) бошқа кишига ҳеч қандай ёмонликни ният қилмай ва тамагирликни ўйламай ҳамда шу нарсанинг қайтарилишига умид боғламай туҳфа қилишдир,”- деган фикрини ўқиб, саҳийлик тушунчасининг мазмунини билиб оламиз. Тушунчанинг мазмунини аниқлаш, унга таъриф бериш демакдир.

Таърифлаш - дефиниция тушунчанинг мазмунини очиб берувчи мантиқий амалдир.

Таърифлашнинг структураси	**Аниқланувчи қисм**- мазмуни очиб берилиши лозим бўлган тушунча **Аниқловчи қисм**- аниқланувчи тушунчанинг

	мазмунини очиб берувчи тушунчалар
Таърифлашнинг турлари	
Номинал таъриф- предметни ифодаловчи тушунчанинг маъносини аниқловчи таъриф.	
Аниқ реал таъриф- предметнинг муҳим белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш	**Аниқ реал таърифнинг 2 тури мавжуд:** 1. Яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш; 2. Генетик таъриф.
Ноаниқ реал таърифда- тушунчанинг мазмуни ёрдамчи воситалар орқали очиб берилади.	**Ноаниқ реал таърифнинг 3 тури мавжуд:** 1.Аксиоматик таъриф. 2. Контекстуал таъриф. 3. Индуктив таъриф.
Таърифлашнинг қоидалари	
1. Таъриф тенг хажмли бўлиши керак, яъни аниқланувчи ва аниқловчи тушунчаларнинг хажмлари ўзаро тенг бўлиши шарт. 2. Таъриф аниқ бўлиши керак, унда образли иборалар, мазмуни ноаниқ сўзлар ишлатилмаслиги керак. 3. Таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак, яъни аниқловчи тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун аниқланувчи тушунчанинг ўзига мурожаат қилиш мумкин эмас. 4. Таъриф иложи борича инкор шаклида бўлмаслиги керак.	

Таърифлашга ўхшаш мантиқий усуллар:
1. Тушунчани унга қарама қарши бўлган тушунча орқали таърифлаш. 2. **Тасвирлаш-** тушунчанинг мазмунини у акс эттирувчи предметнинг баъзи ташқи белгиларини кўрсатиш орқали аниқлаш. 3.**Тавсифлаш-** предметнинг баъзи бир муносабатдаги муҳим тур белгиларини кўрсатиш. 4. **Кўрсатиш(остенсив таърифлаш)-** предметнинг ўзини ёки суратини кўрсатиш орқали таърифлаш. 5**. Мисол келтириб таърифлаш**. Бунда таърифланаётган предметнинг мазмуни уни бошқа предметга ўхшатиш, тафовутлаш орқали аниқланади.

Биз кундалик ҳаётда ва илмий билишда қўллайдиган тушунчаларнинг таърифлари юқоридаги усуллар орқали хосил қилинган.

Ҳар бир фан доирасида қўлланиладиган атамалар қатъий таърифланган бўлиб, илмий жамоат томонидан қабул қилингандир. Бу таърифларни субъектив хоҳишга кўра ўзгартириш мумкин эмас. Кундалик ҳаётда қўлланиладиган тушунчалар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, инсоннинг

ёши, шахсий тажрибаси, билими, дунёқараши, руҳий холати ва б. таъсирида ўзгариб туради. Шу боис одамлар бир-бирларини тушунмасликлари, бир ҳодисага нисбатан турли нуқтаи назардан ёндашишлари мумкин. Бундай холатларда томонлар аввало баҳсга сабаб бўлаётган тушунчаларнинг мазмунини, яъни таърифини аниқлаб олишлари зарур.

Тушунчаларни бўлиш

Ҳар бир инсон атрофидаги одамлар, воқеа-ҳодисалар, буюмлар ва б. га ўз муносабатини белгилар экан, уларни тоифаларга, қисмларга, турларга бўлади. Бундай бўлиш унинг тушунчалар оламида амалга ошади. Инсон фикр юритиш жараёнида тушунчаларни турли асосларга кўра бўлади.

Тушунчани бўлиш деб, тушунчанинг ҳажмини унда акс этган предметларни айрим гуруҳларга (айрим предметларга) ажратиш йўли билан аниқлашга айтилади.

Бўлишнинг структураси	**1. Бўлинувчи тушунча-** хажми аниқланиши лозим бўлган тушунча. **2. Бўлиш асоси** – предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси **3. Бўлиш аъзолари** – бўлиш натижасида хосил қилинадиган тур тушунчалар.
Бўлишнинг турлари	
1. Асос бўлган белгининг ўзгаришига қараб бўлиш	Масалан: Бурчаклар- тўғри, ўткир ва ўтмас бурчакларга бўлинади.
2. Дихотомик бўлиш	Масалан: Бурчаклар ўткир ёки ўткир бўлмаган турларга бўлинади.
Тушунчаларни бўлиш қоидалари. 1. Бўлиш тенг хажмли бўлиши, яъни бўлиш аъзолари хажмининг йиғиндиси бўлинувчи тушунча хажмига тенг бўлиши шарт. 2. Бўлиш бир асос бўйича амалга оширилиши шарт, яъни асос қилиб олинган белги бўлиш давомида ўзгартирилмаслиги зарур. 3. Бўлиш аъзолари хажми бўйича бир-бирини истисно қилиши шарт. Улар ўзаро бирга бўйсуниш муносабатида бўлиши зарур. 4. Бўлиш узлуксиз амалга оширилиши, яъни жинс тушунчага энг яқин бўлган бир тартибдаги тур тушунчалар олиниши шарт.	

Таснифлаш (туркумлаш, классификация) тушунчаларни бўлишнинг ўзига хос тури бўлиб, унда бўлиш изчиллик билан амалга оширилади ва бўлиш аъзоларининг ҳар бири яна бошқа бўлинмаларга ажратилади. Бунда бўлиш аъзоларининг ҳар бири бошқаларига нисбатан ўзининг аниқ ва қатъий ўрнига эга бўлади. Таснифлаш натижалари ҳар хил жадваллар, каталоглар ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Таснифлаш предметларнинг муҳим белгисига кўра амалга оширилса, **табиий таснифлаш** дейилади. Табиий таснифлаш предметларнинг айрим муҳим хоссалари ҳақида фикр юритиш, қонуний боғланишларини аниқлаш имконини беради. Менделеев тузган кимёвий элементларнинг даврий жадвали табиий таснифлашнинг классик намунасидир.

Сунъий таснифлаш предметларнинг бирорта номуҳим, умумий белгисига кўра амалга оширилади. Кутубхонадаги китоблар каталоги, луғатларда сўзларнинг муайян тартибда берилиши сунъий таснифлашга мисол бўлади. Сунъий таснифлаш билимларни тизимлаштиришга ёрдам беради.

Таснифлашда ҳам тушунчани бўлиш қоидаларига амал қилиш зарур.Таснифлар билиш ва кундалик турмуш жараёнида узоқ йиллар давомида ишлатилади, мавжуд билимларимизни тизимга солиш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

4.ФИКР ЮРИТИШДА ТУШУНЧАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТОЛИКЛАР.

Фикрнинг тўғри қурилиши ва хатосиз, яъни чин бўлиши тушунчаларни ўз ўрнида, фақат бир маънода қўллашга боғлиқ. Тушунчаларни нотўғри қўллаш фикр мазмунининг ўзгариб кетишига ва турли мантиқий хатоларга олиб келади.

Қуйидаги холатларда тушунча нотўғри қўлланилган ҳисобланади:

1. Бир тушунча бир неча маънода қўлланилса (юлдуз- исм, машҳур инсон, коинотдаги жисм.)
2. Тушунча ўз маъносида қўлланилмаса (учар йигит, тулки- айёр инсон)
3. Тушунчада предметга хос бўлмаган белгилар қайд этилса (жисмсиз жисм, темир одам, кулаётган фил, бир асрда уч юз йил яшаган одам).
4. Урғу нотўғри қўйилса ҳам тушунчанинг маъноси ўзгариб, фикрда ноаниқлик вужудга келади.

Тушунчаларни қўллаш билан боғлиқ хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

- Фикрлаш жараёнида ҳар бир тушунча фақат бир маънода қўлланиши шарт.
- Тушунчанинг маъноси ноаниқ бўлса, савол бериб уни аниқлаб олиш зарур.
- Кўчма маънода қўлланилган тушунчаларни айнан сиз тушунган маънода қўлланилганини аниқлаб олиш шарт.
- Тушунча ифодалаган предметга хос белгиларни тўлиқ билиш шарт.

Мавзунинг таянч тушунчалари: ақл, тафаккур, мантиқ, тафаккур шакли, тафаккур қонуни, ном, термин, тушунча, оддий тушунча,мураккаб тушунча, жинс, тур, тушунчани чегаралаш, тушунчани умумлаштириш, тушунчани таърифлаш, тушунчани бўлиш.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Билиш жараёни қандай амалга ошади?
2. Тафаккур нима ва у қандай хусусиятларга эга?
3. Мантиқ атамаси қандай маъноларни ифодалайди?
4. Фикрдаги изчиллик деганда нимани тушунасиз?
5. Тафаккур қонунларини билмасдан ҳам тўғри фикрлаш мумкинми??
6. Тушунчанинг мазмуни ва хажмининг таърифини айта оласизми?
7. “Эътиқод” тушунчасига таъриф беринг. Ўз таърифингизни гурухингиз аъзоларининг таърифлари билан солиштиринг.

11 - МАВЗУ. МУЛОҲАЗА ВА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Режа:

1. Мулоҳаза, оддий мулоҳазанинг тахлили, таркиби, ифодаланиши, чинлик қиймати, турлари.
2. Мураккаб мулоҳазалар, уларнинг турлари ва чин бўлиш шартлари. Мулоҳазаларни инкор қилиш
3. Хулоса чиқариш, унинг мантиқий тавсифи, тузилиши, турлари ва умумий қоидалари.
4. Мураккаб мулоҳазалардан хулоса чиқариш.
5. Фикр юритишда мулоҳазаларни қуриш ва хулоса чиқариш билан боғлиқ хатолар.

1. **Оддий мулоҳазанинг комплекс тахлили: таркиби, ифодаланиши, чинлик қиймати, турлари.** Классик формал мантиқда мулоҳаза тафаккур шаклларидан бири сифатида тушунчадан кейин ўрганилади. Мантиқдан ёзилган хориж адабиётларининг баъзиларида эса тафаккур шаклларини ўрганиш мулоҳазадан бошланади. Мулоҳаза билан боғлиқ масалалар доирасида тушунчаларга оид маълумотлар берилади. Хулоса чиқариш алоҳида ўрганилади[6]. Тафаккурлаш жараёнини бундай тартибда ўрганиш инсоннинг болалигидан бошлаб мулоҳаза кўринишида фикр юритиши, унинг тушунчалар олами кейин шаклланиши билан асосланади. Шунингдек, фақат мулоҳазаларгина “чин”, “ёлғон”

[6] Morri s R . Cohen Ernes t N a g e l an introduction to logic and scientific method New Dehli. 2007. Restall G. Logic. An introduction. Published in the Taylor & Francis e-Library, 2006.

қийматларига эга бўлади. Тушунчаларга эса бундай қийматни бериб бўлмайди. Масалан, “йўлбарс йиртқич хайвон” мулоҳазасини “чин” деб, баҳолаймиз. “Йўлбарс” тушунчасини эса “чин” ёки “ёлғон” деб айта олмаймиз, чунки унда бирор фикр тасдиқланмаган ҳам, инкор қилинмаган ҳам.

Демак, мулоҳаза чин ёки ёлғон бўлиши мумкин бўлган фикр юритиш шаклидир. Унинг асосий вазифаси нарса билан унинг хусусияти, улар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини ҳамда муносабатларини билиб борамиз. Билимларимиз турлича бўлгани учун уларни ифодалайдиган мулоҳазалар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи мулоҳазаларда аниқ, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида белгининг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади.

Мулоҳазалар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Чинлиги исботланган фикрни чин деб тасдиқловчи мулоҳаза чин бўлади. Ёлғонлиги исботланган фикрни ёлғон деб тасдиқловчи мулоҳаза чин бўлади. Чинлиги исботланган фикрни ёлғон деб тасдиқловчи мулоҳаза ёлғон бўлади. Ёлғонлиги исботланган фикрни чин деб тасдиқловчи мулоҳаза ёлғон бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган мулоҳазалар – ноаниқ бўлади.

Мулоҳазалар тилда гаплар орқали ифодаланади. Мулоҳаза мантиқий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Мулоҳазалар, асосан, дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор шаклда бўлади ва улар чин ёки ёлғон қийматлари бўйича аниқланади.

Масалан, “Тил инсонлар ўртасидаги мулоқот воситасидир”, “Ҳиёнаткорларнинг ҳеч бири виждонли эмас” каби гаплар мулоҳазани ифода қилади. Демак, мулоҳаза – предметга маълум бир белгининг (хоссанинг, муносабатнинг) хос ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Мулоҳаза таркибида мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мантиқий эга –фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани билдиради ва фанда субъект деган термин билан ифодаланади (символик белгиси - S). Мантиқий кесим предмет хусусиятини, муносабатини билдиради ва фанда предикат деган термин билан ифодаланади (символик белгиси - P). Мулоҳазанинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади. Мулоҳазанинг учинчи зарурий элементи мантиқий боғламадир. У субъект ва предикатни бир-бири билан боғлайди, натижада мулоҳаза ҳосил бўлади. Мулоҳазанинг символик ифодаланиши:

S – P (тасдиқ мулоҳаза), S – P эмас (инкор мулоҳаза)

Мулоҳазалар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади.

Оддий мулоҳаза таркибидан яна бир мулоҳазани ажратиб бўлмайдиган мулоҳазадир ёки бир субъект ва бир предикатдан ташкил топган мулоҳазадир.

Таркибидан икки ёки ундан ортиқ мулоҳазани ажратиш мумкин бўлган мулоҳаза мураккаб мулоҳаза дейилади. Масалан, “Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради”, деган фикр оддий мулоҳазани ифодалайди. “Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади” - бу мураккаб мулоҳазадир.

Оддий мулоҳазалар икки тамойилга, яъни миқдори ва сифатига кўра таснифланади. 1- тамойил. Миқдорига кўра оддий мулоҳазалар якка, умумий ва жузъий бўлади.

Оддий мулоҳазаларни таснифлашнинг иккинчи тамойили бу уларнинг сифатидир, яъни тасдиқ ёки инкор мазмунга эга бўлишидир. Мулоҳазанинг сифатини мантиқий боғлама белгилайди. “Ҳамма илонлар захарлидир” мулоҳазасининг предикатида субект ҳақидаги фикр тасдиқланади. Бундай мулоҳаза тасдиқловчи дейилади. “Ҳеч бир риё амал мақбул эмас” мулоҳазасида субект ҳақида нимадир инкор қилинади. Бу инкор мулоҳаза дейилади. Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва уларни мантиқий тахлил қилишда оддий мулоҳазаларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган классификацияси (асосий турлари)дан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. **Умумий тасдиқ мулоҳазалар.** Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, “Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар.” Бу мулоҳаза лотин алифбосидаги **А** ҳарфи билан белгиланади ва “Ҳамма S – P дир” формуласи орқали ифодаланади..

2. **Умумий инкор мулоҳазалар** бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, “Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди.” Бу мулоҳаза “Ҳеч бир S – P эмас” формуласи орқали ифодаланади ва лотинча **Е** ҳарфи билан белгиланади.

3. **Жузъий тасдиқ мулоҳазалар** бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ фикрни ифодалайди. Масалан, “Баъзи талабалар масъулиятли.” У лотинча **I** ҳарфи билан белгиланади ва “Баъзи S–Рдир” формуласи орқали ифодаланади.

4. **Жузъий инкор мулоҳаза** бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, “Баъзи талабалар тартибли эмас.” Унинг формуласи “Баъзи S–P эмас” бўлиб, лотинча **О** ҳарфи билан белгиланади.

Ажратиб кўрсатувчи ва истисно қилувчи мулоҳазалар. Шундай мулоҳазалар борки уларда нимадир ажратиб кўрсатилади ёки истисно қилинади. “Гуруҳимиз талабаларидан фақат 4 киши мусобақада қатнашади.” Бу ажратиб кўрсатувчи мулоҳазадир. “Даврада яқинларимдан бошқа бошқа ҳамма бор эди” Бу истисно қилувчи мулоҳазадир.

Предикатнинг мазмунига кўра оддий мулоҳаза турлари. Улар қуйидагилардан иборат: атрибутив мулоҳазалар, мавжудлик (экзистенциал) мулоҳазалари ва муносабат (релятив) мулоҳазалари. **Атрибутив (сифат ва хусусият) мулоҳазаларда** бирор хусусиятнинг предметга хослиги ёки хос эмаслиги аниқ, қатъий кўрсатилади. Шунинг учун атрибутив мулоҳазаларни бирорта предметнинг синфга кириши (мансублиги) ёки кирмаслиги (мансуб эмаслиги) ҳақидаги мулоҳаза деб таърифласа бўлади. Масалан, "Ҳамма дарахтлар ўсимликлардир" ва "Ҳеч бир ўсимлик ҳайвон эмас".

Иккита, учта ва ҳоказо предметлар ўртасида муайян муносабатларнинг бўлиши ёки бўлмаслигини ифодалаган мулоҳазаларга **муносабат** (релятив) **мулоҳазалари** дейилади. Масалан: "Бутун бўлакдан катта". "Икки - учдан кичик сон". Биринчи мулоҳазада "катталик" муносабати бутун ва бўлак ўртасида бўлиши тасдиқланса, иккинчи мулоҳазада "уч" сони билан "икки" сонининг муносабати ҳақидаги фикр тасдиқланган.

Атрибутив ва муносабат мулоҳазалари билан бир қаторда яна **мавжудлик** (экзистенциал) **мулоҳазалари** (Кутубхонада мантиқ дарслиги бор), **айният мулоҳазалари** ("Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг муаллифи" кўринишда бўлган) ва **модал мулоҳазалар** (Эҳтимол, ёмғир ёғади)ни кўрсатиш мумкин.

Мулоҳазалар ўртасидаги муносабатлар. Мулоҳазалар ҳам тушунчалар каби таққосланувчи (умумий субъект ва предикатга эга бўлган) ва таққосланмайдиган турларга бўлинади. Таққосланадиган мулоҳазалар сиғишадиган ёки сиғишмайдиган бўлади. Мантиқда икки мулоҳаза (p ва q) дан бирининг чинлигидан иккинчисининг ёлғонлиги зарурий келиб чиқадиган бўлса, улар ўзаро **сиғишмайдиган мулоҳазалар** дейилади. Сиғишмайдиган мулоҳазалар қарама-қаршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Сиғишмайдиган мулоҳазалар бир вақтда чин бўла олмайди. **Сиғишадиган мулоҳазалар** айнан бир фикрни тўлиқ ёки қисман ифодалайди. Сиғишадиган мулоҳазалар ўзаро эквивалентлик, мантиқий бўйсуниш ва қисман мос келиш (субконтрар) муносабатида бўлади. Бу муносабатларни қуйидаги мисолларда тахлил қиламиз:

Масалан, 1-мисол. A_1. "Ҳамма ўсимликлар шифобахшдир."

Бу умумий тасдиқ мулоҳаза бўлиб, уни умумий инкор, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор мулоҳаза кўринишларида қуйидагича ифодалаймиз:

E_1. Ҳеч бир ўсимлик шифобахш эмас.

I_1. Баъзи ўсимликлар шифобахшдир.

O_1. Баъзи ўсимликлар шифобахш эмас.

Тажрибамиз ва билимимизга асосланиб, юқоридаги мулоҳазалардан фақат I ва O мулоҳазаларни чин деб баҳолашимиз мумкин.

Мантиқ илмида мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун улар ўртасидаги муносабатларга асосланилади:

1. Қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий мулоҳазалар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин бўла олмайди. Бу мулоҳазалар ($А_1$ ва $Е_1$) бир вақтда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аниқ бўлса ($А_2$), унда бошқаси хато бўлади ($Е_2$).

2. Зидлик (контрадиктор) муносабати мазмуни ва ҳажмига кўра турлича бўлган мулоҳазалар (1- мисолда: $А_1$ ва $О_1$, $Е_1$ ва $І_1$; 2-мисолда: $А_2$ ва $О_2$, $Е_2$ ва $І_2$.) ўртасида мавжуд бўлади. Яъни бир нарса ёки воқеа ҳақида бир вақтда айтилган иккита зид фикрнинг иккалови ҳам чин бўлмайди, уларнинг бири чин, иккинчиси хато ёки иккаласи ҳам хато бўлиши мумкин.

3. Бўйсуниш муносабати сиғишадиган мулоҳазалардан мазмуни бир хил, ҳажми турли хил бўлган мулоҳазалар ўртасида бўлади. Бунда умумий мулоҳазалар бўйсундирувчи, жузъий мулоҳазалар бўйсунувчи бўлади. Бўйсуниш муносабатида умумий мулоҳазалар чин бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий мулоҳазалар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий мулоҳазалар чин бўлганда, умумий мулоҳазалар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Агар умумий мулоҳазалар хато бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий мулоҳазалар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади.

Юқоридаги 1- мисолда $А_1$– хато, $І_1$ – чин; $Е_1$ – хато, $О_1$ – чин бўлади. Маълум бўладики, умумий мулоҳазалар хато бўлса, жузъий мулоҳазалар чин бўлиши мумкин.

2- мисолимизда $А_2$– мулоҳаза чин бўлгани учун унга бўйсинувчи $І_2$ мулоҳаза – чин; $Е_2$ - мулоҳаза хато бўлгани учун унга бўйсинувчи $О_2$ мулоҳаза ҳам хато бўлди.

4. Қисман мослик (субконтрар) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий мулоҳазалар ўртасида мавжуд бўлади. Бу мулоҳазалар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, чин бўлади. Юқоридаги 1- мисолимизда $І_1$- ва $О_1$- мулоҳазалар бир вақтда чин бўлса, 2-мисолимизда $О_2$ – мулоҳазанинг хатолиги аниқ бўлгани учун $І_2$ – мулоҳаза чиндир.

Эквивалентлик муносабатидаги мулоҳазалар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади. Масалан, “А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифи” ва “А. Орипов – Ўзбекистон Қаҳрамони” мулоҳазалари ўзаро эквивалентдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган мулоҳазалардир.

Мулоҳазаларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи юқорида кўрсатилган қонуниятлар билишда ва хулоса чиқаришда катта аҳамиятга эга

Мураккаб мулоҳазалар, уларнинг турлари ва чин бўлиш шартлари. Мулоҳазаларни инкор қилиш. Мулоҳаза таркибидаги мантиқий эга ва/ёки мантиқий кесимни ифодаловчи терминлар сони бирдан ортиқ бўлса, мураккаб мулоҳаза деб аталади. Мураккаб мулоҳазалар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий мулоҳазаларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчисининг мазмунига кўра мураккаб мулоҳазалар қуйидаги асосий турларга бўлинади: бирлаштирувчи (конъюнктив), айирувчи (дизъюнктив), шартли (импликатив), эквивалент.

Бирлаштирувчи) мулоҳазалар икки ва ундан ортиқ оддий мулоҳазаларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, 1.Устозининг берган топшириқларини бажарди ва аъло баҳо олди. 2. Яхши ният ва яхши сўз инсонни саодатга етаклайди. 3. Мантиқ ҳам амалий, ҳам назарий фандир.

Ўзбек тилида бирлаштирувчи мулоҳазалар «аммо», «лекин», «бироқ» каби боғловчилар ва боғловчиларсиз оҳанг воситасида ҳам тузилади. Мантиқий боғламалар конъюнкция белгиси “∧” (&) орқали ифодаланади. Формуласи: Конъюнктив (бирлаштирувчи) мулоҳаза таркибидаги оддий мулоҳазаларни “p” ва “q” шартли белгилари билан белгиласак, улар орасига конъюнкция белгисини “∧” (&) қўйсак, унда бу мулоҳаза **p ∧ q (p & q)** формуласи орқали ифодаланади. Конъюнктив мулоҳаза таркибидаги оддий мулоҳазалар чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий мулоҳазалар чин бўлса, бирлаштирувчи мулоҳаза ҳам чин бўлади. Бошқа ҳамма ҳолатларда эса ёлғон бўлади[7]. Масалан, “Ёлғон гапириш ва ўғирлик қилиш жиноятдир” мулоҳазасидаги биринчи оддий гап “Ёлғон гапириш жиноятдир” чин бўлмаганлиги учун бу мулоҳаза чин бўлмайди.

Конъюнктив мулоҳазанинг чинлик таблицаси

p	**q**	**p ∧ q**
чин	чин	чин
чин	ёлғон	ёлғон
ёлғон	чин	ёлғон
ёлғон	ёлғон	ёлғон

Айирувчи мулоҳаза деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий боғловчилар воситасида боғланган оддий мулоҳазаларга айтилади. Бу боғловчилар икки оддий мулоҳаза, бир қанча предикатлар ёки бир қанча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан: “Нодира инглиз тилини ёки немис тилини ёки испан тилини ўрганади”. “Концертда биринчи ёки иккинчи қаторда

[7] Look: Restall G. Logic. An introduction. Published in the Taylor & Francis e-Library, 2006. p.14.

ўтирамиз”. Айирувчи (дизъюнктив) мулоҳазалар оддий ва қатъий турларга бўлинади. Оддий айирувчи мулоҳаза таркибидаги мулоҳазалардан бири ёки ҳаммаси чин бўлиши мумкин, қатъий айирувчи мулоҳазада эса таркибидаги мулоҳазалардан фақат биттаси чин бўлади. Масалан: “А.Авлоний шоир ёки драматургдир.” Бу - оддий айирувчи мулоҳаза. “Абдуллаев мусобақада ё ютади, ё ютмайди.” Бу - қатъий айирувчи мулоҳаза. Оддий дизъюнкция “$\vee$”, қатъий дизъюнкция “$\underline{\vee}$ ” белгиси билан ифодаланади. Оддий дизъюнктив мулоҳаза **p** $\vee$ **q** формуласи билан, қатъий дизъюнктив мулоҳаза **p** $\underline{\vee}$ **q** формуласи билан белгиланади.

Дизъюнктив мулоҳазанинг чинлик таблицаси

p	**q**	**p** $\vee$ **q**	**p** $\underline{\vee}$ **q**
чин	чин	чин	ёлғон
чин	ёлғон	чин	чин
ёлғон	чин	чин	чин
ёлғон	ёлғон	ёлғон	ёлғон

Шартли мулоҳаза икки оддий мулоҳазанинг «агар... унда» мантиқий боғловчи орқали бирикишидан ташкил топади. Шартли мулоҳазанинг моҳиятини аниқлаш учун “зарурий ва етарли шарт” тушунчаларини фарқлаш зарур. Ҳодисанинг зарурий шарти деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ҳодисанинг шарти зарурий бўлмаса, ҳодиса ҳам бўлмайди. Масалан, “Агар ўсимлик сувсиз қолса, у қурийди.”

Шартли мулоҳаза таркибида асос ва натижа қисмлари фарқланади. Шартли мулоҳазанинг «агар» ва «унда» сўзлари оралиғидаги қисми – **асос (антецедент),** «унда» сўзидан кейинги қисми – **натижа (консеквент)** деб аталади. Мулоҳаза қисмларининг бундай номланишига сабаб уларнинг турли вазифаларни бажаришлари билан боғлиқ. Агар бу қисмларнинг ўрни алмашса, мулоҳаза ҳам ўзгаради.[8] “Агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи ҳўл бўлади” мулоҳазасида «ёмғир ёғса» – асос, «уйларнинг томи ҳўл бўлади» – натижа ҳисобланади.

Демак, асосда кўрсатилган ҳодиса, натижада қайд этилган ҳодисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган мулоҳаза шартли мулоҳаза дейилади.

Импликатив мулоҳазалардаги «агар ... унда» мантиқий боғламаси “$\rightarrow$” белги билан ифодаланади. Ҳозирги замон мантиқ илмида эса баъзан (ב)

[8] Look: Restall G. Logic. An introduction. Published in the Taylor & Francis e-Library, 2006. p.17.

символи билан белгиланади. Бу символлар моддий импликация белгиси деб аталади. Импликатив мулоҳазанинг формуласи: **p → q.** Импликатив мулоҳаза асоси – чин, натижаси – ёлғон бўлган ҳолатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади.

Импликатив мулоҳазанинг чинлик таблицаси

p	**q**	**p →q**
чин	чин	чин
чин	ёлғон	ёлғон
ёлғон	чин	чин
ёлғон	ёлғон	чин

Эквивалентлик мулоҳазалари «агар ва фақат агар ... унда» мантиқий боғловчиси ёрдамида икки оддий мулоҳазанинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик мулоҳазаси шартли мулоҳаза кўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда шартли мулоҳазанинг эквивалент мулоҳаза эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар шартли мулоҳазанинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу мулоҳаза эквивалент мулоҳаза бўлади.

Эквивалент мулоҳазанинг мантиқий боғловчиси (≡) ёки (↔) символи, яъни (моддий) эквивалентлик белгиси билан ифодаланади. Эквивалент мулоҳазанинг формуласи қуйидагича ёзилади: p ↔ q. Бу мулоҳазани икки қисмга ажратиш мумкин: p → q & q → p. Масалан, Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига қолдиқсиз бўлинади.

Эквивалент мулоҳазанинг асоси ва натижаси чин бўлганда ёки асоси ҳам, натижаси ҳам ёлғон бўлганда,у чин ҳисобланади. Шартли ва эквивалент мулоҳазани бир-биридан фарқлаш учун асос ва натижанинг ўрни алмаштириб кўрилади. Агар натижа бўлган мулоҳаза асос мулоҳаза учун сабаб бўлмаса, у холатда эквивалент мулоҳаза бўлолмайди.[9]

Қуйидаги шартли мулоҳазанинг асос ва натижа қисмларини ўзгартирамиз: “Агар инсоннинг фикр доираси кенг бўлса, унда у кўп мутоала қилган бўлади.” “Агар инсон кўп мутоала қилган бўлса, унда унинг фикр доираси кенг бўлади.” Инсон фикр доирасининг кенг бўлиши фақат кўп мутоала қилишига эмас, балки ҳаёт тажрибасига, тафаккурлаш қобилиятига ҳам боғлиқ. Демак, берилган мулоҳаза эквивалент мулоҳаза эмас.

Эквивалент мулоҳазанинг чинлик таблицаси

[9] Look: Restall G. Logic. An introduction. Published in the Taylor & Francis e-Library, 2006. p.18.

p	q	p ↔ q
чин	чин	чин
чин	ёлғон	ёлғон
ёлғон	чин	ёлғон
ёлғон	ёлғон	чин

Мураккаб мулоҳазаларнинг чин бўлиш шартларини билиш, фикрларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш билан бирга, бу мулоҳазалар асосида тўғри хулоса чиқаришга ҳамда хулоса чиқаришда йўл қўйилган хатоларни аниқлашга имкон беради.

Мулоҳазаларнинг инкор қилиниши. Мулоҳазаларни инкор қилиш муҳим мантиқий амаллардан бўлиб, у орқали янги мулоҳазалар (инкор мулоҳазадан тасдиқ мулоҳаза ва тасдиқ мулоҳазадан инкор мулоҳаза) хосил қилинади.

Икки мулоҳаза бир-бирига зид бўлиб, улардан бири албатта чин, бошқаси ёлғон бўлса, бу мулоҳазалар бир-бирини инкор қилувчи мулоҳазалар бўлади. Инкор қилинаётган мулоҳаза чин бўлса, инкор қилаётган мулоҳаза ёлғон бўлади. Инкор қилинаётган мулоҳаза (p) ёлғон бўлса, инкор қилаётган мулоҳаза (¬ p) чин бўлади[10]. (¬ - инкор белгиси)

Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи: тузилиши, турлари ва умумий қоидалари.

Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи. Мантиқий эргашиш тушунчаси. Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, деб аталади.

Хулоса чиқариш – бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқарувчи тафаккур шаклидир. Хулоса чиқариш асослар, хулоса ва асослардан хулосага ўтиш жараёнидан ташкил топади. Тўғри хулоса чиқариш учун, аввалambор, асослар чин мулоҳазалардан иборат бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.Масалан, “Ибн Сино “Донишнома” асарини ёзган” ва “Пифагор математик бўлган” деган икки чин мулоҳазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ.

[10] Look: Restall G. Logic. An introduction. Published in the Taylor & Francis e-Library, 2006. p.18.

Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса келиб чиқмайди. Масалан, ”Дўстларим спорт билан шуғулланадилар” деган мулоҳазадан “Дўстларим спорт мастери” деб, хулоса чиқариб бўлмайди.

Демак, хулоса чиқаришнинг тузилиши уч элементдан иборат: хулоса асослари, хулоса ва мантиқий эргашиш (хулоса асосларининг ўзаро мантиқий алоқадорлиги ва хулоса асослари билан хулосанинг мантиқий алоқадорлиги).

Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражасига кўра зарурий ва эҳтимолий; хулоса асосларининг сонига кўра бир асосли (бевосита) ва кўп асосли (бавосита); фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра дедуктив, индуктив, аналогия каби турларга бўлинади.

Мазкур таснифда хулоса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммалроқ бўлиб, у хулоса чиқаришнинг бошқа турлари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, дедуктив хулоса чиқариш зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш (тўлиқ индукцияни ҳисобга олмаганда) ва аналогия эҳтимолий хулоса чиқариш деб олиб қаралиши, бевосита хулоса чиқариш эса дедуктив хулоса чиқаришнинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин.

Дедуктив хулоса чиқариш. Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти - унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурий хусусиятга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришдир.

Фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш, деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш жараёнида мулоҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мулоҳазанинг таркиби, яъни субъект ва предикат муносабатларининг миқдор ва сифат тавсифлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қуйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

I. Айлантириш (лот.–obversio) шундай мантиқий усулки, унда берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда, сифатини ўзгартириш билан янги мулоҳаза ҳосил қилинади.[11] Бу усул билан хулоса чиқарилганда қўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. Бу усул билан қуйидаги икки формула асосида хулоса чиқариш мумкин:

S – P **S** –⌉ ⌉ **P**	**S – P** ⌈**S** –⌉ **P**

[11]Look:Morri s R . Cohen Ernes t N a g e l an introduction to logic and scientific method New Dehli. 2007. P59.

Инкор қилиш жараёнида (-ма; -сиз; -мас) каби қўшимчалар ёки инкор қилинаётган тушунчага зид бўлган тушунчалардан фойдаланилади. Оддий қатъий мулоҳазаларнинг ҳаммасидан айлантириш усули билан хулоса чиқарилади.

№	Хулоса асоси бўлган мулоҳаза	Хулоса бўлган мулоҳаза
1	A. Ҳамма S-P	E. Ҳеч бир S-Pсиз эмас
2	E. Ҳеч бир S-P эмас	A. Хамма S эмас P дир
3	I. Баъзи S-P	O. Баъзи S-P сиз эмас
4	O. Баъзи S-P эмас	I. Баъзи S - P сиздир

Айлантиришга мисол:

A. Ҳамма шифокорлар олий тиббий маълумотга эга.

E. Шифокор бўлганларнинг ҳеч бири олий тиббий маълумотсиз эмас.

E. Ҳеч бир ёлғончи ростгўй эмас.

A. Ҳамма ёлғончи бўлмаганлар ростгўйдир.

I.Баъзи суралар узундир.

O. Баъзи суралар қисқа эмас.

O. Баъзи жумлалар тушунарли эмас.

I. Баъзи жумлалар тушунарсиздир.

Алмаштириш (лот.–conversio) шундай мантиқий хулоса чиқариш усулики, унда хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади:[12]

Турли мулоҳазалардан бундай усул воситасида хулоса чиқариш қуйидаги таблицада кўрсатилган:

№	Хулоса асоси	Хулоса	Алмаштириш тури
1	A. Ҳамма S-P	A. Ҳамма P-S	Соф алмаштириш
2	E. Ҳеч бир S-P эмас	E. Ҳеч бир P- S эмас	Соф алмаштириш
3	I.Баъзи S-P	I.Баъзи P – S	Соф алмаштириш

[12] Look:Morri s R . Cohen Ernes t N a g e l an introduction to logic and scientific method New Dehli. 2007. P 58.

4	А. Ҳамма S-P	I. Баъзи P – S	Торайтирилган алмаштириш
5	I. Баъзи S-P	А. Ҳамма P – S	Кенгайтирилган алмаштириш

Жузъий инкор мулоҳазадан (0) алмаштириш усули билан хулоса чиқариб бўлмайди.

Алмаштиришга мисол:

1 –мисол. А. Ҳамма шифокорлар олий маълумотлидир.

I. Баъзи олий маълумотлилар шифокорлардир.

2- мисол. Е. Ҳеч бир инсон тош эмас.

Е. Ҳеч бир тош инсон эмас.

3-мисол. I. Баъзи ёшлар тадбиркордир.

I. Баъзи тадбиркорлар ёшлардир.

4- мисол. А. Ҳамма одамлар жонли мавжудотдир.

I. Баъзи жонли мавжудотлар одамлардир

5-мисол. I. Баъзи санъаткорлар қўшиқчидир.

А. Ҳамма қўшиқчилар санъаткордир.

Демак, алмаштириш усули қўлланганда мулоҳазадаги субъект ва предикат ҳажми аниқланади ва шу асосда мулоҳазадаги терминлар ўрни алмаштирилиб, хулоса чиқарилади. Бу усул, айниқса, тушунчага берилган таърифларнинг тўғрилигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

III. Предикатга қарама-қарши қўйиш (лот.– contrapositio) бевосита хулоса чиқаришнинг мантиқий усулларидан бири бўлиб, бу усул қўлланганда берилган мулоҳаза аввал айлантирилади, сўнгра алмаштирилади. Натижада ҳосил бўлган мулоҳазанинг (хулосанинг) субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектига мос бўлади. Бу усул билан қуйидаги икки формула асосида хулоса чиқариш мумкин:

S - P **⌉P - ⌉** **S**	**S - P** **P -** **⌉⌉S**

Масалан:

А. Ҳамма мусулмонлар Ислом динига эътиқод қиладилар.

Е. Ислом динига эътиқод қилмайдиганларнинг ҳеч бири мусулмон эмас.

Жузъий тасдиқ мулоҳазадан предикатга қарама-қарши қўйиш усули билан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки, жузъий тасдиқ мулоҳазани айлантирсак жузъий инкор ҳукм келиб чиқади. Ундан алмаштириш орқали хулоса чиқариб бўлмайди.

IV. Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқариш.

Бунда оддий қатъий мулоҳазаларнинг ўзаро муносабатларини (қаранг: мантиқий квадрат) эътиборга олган ҳолда, мулоҳазалардан бирининг чин ёки хатолиги ҳақида хулоса чиқарилади. Бу хулосалар мулоҳазалар ўртасидаги зидлик, қарама-қаршилик, қисман мослик ва бўйсуниш муносабатларига асосланади. Бу муносабатларнинг таҳлилига кўра хулоса чин бўлган қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

1.Асос мулоҳаза ва хулоса чин бўлган : А→I, Е→0.

2.Асос мулоҳаза хато ва хулоса чин бўлган:А→О, Е→I

Масалан: А. Ҳамма дарахтларнинг илдизи бор.

I. Баъзи дарахтларнинг илдизи бор.

Е. Ҳеч бир файласуф математик эмас.

I. Баъзи файласуфлар математикдир.

Бевосита хулоса чиқариш усуллари билиш жараёнида мавжуд фикрни аниқлаб олиш, унинг моҳиятини тўғри тушуниш, шунингдек, бир фикрни турли хил кўринишда баён қилиш, янги билимлар ҳосил қилишга имкон беради.

Силлогизм. Дедуктив хулоса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. “Силлогизм” сўзи қўшиб ҳисоблаш, деган маънони беради. Бу термин мантиқ фанида, дедуктив хулоса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий қатъий силлогизмни ифодалашда қўлланилади**.**

Силлогизм ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи – янги қатъий мулоҳазани зарурий тарзда келтириб чиқарувчи хулоса чиқариш усулидир. Бунда дастлабки мулоҳазалардан бири, албатта, ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор мулоҳаза бўлади. Ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, қуйидаги мулоҳазалар берилган бўлсин:

Ҳамма балиқлар сувда яшайди.

Сазан – балиқ.

Бу мулоҳазалардан зарурий равишда – Сазанлар сувда яшайди, деган учинчи мулоҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий қатъий мулоҳазалардан ташкил топгани учун у оддий қатъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари (praemissae) ва хулоса (conclusio)дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хулосанинг мантиқий эгаси – **S – кичик термин** (terminus minor), мантиқий кесими – **P – катта термин** (terminus major), деб аталади. Хулоса асослари учун умумий бўлган, лекин хулосада учрамайдиган тушунча – **M** – (terminus medius) **ўрта термин** деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади. Демак, асосларнинг катта ёки кичик асос деб ажратилиши уларнинг қандай кетма-кетликда келишига боғлиқ эмас.

S – кичик термин;

M – ўрта термин;

P – катта термин.



Ўрта термин катта ва кичик терминни боғловчи мантиқий элемент ҳисобланади.

Силлогизм аксиомаси

Аксиомалар исбот талаб қилмайдиган, исботсиз чин деб қабул қилинган назарий мулоҳазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулоҳазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хулосалашнинг мантиқий асосланганлигини ифодалайди.

Силлогизм хулосасининг асослардан зарурий келтириб чиқарилиши қуйидаги қоидага асосланади: «Агар бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмнинг ичида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмнинг ичида жойлашган бўлади» ёки «Бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмдан ташқарида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмдан ташқарида жойлашган бўлади». Бу қоидани қуйидаги шакллар ёрдамида ифодалаш мумкин.







ёки

Бу қоида силлогизм аксиомаси моҳиятини терминларнинг ҳажми муносабатлари асосида тушунтириб беради. Демак, силлогизм аксиомасининг моҳияти қуйидагича: буюм ва ҳодисаларнинг синфи тўғрисида билдирилган тасдиқ ёки инкор фикр шу синф таркибидаги барча буюм ва ҳодисаларнинг ҳар бири ёки айримлар ҳам тааллуқли фикр ҳисобланади.

Масалан:

Ҳамма одамлар тирик мавжудотдир.

Ҳамма талабалар одамлардир.

Ҳамма талабалар тирик мавжудотдир.

Силлогизм аксиомасини атрибутив ифодалаганда предмет билан унинг белгиси ўртасидаги муносабатга асосланилади**:** бирор буюм, ҳодиса белгисининг белгиси, шу буюм, ҳодисанинг белгисидир; буюм, ҳодиса белгисига зид бўлган нарсалар буюм, ҳодисанинг ўзига ҳам зиддир.

Силлогизм фигуралари ва модуслари.

Силлогизмлар бир-биридан 1) ўрта терминнинг жойлашишига қараб ва 2) асослар ва хулосадаги мулоҳазанинг миқдори ва сифатига кўра фарқ қилади. Ўрта терминнинг ўрни силлогизмнинг фигурасини белгилаб беради.

I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келади. II фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлиб келади. III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади. IV фигурада ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.[13]

I фигура	II фигура	III фигура	IV фигура
M_____P	P_____M	M_____P	P_____M
S_____M	S_____M	M_____S	M_____S
_____	_____	_____	_____
S – P	S – P	S – P	S - P

Силлогизм асослари оддий қатъий мулоҳазалардан иборат. Бу мулоҳазаларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартибда (тўпламда) келиши модус деб аталади. «Модус» – шакл деган маънони англатади. Силлогизм фигураларининг ўзига хос шакллари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри шаклларини аниқлаб, тўғри хулоса чиқаришда силлогизмнинг умумий қоидалари билан бирга ҳар бир фигуранинг махсус қоидаларига ҳам амал қилинади. Фигураларнинг махсус қоидалари силлогизм терминларининг ўзига хос боғланиши асосида аниқланади.

[13] Look:Morri s R . Cohen Ernes t N a g e l an introduction to logic and scientific method New Dehli. 2007. p.82

Энтимема (қисқартирилган қатъий силлогизм)

Инсоннинг фикр юритиш жараёни кўпроқ энтимема кўринишида амалга ошади. Масалан, “У талаба бўлгани учун, стипендия олади”, “Биродарим эътиқодда собит, шунинг учун унга ишонса бўлади.” Энтимема деб, асосларидан бири ёки хулосаси тушириб қолдирилган силлогизмга айтилади. Энтимема сўзи – ақлда, фикрда деган маънони англатади. Энтимемада силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисми ёдда сақланади. Зарур бўлганда уни топиб, ўрнига қўйган ҳолда энтимемадан тўла силлогизмни тиклаш мумкин.

Энтимемалар уч турли бўлади:

1- тартибли, яъни катта асоси тушириб қолдирилган.

2- тартибли, яъни кичик асоси тушириб қолдирилган.

3- тартибли яъни, хулосаси тушириб қолдирилган.[14]

Бизга қуйидаги силлогизм берилган бўлсин:

Математикани билганлар бу масаланинг жавобини тўғри топади.

Бу ўқувчи математикани билади.

Бу ўқувчи масаланинг жавобини тўғри топади.

Энди бу силлогизмни энтимема кўринишига келтирамиз:

1. Бу ўқувчи математикани билгани учун, масаланинг жавобини тўғри топади (катта асос тушириб қолдирилди).

2. Математикани билганлар бу масаланинг жавобини тўғри топади, шунинг учун бу ўқувчи масаланинг жавобини тўғри топади (кичик асос тушириб қолдирилди).

3. Математикани билганлар бу масаланинг жавобини тўғри топади, жумладан бу ўқувчи ҳам (хулоса тушириб қолдирилди).

Энтимемалар баҳс-мунозара юритиш жараёни ва нотиқлик санъатида кенг қўлланилади.

Индуктив хулоса чиқариш. Якка мулоҳазаларни умумлаштириб хулоса чиқариш кундалик ҳаётда, илмий билишда кўп қўлланилади. Инсон ҳаётий тажриба натижаларини, кузатишларини умумлаштириб, айнан шу усул асосида хулоса чиқаради. Фикрнинг яккаликдан умумийликка қараб ҳаракатланишини ифодаловчи бундай хулоса чиқариш тури индукция (лот. “inductio” – ягона асосга келтириш) деб аталади. Индуктив хулоса чиқаришда кузатиш ва тажриба натижалари муҳим аҳамиятга эга. Индуктив хулоса чиқариш балвосита хулоса хисобланади. Индуктив хулоса чиқариш асослари иккита ва ундан ортиқ мулоҳазалардан ташкил топган бўлади. Улар, одатда, якка предмет ёки предметлар синфининг бир қисмини ифода қилади.

[14] Look:Morri s R . Cohen Ernes t N a g e l an introduction to logic ... New Dehli. 2007. p.78.

Хулосада эса, бир мантиқий синфга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий мулоҳаза тарзидаги фикр ҳосил қилинади.

Индуктив хулоса чиқаришда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб предметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур синфга тегишли барча предметларга хослиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Индуктив хулоса чиқаришнинг таркиби хулоса асослари, текширилаётган белги ва хулосадан иборат. Индуктив хулоса чиқаришнинг иккита тури мавжуд: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.

Тўлиқ индукцияда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб ҳар бир предметга хослиги аниқланиб, шу белгининг берилган синф предметлари учун умумий эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Тўлиқ индукция миқдори чекланган ва аниқ бўлган (саналадиган) предметлар синфи ҳақида эмпирик материалларни умумлаштириш йўли билан хулосавий билим олишнинг самарали воситаси бўлиб, унинг хулосаси доимо аниқ бўлади.

Тўлиқсиз индукцияда бирорта белгининг бир мантиқий синфга тегишли предметларнинг бир қисмига (бир нечтасига) хослигини (ёки хос эмаслиги) аниқлаш асосида шу белгининг берилган синфга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида хулоса чиқарилади.

Илмий индукция

Илмий индукцияда бир синфга мансуб предметларда такрорланувчи белгининг мавжудлик сабаби ўрганилади. Тўлиқсиз индукциянинг бу тури ҳодисаларнинг сабабини аниқлаш ва уларни ифода этувчи қонунларни очишга қаратилгани учун ҳам илмий индукция деб аталади.

Сабабий алоқадорликни аниқлаш илмий индуктив хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Сабабий алоқадорликни аниқлаш ва ўрганишда қуйидагиларга эътибор бери зарур:

- икки ҳодиса ўртасидаги зарурий алоқадорлик муайян шароитда уларнинг биридан (сабаб) иккинчисини (оқибатни) келтириб чиқаради. Сабаб-ҳодисанинг йўқлиги оқибат-ҳодисанинг ҳам юзага чиқмаслигини билдиради.

- Сабаб-оқибат муносабатлари умумий характерга эга, оламдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз мавжуд бўлмайди.

- Сабаб ва оқибат вақтда кетма-кет келади. Лекин, олдинма-кетин келган ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам сабабий алоқадорликда бўлавермайди.

- Сабаб-оқибат муносабатлари бир маъноли бўлиб, муайян сабаб ўзига мувофиқ келадиган муайян оқибатни келтириб чиқаради.

Сабабий алоқадорлик мураккаб структурага эга. Хусусан, сабаб-ҳодиса турли хил шароитларда турли оқибатларни келтириб чиқариши ёки аксинча, бир оқибат турли шароитларда ҳар хил сабаблар таъсирида пайдо бўлиши мумкин.

Сабабий алоқадорликни аниқлашнинг бир қанча методлари мавжуд бўлиб, улар илмий индукция методлари деб юритилади. Буларга ўхшашлик, тафовут, йўлдош ўзгаришлар ва қолдиқлар методлари киради. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ягона ўхшашлик методи. Унда ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби ҳақидаги хулоса шу ҳодисанинг кузатилаётган томонларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида ҳосил қилинади. Бу методдан фойдаланиб хулоса чиқарилганда, ҳодисанинг кузатилаётган ҳоллари учун фақат битта ҳолатгина умумий бўлса, ана шу ҳолат мазкур ҳодисанинг сабаби деб олинади. Ягона ўхшашлик методининг формуласи:

1.ABC _____ a

2. ADE_____ a

3. AGF_____ a

_____

Демак, А холат маълум даражада а ходисанинг сабабидир.

Ягона тафовут методи. Бу метод фақат икки ҳолатда, яъни ҳодисанинг вужудга келган ва келмаган ҳолларини таққослаш асосида ҳодисанинг сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд ҳоллар бир-биридан фақат битта ҳолати билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам мазкур ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабаби бўлса керак, деб тахминий хулоса ҳосил қилинади.

ABC_____a

BC _____a эмас.

_____

Демак, А холат а ходисанинг сабаби бўлиши мумкин.

Йўлдош ўзгаришлар методи.

Йўлдош ўзгаришлар методига мувофиқ, бир ҳолатнинг ўзгариши ҳодисанинг ўзгаришига ҳам олиб келса, шу ҳолат кузатилаётган ҳодиса ўзгаришининг сабабидир.

1.ABC--------a

2.A_1BC---------a

3.A_2BC---------a

.....

N. A_nBC-------a_n

_____

Эҳтимол, А холатнинг ўзгариши унга мос холда а нинг ўзгаришига сабабчидир.

Қолдиқлар методи. Бу метод татбиқ этиладиган объект мураккаб ҳодисадан иборат бўлиб, биттасидан бошқа қисмларининг сабаблари аниқ бўлганда, ана шу қолган қисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида қўлланилади.

ABC_____abc

B_____b

C_____c

_____

Демак, а нинг сабаби А бўлиши мумкин.

Қолдиқлар методига кўра, агар ўрганилаётган мураккаб ҳодисани ташкил этувчи ҳодисанинг (ёки ҳодиса қисмининг) битта ҳолатдан бошқа ҳолатлар билан алоқаси зарурий тавсифга эга бўлмаса, ана шу қолдиқ ҳолат мазкур ҳодисанинг (ҳодиса қисмининг) сабаби бўлиши мумкин.

Илмий индукциянинг бошқа методлари сингари қолдиқлар методи ҳам эҳтимолий билим олиш воситаси ҳисобланади.

АНАЛОГИЯ- (грек. – мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан жузъийликка қараб, индукцияда жузъийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда бир жузъий ҳолатдан бошқа жузъий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуд. Улар инсон онгида ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган воқеликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан Имом Ғаззолий “Кимиёи саодат” асарида дил(кўнгил)ни бадан мамлакатининг подшоҳи, ақлни эса унинг вазирига қиёслаб, “подшоҳ - Дил вазир -Ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир Ақлга бўйсундирса, бадан мамлакати (инсон) саодатга эришади. Агар Дил вазир Ақлни шаҳват ва ғазаб илгида асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир”[15]- деб ёзади. Аналогия бўйича хулоса чиқариш бошқа хулоса чиқаришлар каби асос, хулоса ва асос билан ҳамда хулоса ўртасидаги мантиқий алоқадан иборатдир. Унинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлиб,

[15] Абу Ҳомид Ғаззолий Кимиёи саодат. Т.:Адолат. 2005. -37-б.

кейинги текширишларни талаб қилади. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хулоса чиқади.

Аналогия ўзининг объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқа ва муносабатлардир. Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Ўхшатилаётган предметларни А ва В ҳарфлари билан, белгиларни а, в, с ҳарфлари билан ифода қилсак, хусусиятлар аналогиясини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

S_1 - P_1, P_2, P_3, P_4, белгиларга эга.

S_2 - P_1, P_2, P_3, белгиларга эга.

_____

Демак, S_2 - P_4 белгисига эга.

Мисол:

Оиладаги келишмовчиликлар меҳрни йўқотади, оила аъзоларини беобрў қилади, рўзғорни бебарака қилади, болалар тарбиясига эътибор камаяди.

Бу оила аъзолари бир-бири билан доимо жанжаллашади. Улар бир-бирига меҳрсиз, махаллада обрўйи йўқ, рўзғори бебарака.

_____

_____

Демак, улар болалар тарбиясига эътиборсиз.

Муносабатлар аналогиясида икки предмет ўхшашлиги асосида эмас, икки предмет ўртасидаги муносабатни ўрганиш асосида бошқа икки предмет ўртасидаги муносабат ҳақида хулоса чиқарилади. Муносабатлар аналогиясини

қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

А – В га, С – Д га бўлгандек муносабатда.

Бунда А – В модел, С – Д прототип бўлади. Модел ва прототип ўртасидаги муносабат асимметрикдир, улар турли предмет соҳаларига тааллуқлидир. Масалан, имом Ғаззолий инсон жисми ва руҳи ўртасидаги муносабатни от ва чавандоз ўртасидаги муносабатга таққослаб, руҳ танани бошқариши ва ҳар иккисининг емиши бир-биридан фарқ қилиши ҳақида хулоса чиқаради.

.Фикр юритишда мулоҳазаларни қуриш ва хулоса чиқариш билан боғлиқ хатолар. Мулоҳазалар билан боғлиқ хатолар. Мулоҳазаларни тушунчаларнинг мантиқий боғланиши деб қараш мумкин. Мулоҳазалар таркибидаги тушунчаларнинг аниқ бўлиши уларнинг тўғри ва чин бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, мантиқий эга ва мантиқий кесим мулоҳазаларнинг таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг ўзаро мантиқан тўғри боғлиқлиги ҳам фикрнинг тўғри ва чин бўлишини таъминлайди. Қуйидаги холатларда мулоҳаза ёлғон ҳисобланади:

1. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлмаган ҳусусият тасдиқланса (масалан, учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 360^0 га тенг);

2. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлган ҳусусият инкор қилинса (масалан, мавали дарахтлар баҳорда гулламайди);

3. Жузъий чин бўлган мулоҳаза баъзи холатларда умумий деб қабул қилинса (масалан, “Баъзи ўқувчилар маъсулиятсиз” мулоҳазасини “Ҳамма ўқувчилар маъсулиятсиз” мулоҳазаси билан алмаштирилса).

Хулоса чиқариш билан боғлиқ хатолар.

Фикр юритиш жараёнида энг кўп учрайдиган мантиқий хатолар хулоса чиқариш билан боғлиқ. Бунга сабаб хулоса чиқаришнинг ҳар бир турига хос бўлган қоидаларни билмасликдир. Шундай хатолардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Умумий мулоҳазаларга асосланиб (силлогистик) хулоса чиқаришда кенг тарқалган хатолардан бири силлогизм I фигурасининг қоидаси бузилишининг натижасида вужудга келади. Бунга кўра I фигура бўйича кичик асос инкор мулоҳаза бўлганда ҳосил қилинган хулоса ноаниқ (кўпинча хато) бўлади. Масалан:

Ҳамма адвокатлар юристдир.
Бу киши адвокат эмас.
Бу киши юрист эмас.

Хулосанинг ноаниқ бўлишига сабаб, юристлар фақат адвокат эмас, балки ўқитувчи ёки олим бўлишлари ҳам мумкин.

Яна бир хато силлогизм II фигураси қоидаси бузилишининг натижасида вужудга келади. Масалан:

Ҳамма окулистлар шифокордир.
Бу аёл шифокор.
Бу аёл окулистдир.

Шифокорлар фақат окулист (кўз шифокори) эмас, балки стоматолог, кардиолог, хирург бўлишлари ҳам мумкин.

Якка мулоҳазаларни умумлаштириб (индуктив) хулоса чиқаришда энг кўп учрайдиган мантиқий хато “ундан кейин, демак, шу сабабга кўра”, деб аталади. Бу хато олдинма-кетин келган ҳодисаларнинг ҳаммасида аввалгиси сабаб, кейингиси оқибат бўлади деган фикрга асосланиш натижасида юзага келади.

Ўхшатиш (аналогия)га асосланиб хулоса чиқарилганда, таққосланаётган ҳодисаларнинг номуҳим белгилари асос қилиб олинса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан:

Азиза ва Робия бир синфда ўқийди, ёшлари ва бўйлари тенг.

Азиза инглиз тилини яхши билади.

Демак, Робия ҳам инглиз тилини яхши билади.

Юқорида кўрсатилган мантиқий хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлган ҳусусият доимо тасдиқланиши шарт;
2. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлмаган ҳусусият доимо инкор қилиниши шарт.

Мавзунинг таянч тушунчалари: мулоҳаза, субъект, предикат,умумий мулоҳаза, жузъий мулоҳаза, оддий мулоҳаза, мураккаб мулоҳаза, бирлаштиривчи мулоҳаза, айирувчи мулоҳаза, шартли мулоҳаза, эквивалент мулоҳаза, чин мулоҳаза, ёлғон мулоҳаза, хулоса асоси, хулоса, мантиқий эргашиш, дудуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналоги, дилемма, трилемма.

12 - МАВЗУ. АРГУМЕНТЛАШ ВА БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Асосли муҳокама юритиш (аргументлаш)нинг мантиқий асослари: исботлаш ва рад этиш.
2. Аргументлашнинг стратегияси ва тактикаси. Фикрни асослашда учрайдиган хатолар.
3. Билимлар тараққиётининг мантиқий шакллари: муаммо, гипотеза, назария.
4. Муаммони аниқлаш ва ечимини асослашда савол-жавобнинг ўрни.
5. Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти.

1. Асосли муҳокама юритиш (аргументлаш)нинг мантиқий асослари: исботлаш ва рад этиш.

Инсон кундалик мулоқотида далиллаш, исботлаш тушунчаларини кўпинча бир хил маънода, синоним тушунчалар сифатида қўллайди. Аслида улар мазмунига кўра ўзаро яқин бўлган ва хажмига кўра бўйсуниш

муносабатидаги тушунчалардир. Далиллаш хажмига кўра кенг тушунча бўлиб, исботлаш тушунчаси унга бўйсунади. Далиллаш аргументлаш тушунчаси билан эквивалентдир.

Аргументлаш – (лот. argumentatio – далил, аргумент келтириш) илгари сурилган фикрга нисбатан бошқа томон (аудитория, якка шахс ва б.)нинг ижобий муносабатини (маъқуллаши, қабул қилиши) шакллантириш мақсадида далиллар, аргументларни келтириш. Аргументлашнинг мақсади – илгари сурилган холатларнинг аудитория томонидан қабул қилинишига, конструктив муносабатларнинг шаклланишига эришишдир; аудиторияни унинг эътиборига хавола қилинаётган холатнинг, фикрнинг адолатли эканлигига ишонтиришдир, уни шу фикрни қабул қилишига ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишига эришишдир. Аргументлашда ‘‘ҳақиқат-ёлғон’’, ‘‘эзгулик-ёвузлик’’ дилеммалари муҳим эмас. Муҳими, илгари сурилган фикрга нисбатан ишончни шакллантириш, ишонтиришдир. Тингловчилар ёки кузатувчиларни ишонтириш, эътиқодини шакллантириш учун нафақат вербал (нутқ орқали), балки новербал (ҳаракат, юз ифодаси, кўргазмали воситалар ва б.) усуллардан ҳам фойдаланилади. Аргументлашнинг таркибида тезис – мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизими ва далил ёки аргумент – тезисни асослаш учун келтирилган фикр, мулоҳазалар ажратилади. Аргументлаш тил воситасида таъсир қилиш бўлиб, бирон-бир фикрни маъқуллаш ёки рад этиш учун далиллар, аргументларни ўз ичига қамраб олади. У аввало инсон онгига қаратилган бўлиб, инсон ўйлаб, бу фикрни қабул қилиши ёки рад этиши мумкин. Аргументлашга қуйидагилар хос:

- аргументлаш ҳамма вақт тил воситасида амалга оширилади;
- аргументлашнинг вазифаси кимнингдир эътиқодини, ишончини кучайтириш ёки сусайтиришга йўналтирилган фаолиятдир;
- аргументлаш ижтимоий фаолиятдир, чунки у фақат инсонга ва инсонларга қаратилган бўлиб, бошқа томоннинг келтирган далилларига ўзининг фаол муносабатини билдиришни - диалогни назарда тутади;
- аргументлаш реципиентларнинг ақлий фаоллигини, яъни аргументларни ўйлаб қабул қилиши ёки қарши чиқишини назарда тутади.

Аргументлашнинг тузилиши ва усуллари билан танишишдан аввал исботлаш ва рад этишнинг моҳияти, тузилиши, усуллари ва қоидаларини билиб олиш зарур, чунки улар аргументлашнинг ҳусусий кўринишидир.

Исботлаш – бир мулоҳазанинг чинлигини у билан боғлиқ бошқа чин мулоҳазалар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амал. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.

Тезис – чинлиги асосланиши лозим бўлган мулоҳаза, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизими, ёки теоремалар, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижалари, ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан иборат бўлади.

Аргументлар – (лот. argumentum – исбот асоси) – далилланиши (исботланиши) талаб қилинган тезис (мулоҳаза, назария)ни асослаш учун келтириладиган бир ёки ундан ортиқ мулоҳазалардир.
Исботлаш усули – демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Аргументлаш (исботлаш)нинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш.

Бевосита аргументлаш (исботлаш)да тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган мулоҳазалардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган мулоҳаза (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита аргументлаш (исботлаш)да эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган мулоҳазанинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. **Апагогик аргументлаш (исботлаш)** тезис (а) ва антитезис (¯а) ўртасидаги муносабатга асосланади. Масалан, «мулоқот инсонларни бирлаштиради», деган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «мулоқот инсонларни бирлаштирмайди», деган мулоҳаза олинади.

Апагогик аргументлаш (исботлаш)да антитезис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижа келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади.

Айирувчи аргументлаш (исботлаш)да тезис соф айирувчи мулоҳазанинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, “Бу хатни дўстларимдан А, ё Б, ё С ёзган», деган фикр текширилиб, «хатни Б ҳам, С ҳам ёзмаганлиги”лиги аниқланади ва шу тариқа «Хатни А ёзган», деган мулоҳазанинг чинлиги асосланади. Бу мисолда исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмнинг инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича қурилган. Айирувчи исботлашда барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

Раддия. Рад этиш усуллари.

Раддия – аргументлаш (исботлаш)ни бузишга қаратилган мантиқий амал.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни

аргументлаш (исботлаш)нинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам аргументлаш (исботлаш) каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган мулоҳаза), аргументлар (тезисни рад қилувчи мулоҳазалар) ва демонстрация (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар **полемика** ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

I Тезисни рад этиш

II Аргументларни рад этиш

III Демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиш.

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеалар, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Бу қўлёзма XVII асрда ёзилган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун ёзув усули, қоғознинг тури, қайси алифбода ёзилганлиги каби фактларга асосланамиз ва тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу бемаънилик бўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи қуйидагича: $(a \rightarrow b) \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади.

II. Аргументларни рад этиш.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади. Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин. Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

III. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезиснинг чинлиги уни асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланади.

Исботлаш ва рад этиш қоидалари, улар бузилганда келиб чиқувчи хатолар

Тезисга алоқадор қоидалар:

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида бошидан охиригача ўзгармаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар:

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

Исботлаш усулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиш қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади ва улар уч турга бўлинади:

I. Исботланаётган тезисга алоқадор хатоликлар:

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бунда янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайиши ёки кенгайиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмуни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

II. Аргумент (асос)ларга тааллуқли хатолар:

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, қадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимотини ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантиқий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади», деб исботласак, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

III. Исботлаш усули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар.

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантиқий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар.

2. Аргументлашнинг стратегияси ва тактикаси. Фикрни асослашда учрайдиган хатолар.

Аргументлашнинг стратегияси – аргументлашнинг мақсади бўлиб, ишонтириш, ғалаба қозониш, келишиш, ечимни топиш, ўзига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш ва шу кабиларда намоён бўлди. Мантиқ қонунлари, исботловчи муҳокама юритиш аргументлашнинг стратегик принциплари ҳисобланади. Конкрет вазиятга мос бўлган коммуникатив моделни танлаш ҳам аргументлашнинг стратегиясига киради. Аргументлашнинг стратегияси иштирокчиларнинг мақсади орқали аниқланади. Шунга кўра ҳақиқатга, ишончни шакиллантиришга, ғалабага ва келишувга қаратилган стратегияларни фарқлаш мумкин. Баъзан бу стратегиялар бирлашиб кетиши кузатилади.

Аргументлаш стратегияси маъруза, суҳбат, диалог, баҳс-мунозара, ёзма аргументлаш, ўзи учун аргументлашда турли хил бўлади. Аргументлаш стратегиясини белгилаб олганда аргументловчи далиллар асосий ва қўшимча турларга ажратилади, асосий далиллар етарли бўлмаса қўшимчаларидан фойдаланиш ёки асосий далиллар етарли бўлса, қўшимчаларини қўлламаслик режалаштирилади.

Аргументлашнинг тактикаси деб, аргументларни энг унумли қўллаш усули; рақибнинг қарши аргументларига муносабат шакли; аргументлашнинг стратегик мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган усул ва воситалар мажмуига айтилади.

Аргументлашнинг тактикаси турли усулларни ўз ичига олади:

- аргументларни танқид қилиш. (оппонентниг ёлғон тезисини ишончли фактлар билан рад этиш);
- душманнинг қуролини ўзига қарши қўллаш принципи (оппонентнинг фикрларини ўзига қарши ишлатиш);
- исботлаш юкини рақибига ағдариш (ҳақиқат сукут сақлашдадир);
- пала-партиш сўзлаш;
- ҳамма нарсани рад этиб, ўзини ақлли кўрсатиш;
- “бемаъниликкка олиб келиш” усули (оппонентнинг фикри бемаъни эканлигини истеҳзо ва киноя билан исботлаш);
- “шахсга мурожат қилиш” (тезисни алмаштириш);
- бумеранг усули (қарши томоннинг аргументини ўзига қайтариб қўллаш);
- исботлаш усулини рад этиш;.
- саволлар хужумини уюштириш ва б.

Баҳсда қўлланиладиган ҳийлалар:

- ёлғон уятга қўйиш (оппонентнинг атрофдагилар олдида обрўси тўкилишдан хавотирланишни билиб, ундан фойдаланиш);
- аргументларни “ёғлаш” (оппонентга ошкора хушомадгўйлик қилиш);

ёш, маълумот ва мавқъени пеш қилиш (масалан, аввал диплом олинг, кейин гапиринг);
- гапни бошқа томонга буриш;
- қатъий охангда сўзлаш;
- атайлаб баҳсни тўхтатиш ва б..

Фикрни асослашда учрайдиган хатолар турли-туман бўлиб, улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Софизм сўзи "айёрлик","сохта донолик" деган маъноларни билдиради. Бундай ишлар билан шуғулланувчилар, яъни ростни ёлғон, ёлғонни рост деб тасдиқловчи, ўзини доно, бошқаларни эса нодон қилиб кўрсатувчи кишилар софистлар-сафсатабозлар деб аталади. Софистлар чин фикрни хато, хато фикрни эса чин деб исботловчи кишилар бўлиб, ўз мақсадларини амалга оширишда ўзига хос исботлаш усулларидан фойдаланадилар.

Фаробий "Фалсафату Аристутолис" номли рисоласида сафсатабозлар қўллайдиган қуйидаги олти усулни кўрсатади: "1) танбеҳ бериш; 2) довдиратиш; 3) тухмат қилиш; 4) нутқда дудуқланишга мажбур қилиш; 5) беъмани нарсалардан фойдаланиш, сафсата; 6) суҳбатдошга сўз бермаслик".

Софистик муҳокамаларга чалкаштириш, янглиштириш, алдаш, нотўғрини тўғри, тўғрини нотўғри деб билиш хосдир.

Софистик муҳокамалар сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмашиниш жараёнида, суҳбат ва баҳс юритишда қўлланилади. Бундай муҳокамалардан мақсад суҳбатдошининг ёлғон гапираётганлигини кўрсатиш, унинг фикрини юзаки рад этган ҳолда, ҳамма томонидан қабул қилинган фикрларга нисбатан зид фикрга олиб келиш, фикрини чалкаш баён қилишга ва (суҳбатдошини) хадеб бир фикрни қайта такрорлашга (эзмалик қилишга) мажбур этишдир. Софистлар ўз мақсадларини амалга оширишда инсоннинг руҳий ҳолатидан, тафаккурида ўрнашиб қолган фикрларидан, одатларидан, шунингдек бирор ғоянинг тарафдори эканлигидан усталик билан фойдаланадилар. Масалан, . "Кал" софизми:

-Агар одамнинг бошидан бир дона соч толаси тўкилса, у кал бўладими?

-Йўқ.

-Ўн дона тўкилса-чи?

- Кал бўлмайди.

-Биттадан бошдаги ҳамма сочлар тўкилгандачи?

-Унда кал бўлади.

-Сен ўз сўзингга ўзинг қарши чиқаяпсан. Ҳозиргина битта сочи тўкилса кал бўлмайди деган эдинг. Бу софизмда бир дона соч толасининг тўкилиши билан биттадан ҳамма соч толасининг тўкилиши бир ходиса деб кўрсатилади.

Баҳс-мунозара жараёнида мантиқий қонун-қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ва билмасдан йўл қўйилган мантиқий хато – паралогизмлар деб аталади. Масалан: "Миссионер" парологизми.

Бир миссионер (динни тарғиб қилувчи одам) каннибал (одамхўр)лар орасига тушиб қолибди. Каннибаллар уни қандай қилиб ейиш масаласида баҳслашиб қолишибди. Баъзилари қовуриш керак деса, бошқалари қайнатиш керак дебди. Ўзаро келиша олмай бир қарорга келишибди. Улар миссионерга: “Сен бирор гап айтгин. Агар гапинг тўғри бўлса, сени қайнатиб, нотўғри бўлса, қовуриб еймиз” - дейишибди. Миссионер уларга “Мени қовуриб ейсизлар”- деб жавоб берибди.” Миссионернинг жавоби каннибалларнинг ўзаро тортишувига сабаб бўлибди. Чунки қовириб есалар, у тўғри гапирган бўлади ва уни қайнатиш керак бўлади. Агар қайнатиб есалар, унда нотўғри гапирган бўлади ва шартга мувофиқ уни қовириш керак бўлади. Каннибалларнинг тортишувидан фойдаланган миссионер қочиб қутилибди.

Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдек исботлаш мумкин бўлган фикрларга эса парадокс дейилади. Масалан, “Бунинг исботи йўқлиги исботланган”, “Ҳеч қачон “ҳеч қачон” сўзини айтма”, “Ўйиннинг фақат битта қоидаси бор, у ҳам бўлса, ҳеч қандай қоида йўқ.”

Юқорида қайд этилган ҳолатларни билиб олиш инсонга баҳс- мунозара жараёнида дадил иштирок этиб, ўз қарашларини химоя қилишга, мустақил нуқтаи назарга эга бўлишга ва бошқаларнинг зарарли таъсирларидан сақланишга ёрдам беради.

3. **Билимлар тараққиётининг мантиқий шакллари: муаммо, гипотеза, назария.**

Билиш жараёнида инсон воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб боради. Инсон қанча кўп билимга эга бўлмасин, билмаган нарсалари ундан ҳам кўпроқ бўлади. Билмаган, номаълум нарсаларни билиш учун ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар етарли бўлмайди. Билиш жараёнида мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, компьютер вирусларига қарши химоя тизимини яратиш шундай муаммолардан ҳисобланади. Медицина соҳасида рак касаллигини даволаш, автомобилсозликда ёқилғини тежовчи воситаларни ихтиро қилиш, экология билан боғлиқ муаммолар ва бошқа соҳаларга оид муаммолар мавжуд. Ҳозирги кунда бу муаммоларни ҳал қилиш учун мавжуд қонун ва принципларнинг етарли эмаслиги, фанда янги изланишлар олиб боришни талаб қилмоқда.

Илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда математикада тўплам назарияси билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш зарурияти бунга мисолдир.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурлар етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқич ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

Муаммони қўйиш ва ҳал этиш

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усули, методларини қидириб топишни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суриш ва муҳокама қилиш хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Кўламига кўра шахсий, худудий, бир давлат ёки бир неча давлат миқёсидаги ва умуминсоният муаммоларини ажратиш мумкин. Бу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол муаммонинг ярим ечими ҳисобланади. Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Ҳар қандай муаммонинг ечими илмий асосланган бўлиши керак. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаммоларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва қобилияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлар томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади. Буни, масалан, миллий маънавиятимизга ёт ғояларнинг ёшлар онгига салбий таъсири муаммосининг қўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Маълумки, ОАВ, Интернетдаги айрим маълумотлар эндигина маънавий олами шаклланаётган, шахсий тажрибаси ҳақиқатни ёлғон, уйдирмадан фарқлашга етарли бўлмаган ёшларда ҳаётий тушунчаларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёш авлод маънавий оламининг дахлсизлигини асраш жамиятимиз олдида турган муаммолардан биридир. Бу муаммо файласуфлар, гуманитар фан вакиллари томонидан тадқиқ этилмоқда.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил томондан ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аниқроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида, жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналиши ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлиқ. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади ва унинг ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни ўзгартириш ва муаммони ечишга мослаштиришни талаб қилади.

Муаммони ечиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисалар аниқланади;

б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиб, уларга баҳо берилади;

в) муаммони ҳал қилиш тури, мақсади, олинган натижани текшириш йўллари белгилаб олинади;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятлари кўрсатилади.

Бу ишлар амалга оширилгандан кейин бевосита муаммони ечишга киришилади.

Барча муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдирмайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади холос, ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундайди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

Гипотеза (фараз) - билимларнинг мавжуд бўлиш ва тараққий этиш шакли. Муаммони ҳал этиш жараёнида маълум бир гипотезалар илгари сурилади ва асосланади. **Гипотеза (фараз)** – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирувчи асосли тахмин тарзидаги билим шаклидир.

Ҳодисанинг сабаби ҳақидаги фикр дастлаб, одатда, гипотеза шаклида вужудга келади ва шу маънода у билимларнинг мавжуд бўлишининг умумий мантиқий шаклларидан бири ҳисобланади. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида мавжуд бўлади.

Гипотезани қуриш ўрганилаётган ҳодисани тушунтирувчи тахминий фикрларни илгари суришдан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар ҳақидаги мулоҳазалар ёки мулоҳазалар тизими тарзида бўлади. Уни ифода қилувчи асосий гап мулоҳазалар системасини ҳосил қилувчи элемент, деб ҳисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза)да, одатда, гипотезанинг бош ғоясида акс этади. Муҳокама жараёни унинг негизида, атрофида қурилади ва маълум бир ишчи гипотезалар – вақтинчалик, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари сурилишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чуқурроқ тадқиқ қилинишига олиб келади.

Гипотезаларни илгари суришнинг асосий мантиқий воситаси эҳтимолий хулоса чиқариш ҳисобланади. Шунингдек, гипотеза баъзи ҳолларда қатъий хулоса чиқариш шаклларида ҳам илгари сурилиши мумкин.

Гипотезада илгари суриладиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам гипотеза – бу ҳар қандай тахмин эмас, балки ўзининг муайян мантиқий кучига эга мулоҳаза, маълум бир даражада асосланган фараздир.

Илгари сурилган гипотеза, албатта, асосланиши зарур. Бу босқичда гипотезадан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва уларнинг мавжуд фактларга (ёки бошқа ишончли билимларга) мувофиқлиги аниқланади.

Гипотеза рад қилиниши ҳам мумкин. Бу гипотезадан келиб чиқадиган натижаларнинг мавжуд фактларга номувофиқлигини кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Гипотезанинг натижаларини топа олмаслик, бу гипотезанинг мавқеини анча пасайтирса-да, лекин уни рад эта олмайди. Гипотезанинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниқлангандагина узил-кесил рад этилади. Масалан, Птоломейнинг Ернинг ҳаракатланмайдиган марказ эканлиги ҳақидаги гипотезаси Коперникнинг гелиоцентрик назарияси асосланадиган фактларга зид келганидан кейин рад этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўрганилаётган ҳодиса ҳақида бир вақтнинг ўзида бир қанча гипотезалар илгари сурилиши мумкин. Гипотеза тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳамиятини йўқотмайди. Рад этилса, ўрнига бошқа гипотеза қурилади ва бу ҳол то гипотезалардан бирортаси тасдиқланмагунча, яъни муаммонинг ечими топилмагунча давом этади.

Илгари сурилаётган гипотезалар турли хил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Ана шунга мувофиқ ҳолда умумий ва жузъий гипотезаларни ажратиш мумкин.

Умумий гипотеза деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминга айтилади.

Жузъий (хусусий) гипотеза айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари ҳақидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат. Археологик қазишларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги ҳақидаги тахминлар жузъий гипотезага мисол бўлади.

Мантиқда ишчи гипотезалар ҳам фарқ қилинади.

Ишчи гипотеза тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган тахмин бўлиб, ўз олдига ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашни мақсад қилиб қўймайди; у фақат кузатиш ва эксперимент натижаларини тасвирлашга, тартибга солишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гипотеза муаммонинг ечимини топиш учун хизмат қиладиган фикрларнинг, билимларнинг мавжуд бўлиш ва ривожланиш шаклидир.

Назария билимларнинг мантиқий тизими сифатида. Ҳар бир фан соҳасида турли назариялар мавжуд бўлади. “Назария” атамаси кенг маънода амалиётдан фарқ қилувчи ақлий фаолият турини ифодалайди. Тор маънода эса, назария маълум бир соҳага оид тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар, гипотезаларни тизимга соладиган, шу соҳани яхлит тарзда англашга имкон берадиган билим шаклидир. Назария илмий билишнинг шакли сифатида эмпирик ва назарий босқичларнинг бирлигини ифодалайди.

Эмпирик босқичда илмий фактлар тўпланади, ўрганилади, тизимга солиниб, турли хил жадваллар, шакллар, графиклар тузилади; муайян бир умумлашмалар, хусусан, эмпирик тушунчалар, фаразлар, эмпирик қонунлар шаклланади.

Илмий билишнинг кейинги тараққиёти эмпирик билиш босқичида ҳосил қилинган, лекин ўзаро алоқаси ҳали аниқланмаган билимлар ўртасида муносабатларни ўрнатиш, уларни умумлаштириш, шу асосда янги фундаментал тушунчалар, умумий қонунларни яратиш, илмий башоратлар қилиш билан узвий боғлиқ.

Билишнинг бу икки босқичи ўртасида зарурий алоқадорлик мавжуд. Назарияни яратиш эмпирик билиш жараёнида ҳосил қилинган предметнинг

айрим томонлари, хусусиятларини акс эттирувчи тушунчалар, қонунлар, фаразлар ўртасида мантиқий алоқалар ўрнатишга, предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш, унинг моҳиятини тушунтиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, назарияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Назария маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат.**

Ҳар бир назария ўз тушунчалари ва таърифлаш қоидаларига эга. Бунга мисол қилиб химия фанидаги атом, молекула, ишқор кислота каби тушунчаларни олишимиз мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай назария хулосалар тарзидаги ўз натижаларига эга. Демак, илмий назариянинг таркибида унинг ҳар бир элементи ўз ўрнига эга.

Муаммони аниқлаш ва ечимини асослашда савол-жавобнинг ўрни. Инсон дунёқарашини кенгайтирувчи ва чуқурлаштирувчи энг асосий воситалардан бири - савол-жавоб (диалог)дир. Савол-жавобни ташкил эта билиш инсонда воқеликка мос (адекват) тушунчаларнинг шаклланишига, мулоҳазаларини тўғри қуришга ва хулоса чиқаришга ўргатади.

Савол-жавоб, диалог эротематик (грек. erotematikos – савол шаклида) мантиқда ўрганилади. Савол мантиқий реалликнинг ўзига хос алоҳида кўринишидир. Савол бериш яъни фикрни тўғри жавобга йўналтириш санъати - тафаккурлаш маданиятининг зарурий элементидир. Мантиқан тўғри саволларни қўя билиш ақллилик, фаросатлиликнинг муҳим белгисидир. Савол нима? Савол – кенг маънода тафаккур шакли бўлиб, унинг ёрдамида қўйилган мақсадларга эришиш учун маълум турдаги билимларнинг етишмаслик (танқислик) холати тилда ифодаланади.[16] Инсон билими предмет ва ҳодисалар ҳақида аввалги ҳосил қилинган мулоҳазалардан янги, уларни тўлдирадиган, кенгайтирадиган мулоҳазаларни яратишга қараб тараққий этиб боради. Бу жараён маълум бир саволларни қўйиш ва уларга жавоб қидириш тарзида содир бўлади. Савол сўроқ гап ёрдамида ифода қилингани учун, ундаги маълумот якунланмаган бўлади. Мулоҳаза ва сўроқ гап билишда турлича вазифаларни бажаради. Мулоҳазанинг вазифаси предмет ҳақидаги мавжуд билимларни қайд қилишдан иборат бўлса, савол унинг янги хусусиятлари, алоқаларини қидириб топишга, аниқлашга, ўрганишга қаратилган бўлади. Саволлар илтимос ёки талаб қилиб берилади. **Демак, савол аввалдан маълум бўлган ахборот –асосида қўшимча ахборот олиш учун илтимос ёки талабни ифодаловчи нутқ шаклидир.** Саволда маълум бир бошланғич билим

[16] Федоров Б.И. Эротетическая логика. //Логика. Учебник для бакалавров. Под ред. А.И.Мигунова, И.Б.Микиртумова, Б.И.Федорова. - Москва: Проспект, 2015.С. 428-429.

мужассамланган бўлади, яъни савол бериш учун маълум билимга эга бўлиш талаб қилинади.

Савол ва жавоб инсонларнинг диалог кўринишидаги мулоқат шаклидир.Унинг муҳим функцияларидан бири коммуникативликдир. Ахборотни қидириш воситаси сифатида ҳам саволнинг аҳамияти беқиёсдир. Савол бўлмаса билиш ҳам бўлмайди. Лингвистикадан яхши маълумки, гапнинг ҳар бир бўлагига нисбатан ва умуман гапнинг ўзига нисбатан савол бериш мумкин. Масалан, “Профессор Азларов 314- аудиторияда физикадан 3-курс талабаларига маъруза ўқийди.” Ушбу гап бўйича 9та савол тузиш мумкин. Мантиқда саволларнинг таснифи лингвистик таснифдан фарқ қилади. Саволларни чин ёки ёлғон деб таснифлаш мумкин эмас. Бунинг учун кўпроқ ўринли-ўринсиз, маъноли-маъносиз, тўғри-нотўғри, тўлиқ-тўлиқсиз каби таснифлардан фойдаланилади.

Мантиқда саволлар ҳар хил асосларга кўра бир қанча турларга бўлинади:

1. Оддий ва мураккаб саволлар. Таркибида бошқа савол бўлмаса, оддий савол, бўлса – мураккаб савол деб юритилади. Мураккаб саволлар ўз навбатида қўшувчи, айирувчи, шартли турларга бўлинади. Масалан, Концертда Ғ.Ёқубов билан О.Назарбеков ҳам иштирок этдими? Хатига жавоб ёздингми ёки ёзмадингми? Агар айтганингни қилсам, шартимга рози бўласанми?

2. Аниқловчи ва тўлдирувчи саволлар. Масалан, “Сен ўқишни биласанми?”- деган савол аниқловчи, “Сен қайси қўшиқни куйламоқчисан?”- деган савол тўлдирувчи саволдир.

3. Мантиқан ўринли ва мантиқан ўринсиз қўйилган саволлар. Битта бўлса ҳам тўғри жавоб берса бўладиган савол мантиқан ўринли саволдир. Беъманилиги туфайли жавобсиз қолган савол ўринсиз саволдир.

4. Илмий ва илмий бўлмаган саволлар. Илмий саволларнинг ремасида, маълум бир контекстда эмпирик ёки абстракт объектларнинг синфини ифодаловчи, ҳеч бўлмаганда битта илмий термин бўлади. Илмий бўлмаган саволларда бундай термин бўлмайди.

Хар қандай саволда ахборотни аниқлашга қаратилган элемент мавжуд бўлиб уни текшириш, баҳолаш ва фаоллаштириш керак бўлади.Саволларни билиб танлаш, тузиш ва муайян тартибда бериш орқали муаммони хал қилиш учун ёрдам берувчи шароитни туғдириш ва ечимини тезроқ аниқлашга имконият яратилади

Жавоб – қўйилган саволга мувофиқ ҳолда аввалги билимни аниқлаштирадиган, тўлдирадиган янги мулоҳазадан иборат. У саволнинг асосини ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда янги билим олишга имкон беради. Жавоб саволда мавжуд бўлган ноаниқликни камайтириш учун хизмат қилади. Инсон ўзиниг шахсий тажрибисига, олган билимларига, дунёқарашига мос холда саволга жавоб қидиради. Улар етарли бўлмаса, билимнинг конкрет соҳаларига, турли манбаларга мурожаат қилади. Улар жавобни қидириш соҳаси, деб аталади. Мантиқда жавобнинг бир қанча турлари ажратилади:

1.Бевосита (айнан сўралган саволга жавоб бериш) **ва билвосита жавоблар (**сўралган саволга тааллуқли бошқа маълумотларни қўшиб жавоб бериш**).**

2.Тўлиқ (саволнинг барча элементлари ҳақида маълумотлар берилган **)ва тўлиқсиз (**саволнинг баъзи элементлари ҳақида маълумотлар берилмаган**) жавоблар.**

3. Чин (воқеликни адекват акс эттирган) **ва хато** (воқеликни адекват акс эттирмаган) **жавоблар.**

4. Қисқа (ҳа, йўқ, билмадим) **ва батафсил** (саволнинг ҳар бир элементи такрорланадиган) **жавоблар.**

5. Аниқ (тушунчалар, сўзларнинг мазмуни ва маъноси конкрет ва равшан бўлган) **ва ноаниқ** (икки хил маъноли тушунчалар, сўзлар ишлатилган) **жавоблар.**

Савол ва жавобга қўйиладиган умумий талаблар:

- Савол ҳам жавоб ҳам грамматик жиҳатдан тўғри қурилган бўлиши;
- Савол ҳам жавоб ҳам аниқ, равшан ва иложи борича ихчам бўлиши;
- Савол ҳам жавоб ҳам етарли даражада асосланган бўлиши зарур.

Юқоридаги кўрсатмалар билим олиш, шахсий ва ижтимоий муносабатларни тўғри ташкил қилиш учун мулоқот олиб боришда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мавзунинг таянч тушунчалари: аргументлаш, тезис, асос-далил, исботлаш, рад этиш, танқид, аргументлашнинг стратегияси, аргументлашнинг тактикаси, паралогизм, софизм, парадокс, коммуникатив модел, пропонент, оппонент, муаммо, савол, жавоб, муаммоли вазият, муаммони қўйиш, муаммони ҳал этиш, гипотеза, ишчи гипотеза, назария.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Муаммоли вазият қандай вужудга келади?
2. Муаммо нима?
3. Муаммолар кўламига кўра қандай турларга бўлинади?
4. Муаммони хал этиш учун нима қилиш керак?
5. Гипотеза нима?
6. Нима учун гипотезаларни мантиқий қуриш воситаси эҳтимолий хулоса чиқариш ҳисобланади?
7. Гипотезаларнинг қандай турлари бор?
8. Назария нима?
9. Назариянинг илмий билишдаги аҳамияти нималарда кўринади?
10. Савол нима?
11. Саволнинг қандай турлари бор?
12. Қандай саволлар илмий савол бўлади?
13. Жавобнинг қандай турлари бор?

УЧИНЧИ ҚИСМ. ЭТИКА: АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ

13-МАВЗУ. “ЭТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. “Этика” фанининг предмети, моҳияти ва тузилмаси.
2. Гедонизм ва эвдемонизм таълимотининг ахлоқий аҳамияти.
3. Этиканинг категориялари, тамойиллари, меъёрларининг шахс ва жамият муносабатларида намоён бўлиши.
4. Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов.
5. XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий муҳит) яратишнинг зарурияти.

Этика фанининг моҳияти ва предмети. Этика фани бир неча минг йиллик тарихга эга қадимий фан. У бизда “ахлоқ илми”, “одобнома” каби номлар билан аталган. Ахлоқ – инсон маънавий камолоти сарчашмаларидан бири бўлиб, у туфайли жамият равнақ топади, фуқароларнинг бахт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари рўёбга чиқади. У ўзининг пайдо бўлиш табиатига кўра ижтимоий-тарихий ҳодиса ҳисобланади. Одамзод ижтимоий мавжудот сифатида шакллана бошлаган кунданоқ ахлоқ пайдо бўлган. Аниқроғи, одамзоднинг ўзи улар ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг ҳосиласи сифатида шакллана борган. Одамлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар негизида жамиятнинг ахлоқий ҳаёти ижтимоий борлиқнинг таркибий қисми сифатида қарор топган.

Инсон ва жамият ҳаётида ахлоқ талаб қилувчи, тартибга солувчи, бошқарувчи, йўналтирувчи куч бўлганлиги учун ҳам буюк мутафаккирлар, шоирлар, олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг диққатини ўзига тортиб келган. Ахлоқнинг моҳиятини, табиатини тадқиқ қилиш тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндашув усуллари (методлари) орқали иш кўришни тақозо этади. Ахлоқ илмини ўрганишга бағишланган хорижий ва ўзбек тилидаги адабиётларда “ахлоқ”, “этика”, “мораль” деган тушунчалар кўплаб ишлатилади. “Этика” сўзи қадимги юнонистонлик мутафаккирлар томонидан фанга киритилган. Ўз вақтида Гомер “ethos” (этос) сўзидан “биргаликда яшайдиган жой, уй, ғор, уя, ин, макон” маъносида фойдаланган бўлса, эрамиздан аввалги IV - асрда яшаган юнон файласуфи Арасту “этос” сўзидан иккита: “Этика” (ахлоқ) ва “Этикавийлик” (ахлоқийлик) деган тушунчаларни келтириб чиқаради. У “ахлоқийлик”ни инсон қалбининг такомиллашган сифатлари-хотиржамлик, оғирлик, вазминлик, босиқлик, мардлик, ботирлик, жасурлик, қаҳрамонлик, ўртачалик, мўътадиллик ва ҳоказоларни

ифодаловчи тушунча деб билган. Шу асосда у этикани-яхши фазилатларга (хислатлар) эга бўлган кишиларни ёки кишиларнинг яхши сифатларини, яъни хайрли, саховат ва ҳимматли, эзгу ишларини ўргатувчи илм соҳаси деб тушунган.

Дарҳақиқат, Арасту этикага; инсонлар ўртасидаги муносабат доираси ва оқил ижтимоий ҳайвон (индивид)нинг ахлоқини ўрганувчи фан деб, таъриф берган. Бу ҳақда "Никомах этикаси", "Эвдем этикаси", "Катта этика" китобларини ёзиб "этика" фанига асос солган[17].Демак, Ғарбий Европада бундан 2500 йил олдин ахлоқ масаласи илм соҳаси сифатида ўрганила бошланган.

Ахлоқшунослик илми тарихида ахлоқ ва унинг мазмун-моҳиятига доир жуда кўплаб таърифлар берилган. Жумладан, "Фалсафа: қомусий луғат"ида: "Ахлоқ (араб. Хулқнинг кўплиги; лот. Moralis – хулқ-атвор)-ижтимоий онг шаклларидан бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларни тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси"[18], - деб таърифланган.

Баъзи муаллифлар "ахлоқ" ибораси икки хил маънога эга эканлигини, яъни умумий тушунча сифатида у фаннинг предметини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдириб,, жамият, замон, баъзан инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган умумбашарий аҳамиятга эга ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса эканлигини таъкидлайди[19].

Ҳар бир инсондан умри давомида жамиятда қабул қилинган урф – одат, анъана ва қонун – қоидаларга амал қилиши талаб этилади. Ана шу жараёнда инсон ва жамият ўртасида юзага келадиган объектив аълоқадорлик, яъни ижтимоий муносабат – хулқ атвор, одоб, хатти – харакат, принцип ва нормаларнинг мажмуаси ахлоқнинг мазмун моҳиятини ташкил этади. Бинобарин, ахлоқнинг манбаи жамият эхтиёжи ва манфаатларидан иборат.

Этика ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ« сўзи арабчадан олинган бўлиб, инсоннинг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуини, феълини, табиатини англатадиган «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ« ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида у фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради.

Демак, ахлоқ деб, аввало инсон билан инсон, сўнгра инсон билан жамият ўртасидаги объектив ва субъектив алоқадорликлар туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш

---

[17]Аристотель. Никомахова этика / Аристотель. Сочинение. В 4 х-т. Т. 4. -М.: Мысль, 1984. С. 55-62.

[18] Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Шарқ, 2004. -40 б.

[19] Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010. -8 б.

асосида ҳар бир шахс, жамоа, ижтимоий гуруҳ, миллат, элатнинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган, яхши эзгу ниятлар сари йўналтирадиган, қадрият мақомини олган муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, тамойил ва нормаларнинг мажмуига айтилади.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаётини ўзида акс эттирувчи ахлоқни ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида таркибий тузилиши бўйича учта:

- биринчидан, кишиларнинг кундалик ҳаётида содир этадиган ахлоқий хатти-ҳаракатларидан иборат бўлган амалдаги ахлоқ, яъни ахлоқий амалиёт;

- иккинчидан, муайян қадриятлар асосида фикр юритиш, баҳолаш, қадр-қимматини белгилашни ўз ичига олувчи ахлоқий онг;

- учинчидан, ўзини ўзи ахлоқий англаш - мавжуд вазиятни ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилишни, яъни қалбан ўзи билан гаплашиш, ўзича баҳолаш, ўзини назорат қилиш, ўзини ўзи такомиллаштириш, бошқа одамлар билан бирга ич-ичидан азият чекиш; аниқ вазиятда яхши ва ёмонни қалбан ҳис қилиш, яхши ва ёмондан бирини танлашга иродавий жиҳатдан тайёр туриш каби даражаларга ажратиш мумкин.

Ана шу учта даражадан ўтган ижобий хатти-ҳаракатлар, хусусан, яхшилик, меҳр-мурувват, фидойилик, саховат, ўзаро-ҳурмат, беғаразлик, шижоат, садоқат ва ҳоказолар аста-секинлик билан ахлоқий қадриятларга айланиб боради.

Инсон ва жамият ҳаётида ахлоқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Ахлоқнинг тартибга солиш, бошқариш функцияси – одамлар ўртасидаги муносабатларни жамият томонидан қабул қилинган, ўрнатилган ахлоқий нормалар орқали тартибга солиниши ва бошқариши билан ифодаланади. Унда ахлоқий муносабатларни тартибга солувчи восита вазифасини ахлоқ тамойиллари, нормалари, жамоатчилик фикри, эл-юрт ўртасидаги обрў-мартаба, анъана, урф-одат, ўгит, панд-насиҳат ва бошқалар ташкил қилади. Тартибга солиш, бошқариш эса бевосита мословчи-норма, талаб қилувчи-норма, таъқиқловчи-норма, чегараловчи-норма, намунали-норма ва ҳоказолар орқали амалга оширилади.

Қадрият мақомини олган ахлоқ ана шу жараёнда ўзининг ижобий кучини намойиш қилади.

Ахлоқнинг аксиологик функцияси - бу “ахлоқийлик ва ахлоқсизлик”, “яхшилик ва ёмонлик” нуқтаи назаридан одамларнинг хатти-ҳаракатларига, нияти, мақсади, ўй-хаёлларига, важ-сабабларига, ахлоқий қарашлари ва шахсий хислатларига баҳо бериш асосида уларни қадрлашни амалга оширади. Ахлоқнинг ана шу функцияси ахлоқий қадриятларнинг қанчалик ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини ифодаловчи воситалардан бири ҳисобланади. Худди шу жойда ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг уйғунлиги ҳам кўзга ташланади.

Ахлоқнинг мақсадга йўналтириш функцияси - бу жамият ҳаётида устувор аҳамиятга эга бўлган ахлоқий қадриятлар тизимининг келгусидаги истиқболларини белгилаб берувчи йўлчи юлдуз ишини бажаради. Ахлоқнинг бу функцияси ҳар бир жамият учун ўта зарур

бўлган ахлоқий қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шу туфайли баъзи бир ахлоқий қадриятлар умуминсоний ёки миллий даражага эга бўладилар.

Ахлоқнинг билиш функцияси- бу одамлардаги яхши ва ёмон фазилатларни англаб олиш асосида воқелик тўғрисида муайян билимларни ҳосил қилиш ишини ўтайди. Маълумки, ахлоқий билим, принцип, норма, кодекс, низом ва бошқаларда ижтимоий ахлоқий қадриятлар ҳақида кўплаб ахборот-маълумотлар ўз аксини топган бўлади. Ана шу ахборот-маълумотларга эга бўлиш одам, жамият учун энг қийин, оғир дамларда бирдан бир тўғри ахлоқий танловни амалга оширишга ёрдам беради.

Ахлоқнинг тарбиявий функцияси – бу жамиятда мавжуд бўлган тарбия тизимини умуминсоният томонидан эътироф этилган ахлоқий норма, урф-одат, анъаналарга мослаштириш ва шу асосда фуқароларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишларини ташкил этишни амалга оширади.

Ахлоқнинг коммуникатив функцияси – бу умумий ахлоқий қадриятларни ишлаб чиқиш учун одамлар ўртасида фикр алмашиш, бир бирини тушуниб умумий хулосаларга келишда ўзаро алоқа қилиш воситаси вазифасини бажаради. Хуллас, ахлоқ туфайли халқлар, элатлар, миллатлар бир бирлари билан алоқада бўлиб, фикр алмашиб, ўзларига хос, манфаатларига мос келадиган умуминсоний ахлоқий қадриятларни ишлаб чиқадилар ҳамда уларга оғишмай амал қилишни йўлга қўядилар.

Юқоридаги фикрлар ахлоқнинг жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.

Ахлоқ тузилмасида уч омил-асос ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар муҳим ўрин тутади**.**

Ахлоқшунослик тизимида учта асосий унсур, яъни одоб, хулқ ва ахлоқ тушунчаларини ажратиб кўрасатиш мумкин:

Одоб - инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясайдиган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ - оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ - жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса.

Этиканинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги. Этика ва эстетика. Этика бошқа ижтимоий ва фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг эстетика билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян

ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик), ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қилади.

Этика ва диншунослик. Этиканинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо - ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар.

Этика ва ҳуқуқшунослик. Этиканинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин.

Этика ва педагогика. Этика педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, Этика ўзининг назарий ва, айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади.

Этика ва руҳшунослик. Қадимдаёқ Этиканинг руҳшунослик билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асосларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, Этика эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Этика ва социология. Этиканинг социология билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий мурватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин Этиканинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Этика эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқининг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Этика ва сиёсатшунослик. Этиканинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Чунки сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар курашини тақозо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда Этика ҳам, сиёсатшунослик ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардан биридир.

Этика ва экология. Кейинги пайтларда Этиканинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан Этика кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан

шуғулланган, унинг табиатга бўлган муносабати диққат марказидан четда қолиб келган. Лекин кейинги даврларда, айниқса, XXI асрда табиатга нисбатан тор манфаатпарастлик доирасидаги ёндашувлар оқибатида пайдо бўлган экологик буҳрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди.

Шунингдек, этика фани унинг назарий асослари бўлмиш мезоний тушунчалар (муҳаббат ва нафрат, ғазаб, рашк, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат, бурч, виждон, номус, идеал, ҳаётнинг маъноси), тамойиллар (инсонпарварлик ва эркпарварлик, ватанпарварлик ва миллатпарварлик, фидойилик ва зиёлилик, меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик, жўмардлик, ўзбекчилик) ҳамда меъёрлар (ҳалоллик ва ростгўйлик, инсофлилик, хушфеъллилик, ширинсуханлик, камтаринлик ва босиқлик) каби этиканинг тадқиқот объектини аниқ ва кенг қамровли тассавур қилишга ёрдам беради.

Гедонизм ва эвдемонизм таълимотлари. Қадимги давр ахлоқшунослигида пайдо бўлган фалсафий-ахлоқий таълимотлардан бири гедонизм бўлиб, унинг моҳияти кўра инсон фақат жисмоний роҳатланмасдан, руҳий ҳузурланиш хусусиятига эгадир. Гедонизм таълимотининг асосчиси Аристиппдир (э.ав. 435-355 й.й.). У Суқротнинг замондоши бўлиб, инсоннинг руҳий ҳолати икки турда бўлишини аниқлайди. Биринчиси, инсон руҳининг роҳатланиши бўлса, иккинчиси нохуш оғриқли ҳолатидир. Инсоннинг бутун ҳаёт мазмуни роҳатланишдан, ҳузурбахшликдан иборат, деган ғояни ифода этадиган тушунча бу гедонизм (қад. юн. hedone – завқланиш, роҳатланиш)дир. Гедонизм таълимотига кўра, инсон ўз ҳаётининг табиий эҳтиёжи, асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ҳузурбахшликка, роҳат-фароғатга интилади. Аристипп фикрича, роҳатланиш енгил, ёқимли ва ҳузурбахшлик билан кечса, руҳиятниг нохуш оғриқли ҳолати эса азоб ва қийноқлардан иборатдир. Аристипп фикрича, инсон оғриқдан қочиши ва иложи борича роҳатланишга интилиши оқибатида бахтга эришиши мумкин, жисмоний эҳтиёжларни қондириш эса инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу таълимотга биноан, ҳузур-ҳаловат, роҳатланиш бахш этмайдиган ҳаракатга эътибор қаратиш ва куч сарфлаш арзимайди.

Гедонизмнинг психологик талқинида инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч бу – завқланиш ва роҳатланишга интилиш, дея эътироф этилади. Ахлоқий гедонизмда эса, инсон ўзининг ёки ўзга кишиларнинг роҳатланиши учун яшаши керак, деган ғояни тарғиб этувчи турли хил фалсафий ёндашувларни ўзида мужассамлаштирган. Масалан, гедонизмни ҳузурбахшлик, роҳатланиш сифатида тарғиб этувчи ёндашувлардан бирининг асосчиси Эпикур инсоннинг ётсирашдан ва жирканишдан халос бўлиши бу – хоҳиш-истакларни қондириш, дея талқин этади. Бу ёндашувда инсон эҳтиёжларининг қондирилиши эмас, балки азоб ва бахтсизликдан халос бўлиш мақсади ифода этилган. Инсон ҳаётини гедонистик ёндашув асосида талқин қилиш фалсафа тарихида марказий масалалардан бири бўлиб келган ва кўплаб файласуф-мутафаккирлар ижодида ўзига хос тарзда ифода

этилган. Француз файласуфи И.Бентамнинг ёзишича, «Табиат инсонни икки асосий борлиқ: азоб ва роҳат гирдобига туширган. Улар бугун биз нима қилишимиз ва эртага нима билан шуғулланишимизни белгилаб беради. Ҳатто ҳақиқат ва ёлғон, сабаб ва оқибат мезонлари ҳам ана шу икки асосий негизга таянади». Гедонизм таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсон эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижтимоий шарт ва меъёрлар инкор этилади. Улар фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш ҳаётининг мазмуни деб билади ва бу йўлда мавжуд ижтимоий қонун-қоидаларга беписандлик билан қараш, ҳатто уларни инкор этишгача боради.

Эвдемонизм (юн. eudaimonia – бахт-саодат, роҳат-фароғат) эса, - бахт-саодат, роҳат-фароғатни кишилар ҳаётининг олий мақсади, деб ҳисоблайдиган ахлоқий йўналиш бўлиб, бу ибора этимологик жиҳатдан, биринчидан, қониқиш ҳиссининг субъектив ҳолатини, иккинчидан, қониқишга хизмат қиладиган объектив шароит, яъни ташқи неъматларни англатади. Бу икки жиҳат узвий боғлиқ бўлса-да, баъзан улар бир-биридан фарқ қилиши, масалан, барча моддий неъматларга эга одам бахтсиз бўлиши ва аксинча, қашшоқ, уст-боши юпун инсон ўзини бахтли ҳис этиши мумкин. Эвдемонизм юнон этикасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, у Суқротнинг шахс ички эркинлиги, инсоннинг ташқи дунёга қарам эмаслиги тўғрисидаги ғояси билан узвий боғлиқ. Эвдемонизм бахт-саодатни жисмоний ва маънавий ҳузур, лаззат билан тенглаштирмайди, балки уни кенг маънода, барча жисмоний ва маънавий (кўпинча фуқароликка ҳам оид) қадриятларнинг мажмуи тарзида тушунади.

Бу таълимотга кўра, ўз шахсиятида ана шу қадриятларни мужассамлантира олган кишигина чинакам бахт-саодат соҳибидир, шундай бахтгина инсонга ҳақиқий лаззат, фароғат бахш этади. Қадимги юнон алломалари Демокрит ва Эпикур эвдемонизмнинг ёрқин намояндаларидир. Юнон мутафаккирларининг қарашларида “бахт” тор, индивидуал ахлоқ доирасида (хусусан, бахт инсон ижоди билан бевосита боғлиқ ҳолда) талқин этилган бўлса, насроний ахлоқда бахт ҳақидаги ахлоқий меъёр ва тушунчалар онгдан ташқарида бўлган диний тасаввурлар билан боғлиқлиги асосланади. Бошқача айтганда, инсон ахлоқи ва маънавиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган чинакам бахтга қадр-қиммат ва унинг маҳсули бўлган бахт ўртасида зиддият бўлмаган дунёдагина эришиш мумкин. Эвдемонизм йўналиши намоёндалари қарашларида инсон учун энг буюк неъмат бахт саналади. Унинг асосида юнон файласуфи Арастунинг бахт ҳакидаги таълимоти ётади. Унинг фикрича бахт бу «биз доимо унинг ўзи учун ўзини танлайдиган, бошқа нарса учун уни танламайдиган» ахлоқий тушунчадир.[20] Ўрта асрлар тафаккурида эвдемонизм (бахтга етишув таълимоти) Аквиниялик Фома таълимотига йўналтирилган бўлиб, юксак бахт Худони англаш ва ҳаёти давомида Уни тан олмоқдир, деган ғояни тасдиқлар эди.

[20] Арасту. Ахлоқи кабир. – Т.: Шарқ, 2005. -123 б.

Эвдемонизм йўналишидаги ҳузурбахшлик таълимотини ёқловчилар Эпикур, Гассенди, Ламетри, Вольтер, Гольбахлар бахт ва ҳузурбахшликни уйғунлаштирадилар. Аммо гедонизмдан фарқли ўлароқ ҳузурбахшлик бу ерда инсоннинг ахлоқий фаолияти билан бевосита боғланади. Мисол учун, Эпикур наздида юксак даражадаги ҳузур тубан жисмоний лаззатда эмас, балки нафис маънавийликдадир. Фақатгина мутлақ сокинлик ва атараксия ҳолатидагина инсон ҳақиқий бахт эгасига айланади. Янги даврда эвдемонизм кўплаб файласуфлар томонидан ривожлантирилган.

Этиканинг категориялари, тамойиллари, меъёрлари. Этика фанида қўлланиладиган барча тушунчаларни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Буларнинг биринчиси - ахлоқий билиш билан реал ҳаёт ўртасидаги энг муҳим алоқа ва муносабатларни инъикос эттирувчи, ахлоқ илмининг мезонини ифодаловчи тушунчалар, ахлоқшуносликнинг мезоний тушунчалари ёхуд категориялари, иккинчи гуруҳ тушунчаларини - ахлоқий тамойиллар, учинчи гуруҳни эса ахлоқий меъёрлар деб олиш мумкин. Биринчи гуруҳ тушунчалари умумлаштирувчилик, муштараклик хусусиятига эга, улар фақат назарияга тааллуқли. Иккинчи ва учинчи гуруҳ тушунчалари эса амалий этикага тегишли бўлиб, нисбатан муайян, тор қамровга эга; улар биринчи гуруҳ учун «моддий асос» вазифасини ўтайдилар.

Муҳаббат ва нафрат. Муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгиси, муҳаббат - олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. Шу жиҳатдан атоқли тасаввуфшунос нажмиддин комилов: «жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи муҳаббатга бориб тақалади», - дер экан, айни ҳақиқатни айтади.[21] на эзгуликни, на яхшиликни, на ватанпарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди - нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлади, объектдан четлашишни, ундан бегоналашишни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушдаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбатан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлигидир.

Эзгулик ва ёвузлик. Эзгулик - энг муҳим ахлоқий категориялардан биридир. Эзгулик инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади. Шу нуқтаи назардан эзгулик инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлайдиган, уни ижтимоий шахсга айлантириб, ҳақиқий бахтга олиб борувчи фазилат; шахсни комиллика жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи қадрият сифатида баҳоланади. Эзгуликнинг ўзига хос хусусияти шундаки у инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайаянлашади ва бевосита ахлоқий ҳатти-ҳаракат

[21] Комилов Н. Тасаввуф. 1- китоб.- Т.: Ёзувчи, 1996.- 48б.

натижсаида юзага чиқади. Бундан ташқари эзгуликда манфаатдан кўра умумманфаат устувор ҳисобланади.

Эзгулик юксак ахлоқийлик сифатида жамиятнинг ижтимоий тараққиёт ҳодисаси нуқтаи назаридан бир қатор хусусиятларга эга. У;

- стихияли кўр-кўрона ишлар эмас балки инсоннинг шахсий манфаатларидан жамият ва халқ манафаатининг юксаклигига асосланган оқилона ҳатти-ҳаракатлар натижаси;
- мажбурийлик эмас, балки виждон амри билан амалга ошириладиган ахлоқий воқелик;
- инсон ахлоқий идеалига мувофиқ келадиган реал ахлоқий муносабатнинг ижобий мазмуни;
- инсон зийнати ва юксак қадриятга айланган ижтимоий ҳодиса.

Эзгулик барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан “Авесто”да Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол учлиги зардўштийликнинг моҳиятини англатади. Ёвузлик эзгуликка қарама-қарши тушунча бўлиб зардўштийлик таълимотига кўра ёвузлик сабаблари ва унинг оқибатлари нарса ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ёвузликни бартараф этишда иймон-эътиқодли кишилар катта жонбозлик кўрсатиши даъват этилган.

Эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тамойил бир-бирини тамомила инкор этибган қолмай, улар ўртасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу абадий кечадиган жараён сифатида оламни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлади. Эзгуликнинг маъно-моҳияти ёвузликка қарши курашда ўз ифодасини топади. Эзгулик ахлоқий баркамоллик негизидир. Эзгулик ижтимоийлик хусусияти билан муҳим аҳамиятга эга. Эзгулик амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик тамойилларни ҳам ўз ичига олади. Эзгулик ижтимоий, шахсий хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатни маънавий жиҳатдан баҳолашнингмуҳим мезонидир.

Яхшилик ва ёмонлик. Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча Этикага доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўпгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди.

Бу икки жуфтлик тушунчалар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундай эмас. Яхшилик асосан шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро, унда мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ унга асос бўлган амалий хатти-ҳаракатлар қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг

фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқи учун, халқлар учун «Хазойин ул-маоний»дек, «Хамса»дек буюк асарлар яратди. Бу - эзгулик, у маълум маънода абадийлик хусусиятига эга, чунки Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, Навоийнинг ўзи бевосита кўплаб яхшиликлар қилди - муҳтож одамларга қарз берди, берган қарзларидан кечиб юборди ва ҳ.к. Унинг бу яхшиликлари ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик табиатига эга, шунингдек, истисноли ҳолларда намоён бўлувчи қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам эмас. Демак, эзгулик асосан билвосита амалга ошириладиган, узоқни кўзловчи, келажакка ҳам мўлжалланган, яъни стратегик аҳамиятга молик ахлоқий хатти-ҳаракатлар мажмуи; яхшилик эса, одатда, бевосита шу кун учун долзарблик хусусиятига эга, яъни тактикавий ахлоқий фаолиятдир. Шундай қилиб, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса - эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна бир фарқли томони шундаки, воқе бўлган эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди, ёвузлик эса ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолаверади. Яхшилик ва ёмонликда эса бундай эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошқа бир объект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин.

- яхшилик – бу фақат инсон ва жамият ҳаётига хос бўлиб, стихияли, кўр-кўрона содир этиладиган ҳатти-ҳаракат эмас, балки бирон-бир инсон, жамият манфаатини ўйлаб, кўзлаб бажариладиган, эзгуликка йўғрилган амалий ишдир;

- яхшилик – бу мажбурлашнинг маҳсули эмас, балки виждон амри билан содир этиладиган мутлақо эркин ҳатти-ҳаракатдир. Яхшилик қилишга мажбурлаш-ёмонликдир;

- яхшилик – бу инсон ахлоқий идеалига мувофиқ келадиган реал ахлоқий муносабатдир, унинг ижобий мазмунидир. Яхшилик ахлоқий идеалнинг амалдаги ифодасидир.

Адолат – одиллик, адолат билан иш кўриш, қонун асосида, жамиятда шаклланган устувор инсоний муносабатлар доирасида барчага тенг ва холис муносабатда бўлишдир.

“Адолат” турлича талқин қилинадиган, хилма-хил тарзда намоён бўладиган тушунчадир. Баъзи ахлоқий- ҳуқуқий меъёрлар ҳам адолат мезони сифатида қаралади. Бу, ўз навбатида, адолат мезонларининг жамият ривожига, инсоният тараққиётига, муайян мамлакат қонун - қоидаларига мос ёки мос эмаслиги билан белгиланади.

Адолат жамиятнинг муайян шахсга муносабатида яққол намоён бўлади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати адолат мезони ҳисобланади. Ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида содир бўладиган барча воқеа ва ҳодисалар бу жараёнга бевосита ёки бавосита таъсир қилади. Бу таъсир инсон эрки ва иродасини белгилайди, алоҳида шахс учун маънавий мезон вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий адолат, демократия, барқарор тараққиёт ва фаровонлик тамойилларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилувчи муҳим тамойил. Инсонпарвар жамият ғоясини ўзида мужассам этган ижтимоий адолат ва демократия тамойиллари бу жараёнда ўз моҳиятини тўла намоён қила бошлайди.

Инсонпарварлик ғоялари муҳим буғинларидан бири бўлган адолатлиликнинг барча кўринишларига қадим даврлардан катта эътибор бериб келинган. Ўтмишдаги Суғд ва Хоразм, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, ва Темурийлар давлатлари тарихидан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин хусусан, Амир Темур салтанатида амал қилинган “Тузуклар” да, энг аввало адолат ва ҳар ишда адолатлилик тамойилларига сўзсиз амал қилинган. Давлат “Куч адолатдадир” шиори остида тузилди ва равнақ топди.

Виждон. Инсонга хос юксак маънавий фазилат, кишининг ўз хатти-харакати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини англатувчи туйғу виждонли инсон ҳар бир қилган иши, одамлар билан бўлган мулоқоти, фаолияти ва фикрларини сарҳисоб қилади. Ноҳакликка, адолатсизликка муросасизлик билан қаршилик кўрсатади. Ваҳоланки, виждонсиз одамнинг адолатпарвар, садоқатли, орномусли инсон бўлиши амримаҳол. Виждон энг аввало, узгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни теран ҳис этишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, «Виждони уйғоқ одам ёнатрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз ҳатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқида нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлсада, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади.[22]

Бурч. Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У, юқорида айтганимиздек, виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси - бурчга садоқат ёки хиёнат ётади.

Бурчнинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фуқаролик бурчи, оталик бурчи, оналик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд.

Шафқат. Шафқат истилоҳи хозиргача Этикага доир асосий ўқув адабиётларда ва илмий тадқиқотларда асосий мезоний тушунча сифатида

[22] Ислом Каримов. Юксак манавият-енгилмас куч.- Т.: Маънавият. Б. 27-28.

тақдим этилмайди. Ваҳоланки шафқатнинг илдизи инсон шахсига бўлган муҳаббатга борб тақалади, у ҳам муҳаббат каби қамровли ҳиссиёт. Агар мухаббат меҳрга асосланса, шафқат мурувват билан боғлиқ. Лекин у айни пайтда мурувватдан жиддий фарқ қилади. Мурувват бир инсоннинг кўп холларда ўзига алоқаси йўқ бошқа бир инсонга ачиниш ҳисси орқали ёрдамга қўл чўзиши бўлса, шафқат кишининг ўзига алоқадор одамга, айбдор, гуноҳкор, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жазоланишга лойиқ кимсага кечиримлилик орқали инсонпарварлик кўрсатишдир.

Шафқат ҳисси шафқатга муҳтож киши ўрнига хаёлан ўзини қўйиб фикр юритиш орқали вужудга келадиган, ўзга бир инсон изтиробларини енгиллатишга қаратилган ахлоқий ҳодисадир. Ғазаб инсондаги ҳайвоний хислат бўлса, шафқат инсонийлик белгиларидан биридир.

Идеал. Инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Албатта, ҳаётда бунга тўла эришиб бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий-ҳаётий комилликни қўлга киритади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қилади. Чунончи, мусулмонлар учун - Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун - Ҳазрати Исо, яҳудо динидагилар учун - Ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси ленин - энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қилинарди. Ҳозир эса «куч - адолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз амир темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал, адолатли давлат раҳбарининг намунавий тимсоли тарзида қабул қилинади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин.

Ҳаётнинг маъноси. Инсон нима учун яшайди? Яшашдан мақсад нима? Инсон ҳаётининг маъноси нимада? Ҳар бир инсон ўз умри мобайнида ана шу саволларга жавоб топишга уринади ва ҳаётининг маъносини ўзига хос тарзда тушунади. Шу боис у ахлоқшуносликнинг анча мураккаб тушунчаларидан ҳисобланади.

Аввало шуни айтиш жоизки, ҳаётнинг маъносини яшашдан мақсад деган тушунча билан қориштириб юбориш ҳоллари кўп учрайди. Ваҳоланки, уларни айнанлаштириш мумкин эмас, чунки ҳаётнинг маъноси мақсадга нисбатан жуда қамровли тушунча, ўз ичига ўнлаб, балки юзлаб мақсадларни олади, аниқроғи, у муайян мақсадлар тизимидан ташкил топади. Шу боис кимнингдир бирор-бир эзгу мақсади амалга ошмай қолса, унинг ҳаётини «маъносиз» деб бўлмайди.

Баъзан ҳаёт «маъносиз» кечиши ҳам мумкин. Бунда кишидаги мақсадлар ўткинчи, майда, юксак орзу-интилишлардан йироқ, ҳайвоний, тубан, ҳатто ёвуз бўлиши мумкин. Мазкур киши - «ҳаёт эгаси»нинг бундай табиати жамият эришган ахлоқий даража билан баҳоланади. Зеро, кимдир ўз ҳаёти маъносини қандай йўл билан бўлмасин бой-бадавлат, тўкин-сочин яшашда деб тушунади: ҳаром-харишнинг фарқига бориб ўтирмайди, бировнинг ҳақидан қўрқмайди ёки қандай воситалар билан бўлмасин, мартабага эришишни ўз олдига ҳаётий мақсад қилиб қўяди, фақат «юлсам» дейди. Бошқа биров эса қонунни бузмайди, лекин ўзгаларга қайишишни хаёлига ҳам келтирмайди, ҳеч ким билан иши бўлмайди, фақат «ўз қобиғида» яшашни афзал кўради.

Яна бир тоифа одамлар борки, улар ҳаётининг маъносини энг юксак қадриятлар билан боғлайдилар ва жамиятда юксак ахлоқ эгаси, гўзаллик ошуфтаси, эътиқоди бут кимсалар сифатида эътибор қозонадилар. Улар олий идеалларга интилиб, фидойиларча умр кечирадилар. Ҳаётининг маъносини ўзидан кейин қолдирадиган «иккинчи умр»да кўрадилар.

Биз юқорида кўриб чиққан тоифалар икки умумий ижтимоий-маънавий гуруҳнинг бирига, таъбир жоиз бўлса, шартли равишда дунёвий деб аталадиган қисмига мансуб.

Иккинчи гуруҳни эса эътиқодий-диний деб номлаш мумкин. Бу гуруҳ ҳаётнинг маъносини худони топишда, унга етишишда деб билади. Бунда гоҳо черков ёки шариат ақидалари орқали эмас, балки муҳаббат воситасида ҳам худога мурожаат қиладилар.

Маълум бўляптики, ҳаётнинг маъносини тушунишда ҳар икки ижтимоий-маънавий гуруҳда ҳам турли қарашлар мавжуд. Лекин улар бир масалада якдил: улар ҳаётнинг маъноси ўз манфаатларини ўзгалар манфаати билан боғлаб, олий қадриятлар ва юксак ақидаларни ички шиор қилиб яшашдадир, деган ахлоқий қоидага биноан умр кечирадилар.

Бахт. Ҳаётнинг маъноси идеал билан боғлиқ бўлгани каби бахт атамасини ҳам ҳаётнинг маъноси тушунчасидан ажратиб олинган ҳолда таҳлил этиш мумкин эмас. Зеро, бахт инсон ўз ҳаёти маъносини қай даражада тушунгани ва шу маънодан умри мобайнида қониқиш ҳосил қилиб боришидан иборатдир. Ҳар бир инсонда қониқиш ҳисси ундаги мақсадларнинг такомилга етганидагина рўй беради. Фақат бу такомилга етиш жараёни бир умр давом этади. Шу маънода буюк аждодимиз абу наср форобий: «бахт - ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зотан у муайян комилликдир», - деганида кўп жиҳатдан ҳақ эди.[23]

Фақат бу қониқиш ҳам давомийлик табиатига эга эканини унутмаслик лозим, уни лаззат билан айнанлаштириш тўғри эмас. Лаззат онийлик хусусиятига эга, ўзини фақат жараёндагина намоён этадиган ҳодиса ва у моддий ҳаётдаги реал, аммо ўткинчи эҳтиёжлардан келиб чиқади. Масалан,

[23] Аль – Фараби. Социально-этические трактаты. -Алма – Ата: Наука, 1973. – 3 с.

гастрологик ёки шаҳвоний лаззатни олиб кўрайлик: дейлик, сиз кабобни хуш кўрасиз ва лаззатланиб ея бошлайсиз, лекин бироз муддат ўтгач, тўясиз, бошқа егингиз келмай қолади; шаҳвоний лаззат ҳам шундай. Бахт эса маънавий эҳтиёж билан боғлиқ, унда мақсадларга бирин-кетин эриша бориш, қониқиш жараёни, боя айтганимиздек, бир умр тўхтамайди ва доимо лаззат ва завқни ўз ичига олади.

Бахт гарчанд, орзу каби идеалнинг ҳиссий-эҳтиросли шакли сифатида кўзга ташлансада, аслида ундан фарқли ўлароқ, шахснинг интилишини эмас, шу интилишнинг рўёбини англатади. Ҳар бир интилишнинг рўёбга чиқиши эса муайян тайёргарликни ва курашни тақозо этади.

Бахт ҳақида гап кетганда, албатта, омад тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Омад ҳам лаззатга ўхшаш онийлик табиатига эга. Лекин бу онийликда лаззатдагидек такрорланиш хусусияти йўқ: одамга омад ҳаёти мобайнида камдан-кам кулиб боқади. Омаднинг ана шу жиҳати ҳақида қрим-татарларнинг қадимги асотири бор. Унга кўра, омад маъбуда экан, кунлардан бирида унинг ўғли ерни томоша қиламан деб осмондан тушибди-ю, қайтиб чиқмабди. Шу-шу омад ерга тушиб, ҳануз боласини қидирармиш. Маъбуданинг юзи йўқ, фақат қоқ мияси устида биттагина кўзи бор экан. Шу боис у тўғри келган ўткинчини тутиб олиб, ўғлиммикан деб, баландга кўтариб, кўзига олиб бориб қараркан ва ўғли эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, осмону фалакдан пастга қаратиб итқитиб юбораркан. Омад ўз қўлига тушганларнинг ҳаммасига шундай муносабатда бўлар экан.

Дарҳақиқат, мазкур асотирда омаднинг ўткинчилик моҳияти жуда чиройли ва мажозий очиб берилган; бир умр омадли одам йўқ, омад - тасодиф, бахт - зарурият; омад - истисноли, бахт - қонуний ҳодиса. Омад - шахснинг бир зумлик ҳолатини акс эттиради, бахт эса инсон нимага эришмоғи лозим, деган саволга бир умр мобайнидаги амалий жавобдир.

Ахлоқий тамойиллар ҳам инсон ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларни белгилаб беради. Натижада тамойиллар, инсон ҳатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Инсонпарварлик – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, қадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишончдиростгўйлик Инсоннинг юксак ижтимоий мақомини белгилайдиган, бу борадаги диний ва дунёвий, ғоявий-мафкуравий, миллий ва умумбашарий қарашлар, меъзонлар, қадриятлар ва анъаналар тизимини ифодаловчи тушунчадир.

Инсонпарварлик – одамийликдир Унинг туб моҳияти инсон зотини ҳурмат қилиш, қадр – қимматини билиш ҳамда бахт – иқболи йўлида доимо фидокорлик билан курашиш ва ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир

Инсонпарварлик - одамзоднинг қадри, эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётни таъминлашдир.

Чинакам инсонийлик виқори кишида ҳамдустлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик, адолатлилик, адолатпарвар, тинчлик, тотувлик, раҳмдиллик, кўнгилчан, бағрикенглик ва бошқа юксак маънавий комилликларни жамлагандагина намоён бўлади.

Эркпарварлик. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи - эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати, ўз ватани эрки учун, қолаверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни ҳаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир.

Эркпарвар инсон қулликнинг, мутеликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этиши баробарида инсон ҳуқуқларининг том маънодаги жангчисига ҳам айланади. Бу жангчи бир томондан, ҳар бир шахснинг сўз эркинлиги, ўз фикрини эркин баён қилиши, сайлаш ҳуқуқи, виждон эркинлиги учун курашади, иккинчи томондан, бутун-бутун миллатлар эрки масаласини ўртага ташлар экан, маълум маънода миллий озодлик ҳаракатлари учун ҳам туртки беради.

Ватанпарварлик – инсоннинг ўз туғилган жойига чексиз меҳр-муҳаббат қўйиб, унинг хизматида бўлишдир. Ватан инсон учун ор-номус, шон-шавкат ва ғурур-ифтихор манбаи ҳисобланади. Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган тушунча ватанпарварлик ниҳоятда сер-қиррат бўлиб, тарихий, ижтимойи, сиёсий, иқтисдий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, қадрлаш қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англанк,са, ватанпарварлик туйгуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичларида ватанпарварнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради. Ҳақиқий ватанпарвар, Ватанга, она заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш хамда курашиш зарурати туғилганда жонини фидо қилишни назарда тутади.

Миллатпарварлик. Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу - миллатпарварлик. У, маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли.

Шу ўринда миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам

чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар - миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Миллатпарварлик тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг - миллатпарварликнинг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чиқади. Миллий ғоянинг замонавий, биз танлаган кўринишини, унинг мафкуравий жиҳатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай таърифлайди: «миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор».[24]

Унинг иккинчи жиҳати эса мана бундай талқин этилади: «миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат йўлида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур».[25]

Фидойилик - бошқалар манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр туради, жамият учун умумий бўлган олий мақсад ва идеалларни деб ўзидан кеча оладиган кишилар хатти-ҳаракатларини ифодаловчи маънавий тушунча фидойилик тамойилининг мазмуни турли тарихий давр ва ижтимойи жараёнларда ўзига хос тарзда намоён бўлади: у маълум бир даврларда оммавийлашиши ёки камайиши мумкин. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишилар қалбидан чуқур ўрин олади ҳамда фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Фидойи ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилатдир.

Зиёлилик тамойили ҳозир биз англайдиган тушунча маъносида нисбатан узоқ тарихга эга эмас. У жадидчилик ҳаракати билан бирга юзага келди десак, хато қилмаган бўламиз. Лекин бу тамойилнинг инсон фаолиятидаги дастлабки унсурлари ўрта асрлар ва ундан кейинги даврлардаги маърифатпарварлар ҳаётида шаклланганини эътироф этмоқ лозим. Яъни, у инсоният жамиятидаги маданий ва интеллектуал - ақлий тараққиёт билан боғлиқ.

Ваҳоланки, зиёлилик тамойили табақа ёки гуруҳга мансублик маъноларини англатмайди. Оддий фермер - деҳқон ҳам, ҳайдовчи ҳам, фаррош ҳам зиёлилик тамойили билан иш кўриши ва атрофдагилар томонидан: «ҳа, фалончими, жуда ажойиб, зиёли одам-да», деган юксак ижтимоий баҳога лойиқ бўлишлари мумкин. Бунда у одамнинг касбидан

[24] Баркамол авлод орзуси.- Т.: Шарқ, 1999. -38 б.
[25] Баркамол авлод орзуси.- Т.: Шарқ, 1999. -38 б.

қатъи назар, ҳам билим, ҳам фаҳм-фаросат, ҳам олий мақсадлар эгаси экани тушунилади. Шундай қилиб, зиёлилик асосида инсоннинг маънавий-маърифий юксаклиги, қалбидаги ички нур, атрофни ҳам нурлантира оладиган зиёси билан белгиланадиган ҳатти-ҳаракатлар ётади.

Зиёлилик тамойилига оддий фуқароларнинг муносабатида эса икки хил ёндашув кўзга ташланади. Уларнинг фаол ва илғор қисми, миллатнинг ўзагини ташкил этадиган кўпчилик одамлар зиёлиларга ҳавас билан қарайдилар, зиёлиларнинг ҳатти-ҳаракатларини нафақат маъқуллайдилар, балки ўз фарзандлари ва яқинларига намуна қилиб кўрсатадилар. Аммо оддий аҳолилик мажбуриятидан бошқа нарсани билмайдиган, тарихдан «омма» деб аталиб келинадиган ижтимоий қатлам кишилари, уларнинг маълумотлари олий ёки ўрталигидан қатъи назар, зиёлиларга истеҳзо билан, «ҳокимият билан ўйнашган эси пастлар» деб қарайдилар. Ана шу худбин ва маҳдуд «омма» қайси ерда камайиб борса, ўша жамиятда тараққиёт юксак даражага кўтарилади. Зеро, зиёлилик кенг маънодаги фидойиликдир. Шу боис мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ бизда зиёлилик тамойилини ҳар бир фуқарога сингдириш учун мунтазам кураш олиб борилмоқда. Уни сингдириш эса маънавиятни юксалтириш орқали рўёбга чиқади.

Меҳнатсеварлик - ижтимоий фойдали меҳнат учун ўз вақти ва кучини беришга тайёрлик ҳолати. Меҳнатсеварлик меҳнатга бўлган ижобий муносабатининг намоён бўлишидир. Шахс манфаати нуқтаи назаридан, меҳнатсевар инсоннинг ўз ҳаётида муваффақиятга эришиш гарови бўлса, ахлоқий нуқтаи назардан халқ фаровонлигини таъминлаш учун зарур фаолиятдир. Меҳнатсеварликнинг йўқлиги ва дангасалик эса нуқсон сифатида қаралади. Шу билан бирга, ишга ҳаддан ташқари ружу қўйиш ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан бир оз қораланади ҳам. Бундай меҳнат, яъни ўзаро муносабатлар эвазига меҳнатга ружу қўйиш, шахснинг ўз эгоистик мақсади йўналишидаги фаоллиги деб қаралади. Шунинг учун меҳнатга баҳо беришда масаланинг маънавий жиҳати устунлик қилади.

Тинчликпарварлик - шахс ахлоқи ва маънавиятини белгиловчи фазилатлардан бири бўлиб, у урушларга йўл қуймаслик, давлатлараро низо ва можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинч йўллар билан бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш тамойилларини ифодаловчи тушунчадир.

Тинчликпарварликнинг яна бир кўрииши бу тотувлик бўлиб, 1) тор маънода — одамлар, оила, маҳалла ёки гуруҳ аъзолари орасидага ўзаро маънавий-муросавий муносабат; 2) кенг маънода фуқароларнинг маънавий-ахлоқий мезонлари, хатти-ҳаракатлари, ҳаётга муносабатларида кўзга ташланадиган маънавий ҳодиса. Тотувлик жамиятда турли хил ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, уларнинг муайян давлат сиёсатига бўлган муносабатларида ҳамфикрлилик тамойили асосидаги умумийликни англатувчи тушунча ҳамдир.

Ахлоқий меъёрлар ҳам инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ҳалоллик - виждон, адолат ва бурч каби ахлоқшунослик мезоний тушунчалари билан боғлиқ, инсонинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қилидиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган,унинг зидди - ҳаром диний нуқтаи – назардан салбий ҳисобланган ҳатти-ҳаракатларга нисбатан қўлланилган. Кўриб ўтганимиздек, ҳар бир диний эътиқоднинг асосида ахлоқийлик ётади ва у кўп ҳолларда ибодатдан баланд қўйилган: солиҳ бандалар, «қуръон»да айтилганидек, энг аввало гўзал ахлоқ эгаларидир. Шу боисдан кейинчалик ҳалоллик нисбатан тор шаръий қобиқдан чиқиб, аста-секинлик билан шахс ҳаётидаги энг қамровли ахлоқий меъёрга айланди, теран маънавийлик касб этгани ҳолда, кундалик ҳаётдаги инсонийликни белгилайдиган умуминсоний фазилат бўлиб қолди. Масалан, ҳозирги кунда ихтисослашган меҳнат тақсимотининг такомиллашуви, илм-фан тараққиётининг юксалиши натижасида биз касбий ҳалоллик илмий ҳалоллик, иқтисодий ҳалоллик ва бошқалар ҳақида гапиришимиз мумкин.

Инсоният жамиятида ҳаромлик ёхуд нопокликнинг ҳалолликка нисбатан кам учрамаслиги доимо ахлоқшуносликлар ташвишга солиб келган. Чунончи, Имом Ғаззолийнинг ҳаром ейиш ҳақида тўхталиб, мана бундай дейиши бежиз эмас: «… хоҳи зулм билан олинган бўлсин (куч ишлатиб, хоинона ундириш ва босқинчилик-ўғрилик йўллари билан олиш); хоҳ завқ ва ўйин йўли билан олинсин (қимор ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлганидай); хоҳ ҳийла ва найранг йўллари билан олинсин (товламачилик ва алдамчилик, тарозидан уриш каби); ўз моли ва бойлигини ҳаром ишларга (ичкиликбозлик, қимор, фоҳишабозлик) харжлаши - ҳаммаси ҳаром ейишга киради»[26].

Афсуски, Ғаззолий санаб ўтган ҳолатларни атрофимизда кўп кўрамиз. Чунки нопок йўл тутиш осон, лекин ҳалолликка эришиш қийин. Бунинг сабаби шундаки. Ҳалолликнинг мавжудлиги фидоийлик ахлоқий тамойили ва ростгўйлик ахлоқий меъёри билан шартланади; доимо ҳалоллик қилиш ёки ҳалол яшаши учун киши албатта нималардандир кечиши, кимларгадир қарши бориши, фақат рост гапириши, сўз билан иш бирлигига эришиши керак. Шу боис ҳалол инсон жамоатчилик ўртасида обрўга эга, ҳурматга сазовор бўлади. Қайси жамиятда ҳалол фуқаролар кўпайса, ўша ерда бахт ва фаровонлик ҳукум суради.

Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда.

---

[26] Ғаззолий Абу Ҳомид. Мукошафат ул-қулуб. - Т.:Адолат, 2000. – 336 б.

Ростгўйлик - ёки тўғри сўзлилик инсоннинг ҳақиқатга интилиши билан боғлиқ ҳақиқат эса доимо синфийлик, партиявийлик-мафкуравийлик ва тарихийлик-даврийликдан юқори туради. Ҳақиқатнинг ифодавий шаклларидан бири ростгўйликдир. Демак, ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балкининг моҳиятида берилган фазилат. Ростгўйлик инсондан сабр-тоқат, матонат ва жасоратни талаб қилади, ростгўй инсон қўрқувдан фориғ бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига қарши бормайди: кимларнингдир кўзига қараб, яқинларини ёки ҳамкасабаларини хафа қилишдан, ўз моддий манфаатдорлигига зарар етказишдан чўчмайди. Тўғри, бундай муносабат туфайли ростгўй инсон азият чекиши, таъна-дашномларга қолиши мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси бир одамга ёки муайян гуруҳга воқеликни асл ҳолида етгазганлигидан, уларни нотўғри йўлга солиб юбормаганлигидан қалбда пайдо бўлган қониқиш ҳисси, хотиржамлик ва ором туфайли ювилиб кетади, ички бир қувонч унга баланд руҳ бағишлайди.

Ёлғонга келсак, уни кўпчилик донишмандлар энг катта ёвузликлар сирасига киритишган. Чунки ёлғончи кишилар бўлган ёки бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида нотўғри ахборот бериб одамларни адаштирадилар, ўзлари ҳам адашадилар. Кимнингдир ёки кимларнингдир ёлғони туфайли одамлар ишончга лойиқ нарсаларга ишониш, ишончсизликка созовор нарсаларга ишонмаслик имконидан маҳрум бўлдилар ва турмушда ҳатто ҳаёт-мамот масалаларида нотўғри қарорлар қабул қиладилар, бу нарса эса фожеага олиб келади. Ёлғончилик қилган одам ҳам «қуруқ» қолмайди, у ҳам ўз «фожеавий улуш» ига эга бўлади, унга бундан буён номусиз, каззоб, ишониб бўлмайдиган одам сифатида муносабат қилинади, бу бир томондан, иккинчи томондан, ўзи ҳам зарар кўради.

Орият - кундалик ҳаётимиздаги ахлоқий талабларнинг энг оддий, аммо энг муҳим шаклларидандир. Орият инсоннинг ҳатти-ҳаракати, ўзини тутишида намоён бўлади. Орият уят, номус, виждон, иззат-нафс, қадр каби тушунчалар билан боғлиқ. Уят инсоннинг умумэътироф этилган талаб ва одатларга зид ҳатти-ҳаракати натижасида юзага келса, орият деганда ўз сўзининг устидан чиқадиган, ваъдага вафо қиладиган инсон тушунилади. Кўпинча ор-номус тушунчаси бирга қўлланади. Номус ижтимоийлик хусусиятига эга бўлиб, шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслигига нисбатан бўладиган муносабат билан белгиланади.

Андиша- инсон ахлоқига хос хусусият бўлиб, тарбия жараёнида шаклланиб боради. У инсон ички ҳаёси, ирода кучини намоён этадиган, кишидаги хулқ-одоб, тарбия ва маънавият билан боғлиқ сифатларини ифода этади. Шарқ донишмандларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий “Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон қолмайди, дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар” дейди. Бу эса ҳаё ва андишанинг

узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ҳаё инсон қалбида, туйғусида намоён бўлувчи хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири бўлиб андишага яқин фазилатдир.

Андиша йиллар давомида шаклланиб боради. Андиша ўзбекона фазилат десак янглишмаймиз. Халқимиз орасида "Андишанинг отини қўрқоқ қўйма" деган мақол мавжуд. Бу андиша- истиҳола, босиқлик қўрқоқлик эмас балки юксак маънавиятга хос хусусият эканлигини англади. Андишали киши хокисор, шарм-ҳаёли бўлади. Бетгачопарлик қилмайди, ўзгалар иззат-нафсига тегадиган ҳатти-ҳаракатлар қилмайди, ёши улуғлар ва аёлларни ҳурматини жойига қўяди.

Андиша сўзлаш ва тинглаш, суҳбатлашиш жараёнида инсоннинг энг гўзал жиҳатларини намоён этади. Андишали инсон қўлидан келмайдиган ишни ваъда бермайди, ўзбошимчалик ва манфаатпарастликдан йироқ бўлади. Андишасиз киши суҳбатдошининг кўнглини оғритувчи сўзларни айтади атрофдагиларга панд беради. Андишали кишида миллий ғурур, миллий ифтихор, орият кучли бўлади. У "етти ўлчаб бир кес" тамойили асосида иш кўради, қилаётган ҳар бир ҳатти-ҳаракати учун жавобгарлигини ҳис қилади. Улар ўз миллати, эл-улус манфаати ва шарафини ҳимоя қилишади.

Ҳаё - муҳим ахлоқий меъёр, шунингдек, инсон хулқий гўзаллигининг асосий белгиларидан бири. Ҳаё уят ҳисси билан ўхшаш бўлсада, аслида андиша ва ибога яқин фазилат тарзида намоён бўлади, у гўзаллик билан уйғунлашиб кетади. Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаё ҳақида шундай дейди: "Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир – бирига бефарқ қарайдиган бўладилар"[27]

Чунончи, Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, ҳаёни – дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир, у иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби деб атайди

Камтарлик - шахснинг ўзига ва атрофдагиларга самимий муносабатини ифода этадиган ахлоқий ҳодиса, инсон ахлоқини безайдиган фазилатлардан биридир. Камтарлик ўзини ўзгалардан юқори қўймаслик, ўз куч- қудратини намойиш қилиб мақтанмаслик, ўзини бошқалардан устун деб ҳисобламаслик.

Камтарликнинг зидди манманлик, такаббурлик энг тубан иллатдир. Камтарлик инсонни юксакликка кўтаради, манманлик эса тубанлаштиради. Манманлик, такаббурлик жамиятнинг олға интилишига тўсиқ бўладиган иллатлардан биридир. Манман киши ўзи ҳақида жуда юқори фикрда бўлади, атрофдагиларни менсимайди, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан юқори қўяди ва оқибатда шуҳрапарстлик, худбинлик тўрига илинади, жамиятда обрўсини йўқотади.

---

[27] Шарқ донишмандлари ҳикматлари.-Т.:Шарқ,2006. -159 б.

Камтар инсон ўзгалардан камчилик ахтармайди, ўз камчиликларини кўра билади, уни бартараф этишга ҳаракат қилади. Камтарлик билан сабр-тоқат ёнма-ёндир. Камтар инсон яхши-ёмон кунга сабр-қаноат қилади, ўзлигини йўқотмайди.. Халқимиз орасида “Камтар кам бўлмас”, “Камтарга камол, манманга завол” каби мақоллар ушбу ахлоқий фазилат инсонни юксакликка кўтариши, халқ ҳурматига сазовор этишини англатади.

XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий муҳит)ни яратишнинг зарурияти. XXI асрда глобал этосфера, сайёрамизда этосфера - ахлоқий муҳитни яратиш долзарб масалага айланди. Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди.

XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда инсон ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз - еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири рус олими В.В.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. - инсон қуруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».[28]

Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-муҳитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки

[28] Вернадский В.И. Начало и вечность жизни.- М.: Сов. Россия, 1989. С. 186 – 187.

том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машҳур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад ЛДоренцнинг: «ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисаси учун асосан цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослик айбдордир», - деган сўзлари шу нуқтаи назардан диққатга сазовордир.[29]

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда этика фанининг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Таянч тушунчалар:

Ахлоқ, одоб, хулқ, категория, ахлоқий меъёрлар, тамойиллар, эзгулик, ёвузлик, яхшилик, ёмонлик, муҳаббат, нафрат, бурч, виждон, ор-номус, ҳаётнинг маъноси, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик, ҳасад, ҳаё, камтарлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, адолат, мурувват, қадрият, ватанпарварлик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Этика фанининг тадқиқот доирасини изоҳланг?
2. Шахс хаётида ахлоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?
3. Этика фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. Этика бошқа қайси ижтимоий фанлар билан алоқадорликда иш олиб боради?
5. Этиканинг асосий категориялари ҳақида маълумот беринг.

[29] Лоренц К. Восемь смертных грехов цивилизованного человечества.//«Вопросы философии»№ 3, 1992.- 42 с.

14-МАВЗУ. НИКОҲ ВА ОИЛАНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ, УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.

РЕЖА:

1. Никоҳ энг қадимги муносабат шакли. Никоҳнинг қонуний ва диний жиҳатлари.
2. Оиланинг психологик, ижтимоий-маънавий муҳитининг фарзанд тарбиясига таъсири.
3. Миллий маънавиятимизда никоҳ ва оилага доир ахлоқий қадриятлар.
4. Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни.

Никоҳ-энг қадимги ахлоқий муносабат шакли. Никоҳнинг қонуний ва диний жиҳатлари. Никоҳ ўз моҳиятига кўра аҳлоқий ҳодиса. Никоҳ – эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқли, эркин ва ихтиёрий иттифоқи бўлиб, у фуқаролик холати далолатномаларини ёзиш органларида тузилади ва оила тузиш мақсадига ҳизмат қилади. Оила жамиятнинг дастлабки бўғини саналади ва давлатнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки оилада туғилиб, тарбия топаётган ёш авлод жамиятнинг, давлатнинг эртанги кунини, истиқболини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори оила мустаҳкамлигини таъминлаш, унинг ижтимоий вазифаларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, айниқса, оиланинг фарзандлар тарбиясидаги нуфузини оширишга кўмаклашиш ҳамда мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатларининг қадрият сифатида эътироф этиш учун асосий пойдевор бўлиб ҳизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида оиланинг жамият тараққиётидаги нуфузи ҳақида**:** “Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари аввалambор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.”– деб таъкидлаган эдилар.

Бир қанча республика ва халқаро миқёсдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда она ва бола ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, республикамиз конституциясининг XIV боби оилага бағишланган бўлиб бу ерда оила ва никоҳ муносабатлари, оналик ва болалик давлат томонидан тўла муҳофаза қилинган. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларидан энг муҳимлари - никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар учун - 18, қизлар учун - 17 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган.

1998 йили оила кодексини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиши оила ва никоҳ масалаларини тартибга солишда ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак оила ва никоҳ муносабатлари ҳар доим давлатимиз ҳимоясида бўлган ва давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинган. Юртимизда оила ва никоҳ муносабатлари давлат қонун қоидалари ҳамда авлоддан авлодга ўтиб келаётган гўзал анъаналар асосида амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ҳуқуқ соҳасига оид анъаналар мустақиллик даврида ўтмиш меросимиздаги ва миллий ментал хусусиятлар асосида тобора мукаммаллаштирилиб, оптималлаштириш чоралари ишлаб чиқилмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида белгиланган оила-никоҳ муносабатларига оид қонун-қоидалар мажмуи давлат ғамхўрлигига олиниб, ўзбек халқининг бу борадаги миллий ва диний қадриятларини ҳам назарда тутган ҳолда “Меҳнат кодекси”, “Оила кодекси”, “Фуқаролик ва жиноят кодекси” ҳамда “Соғлом авлод” каби қонунларида ўз ифодасини топган. Уларда оила-никоҳ масалаларига маънавий жиҳатдан ҳам ёндошилиб қонун даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 8-моддасида оилавий муносабатларда урф-одат ва анъаналарга амал қилиш тўғрисида алоҳида сўз юритилади: ”Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади[30]. Дарҳақиқат, Кодексда давр синовидан ўтган умуминсоний қадриятлар билан этномаданий анъаналар, ўзбек халқининг менталитети ўз ифодасини топган. Ушбу миллий ва диний урф-одатлар, анъаналар орасида шундайлари борки, улар оила-никоҳ масаласидаги қонун ҳужжатларига зид келмайди. Аксинча, улар асрлар давомида тарих синовларидан ўтиб, оилани мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Оила, никоҳ ҳақида, унинг мустаҳкамлиги тўғрисида диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотурудий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар ўз асарларида қимматли фикрларини келтириб ўтганлар. Хусусан, фиқҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) илмининг султони Бурҳонуддин Марғинонийнинг оилани мустаҳкамлиги ва фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, оила ва никоҳ масаласида чиқарилган айрим ҳукмларини таъкидлаш лозим.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шоҳ асари “Ҳидоя”да “Никоҳ китоби” ва “Талоқ китоби” бевосита оила ва никоҳ масалаларига бағишланган. Марғиноний оиланинг моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланиши учун хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатларни назарда тутган ҳолда маҳр бериш борасида айрим енгилликларни ўз ҳукмларига киритади: Чунончи, “никоҳда гарчи маҳр айтилмаса ҳам, никоҳ дуруст

[30] Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси.- Т.: Адолат, 1998. – 8 б.

бўлаверади”[31], “... маҳр аёл кишининг холис ҳаққидир. У никоҳнинг бошидаёқ маҳрни бекор қилиши мумкин бўлгани каби никоҳ тугагандан кейин (яъни эри ўлгандан кейин) ҳам ўз ҳақидан воз кечиши мумкин”[32], “Никоҳ фақат жуфтланиш учун эмас, балки ундан кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқиши учун машруъ қилингандир”[33], деб чиқарган ҳукмлари фикримизнинг исботидир.

Ушбу ҳукм ҳақиқатан ҳам инсоний меҳр-мурувват, бағрикенглик руҳида чиқарилганлиги билан катта ижтимоий ва маънавий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу ҳукмларнинг маънавий томони шундаки, никоҳ қандайдир моддий манфаатлар эвазига эмас балки оила мустаҳкамлигига хизмат қилмоғи лозим. Зеро, оиладаги гўзал қадриятлар, жумладан севги-муҳаббат, фарзандлар ҳурсандчилиги ва инсоний гўзал меҳр барча нарсадан устун туради ҳамда оила мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Бундан ташқари “Ҳидоя”да ғайришаръий никоҳ ҳолатлари ҳақида ҳам диққатга сазовор ҳукмлар келтирилган. Марғиноний томонидан ғайришаръий деб ҳукм чиқарилган ҳолатлар – маънавиятга ва аҳлоқий меъёрларга зидлиги сабаблидир. Аллома асаридаги ушбу ҳолат бугунги кун билан чамбарчас боғлангандир. Ғарб мамлакатларида оиланинг қадрсизланишини ва ахлоқан бузуқ бўлган бир жинсли никоҳнинг кундан кунга кўпайиб бораётганлигини Америкалик сиёсатшунос Патрик Бьюкенен ўзининг “Ғарбнинг ҳалокати” деб номланган асарида куюнч билан эътироф этади. Ғарб давлатлари ораси шиддат билан камайиб бориши, бугунги кунда Европанинг ўн етти давлатида ўлиш туғилишга нисбатан анча юқори эканлиги, никоҳлар сони камайиб ажримлар ошиб бораётганлигини келтириб чиқармоқда. Энг ачинарлиси Европа аҳолисининг катта қисми бугунги кунда бир жинсли никоҳ тарафдори эканлиги вазиятнинг нақадар аянчли аҳволдалигидан далолат беради. Энди эса Европа давлатлари тезда бу муаммоларга ечим топмаса ўз-ўзидан емирилиб йўқ бўлиши ҳеч гап эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам фиқҳ бундай никоҳларни “ботил” ва “фосиқ” никоҳлар деб ҳисоблайди. “Ботил” ибораси асоссиз, ўз кучини йўқотувчи маъноларини англатади.[34] “Фосиқ” ибораси аҳлоқий бузуқ, нуқсонли маъноларини англатади.[35] Демак, бундай никоҳлар Марғиноний наздида маънан ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, бузуқ никоҳлар ҳисобланади.

Марғиноний фикрича, шахсни маънавий тубанликка олиб келиши, жамият учун ижтимоий фалокатга айланиши мумкин бўлган ҳар қандай никоҳ ҳолатлари ахлоқий жиҳатдан қаттиқ қораланади ва ғайришаръий никоҳлар деб ҳукм чиқарилади, гарчи бу никоҳлар расмиятчилик қонун-қоидалари асосида амалга оширилган бўлса ҳам. Расман никоҳ деб аталган, лекин Марғиноний томонидан ношаръий деб ҳукм чиқарилган ана шундай “ботил” никоҳлардан бири – мутъа никоҳидир. Ушбу никоҳнинг

---

[31] Бурхонуддин Марғиноний. Хидоя. I – жилд. Никоҳ китоби.- Т.: Адолат, 2000. – 690 б.
[32] Ўша асар. 692 б.
[33] Бурхонуддин Марғиноний. Хидоя. I – жилд. Никоҳ китоби.- Т.: Адолат, 2000. – 732 б.
[34] Қаранг: Арабско – русский словарь.- М.: 1962. - 91 с.
[35] Ўша китоб. С 765

ғайриаҳлоқий моҳияти ва “ботил”лиги ҳақида “Ҳидоя”да шундай дейилади: “Мутъа бирорта аёлга: мен сендан фалон муддатга фалонча пул эвазига(жинсий) фойдаланаман” – дейишдир

Оиланинг психологик, ижтимоий-маънавий муҳитининг фарзанд тарбиясига таъсири. Оила номуси ва шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти. Ҳар бир инсоннинг шаклланиши, вояга етиши, ўзини шахс сифатида намоён этишида у тарбия топган оиладаги тарбиянинг, маънавий-руҳий муҳитнинг ўрни каттадир. Шунинг учун ҳам аждодларимиз қурилажак оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган жиҳатларга алоҳида этибор қаратганлар. Етти пуштини суруштиришдан тортиб, оилавий тутумини, маҳалладошларининг бўлажак қудалар, куёв ёки келин ҳақидаги фикрларини, касбу корини батафсил ўрганишган. Ёш оила асосчиларининг оила қуришга тайёргарлигини ҳисобга олиш эса энг муҳим омил саналган.

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг жисмонан етукликка эришгани ҳали уларни оила қуришга тайёрлигини билдирмайди. Қачонки, икки ёш ҳам кичик жамият, яъни оилани барпо этишга руҳан тайёр бўлсалар, шундагина тўкис оила бунёд бўлиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, бугунги кунда айрим ота-оналар орзу-истакларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсадида ёки фарзанди олдидаги масъулиятдан қочиш учунми, фарзандларини эрта турмуш қуришга ундашмоқда. Минг афсуски, бу кўпинча ажралишлар билан тугамоқда.

Оилада эр-хотин бир-бири билан нафақат севги-муҳаббат ришталари орқали боғланган, балки иқтисодий-ижтимоий, маънавий-тарбиявий, энг муҳими авлодларни дунёга келтириш, тарбиялаш ва жамиятга етказиб беришдек ўта масъулиятли вазифа билан ҳам ўзаро боғликдирлар. Чунки «оила ҳаётнинг, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир»[36]. Бунда уларнинг мақсад-муддаолари уйғун, интилишлари муштарак бўлиши катта аҳамият касб этади.

Оила инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит туғдирадиган, руҳан ором оладиган макони бўлиши билан бирга «асосий ишхонаси» десак, муболаға бўлмайди. Бу ерда эр ҳам, хотин ҳам ўз вазифасини оғишмай бажарсагина фарзандлари қобил, дастурхони тўкин, эл-юрт ўртасидаги обрўси юксак бўлади. Ҳар томонлама етук, баркамол авлод соғлом муҳитда, маърифатли, меҳнаткаш, узоқни кўра оладиган ота-оналарнинг қўл остида вояга етади.

Миллий тарбия тизимида оила маънавияти, ундаги ота-онанинг ўрнига аждодларимиз алоҳида эътибор беришганлар. Чунончи, миллий маънавиятнинг шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган, ўзбек оилаларида азалдан соғлом турмуш тарзи, муомала маданияти мавжудки, бу, ўз навбатида ота-она ва фарзандлар ўзига хос ахлоқий қадриятларга муносабатларида, рўзғорни саранжом тутиш, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш тамойилларида ўз ифодасини топган. Миллий анъаналаримиз ичида бола тарбиясига доир урф-

[36] Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 241 б.

одатлар айниқса, муҳим ўрин тутади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, халқнинг соф ҳолда кўриниши болаларда намоён бўлади. Қачонки болаларда миллийлик ўлар экан, бу миллат ўлимининг бошланишини билдиради. Тарбияда миллийлик қанча кўп сақланиб қолган бўлса, шу миллат шунча кучли маданиятга эга, маънавий бой ҳисобланади[37].

Оиладаги тўғри тарбия дастлаб ота-онанинг намунали, уларнинг ўзаро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг газета ва журналлар, бадиий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши ҳамда уларга оилавий муносабатларини билдириши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Оила ўрнини босувчи бошқа ижтимоий институт ҳали кашф этилгани йўқ. Оила шахс, давлат, жамият ва бошқа ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатларда воситачи ўрнини ўтайди. Оиланинг ўз вазифаларини бажариши авлодлар тарихий изчиллигининг сақланиши, шахс ва жамият ривожланиши жамият тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Оилавий тарбия - бу, аввало ота-онанинг ўзини тарбиялаш демакдир. Ота ва она оила деб аталмиш муқаддас қўрғоннинг устунлари. Улар қанчалик пишиқ ва пухта бўлса, бу қўрғон ҳам шунчалик мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий маънавиятимизда никоҳ ва оилага доир ахлоқий қадриятлар. Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, маънавий-ахлоқий камолотида никоҳ ва оила ҳақидаги миллий ахлоқий қадриятларнинг ўрни. Азалий қадриятларимизда тани сиҳатлик ва маънавий бутунлик уйғун бўлиб келган. Тани сиҳатлик инсоннинг табиий ва жисмоний саломатлиги мезонларини, маънавий бутунлик инсон қалбининг саломатлик мезонларини мужассам этган. Ўзбек оилаларида инсоний муносабат, иззат икром, ҳурмат, эъзоз, муомаладаги очиқлик, меҳмоннавозлик бағрикенглик, тинч ва осуда ҳаёт, хурсандчилик каби хусусиятларни амалда кўрсата олиб ҳаёт мезонига айлантира олишни англатган. Демак, оиланинг бугунги кундаги вазифалари биринчидан, фарзандининг ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий, диний маданияти учун жамият олдида жавобгарлик, ота-оналик бурчига эътибор билан қараш, фуқаролик масъулиятини ҳис этиш, муҳим ижтимоий бурчни бажариш, иккинчидан, фарзандларга турмуш муаммоларини мустақил ҳал этиш усуллари, ўзини таъминлаш ва яшашнинг муносиб даражасига эришиш имкониятларини ўргатиш; учинчидан, ҳаётнинг мушкул вазиятидан чиқиб олиш учун ресурслар, ҳаракатлар кўрсатадиган тизимлар билан узвий алоқада бўлиш, шунингдек бу тизимларнинг самарали ва ташкилий ишларига кўмаклашиш иборат.

Оиладаги қадриятлар, ундаги психологик, ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг бизгача етиб келган илмий меросларида алоҳида эътироф этилган. Бу хусусда Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам таъкидлаб ўтилган. Унга кўра оила соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бенуқсон наслнинг туғилиши соғлом турмуш тарзи, зурриёднинг

[37] .Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. Т.: Фан, 2000. 38-бет.

покизалиги, унинг ақлий, ахлоқий, руҳий, жисмоний, маънавий тарбиясида алоҳида ўрин тутган. Унда таъкидланишича ўсмирлар ўн беш ёшга тўлгандан кейингина етмиш икки хил рангли ипак иплардан тўқилган белбоғ билан белларини ўраш ва ўзларини яхшилик йўлига бахшида этиш учун турмуш қуриш хуқуқига эга бўлган. Лекин ёшларнинг ўзбошимчалик билан оила қуришларига йўл қўйилмаган. Оила қуриш жамоа, ота-она измида бўлган. Шу сабабли, жамоа ва ота-оналар бўлажак келин-куёвларни танлашда обдон ўйлаб иш кўрганлар. «Авесто»нинг «Вендидод» бобида баён этилишича насл соғломлигининг ирсий жиҳатларига алоҳида эътибор берилиб, яқин қариндошлар ўртасида фарзандларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Соғлом авлоднинг туғилиши учун ота-оналар шароб ичмасликка, гиёҳванд моддалар ва бошқа хушдан кетказувчи воситаларни истеъмол қилмасликка даъват этилган. Зардўштийлик таълимотига кўра катта оилалар жамоа оқсоқоли томонидан ҳимоя қилиниб, эгизак фарзанд кўрган аёлларга бир жуфт сигир ёки сариқ туя ҳадя қилинган ва давлат хазинасидан нафақа берилган.

“Авесто”да ҳар қандай ахлоқсизлик ва ғайритабиий ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланади. Фоҳишабозлик, турмуш ўртоғига ҳиёнат қаттиқ қораланади. Бу каби жиноятлар сирасига нафақат оилани бузадиган ва оила қоидаларини заифлаштирадиган, балки бола туғилиши, ёш авлод тарбияси, насл поклигига салбий таъсир кўрсатадиган оила ҳиёнати ҳам кўрсатилган. Бегона аёл билан яшаш, никоҳсиз фарзанд кўриш қатъий таъқиб остига олинганки, ушбу қарашлар бугунги кунда ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу каби жиноятлар қамчи ёки таёқ билан 800 зарба уриш билан жазоланган.[38]

“Авесто”нинг бугунги маънавий- ахлоқий ва тарбиявий талабларга ҳамоҳанг бўлган энг муҳим тамойиллардан бири- берган сўзининг уддасидан чиқиш, аҳдга содиқлик, савдо-сотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва ҳиёнатдан ҳоли бўлиш каби иймонлилик сифатларидан иборат. “Авесто”нинг кўплаб тадқиқотчилари, бу нодир китобда юксак маънавиятлилик ва ахлоқ масалалари ёритилганини таъкидлайдилар. Юксак маънавий сифатлилик Зардуштийликда жаҳолатнинг, ёмонликнинг олдини олишдир. “Авесто”нинг маънавий қоидаларига нафақат соғлик ва жисмоний куч, балки маънавий покликка ҳам алоҳида ўрин ажратилади. Маънавиятлилик меёри сифатида ўз вақтида тўғри овқатланиш буюрилади. Авестода бола тарбияси ва таълимига катта аҳамият берилиб, “Тарбия ҳаётдаги энг муҳим таянч саналиши лозим, ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш керакки, аввал ўқишни, кейин ёзишни ўрганиб олгач, энг юқори даражага кўтарилсин”[39].

Юртимизда етишиб чиққан Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари қаторида Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиноний ўз асарларида инсон, унинг маънавий

[38] Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. –Т.:2001. – 31б.
[39] Очилов С., Ҳошимов.Ҳ. Ўзбек педагогикаси онтологияси. 2-жилд.- Т.:1999. – 126 б.

камолотида оила ва ундаги тарбия, илм, маънавий муҳитнинг муҳим аҳамиятга эгалигини бир неча бор таъкидлаб ўтадилар.

Абу Райҳон Беруний шахс тарбиясида меҳнатга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича ҳаёт ва бахтни мехнатсиз тасаввур этиб бўлмайди, меҳнат билан тарбиялаш –инсон ҳаётининг асосидир. Аллома маънавий тарбияда илмнинг ролини биринчи ўринга олиб чиқади. Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий манбалар ҳам оила тарбияси жамиятдаги тарбия жараёнининг энг муҳим ва нозик жиҳати бўлганлигини кўрсатади. Соғлом авлод мамлакат келажагини таъминловси асосий омил эканлигини яхши англаган Амир Темур раиятнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришини, хонадонларнинг дахлсизлигини,янги барпо бўлаётган оиланинг ҳар жиҳатдан бенуқсон ва поклик асосига қурилишини давлат аҳамиятига молик масала деб қараган.

Шахснинг маънан етуклиги унинг оилада топган тарбиясига боғлиқлиги хусусида XX аср маърифатпарварлари ҳам ўз асарларида бир неча бор таъкидлаб ўтганлар. Жумладан, Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида бола тарбияси хусусида жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Муаллиф бола тарбиясида яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг роли катта эканлигини кўрсатади ва бу соҳада оила, мактаб шароитини ҳам назардан четда қолдирмайди. Тарбия боланинг ахлоқига, хулқ атворига кучли таъсир этишни эътироф этади ва ота – оналарни ўз болалари тарбиясида масъул эканлигини эътироф этади. Унинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун бадан тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, соғлом баданга эга бўлиш учун муаллиф кишининг жисмоний томонига зарар келтирадиган нарсалардан сақланишни тавсия қилади.

Абдулла Авлоний бадан тарбияси масаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикрий томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратади. Болаларни жасоратли, қўрқмас, довюрак қилиб тарбиялашда “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида муаллиф ғоят муҳим фикрларни беради. Бу асарнинг “Шижоат” бобида болани жасоратли қилиб тарбиялашни илгари суради ва қўрқоқликни қоралайди. Жадидчилик намоёндаларининг фикрича янги давр янги тузум учун курашда, энг аввало, оилани ислоҳ қилишдан бошламоқ зарур деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, оила асосини тўғри қурмай туриб ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас.[40]

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлат ва жамиятимизнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Халқимиз учун муносиб турмуш шарт-

[40] Алқаров И.Ш ва бошқалар. Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси. -Т.:2009. – 16 б.

шароитларини яратиш, бунёдкорлик салоҳиятини ошириш, минг йиллик анъаналаримизни тиклаш ва янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ҳамда фахр-ифтихор туйғусини мустаҳкамлашга қаратилгани мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидир. Жумладан, “Ҳаракатлар стратегияси”да оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралган.

Ёшлар психологиясида оилага муносабатнинг маънавий, ахлоқий тамойилларини шакллантириш. Ажралиш ва унинг ахлоқий камолотга салбий таъсири. Ёшлар психологиясида оилага муносабатнинг маънавий, ахлоқий тамойилларини шакллантириш айниқса бугун долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Оилада киши характерининг, унинг меҳнатига, энг муҳим маънавий, ғоявий ва маданий бойликларига муносабатининг асоси шаклланади. Шунинг учун ҳам жамият оиланинг мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлишидан ғоят манфаатдордир. 2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилди. Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида янги қарорлар, дастурлар қабул қилинди. Бугун ҳам ушбу дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Чунки оила мамлакатимиздаги энг олий қадрият саналади. Оиланинг энг муҳим вазифаси эса тарбия ҳисобланади.

Оила – тарбия маскани, айнан шу масканда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги ҳатти – харакат, ахлоқ – одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота – она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, хатти – ҳаракати мазмунига сингиб боради.

Таълим-тарбиянинг ҳамда маънавий ва ахлоқий фазилатларнинг ривожланишида оила унинг негизи, яъни таянчи ҳисобланади. Оилада фарзандларнинг етук инсон сифатида камолга етиши кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. Фарзанд тарбиясининг бу қадар муҳимлиги шунда намоён бўладики, ҳозирги ёшлар эртага бутун юртнинг эгалари, меросхўрлари, давомчилари бўлишади ва шу сабабдан ҳам бутун юртнинг келажаги ҳозирги ёшларга боғлиқдир. Агар оиладаги муҳит яхши бўлса ҳамда фарзандга алоҳида эътибор берилиб унда салбий хислатларнинг пайдо бўлишининг олди олинса, яхши хулқ билан шаклланиб боради. Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари – боболар, момолар, яқин қариндош уруғлари ҳам бевосита иштирок этади. Удумларимизга биноан бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бува ва бувиларнинг таъсири

кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади.

Боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний, маънавий тарбиясида оила асосий омил ва восита ҳисобланади. Шу боисдан ҳам “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури” да бу масалага алоҳида урғу берилган.

Яъни:

- “оила оилавий анъаналарни ҳамда маънавий – ахлоқий меросни сақлаб қолувчи, давом эттирувчи;

- жамиятнинг энг кичик бир қисми бўлиб, боланинг маданий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари ўсишини ва соғлом турмуш тарзини таъминловчи;

- боланинг хулқ – атвори асосларини шакллантирувчи биринчи мураббий;

- ҳаётнинг барча жабҳаларида ёш авлоднинг доимо маслаҳатчиси, йўл – йўриқ кўрсатгувчисидир”, - дейилади.

Оилада баъзида фарзандлар билан боғлиқ муаммолар туфайли, қариндош-уруғларнинг ўринли ва ўринсиз оилага аралашувлари туфайли, касалликлар, етишмовчиликлар туфайли қийин вазиятлар юзага келиши мумкин. Мана шундай дамларда мавжуд ҳолатни ахлоқийлик билан баҳолаб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш эр-хотиннинг иродасига, билимига, ҳаётий тажрибасига боғлиқдир. Мана шу жиҳатларнинг етишмаслиги сабабли ҳам ажралишлар кўпаймоқда. Бундан ташқари, социологлар ажралишларнинг бир қанча сабабларини санаб ўтишган: «Бадавлат кишиларнинг бир қисмини ҳисобга олмаганда, бугунги кунда никоҳ одамларнинг ўз мулки ва мавқеини кейинги авлодга ўтказиш мақсадидаги сайъи-ҳаракатлари мажмуи бўлмай қолди. Аёллар иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши билан никоҳ қачонлардир бўлганидек, иқтисодий шериклик заруриятининг натижаси ҳисобланмай қолди»[41].

Оиладаги руҳий-маънавий муҳитнинг бузилиши, ота-онаси ўртасидаги келишмовчиликлар болаларда ўзининг жуда ёмон асоратларини қолдиради. Чунки оилада камол топаётган фарзандлар ҳам уларнинг муомала-муносабатидан, ўзини тутишидан намуна олади. Муаммоларни объектив баҳолаб, ҳал этиш ўрнига ота сўкинишни одат қилса, ичкиликка ружу қўйса, она сабр-тоқатни унутиб, андишасиз гап-сўзларга эрк берса, фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлса, бундай оиланинг пойдевори дарз кетиши шубҳасиз. Фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасов бу ҳақда шундай ёзади: «Завжаси бебахту ўзи бахтиёр эрни ҳам, эри бебахту ўзи бахтиёр хотинни ҳам учратмадим. Бахт ҳам, бебахт ҳам аҳлда баробар тақсимланади»[42]. Демак, оилавий бахтда ҳам уйғунлик, бир-бирини тушуна олиш муҳимдир.

Бугун маҳаллалардаги комиссиялар томонидан оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига оид масалалар юзасидан бир қатор ижобий ишлар, хусусан оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, оилавий

---

[41] Гидденс Э. Социология. – Т.: «Шарқ», 2002. – 442 б.

[42] Алимасов В. Топган ва топинган битикларим. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – 71 б.

ажримларнинг олдини олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Комиссиялар томонидан олиб борилган амалий ишлар натижасида оилавий ажримлар сони 50 фоизга, нотинч оилалар 30 фоизга қисқарганини таъкидлаш лозим. Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, дейди халқимиз.

Оилани қадрият сифатида тавсифлаш ва жамият ҳаётидаги нуфузини таъкидлаш билан биргаликда, унинг мустаҳкамловчи кафолатли омилларининг ролини ўрганиш, айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2017 йил давомида 306197 та оила жамиятимизга қўшилган бўлса, шу йилгача қайд қилинган никоҳларни 31930 таси бекор қилинган. Таққослаш учун 2016 йилда 275048 та никоҳ қайд қилинган ва 29321 та никоҳ бекор қилинган. Ажралишлар сони 2016 йилга нисбатан 2609 тага ёки 8.1% кўнайган. Ушбу ажралишлар ФХДЁ органлари орқали 621 тага (1.9 %) ва суд қарори асосида 1988 тага (6.2%) кўпайган.

2017 йил никоҳи бекор қилинган оилаларни таҳлил қилинганда 1-8 йилгача ўзаро эр-хотин сифатида яшаб кейин ажрашганлар сони 18575 та ёки 58%, шундан 2 йилдан 3 йилгача бирга яшаб 5174 та (16.2%), 4 йилдан 5 йилгача бирга яшаб 5524 та (17.3%) си ажрашган. 50 йил бирга яшаб “Олтин тўйларини” бўлган 23 та оила ажрашган. 60, 63, 65 ва 67 йил яшаган биттадан оила ажрашган.[43]

Оила ҳаёти шундай мураккаб жараёнки, ҳар бир ҳолат етти ўлчаб, бир кесишни тақозо қилади. Енгил-елпилик, ўзи бўларчилик кетмайди. Оилавий ҳаётда қўйилган биттагина нотўғри қадам бир умрга татиши мумкин. Тинчлик-осайишталик бўлмаган оилада баркамол фарзанд вояга етиши жуда қийин. Бундай оилада фарзанд кўнгли ўксик, руҳи синиқ бўлиб ўсади. Қуш инида кўрганини қилади деганларидек, ота-она фарзандига ўрнак бўла олиши ҳар қандай тарбия воситаларидан устун ва ишончлидир. Болалар ота-онасига тақлид қилишни яхши кўради, оиладаги болага айтиб, гапириб, панд-насиҳат бериб тарбия берилганидан кўра, амалда кўрсатиб, намуна бўлиб тарбиялаш ҳар доим ҳар самарали кечган.

Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Жамиятнинг тинчлиги, барқарорлиги, тараққиёти ёки таназзули, том маънода айтганда экзистенцияси, яъни мавжудлигини таъминловчи ижтимоий меъёрлар яралишига кўра моддий-иқтисодий, сиёсий-ижтимоий омиллар билан белгиланиши мумкин, аммо унинг авлоддан-авлодга узлуксиз ўтиб боришининг бирламчи негизи аввало тарбиядир.

“Тарбия - шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Одам ва

[43] Адлия варизлигининг t/mehuquqiy axboroti

жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади”[44]. Демак берилган таърифдан ҳам билса бўладики, инсониятнинг бутун борлиғи, экзистенциал моҳияти тарбия туфайли рўёбга чиқади ва воқеликка айланади.

Ёш авлоднинг, умуман жамият аъзоларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инқирозга маҳкум. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Ўзбекистоннинг Бирнчи Президенти Ислом Каримов “Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин”[45], деганида ҳақли эди.

Эътибор берсак халқимизнинг луғат бойлигида инсон тарбияси билан боғлиқ бир қатор сўз ва ибораларни учратамиз: ақлий тарбия, руҳий тарбия, аҳлоқий тарбия, маънавий тарбия, ғоявий тарбия, сиёсий тарбия, ижтимоий тарбия, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия ва ҳоказо. Диққат билан назар солинса тарбиянинг аксарият шакллари том маънода кишининг маънавий тарбиясига қаратилганини кўриш мумкин. Маънавий тарбия негизини эса биринчи навбатда ақлий, руҳий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш ташкил этади.

Жамиятимиз, халқимиз онги бундай салбий тушунчалардан ҳоли. Фарзанд тарбияси халқимизнинг ўз қўлида. Бироқ жамиятнинг, ҳаётнинг бугунги жадал ривожи, муносабатларнинг тезлиги баъзан кишини чалғитиб, муҳимни-номуҳимдан ажратиб олишида қийинчиликлар туғдирмоқда. Бизни ўраб турган муҳитда тарбияга таъсир эътувчи омиллар салмоғи ортиб бормоқда. Масалан, телевидение ва радио, кино ва видео маҳсулотлари, турли реклама афишалари, интернет кабилар шулар жумласидандир.

Бугунги ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг, четдан кириб келаётган турли таҳдидларнинг нишони ҳам биринчи навбатда ёшлар, яъни уларнинг онги ва қалбини эгаллаш. Агарки, ота-оналар саодатли умр кечиришни истаса, халқ келажаги порлоқ бўлишини ўйласа, мамлакат тинчлик ва барқарор тараққиётни мақсад қилган бўлса тарбия, тарбия ва яна тарбия масаласи долзарб бўлиб қолаверади. Зеро, улуғ аждодимиз А.Авлоний таъкидлаганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.

Оила шартномасини тузишнинг ахлоқий жиҳатлари. Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган тараққиёт замоннинг ўзгаришига унга мос равишда жамият аъзоларига бўлган талабларнинг ўзгаришига олиб келди. Шу муносабат билан инсон ҳаётига, унинг турмуш тарзига турли даражада таъсир кўрсатувчи янги тушунчалар кириб келаяпти. Айниқса, хусусий

---

[44] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. - 272 б.

[45] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 55-56.

мулкчилик пайдо бўлгач, тафаккуримизда, онгимизда жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Замон талабларига жавоб беришнинг бир кўриниши сифатида турмуш тарзимизга “Никоҳ шартномаси” деган атама ҳам кириб келди. Аслида бу кўпроқ Ғарб оламига хос бўлиб, у ерда турмуш қурган пайтда эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси тузиладики, бир йил ёки икки йилдан сўнг ажралишса қанча товон тўланади ёхуд фарзанд бўлса ёки бўлмаса қанча товон тўланиши ва бошқалар лозимлиги ҳақида олдиндан келишиб олинади. Ёхуд ўртадаги мулк кимга тегишли бўлиши хусусида аввалдан белгилаб қўйилади.

Никоҳ шартномалари (инглизча "marriage kontrakt") ҳозирги даврда Ғарбий Европа давлатларида, АҚШ, Канадада кенг оммалашган. Бу тадбир, дастлаб минг йиллар илгари Греция ва Римда келиб чиққан, яъни эркак ва аёл никоҳ тузишдан аввал мулкий муносабатлари – келгусида орттирадиган мулк ва мерос масалалари ҳақида келишувни расмийлаштиришгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Дастлаб биз учун ғайритабиий туюлган ушбу ҳолат бугунги кунда ҳаётимиздан ўрин олмоқда. Бизнинг жамиятимизда никоҳ шартномаси аввало, менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда аёлни ҳимоя қилишга қаратилган. Чунки аксарият аёлларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишмайди, ажрашмоқчи бўлган чоғида болаларини етаклаганча, “уйингни елкамнинг чуқури кўрсин” деб чиқиб кетаверишади. Бизнинг тушунчамизда эркак киши мардларча бола-чақасига мол-мулкни қолдириб (агар келин-куёв қайнона-қайнотаси билан эмас, алоҳида яшаётган бўлса) елкасига чопонини ташлаб чиқиб кетиши лозим, дейилади. Бироқ айрим ҳолларда бунинг аксига дуч келаяпмиз.

Шу боис, бугунги кунда никоҳ шартномаси долзарб масала ҳисобланади. Никоҳ шартномасининг ахлоқий аҳамияти шундаки, у мулкий муносабатларни тартибга солиш орқали оилани мустаҳкамлайди, эр-хотинни бир-бирига тегишли мулкдан тўғри фойдаланишга ва уни яхши сақлашга, мулкий мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга ундайди ва шу билан биргаликда фуқароларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади, суд орқали мулкни бўлишдек кўнгилсиз тортишувларнинг олдини олади. ФҲДЁ ходимлари ва нотариуслар томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг кучайтирилиши, никоҳланувчиларнинг никоҳ шартномалари қоидалари билан таништирилиши келгусида никоҳ шартномаларининг ривожланиши ва оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий ажримларни бартараф этиш учун кенг имкониятлар яратади.

Таянч тушунчалар

Оила, никоҳ, муносабат, қонун, оила психологияси, давлат, ота-она, фарзанд, оила номуси, ёшлар тарбияси, маънавий, ахлоқий, ижобий, салбий, оқибат, оилавий муҳит, тамойил, психология, миллий, оила шартномаси, камолот, анъанавий, ноанъанавий, тарбия.

Такрорлаш учун саволлар

1. Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат эканини қандай асослай оласиз?
2. Никоҳ ва муҳаббатнинг ўзаро муносабатлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Оиланинг ижтимоий-маънавий муҳит сифатидаги моҳияти.
4. Оила, жамоа ва жамиятдаги намунавийлик тамойилининг ахлоқий тарбияга таъсири.
5. Никоҳ ва оилага доир миллий қадриятлар ҳақида гапиринг.
6. Ёшлар психологиясида оилага муносабатнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини изоҳланг.
7. Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни қандай?

15-МАВЗУ. АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Ахлоқий маданият. Маданият тараққиёти тарихида инсон маданияти аввало унинг ахлоқий маданияти билан белгиланганлигини кузатиш мумкин. Модомики, ахлоқий маданиятда маданий тараққиётнинг умумий қонуниятлари, шу билан бирга, айни унинг ўзига хос хусусиятлари гавдаланар экан, уларни маданият фалсафаси негизида қараб чиқиш мантиқан тўғри бўлади. Ахлоқий маданият маданият турлари ичида кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Ахлоқий маданият жамият аъзолари томонидан ахлоқий тушунча, тамойил меъёрлар, идеалларни ўзлаштириш асосида ахлоқий камолотга етишишдир. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаш ва улардан ўз тажрибаларида фойдаланиш, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш сингари жиҳатларни қамраб олади; шу билан шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади ҳамда давлат ва жамиятдаги ахлоқий даражани юксалтиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, шахсни масъулиятли, сиёсий жиҳатдан идрокли, ахлоқан пок ва маънавий баркамол бўлишида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти катта бўлиб, у инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқлари билан боғлиқдир.

Муомала маданияти ва унинг ижтимоий-тарихий аҳамияти. Ахлоқий маданиятнинг муомала одоби, этикет, касбий одоб каби таркибий қисмлари мавжуд бўлиб инсон ҳаёти, фаолиятида муҳим аҳамият касб этади**.** Муомала маданияти -ахлоқий маданиятнинг таркибий қисмидир.

«Муомала» ибораси ижтимоий тараққиётнинг деярли барча соҳаларида инсоннинг кундалик фаолиятида ҳамда инсонлараро муносабатларга нисбатан бевосита ёки билвосита қўлланилади. Муомала маданияти кенг

маънода инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида тарбияланадиган жараён бўлиб, у оилада, жамиятда, жамоада шаклланади. Муомала маданияти инсоннинг ижодий кучи ва ақлий қобилияти, тафаккур салоҳияти ва дунеқарашининг муайян даражаси ҳисобланади. Муомаланинг «маданият» атамаси билан боғлиқлиги ҳам унинг маънавий ҳаёт соҳасига дахлдорлигидадир. Муомала – бу инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятидаги эҳтиёжнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўзга кишилар билан маълумот алмашиш, уларни тушуниш ва идрок этишнинг ҳамкорликдаги стратегиясидир.

Муомала маданиятида хушфеъллик, хушмуомалалик, ҳаё-иболилик, беозорлик, ширинсўзлик, очиққўнгиллик сингари ахлоқий меъёрлар муҳим саналади.

Муомала одоби бошқа кишиларнинг қадр-қимматини, иззатини жойига қўйиш бўлиб, кўпчилик олдида бир кишига айтиладиган гап бошқаларни ноқулай аҳволга солиб қўяди. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Асосий ахлоқий қадриятлар. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланиб боради. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариши, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Ахлоқий қадриятлар эса ҳар бир киши, миллат, элат, халқнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий, кундалик маиший турмуш фаолиятида нисбатан турғун, барқарорлик касб этиб, ўзлигини билдириб, намоён этиб ниҳоятда қадрланадиган, ардоқланадиган юксак даражада шаклланган ахлоқий сифат ва фазилатлардан иборат.

Ахлоқий қадриятларга инсонпарварлик, жамоатчилик, адолат, қонунийлик, ватанпарварлик, хушмуомалалик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очиқ кўнгиллик ва мардлик, сахийлик ва мурувватлилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самимийлик, сабр-қаноат, ҳаёлилик ва покизалик, ҳомийлик ва саховат, фидойилик, садоқат, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, сиҳат-саломатлик, жасурлик ва бошқалар киради.

Ахлоқий қадриятларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а)Ахлоқий қадриятларнинг мазмунига кўра бурч, ор-номус, виждон, қадр-қиммат, сабр-қаноат, камтарлик, собитқадамлик, ростгўйлик ва ҳоказоларга; шаклига кўра эса ижобий ёки салбий, яъни яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бахт ва бахтсизлик, ҳаё ва беҳаёлик кабиларга ажратиш мумкин.

б) Ахлоқий қадриятларни амал қилиш доирасига кўра:

-шахсий ахлоқий қадриятлар – касбий бурчни бажариш, севгисига садоқатли бўлиш, ҳалол ризқ топиш, сўзининг устидан чиқиш, оила шаънини сақлаш, ҳаромдан ҳазар қилиш;

-миллий ахлоқий қадриятлар-меҳмондўстлик, катталарга нисбатан ҳурмат, саховат, ҳомийлик, ота-онани эъзозлаш, болажонлик ва ҳоказолар;

-минтақавий ахлоқий қадриятлар-дўстлик, яхши қўшничилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳурмат ва бошқалар;

-умуминсоний ахлоқий қадриятлар-инсонпарварлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, ўзаро ҳурмат, қонунийлик, жамоатчилик каби туркумларга бўлиш мумкин.

в) Ахлоқий қадриятларни ахлоқнинг таркибий тузилишига кўра:

-ахлоқий онгда барқарор шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар: жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган кодекслар, нормалар, тамойиллар, мафкуравий ғоялар. Масалан, "Ҳарбий қасамёд", "Шифокор қасамёди", "Ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси" ва ҳ.к;

-ахлоқий амалиётда бевосита қўлланиладиган ахлоқий қадриятлар: яхшилик ёки ёмонлик, адолат ёки разолатдан иборат мақсадни кўзлаб, уни амалга оширишнинг ихтиёрийлик ёки мажбурлаш воситаларини қўллаб пировард натижага олиб келувчи қадриятлар;

-ахлоқий муносабатлар туфайли зоҳир бўладиган ахлоқий қадриятлар: бурч, шартни бажариш, ҳалоллик, сахийлик, камтарлик, уддабуронлик, тадбиркорлик, келишувчанлик, муроса ва ҳоказоларга ажратиш мумкин.

Янги ахлоқий қадриятлар юзага келиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахлоқий қадриятлар барча фуқароларни, миллати, дини, тили, ирқидан қатъий назар ўзбек халқи ўзининг миллий ахлоқий қадриятлари - сабр-қаноат, жамоатчилик, ўзаро ёрдам, саховат, тинчликни ардоқлаш, шукроналик каби ахлоқий фазилатларини намойиш қилиш орқали тинч-тотув яшашга чорлайди ва уни таъминлайди.

Қадриятлар тизимида **диний қадриятлар** ҳам муҳим ўрин тутади ва улар ахлоқ, ахлоқий қадриятлар билан узвий боғлиқ. Диний қадриятларнинг мавжудлиги диний таълимотларга асосланса-да унинг ривожланиши жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий тараққиёти билан мустаҳкам боғланган. Улар халқимизнинг турмуш тарзи ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида буюк бобокалонларимизнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларини нашр қилиш, юбилейларини нишонлаш мамлакатимизда одат тусига кириб, миллатимизнинг ҳар томонлама уйғониб, камол топишига кенг имконият яратмоқда. Хусусан, ислом фалсафаси асарларини, диний уламо ва алломаларнинг меросини нашр қилиш, ўрганиш, тарғиб этиш халқимизнинг исломий қадриятлардан бахраманд қилишга катта йўл очди.

Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги. Касб этикаси (одоб-ахлоқи) – одамларнинг касбий фаолиятидан келиб чиқадиган ўзаро муносабатларнинг ахлоқий йиғиндисидир. Тарихда касб одобининг шаклланиши қадимга бориб тақалади. Илк касбий-маънавий талабларни қадимги Мисрда пайдо бўлган "Пхатотеп ўгитларида" учратиш мумкин. Ушбу пандномада меҳнат орқали бойлик ва юқори мавқега эришиш учун ўз

вазифасини виждонан бажариш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, Қадимги Юнонстонда пайдо бўлган Гиппократ қасами ҳам касб одоби кодекси зарурияти, унга эҳтиёж авалдан бўлганлиги, биринчи навбатда, у касбий фаолиятни ахлоқий жиҳатдан изга солиш, маълум қоидалар доирасида иш юритиш, турли мураккаб ҳолат ва вазиятларда касбий-инсоний нуқтаи назарлардан тўғри хатти-ҳаракат қилиш мезонларини яратиш, шунингдек, касбларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида пайдо бўлганидан далолат беради.

Шарқда ҳам касб одоби масалаларига катта эътибор қаратилган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний” асари бешинчи бобининг ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи фасллари турли касб эгалари одобига бағишланган. Масалан, ўн тўртинчи фасл «Касб-кор ва савдо-тижорат одоби ҳақида» деб номланади ва умуман касб эгаси, айни пайтда, савдо-тижорат аҳли одоби қонун-қоидаларини баён этади. “«Билгилким, ҳамма касбларга бирдай таъллуқли қисқача қоида-адаблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор. Агар барча касблар учун зарурий одоблар хулосаси нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил: ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол-маблағдан пок сақласин; ризқ-рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансин, касбни мол-дунё тўплашга сарфламасин; касбни обрў олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби, деб билсин; моли ҳаром одамлар (амалдорлар, порахўрлар, қароқчилар, ўғрилар, қиморбозлар, каззоб дўкондорлар) билан муомала қилмасин...».[46]

Кошифий сотувчи одоби, харидор одоби, ходимлар (хизматкорлар) одоби, маддоҳлар одоби сингари масалаларда ҳам худди шундай асосли фикрлар билдиради. Сотишнинг саккиз одоби, сотиб олишнинг ўн икки одоби борлигини баён этади. Сотиш одоби ҳақида харидорга мулойим гапириш, дағаллик қилмаслик, ўлчовдан, яъни тарозидин урмаслик, харидорни алдамаслик кабиларни айтиб ўтади.Сотиб олиш одобида эса молни ҳалол пулга сотиб олиш, қалбаки, сохта пул бермаслик, сотувчига қўпол гапирмасликни таъкидлаб ўтади.[47] Касбий одобнинг барча учун бирдек тааллуқли ҳисобланмаган, балки муайян касб-кор эгаларигагина мансуб бўлган ижтимоий хулқ атвор қоидалари, меъёрлари мавжуддир. “Касб одоби” атамаси “кишилар ўртасидаги касб фаолияти билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодексидир”. [48]

Касб ахлоқи касб одобига нисбатан кенг тушунча. Чунки касб одоби касб ахлоқи таркибига кириб унга шахс хулқ-атвори асос бўлса, касб ахлоқи хулқ-атвор билан биргаликда, умуминсоний ахлоқий касбий меъёрларга асосланади. Касбий ахлоқ инсоннинг касбий бурчлари ўз касбига бўлган муносабатини белгилайдиган ахлоқий меъёрлар мажмуи бўлиб, у кишиларни у ёки бу касбга мансублигига қараб бирлаштиради.

---

[46] Ҳусайн Воиз Кошифий.Футувватномаи Султоний Ахлоқий Муҳсиний.Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти Т.2011, Б - 83.

[47] Ўша манба Б.84

[48]Словарь по этике. – М.: Политиздат, 1981.– С. 274.

Масалан, раҳбарликнинг ахлоқий жиҳатлари борасида таъкидлаш жоизки, бу борадаги касб одоби қонун-қоидалари фақат кабинетларда эмас, балки, халқ билан мулоқот жараёнида шаклланади Раҳбар ходимлар фаолиятидаги камчилик сифатида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев “Айрим идоралар ва уларнинг рабарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда”, дея таъкидлагани бежиз эмас. [49] Зеро, касбий омилкорлик, ўз ишини яхши билиш, қайси касбдан қатъий назар ахлоқий меъёрларнинг ибтидосидир. Касб одоби меъёрларининг мазмуни, уларнинг амалийлиги у ёки бу масалаларни ечишда ёрдам беради.

Тиббий ва экологик тарбиянинг ахлоқий асослари. Тиббий тарбия ҳар доим ҳам муҳим аҳамияга эга бўлган масалалардан бўлиб келган. Чунки у инсон мавжудлигининг шартларидан бири жисмоний соғломлиги билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун қадимдан ҳам инсоннинг жисмоний жиҳатдан соғлиги, меҳнат, тозалик, озодалик билан боғлиқликда қаралган. Бу хусусда бебаҳо қадриятларимиздан бири “Авесто” китобида ҳам тўхталиб ўтилган. Яъни наслнинг, зурриёднинг соғлом бўлиши борасида бундан 3000 йил илгари аждодларимиз қайғуришган.

Фан - техника тараққиёти, аҳоли сонининг ортиб бориши, жамиятнинг табиатга таъсирини кучайтириб, экологик вазиятни мураккаблаштирмоқда. Шунга кўра, экологик мувозанатни барқарорлаштириш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Зеро, табиат инсоният учун бебаҳо қадриятдир. Инсон табиат билан бирга яшайди. У табиатга таъсир этибгина қолмасдан, унга боғлиқ ҳамдир. Ана шу ҳолат кишиларнинг атроф-муҳитга, табиатга бўлган муносабатларини мувофиқлаштиришни тақазо этади.

Бугунги кунда фан-техника жадал суръатлар билан ривожланиб, инсон ва табиат ўртасидаги табиий мувозанат бузилаётганлиги оқибатида атроф-муҳитга катта зиён етказилмоқда. Она табиатга истиқболни кўзлаб муносабатда бўлиш, келажак авлодга уни гўзал ва табиийлигича қолдириш – бугунги куннинг муҳим вазифаси.

Марказий Осиё ҳудудидаги халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи орасида авлоддан авлодга ўтиб келган бир қоида мавжуд. Бу ҳар қандай шароитда ҳам: энг кам миқдорда хом ашё, вақт ҳамда куч сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш қоидасидир. Бунинг тежамкорлик, экологик жиҳати халқ орасида «увол» деган сўзнинг жуда кенг тарқалганлиги ва унга амал қилинишидан иборат.

Инсоннинг ҳар қандай экологик фаолияти ўзини ва ўзи яшаётган табиий-ижтимоий муҳитни ахлоқий ҳамда эстетик ўзлаштириш жараёнидир. Шу жумладан, экологик маданиятни юксалтириш инсоннинг табиатни мақсадга мувофиқ ахлоқий ҳамда эстетик ўзлаштиришдан иборат махсус фаолиятидир.

---

[49]Мирзиёев Ш.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т.:Ўзбекистон, 2017. - 10 б.

Соғлом турмуш тарзининг баркамол авлод ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти. Жисмонан соғ, маънан баркамол, зарарли таъсирлардан, салбий хислат, иллатлардан холи, тоза, пок, соғлом фикрли авлодни, соғлом наслли, жисмоний бақувват, руҳи тетик, фикри тиниқ, иймон-эътиқодли, маънавиятли, мард ва жасур, ватанпарвар шахсни тарбиялашда ҳар бир жамият аъзоси олиб бораётган турмуш тарзи жуда катта роль ўйнайди. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, ота-онанинг соғлигига боғлиқ. Соғлом оила бўлмаса, баркамол авлод ҳам, истиқболи порлоқ миллат ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу масалага ниҳоятда катта эътибор бериб келинмоқда.

Инсон узоқ умр кўриш ва тинч ҳаёт кечириш мақсадида соғлом, тетик ва бақувват бўлиш, ўз ёшлиги, ҳусни ва ишчанлик қобилиятини сақлашга ҳаракат қилади. Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири жисмоний ҳаракатдир.

Соғлом турмуш инсон фаровон ҳаёт кечираётганидан далолат берувчи омиллардан биридир. Соғлом турмуш кечириш учун организмни табиий муҳитнинг турли шароитларига чиниқтириш талаб этилади. Саломатлик инсоннинг руҳий осойишталиги ва ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига қарши тура олиш қобилиятидир. Организмни чиниқтириш, жисмоний машқларни бажариш, совуқ сувда чўмилиш ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг қаршилигини кучайтириш омиллари ҳисобланади. Чиниқиш – бу организмни сув, қуёш ва ҳаво таъсирида секин-аста мослаштириб бориш механизмидир.

Замонавий ахлоқий тарбияда космополитизмга мойиллик. Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни ҳаётимизга тез суратлар билан келмоқда. Унинг ижобий томонлари биринчи навбатда турли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига хизмат кундан-кунга кенгайиб ва ранг баранглашиб бормоқда. Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар бузғунчи кучлар учун жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ҳам бундай “айни муддао” бўлди. Улар зудлик билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабиҳ ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар.

Тараққиётга таҳдиднинг зомонавий кўринишларидан бири бу “Оммавий маданият” бўлиб, у ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ғарбда “поп култура” номи билан вужудга келган, Унинг асосий мақсади инсоннинг маънавий юксалишига тўсқинлик қилиш, миллий маданиятлар чегарасини бузиб, бир хилликни ўрнатишдан иборатдир. У миллат, маънавият, қадрият каби тушунчаларни инсон онгидан бутунлай ўчириб ташлаб, манқуртга айланган оломонни шакллантиради. Бугунги кунда “оммавий маданият” Ғарб дунёсидаги маданий ҳаётни издан чиқариб, оила, никоҳ, ахлоқбилан боғлиқ қадриятларга путур етказган ҳолда бутун оламга гиёҳвандлик, гомосексуализм, СПИД, эгоизм, садизм каби иллатларни тарқатмоқда. Бу каби иллатларни ўзида мужассам этган этган ”оммавий маданият” глобаллашув шароитидаги ахборотнинг шиддатли оқимидан фойдаланиб,

миллий маданиятлар қиёфасини ўзгартиришга ва халқлар турмуш тарзинияқинлашувига сабаб бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда “ оммавий маданият” дунёда бир хилликни шакллантирмоқда. Инсон ҳаётида бир хиллик зерикарли ва мазмунсиз яшашга олиб келади.

Глобаллашувнинг энг долзарб бўлган маданиятлараро муносабатлардаги бу тенденциялари бизнинг давримизда зиддият кўринишини касб этмоқда. Ана шундай “маданий қараш”лардан бири космополитизм (юн. Kosmorolites- дунё, олам, дунё фуқароси) бўлиб, бу оқим тарафдорлари ягона дунё, универсализм ғоясини илгари сурадилар. “Ягона дунё эркин фуқароси”нинг бу ғояси гўёки ҳар қандай миллат ва мамлакат манфаатларидан устун туради. Уларнинг қарашларига кўра ҳеч қандай миллат ёки мамлакат йўқ, ҳамма бир хил дунё халқларидир. Бу ғоя ҳам “Оммавий маданият”нинг кўринишларидан биридир.

Миллий маданиятимиз ҳар доим таҳдидларга учраб келган. XX асргача гегемонликни истаган босқинчи кучларнинг қаршилигига учраб келган бўлса,эндиликда мафкуравий қурол бирламчи бўлган глобал замонамизда ҳудуд танланган қатор муаммолар таҳдид солмоқда. Бу муаммолар маданий чегараларни бузиб, миллий бирликларга баъзан ошкора,баъзан эса яширин равишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. “Оммавий маданият ” миллат ва халқ танламайди. Шу боис кўп миллатли Ўзбекистон халқи унинг ҳар қандай шаклларига йўл бермасдан ягона миллий мафкура атрофида бирлашиши мақсадга мувофиқдир.

Юксак ахлоқни тарбиялашда технологиянинг ижобий ва салбий таъсири. XX асрда илмий-техникавий тараққиёт натижасида биосфера ичида ноосфера яъни техникавий муҳитнинг пайдо бўлди, инсоният “табиат-жамият-инсон-техника” муносабатлари уйғунлигининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Бу тарихий давр ўз реал имкониятлари, объектив тараққиёт қонуниятлари билан жамият олдига турли муаммоларни қўймоқда. Техника қудрати ошган сайин унга мослашиш, у билан ҳамкорлик ҳам мураккаблашиб бормоқда. Автоматлаштирилган ақлли машина билан ҳамкорлик жараёнида уларга бўлган муносабат ўзгариб бормоқда. Яқин-яқингача инсон техникани назорат қиларди, аммо у мураккаблашиб борган сайин ишлаш принципини тушуниш қийинлашиб, ҳаракатларини билиш мураккаб бўлиб бормоқда. Компюьтер, мобил телефонлар пайдо бўлганидан буён инсон жаҳлдор ва асабий бўлиб бораётгани тадқиқотчилар томонидан таъкидланилмоқда.

Техник тараққиётни, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини тўхтатиш, инкор этиш мумкин эмас. Шундай экан, техноген цивилизацияда инсон техноген маданият-фан амалиёти, техниканинг янгидан-янги шакллари, уларни ишлата билиш уқуви ва маҳоратига эга бўлиши тақозо этилади. Айни пайтда инсон маънавиятининг субстанцияси, ижодий куч қуввати ва ўз ўрнида ҳар бир инсон ижодий қувватининг инъикоси бўлган меҳнатда техниканинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани барчага маълум.

Техника ривожининг кўп йиллик тарихи бизнинг техник билимларимиз, ихтирочилик, конструкторлик қобилиятимиз фан, инсон

эҳтиёжлари, яшаш муҳити ривожига мувофиқ доимий мукаммалашиб боришини кўрсатмоқда. “Инсон ва машина” муносабатлари тобора янгича мазмун касб этиб бормоқда. Аммо ҳар қандай ривожланган техника ҳам ижтимоий масалаларни инсонсиз ҳал эта олмайди. Мамлакат тараққиёти тақдирини техникавий билими, ҳозирги замоннинг мураккаб технологияларини эгаллаш билан бирга маънавий жиҳатдан етук, баркамол одамлар ҳал қилади.

Биоэтика –амалий этиканинг назарий асоси. Техник ва технологик жиҳатдан ривожланган замонда илм-фанл ривожи жамиятнинг барча соҳаларига таъсир этиб қолмасдан илож йўқ . Тараққиёт биокимё, биофизика, биоэтика каби янги фанларни юзага келтирди. “Ҳозирги замон фанида биоэтика тирик мавжудолар шу билан бирга, инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг аҳлоқий регулятиви деб қаралади. Биоэтикани мақсадларидан бири шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти- харакати руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма- хил тадқиқотларни чеклаш мезонларни ишлаб чиқади”.[50]

«Биоэтика» атамасини америкалик машҳур онколог врач, олим ва инсонпарвар Ван Ранселер Поттер (1911-2001) илмий муомалага киритди. «Биоэтика» атамасини Поттер«Биоэтика – келажакка кўприк» деб аталган мумтоз китобида биринчи марта қўллаган. Поттернинг асосий ғояси ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш муаммоларини ҳал қилиш учун гуманитар фанлар ва биология фанининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни назарда тутади. Поттернинг фикрига кўра, биоэтика инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш ва бутун кишилик жамиятининг соғлиқни сақлаш учун тиббиёт этикаси билан атроф муҳит этикаси (экоэтика)ни жаҳон миқёсида бирлаштирувчи кўприк бўлиши лозим.

“Биоэтика” тушунчаси инсоннинг бутун тирикликка муносабатини кўриб чиқадиган масалалар соҳасини назарда тутади. Биология ва тиббиёт соҳасидаги билимларнинг тараққиёти, тиббиёт янги имкониятларининг ривожланиши анъанавий этика илгари дуч келмаган муаммоларни келтириб чиқарди. Амалда биоэтика амалий этикага айланди ва асосий эътиборни амалий тиббиётнинг ахлоқий муаммоларига қаратди.

Бугунги кунда замонавий биоэтиканинг эфтаназия, клонлаштириш, аборт билан боғлиқ муаммолари мавжуд.

Яратувчанлик ва бунёдкорлик фазилати Аллоҳ яратган барча жонзотлар ичида энг мукаррами ҳисобланган инсонга кўпроқ берилган. Баъзида эса фазилатни ўрнини ўзига боғлиқ ҳолда бузғунчилик иллати эгаллаб олади. Бу ҳолат индивид даражасидан инсон даражасига шаклланаётган она қорнидаги болага нисбатан аёлни ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳомилани ривожланишини суъний йўл билан тўхтатиш (аборт) билан боғлиқ холатлар тиббий ахлоқий муаммо сифатида бугунги кунда жуда ҳам кўп учраб туради. Масалан, “Европада учта мамлакат Шимолий Ирландия, Мальта ва Ирландия

[50]Фалсафа қомусий луғати.- Т.:Шарқ, 2004. – 56 б.

Республикасида аборт тақиқланган. Статистик маълумотларга кўра, абортлар сони туғилишлар сонидан кам эмас. Баъзи мамлакатларда эса қайд этилган абортлар сони туғилишлардан кўп . Россияда баъзи туғруқхонлар аборт миқдорининг кескин ортиши туфайли руҳонийга ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Ҳатто шифокорлар аёлларга операциядан олдин роҳиб билан суҳбатлашишни шарт қилиб қўйишмоқда. Шунинг таъсирида абортдан воз кечганлар сони ортгани таъкидланмоқда“.[51]

Биоэтика тадқиқотлар соҳаси, ижтимоий мунозаралар ва ахлоқий қарорлар қабул қилиш майдони сифатида мамлакатимизда ўзининг дастлабки қадамларини ташламоқда. Жаҳоннинг кўпгина атоқли мутафаккирлари инсоният янги минг йилликда яшаб қолиши учун вайронкор анъаналар ва ажралишдан янгиумумбашарий дунёқарашга йўл топиши зарурлигини кўрсатмоқда. Уларнинг мазкур қарашлари Халқаро Инсонпарварлик Академияси томонидан 2000 йилда чиқарилган инсонпарварлик манифестида акс эттирилди. Унда қуйидаги сўзлар бор: “Янги дунёқараш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, инсоннинг эркинлиги ва қадр-қимматини янада ошириши, шунингдек, бизнинг бутун инсоният олдидаги мажбуриятларимизни қайд этиши лозим.”

Таянч тушунчалар

Муомала одоби, ахлоқий маданият, касбий одоб, соғлом турмуш, санъат, “оммавий маданият”, тиббий тарбия, экология, экологик тарбия, қадрият, биоэтика, юксак ахлоқ, баркамол авлод, космополитизм, дунёқараш, технология, маданият, техника, шахс.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муомала одобининг ахлоқий асоси нимада?
2. Зиёлилик ва маданиятлилик тушунчалари ўртасидаги фарқни изоҳланг?
3. Бугунги кун ёшларининг ахлоқий дунёқарашига хос қадриятларни тушунтиринг?
4. Ёшлар ахлоқий тафаккурига таҳдид солувчи иллатларни кўрсатинг?
5. Ахлоқий маданиятнинг касбий одобда қандай намоён бўлади?
6. “Оммавий маданият”нинг ғайриахлоқий кўринишлари ҳақида гапиринг.

---

[51] Қаранг: Узбекистан. Общая оценка страны. ООН. 2003. -3 с.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ЭСТЕТИКА: НАФОСАТ ФАЛСАФАСИ

16-МАВЗУ. ЭСТЕТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. “Эстетика” фанининг фалсафий моҳияти ва у ҳақидаги қарашлар
2. Эстетика категориялари ва уларнинг таснифи.
3. Гўзаллик ва унинг муқобиллари.
4. Улуғворлик ва тубанлик категориясининг моҳияти.
5. Фожеавийлик ва кулгулилик категорияси.
6. Эстетика категорияларининг ўзаро алоқадорлиги ва аҳамияти

“Эстетика” фанининг фалсафий моҳияти ва у ҳақидаги қарашлар. Эстетика энг қадимги фалсафий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин фақат XVIII аср ўрталарига келиб “Эстетика” (юнон. aisthetikos – ҳис қилинадиган) атамасини дастлаб Германиядаги Вольф мактабининг файласуфи Александр Готлиб Баумгартен (1714-1762 йиллар) 1735 йилда ёзган “Поэтик асарга доир баъзи масалалар хусусида фалсафий мулоҳазалар” номли асарида илмий муомалага киритди ва унинг санъатда ёрқин намоён бўлишини кўрсатиб берди.

Дастлаб эстетика “Санъат фалсафаси” ва “гўзаллик фалсафаси” сифатида талқин этилган. Чунки, санъат эстетиканинг объекти бўлиб, унда эстетик хусусиятлар бўртиб кўзга ташланади. Эстетика бадиий асарнинг яратилиш арафасидаги шарт–шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, асл эгаси – идрок этувчига етиб боргунигача бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади ҳамда улардан назарий хулосалар чиқаради. Лекин, санъат бу фаннинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда эстетика дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам эстетика шуғулланади.

Эстетиканинг “Гўзаллик фалсафаси” сифатида талқин этилишининг маъноси шундаки, у фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Чунки, эстетиканинг асосий тадқиқот объекти – гўзаллик, бироқ, санъат ҳам ўз навбатида эстетиканинг гўзаллик каби кенг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади. Эстетика фани вужудга келган дастлабки даврда эстетик тафаккур тарихи, эстетиканинг назарий-методологик муаммолари, санъат, эстетик тарбия каби масалаларини ўз ичига қамраб олган бўлса, бугунги кунда унинг тадқиқот

объекти кенгайиб бормоқда. Хусусан, экоэстетика, ишлаб чиқариш эстетикаси, маиший турмуш эстетикаси, дизайн, замонавий шаҳарсозлик эстетикаси, табиат эстетикаси ва ҳоказо.

Эстетика – фалсафий фан сифатида барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, эстетика ишлаб чиққан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор: эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Аввало, у кундалик ҳаётимизда нафосат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим. Ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, “оммавийчилик санъати”ни рад қила олишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, эстетика жамиятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини унинг санъат асарига ёндашувида кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот объектига уч томонлама- назарий, тарихий, танқидий жиҳатдан ёндашади. Масалан, адабиётшуносликни олайлик. Адабиёт назарияси фақат адабиётгагина хос бўлган бадиий қонуниятларни, бадиий қиёфа яратиш усули ва воситаларини ўрганади. Адабиёт тарихи муайян тарихий-бадиий жараёнлар орқали бадиий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Адабий танқид эса адабий-бадиий ижоднинг замонавий жараёнларини тадқиқ этади ва ҳар бир янги асарни баҳолайди, асар ижодкорининг ижодий ривожланишини кузатиб боради. Мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва бошқа санъат турларида ҳам шундай. Эстетикада эса тадқиқот объектига ёндошув уч эмас, биргина–назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам, танқид ҳам назарияга бўйсундирилади.

Эстетика фан сифатида илмий, маърифий, бадиий тараққиётнинг ўзига хос муаммолари доирасида бахс юритади, таҳлил қилади, ўрганади ва ўргатади. Эстетиканинг энг асосий функцияларидан бири дунёқарашни шакллантириш бўлиб, ушбу функция бадиий ижод билан шуғулланувчилар ва ижодий фаолият учун жуда зарур. Айниқса, ранглар жилосини хис қилиш, мусиқа сеҳрини англаш, асардан хулоса чиқариш айнан ушбу функциянинг таъсирида рўй беради. Зеро, дунёқараш ижодкорни бошқаради, ижод жараёни ривожига кўмак беради. Эстетиканинг билиш функцияси эса санъат асарини билиш ва баҳолаш фаолияти натижаларини, семантик ва прагматик ахборотни етказиб бериш, ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, “оммавийчилик санъати”ни рад қила олишда муҳим аҳамиятга эга.

Янги кўринишдаги иқтисодиётнинг эстетик асосларига, тадбиркорлик фаолиятига эстетик тус беришга, бунёдкорликни намоён этишга имкон берадиган функция бу яратувчанликдир. Айниқса, гўзал қадриятларни дунёга танитиш, халқнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган

персонажларни яратиш орқали инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиришга хизмат қилади. Эстетиканинг энг муҳим функцияларидан яна бири, методологик функция бўлиб, ушбу функция бадиий асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисанинг моҳиятини ўқувчига тўлақонли етказиш имконини беради, асарни билиш ва уни худди ҳаётдагидек идрок қилинишини осонлаштиради. Бундан ташқари, бу функция эстетик масофани тақозо этади: масофа туфайли бадиий реаллик идрок этилади.

Эстетика фани ўз мақсади ва вазифаларини уйғунлик, яхлитлик, ифодалилик ва мақсадга мувофиқлик тамойиллари орқали амалга оширади. Ушбу тамойиллар орасида эстетик муносабатларда кўпроқ кўзга ташланадиган уйғунлик ва мақсадга мувофиқликнинг моҳияти ҳақида қуйидаги фикрларни айтиш мумкин.

Одатда, фанга тегишли қонунлар ҳодисаларнинг ҳамма хусусиятларини эмас, балки ҳодисалардаги умумийликни акс эттиради ва ундаги мустаҳкам барқарорликни ифодалайди. Бироқ, ҳодисалар айни бир вақтда бир-бирига ўхшайди ва бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, воқеликни эстетик ўзлаштиршнинг олий шакли бўлган санъатга умумий ва хусусий қонунлар тегишли бўлиб, уларга бадиий ижод жараёни ҳам, санъатнинг ижтимоий олами ҳам таълуқлидир. Улар санъатнинг антропологик, генетик ва гносеологик мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Шунга асосан “Эстетик фаолият қонуни”, “Бадиий ижод қонуни”, “Бадиий жараён қонуни”, “Бадиий идрок қонуни”, “Эстетик идрок қонуни” каби қонуниятлар тизими шаклланган.

Ушбу қонунлар оламни эстетик ўзлаштириш жараёнининг моҳиятини изоҳлайди ва қуйидаги натижаларга олиб келади:

1)воқеликнинг эстетик хусусиятлари инсон томонидан олам ҳодисаларини тасаввур қилиш, англаш ҳамда тажрибага таянган ҳолда инсоният олдига қадриятларни ўрганишни вазифа қилиб қўяди.

2)эстетик фаолият предметлар олами ва инсоний идеални ботиний туйғулар асосида ўзлаштириш натижасида юзага келади, у умуминсоний қадриятларга оқилона муносабатни шакллантиради ҳамда эркин ижодкорлик муҳитини яратишга кўмак беради.

Эстетика фанида кўп амал қиладиган қонунлардан яна бири “Бадиий ижод қонуни” ҳисобланади. Бадиий ижод жараёни бошқа барча ақлий меҳнат турларидан катта фарқ қиладиган меҳнат тури бўлиб, унда меҳнат қандайдир сирли руҳ билан амалга ошади, дейди. Чунончи, бадиий ижод жараёнининг ибтидоси санъаткорнинг муайян ғояни ёки ғоялар тизимини бадиият орқали бошқаларга етказиш истаги билан боғлиқ бўлиб, бу ғоявий ниятда акс этади. Ғоявий ният кўзга илғамайдиган даражада нозик ва кўз илғамайдиган даражада миқёсликка эга. Чунки ғоявий ният ўз номи билан ғояга тааллуқли, у ижодкорнинг дунёқарашининг меваси, бутун асарнинг пойдевори. У бадиий асарнинг мавзуи, шакли, мазмуни, “тили”, бадиий воситалари қандай бўлиши кераклигини белгилаб бериш учун улар билан “кураш олиб боради”. Баъзан уларни ўзига бўйсундиради, баъзан эса уларга бир оз ён бериб, маълум нуқталарда ўзгаради, “шароитга мослашади”. Ғоявий ниятни шу боис ҳеч

қачон тўлиқ амалга ошган эстетик ҳодиса сифатида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда “Бадиий ижод қонуни”нинг асосий кампоненти ҳисобланган “ижод”ни инсон тараққиёти учун аҳамиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Яъни ижод: а) муайян бадиий услуб ёрдамида шахс ва жамиятнинг маданиятини юксалтиради; б) образли тафаккур ёрдамида бадиий оламнинг асл ва бетакрор моҳиятини англаш имконини беради; в) олам гўзаллигидан завқланиш, изтироблардан фориғ бўлиш ва яратувчанликка рағбатни пайдо қилади.

Эстетиканинг қонуниятлари нарса-ҳодисалар ва воқеликдаги жараёнларнинг эстетик мазмунини турли ракурсда ўрганса-да, эстетика учун умумий бўлган метақонун - “Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати қонуни”га амал қилади. Бу қонун ёрдамида эстетика ўз тадқиқот обьектининг предметини конкретлаштиради, функцияларини белгилайди.

Эстетиканинг ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги. Этика ва эстетика фанлари шу қадар бир–бирига яқинки, ҳатто баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки инсоннинг хатти–ҳаракати ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик, ҳам нафосат хусусиятларини ўзида бирваракай мужассам қилади. Шу сабабли Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни – ички гўзаллик, нафосатни – ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар.

Дарҳақиқат, ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши орқали юзага келади; одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз. Муаяйн хатти–ҳаракат содир қилинганидан кейингина биз уни ё эзгулик, ё ёвузлик, ё яхшилик, ё ёмонлик сифатида баҳолаймиз. Гўзаллик эса, ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Олайлик, Кўкалдош мадрасаси. У ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд, ҳаракатсизлигидан унинг гўзаллигига путур етмайди. Бундан ташқари, ахлоқнинг қонун-қоидалари, насиҳатлар, ҳикматлар умумийликка, барчага бир хилда тааллуқлилик хусусиятига эга. Эстетика эса муайянликни, аниқликни ёқтиради. Масалан, ахлоқшуносликдаги “яхши одам” тушунчаси ҳаммага–аёлга ҳам, эркакка ҳам, ёшу–қарига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Эстетикада эса “гўзал одам” тушунчаси йўқ; ё “гўзал йигит”, ё “гўзал қиз” деган тушунчаларгина мавжуд. Демак, ахлоқ учун–умумийлик, нафосат учун эса–муайянлик мавжудлик шарти ҳисобланади.

Эстетика Психология (Руҳшунослик) билан узвий боғлиқ. Маълумки, инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганар экан, руҳшунослик, ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни, санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий ҳарсанг тош кишида алоҳида бир ҳиссий таассурот уйғотмайди. Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг, ундан ҳаёт нафаси, инсоний ҳиссиётлар уфура бошлайди. Гап бунда тошга одам қиёфаси берилганида эмас, балки шу қиёфага бир лаҳзалик инсоний туйғуларнинг жамланганидадир. Бошқачароқ

қилиб айтганда, ижодкор тошга ўзи томошабинга етказишни мақсад қилиб қўйган ҳиссиётларнинг суратини чизади ва оддий тошни ҳақиқий санъат асарига айлантиради. Агар ижодкор–ҳайкалтарош ана шу ҳиссиётларни ўзи мўлжаллаган даражада томошабинга етказа олса ва томошабинда ўша ҳиссиётларга ё айнан, ё монанд туйғулар уйғота олса, мазкур ҳайкал ҳақиқий санъат асари ҳисобланади. Эстетика ҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қай даражада ўтган–ўтмаганлигини, яъни, бадиий қиёфа қанчалик пухта яратилганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди. Руҳшунослик эса ана шу хиссиётларнинг ўзини ўрганади. Бундан ташқари, руҳшунослик асар ғоясидан тортиб, то бадиий асар–эстетик қадрият вужудга келгунга қадар бўлган ижодкорнинг ҳиссиётлар оламини тадқиқ этади. Албатта, бундай тадқиқ ва таҳлиллар ўрганишлар алоҳида–алоҳида, мухтор ҳолда эмас, балки иккала фаннинг бир–бири билан ҳамкорлиги, бирининг иккинчиси ҳудудига ўтиб туриши воситасида рўй беради. Шу боис, руҳшуносликка ҳам, эстетикака ҳам тенг алоқадор бўлган санъат руҳшунослиги ва бадиий ижод руҳшунослиги деб аталган йўналишлар мавжуд.

Социология (Ижтимоийшунослик) фани билан алоқадорлиги. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани ҳолда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадиий тадқиқ этади. Ҳатто инсон ва жамият бевосита акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам ижтимоийлик жамият аъзоси–муаллиф қарашларининг билвосита инъикоси бўлмиш услубда ўзини кўрсатади. Зеро асар муаллифи ҳеч қачон ўзи мансуб жамиятдан четда «томошабин» бўлиб туролмайди. Шунингдек, йирик асарлар социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини ўрганади; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ўқувчи ва томошабинларнинг ижтимоий–демографик ҳолатларини тадқиқ этади; шахс ижтимоийлашувида санъаткор ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиш учун махсус санъат социологияси соҳаси ҳам мавжуд. У ҳам ижтимоийшуносликка, ҳам эстетикака бирдай тегишлидир. Айни замонда, муайян санъат асарлари, жанрлари ва турларининг жамиятдаги мавқеини аниқлаб берувчи махсус социологик сўров усуллари ҳам мавжудки, улар шубҳасиз, санъат тараққиётига, эстетиканинг санъат соҳасида тўғри йўналиш танлашига кўмаклашади.

Диншунослик фани билан алоқадорлиги. Дин, эстетика ва санъат доимо бир–бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига, ҳар бир умумжаҳоний диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор: буддачилик учун–ҳайкалтарошлик, насронийлик учун–тасвирий санъат, мусулмончилик учун–бадиий адабиёт. Шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақозо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморлик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум.

Умуман олганда, динлар деярли барча санъат турлари билан алоқадорликда иш кўради. Асрлар мобайнида ана шу алоқалар натижаси ўлароқ, санъат асарининг ўзига хос кўриниши – диний–бадиий асар вужудга келди. “Абу Муслим жангномаси”, Шоҳизинда меъморлик мажмуи, Кёлн жомеси, Рембрандтнинг “Муқаддас оила” асари, Ҳинди–Хитой минтақасидаги Будда ибодатхоналари ана шундай диний–бадиий асарлардир. Уларда диний ғоялар бадиият орқали ифода топган. Эстетика бундай асарларни тадқиқ этар экан, албатта, диншунослик билан ҳамкорлик қилмай иложи йўқ: у ўша диний ғояларнинг моҳиятини, ҳар бир умумжаҳоний диннинг санъат олдига қўйган талабларини яхши билмоғи ва ҳисобга олмоғи лозим.

Педагогика фани билан алоқадорлиги. Уларнинг алоқадорлиги тарбия муаммоларини ҳал қилиш борасида яққол кўзга ташланади. Чунки педагогика ҳам маълум маънода нафосат тарбияси билан шуғулланади. Лекин бу тарбия алоҳида–алоҳида, мухтор қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун махсус белгиланган тарбия тарзида, яъни муайян, аниқ чегараларда олиб борилади. Масалан, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, спортчилар тарбияси в. ҳ. Педагогика ана шу соҳалар ва ёш бўйича олиб борилаётган эстетик тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетика эса нафосат тарбиясининг умумий қонун–қоидаларини ишлаб чиқади, яъни, инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунигача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Демак, рус нафосатшуноси М. Каган айтганидек, педагогика тарбия борасида тактик табиатга эга бўлса, эстетика унинг стратегиясидир.

Семиотика (белгилар ва белгилар тизими ҳақидаги фан) фани билан алоқадорлиги. Маълумки, санъат асарида белгилар ва бадиий рамзлар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ҳарфлар, ноталар в.ҳ. Бошқачароқ қилиб айтганда, билиш ва баҳолаш фаолияти натижаларини, яъни семантик ва прагматик ахборотни ўзида мужассам қилган санъат асари ўша ахборотни етказиб беришга ҳам мўлжалланган. Ана шу санъатнинг белги билан боғлиқ томонини, коммуникатив–воситачилик жиҳатини семиотика ўрганади. Айни пайтда, эстетикада тузилмали–семиотик эстетика деб аталадиган назария ҳам мавжуд. Унда санъат махсус тил ёки белгилар тизими, алоҳида санъат асари эса ана шу тизим белгиси ёки ўша тизим белгиларининг изчиллиги сифатида олиб қаралади. Зеро бунда белги санъат асарини идрок этувчига уни етказиб берувчи ҳодиса тарзида ўрганилади.

Бундан ташқари, эстетика кибернетика, экология ва юқорида айтиб ўтганимиздек, барча санъатшунослик фанлари билан ҳам яқин алоқадорликда иш олиб боради. Чунончи ҳар бир санъат турининг “ўз эстетикаси” мавжуд: сўз санъати эстетикаси, театр эстетикаси, мусиқа эстетикаси ва ҳоказо.

Ҳар бир фаннинг ўз олдига қўйган вазифалари бўлгани сингари эстетика фани ҳам бундан мустасно эмас. Зотан, биз кураётган фуқаролик жамиятининг аъзоси ҳар жиҳатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим ва унинг нафосат тарбияси тўғри йўлга қўйишда эстетика муҳим аҳамиятга эга. Зеро, эстетика орқали биз фақатгина

кўрганларимизнинг шаклий гўзаллигини эмас, балки айни пайтда шакл билан бирга унинг фалсафий моҳиятини ҳам идрок этамиз. **Эстетика категориялари ва уларнинг таснифи.** Фалсафанинг бирорта категориясини ҳам воқеликдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, бу категориялар (бутун, қисм, зарурият, тасодиф, моҳият, сифат ва ҳ.к) инсонни ўраб турган оламда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ хулосалар чиқаришга, уларни тўғри таҳлил этишга кўмак беради.

Эстетика ҳам фалсафий фан сифатида ўзининг қонун ва категорияларига эга. Эстетика категорияларининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш муаммоси кўп йиллардан буён олимлар эътиборида. Бу борада гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгулилик, ҳунуклик каби анъанавий кўриниш кўпгина адабиётларда ўз аксини топган. Бугунги кунда гўзаллик – улуғворлик – фожиавийлик – кулгилилик; эстетик идеал – эстетик дид – эстетик туйғу; санъат – бадиий образ – ижодкорлик кўринишдаги тизим эстетика фанининг категориялар таснифида кенгроқ қўлланилмоқда.

Бироқ, категориялар тизими қандай кўринишда бўлмасин, уларнинг ҳар бирида гўзаллик марказий категория сифатида иштирок этади. Гўзаллик нима? Бу саволга эстетик тафаккур ривожи тарихида жуда кўплаб жавоблар берилган, хилма-хил назария ва қарашлар ишлаб чиқилган.

Жуда кўп йиллардан буён эстетика категорияларини яхлит тизимга солиш олимлар эътиборини жалб этиб келаётган бўлсада, лекин келтирилган анъанавий ва замонавий таснифлардан кўриниб турибдики, гўзаллик метакатегория сифатида эстетикада муҳим аҳамият касб этади.

Гўзаллик категорияси ва унинг муқобиллари. Маънавий ва моддий хусусиятга эга бўлган, ижтимоий ҳаётда фавқулодда аҳамият касб этувчи ҳамда нарса-ҳодисаларнинг уйғунлиги, ҳамоҳанглиги, мутаносиблиги, мақсадга мувофиқлигига асосланган қадрият шакли “гўзаллик” тушунчасида ифодаланади. Уэстетиканинг марказий мезоний тушунчаси - асосий категорияси сифатида барча эстетик тушунчалар учун асос вазифасини бажаради. Чунки эстетика билан боғлиқ ҳар қандай саволнинг жавоби гўзаллик масаласига бориб тақалади.

Гўзаллик ўз-ўзидан вужудга келадиган ҳодиса эмас, балки шакли, мазмуни ва хусусиятига кўра икки кўринишда намоён бўлади. Биринчи кўриниши гўзаллик онтологияси билан боғлиқ. Гўзаллик тафаккур ва табиат маҳсули. Кулол лойдан, наққош ёғочдан, мисгар мисдан, заргар тиллодан шундай буюм яратадики, унинг жозибаси инсонни ҳайратга солади. Ёки табиатдаги пурвиқор тоғлар, юксак чўққилар, денгиз-у уммонларнинг гўзалигини инсон такрорлашга ожиз.

Иккинчи кўриниши гўзаллик гносеологияси билан боғлиқ. Яъни гўзаллик айни пайтда билишнинг маҳсули. Воқеликдаги ҳар қандай нарса-ҳодисанинг гўзаллиги унинг ишончлилик, қизиқарлилик, ҳаққонийлик мезонлари билан ўлчанади. Инсон гўзалликни чинакам хис этганда, унинг моҳиятини билгандагина завқланади, ҳузур қилади. Зеро, гўзалликни билиш, идрок этиш инсоннинг бадиий-эстетик тафаккурини ўстиради.

Гўзалликни тадқиқот доирасига кўра табиат, жамият, санъат ҳодисаси сифатида табиатдаги, жамиятдаги ҳамда инсондаги гўзаллик турларига ажратиб ўрганиш мумкин. Табиатдаги гўзаллик – бу табиатдаги нарса, ҳодиса, жараёнлардаги уйғунлик, мукаммалликнинг инсонда ёрқин ва узвий ҳис-ҳаяжон уйғониш жараёнидир. Бу гўзаллик инсон учун табиатни асраш, ундан баҳра олишнинг манбаи бўлиб, табиатни эстетик қадрият сифатида қадрлашни тақозо этувчи куч, восита бўлиб хизмат қилади. Жамиятдаги гўзаллик – бу шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини таъминловчи адолат, инсонпарварлик ва тенгликка асосланган ижтимоий муносабатлар мажмуи ҳисобланади. Инсондаги гўзаллик – бу ундаги маънавий ва жисмоний вужуднинг уйғунлигидир.

Гўзаллик табиат, жамият, инсон тафаккури маҳсули сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

а)гўзаллик объекив мазмунга эга бўлган субъектив образлар, тасаввурлар, идроклар, тафаккурларнинг ҳосиласидир. Гўзаллик объективлик ва субъективликнинг ўзаро мутаносиблиги, уйғунлигидир;

б)гўзаллик – бу нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг инсонни руҳлантирадиган, илҳом бағишлайдиган, юксак олижаноб мақсадлар сари етаклайдиган, жўшқинлик бахш этиб жонлантирадиган томонларидир. Гўзаллик худди шу маънода жисм ва руҳнинг уйғунлигидир. Руҳни озиқлантириб, жисмни янада улуғвор қиладиган нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг хоссасидир;

с)гўзаллик – бу инсоннинг эркин фаолиятидир. Ҳаётда ўз ҳуқуқини, эркини, қадрини топган инсонгина гўзалдир. Эркин ижод, меҳнат бўлмаган жойда гўзаллик йўқдир;

д)гўзаллик – бу одамларнинг жамики юксак ахлоқий фазилатларини ўзида мужассамалаштирган воқеликдир. Зеро, шундай экан гўзаллик мавҳум эмас, балки муайян шакл-шамойил, маъно-мазмунга, моҳиятга эга бўлган реал нарса, ҳодисадир.

Гўзалликда мужассамлашган ана шу хусусиятлар уни олий эстетик қадрият даражасига кўтарувчи кучдир. Ана шу кучни ахлоқий қадриятларнинг кучи билан уйғунлаштириш замонавий эстетик тафаккурнинг бош вазифаларидан биридир.

Гўзалликнинг элементлари. Гўзалликнинг намоён бўлиши, шаклланиши ва хис этилишида муайян унсурлар мезоний вазифасини ўтайди. Булар - меъёр, мақсадга мувофиқлик, тартиблилик, уйғунлик, ҳамоханглик, мослик, яхлитлик, бирлик, мутаносиблик, тенглик ва ҳоказо. Мазкур тушунчалар нарса–ҳодисаларда бевосита ёки билвосита иштирок этиб, ундаги гўзалликни намоён эттиради. Масалан, баҳор фаслининг гўзаллиги табиатнинг уйғониши, кўкламнинг юз очиши билан, қиш фасли эса оппоқ қор билан ўзига хос гўзалликни намоён этади. Табиатнинг иккала фаслида ҳам гўзалликнинг мослик ва мутаносиблик унсури муҳим аҳамият касб этади.

Гўзалликнинг сифатлари туғёнийлик, мафтункорлик, фойдалилик, мўъжизавийлик сингари тушунчалар орқали изоҳланади.

Гўзалликнинг хусусиятлари қулайлик, манфаатдорлик, ёқимлилик, чиройлилик тушунчалари билан белгиланади. Элементлар, сифатлар ва хусусиятлар уйғун бўлган нарса–ҳодисаларгина чинакам гўзалликни акс эттириши мумкин.

Шахснинг ижтимоий жараёнлар билан бўладиган муносабатларида гўзаллик нисбийлик хусусиятига эга бўлади. Бу холат айниқса, гўзалликнинг моддий ва маънавий қадриятлар тизимидаги ўрнида яққол кўзга ташланади. Чунки, гўзалликнинг ҳар қандай тахлили шахс ва жамият муносабатлари билан муқояса қилингандагина унинг ижтимоий–маънавий хусусиятлари янада ойдинлашади. Шу боис гўзалликнинг маънавий ва моддий қадриятлар тизимидаги ўрнига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Маънавий қадриятларнинг гўзаллиги. Маънавий қадриятлар тизимида гўзаллик қуйидаги жиҳатлари билан белгиланади:

- соғлом руҳият ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни вужудга келтириш;
- реал ҳаёт ҳақиқатини инъикос эттириш;
- жонли инсоний тафаккур ва дунёқараш манбаини яратиш;
- онгли дунёқарашга асосланган ижод эркинлигини, мустақил фикрлаш ҳамда замон билан ҳамнафаслик руҳини сингдириш;
- янгиланаётган ҳаёт жараёнларига яқинлашиш ва унинг илғор томонларини ёритиш, уларни мазмунан бойитиш;
- янгича услуб ва бадиий усуллардан фойдаланиш, санъат асарида шаклий гўзалликка эришиш.

Моддий қадриятларнинг гўзаллиги. Ҳар қандай назария амалиёт билан уйғун бўлсагина яшай олади. Бу қоида гўзаллик тушунчасига ҳам тегишли. Маълумки, эстетик фаолиятнинг қатор турлари амалиёт билан чамбарчас боғлиқ холда ривожланади. Масалан, меъморлик ўзида ҳам моддий ҳам маънавий қадриятларни акс эттиради. Чинакам меъморий обиданинг гўзаллиги фақат ташқи кўриниши билангина эмас, балки механика қонунларининг янги материаллар билан бойитилганлиги, меъморликнинг қадимий анъаналарини янги кўринишлар орқали намоён қилиш натижасида юзага келади. Меъморий обида шаҳар ўз кўрки ва гўзаллигини қўйидаги эстетик хусусиятлар орқали намоён этади, деган фикрга келиш мумкин:

- шаҳарда қадимий меъморий обидаларнинг сақланганлиги ва унинг кўрки;
- биноларнинг аҳоли тармуш тарзи учун қулайлиги ва мос келиши;
- шаҳарда бунёд этилган бинолар, йўллар халқ манфаати билан мувофиқлиги;
- шаҳарнинг географик жиҳатдан жойлашуви – сув ва ҳавосининг мусаффолиги, табиий манзараларга бойлиги;

Инсоннинг гўзаллиги. Инсондаги гўзаллик аксарият холларда унинг хулқи, одоби, ахлоқи ва фазилатлари билан белгилаб келинади. Эстетик тафаккур тарихида инсон гўзаллиги жисм (тана) ва руҳият масалалари билан изоҳланган. Бу борадаги фикр–мулоҳазаларнинг асосида инсоннинг ташқи кўриниши ҳамда ахлоқий фазилатларига бўлган муносабат масаласи ётади. Инсон гўзаллигига бу тариқа ёндашувнинг муайян сабаблари бор.

Биринчидан, гўзалликнинг инсон шаклидаги кўринишида ягона, мутлақ ва тугал тимсол мавжуд эмас. Иккинчидан, инсонларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари турлича бўлиб, улар вақт ўтиши билан ўзгариб боради, яъни нисбийлик табиатига эга. Кишиларнинг гўзаллик ҳақидаги идеали ана шу ўзгаришларнинг бирламчи сабабидир. Одатда инсоннинг ташқи гўзаллигига нисбатан юзаки муносабат билдирилади; ташқи гўзаллик шахснинг чинакам «Мен»ини намоён қилишига тўсқинлик қилувчи, ўткинчи ҳодиса сифатида қаралади. Аммо, инсон гўзаллигига нисбатан бундай ёндашув баҳсли. Чунки, инсоннинг ташқи гўзаллиги муайян ҳолатларда шахснинг ўзигагина эмас, балки бошқаларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Инсоннинг ботиний гўзаллиги унинг одоб, хулқ ва ахлоқий фазилатлари билан белгиланади. Бу нафосат илмида хулқий гўзаллик деб аталади. Инсон хулқий гўзаллигининг такомиллашувида ахлоқ фалсафасининг муҳаббат ва эзгулик каби тушунчалари асосий мезон ҳисобланади.

Улуғворлик категориясининг фалсафий моҳияти. Улуғворлик – инсоннинг нарса ҳодисаларга эстетик ва ахлоқий мезонлар билан ёндашиши ва улардан юксак ҳайратланиш туйғусини ҳосил қилувчи маънавий ҳодиса. Улуғворликнинг кўлами гўзаллик кўлами каби чексиз бўлиб, ўзида ҳажм, миқдор, кўлам ва буюкликни мужассам этади. Шунинг учун улуғворлик муҳокамаси юксак даражада маданиятни талаб қилади. Улуғворлик табиат, жамият, инсон ва унинг фаолияти маҳсулотларида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунчадир. Улуғворлик белгисига эга бўлган барча нарса ва ҳодисаларга хос бўлган умумийлик — меъёрий баркамолликдир.

Табиатдаги улуғворлик баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мавж ураётган денгизлар, тубсиз осмон ва ҳ.к. тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик — уларнинг кенг кўламлиги, улканлиги, буюклиги ва туганмаслигидир. Табиатдаги улуғворлик инсонда ўзидаги заифликни эмас, балки табиат билан қўшилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади ва кучли таъсир этади. Табиатдаги улуғворлик руҳимизга ҳайрат, ҳаяжон ва жўшқинлик бағишлайди. Табиатдаги улуғворлик математик ва динамик хусусиятга эга. Математик хусусиятида - ҳажм, динамик хусусиятида - куч устувор аҳамиятга эга.

Жамиятдаги улуғворлик миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқпарварлик ва бунёдкорлик тушунчалари билан изоҳланади. Барқарорлик, фаровонлик, адолат, қонун устуворлиги, ҳурфикрлилик жамият улуғворлигини таъминловчи мезоний тушунчалардир.

Санъатдаги улуғворлик театр, кино ва бадиий адабиётдаги фожиавийлик билан ёнма-ён туради. Бундай улуғворлик бадиий мазмун ва шаклнинг барча имкониятлари воситасида ифодаланади, лекин бунда ҳал қилувчи ролни ғоя ўйнайди. Муҳим аҳамиятли ғоя юксак руҳланган, мукаммал шаклнинг зарурлигини юзага келтириб, санъат асари даражасининг юксаклигини белгилаб беради.

Улуғворлик ҳисси ўз-ўзидан қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини ўз ичига қамраб олади, руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Улуғ ишнинг тагзамини эса ниятнинг, мақсаднинг улуғворлигидир. Масалан,

Амир Темур улуғ салтанат қуриш соҳасида улуғворлик намунасини кўрсатган бўлса, Низомиддин Мир Алишер Навоий туркий тилда жаҳоншумул бадиий асарлар ёзиб, ўз халқининг маънавий оламини юксакликка кўтарди, она тилининг қудратини баралла намойиш эта олди. Шу каби илмий кашфиётлари билан жаҳонга номи кетган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар ҳам улуғворлик шоҳсупасидан ўрин олган. Бу зотлар илму фан, ҳикмат ва ижод паҳлавонлари, Шарқ Уйғониш даврининг буюк сиймолари сифатида ҳозир ҳам бизга ибратдир. Улуғворлик туйғусига фақат миқёс ўлчови билан эришилмайди. Агар айрим обидалар, масалан, Бобил минораси, Миноpаи Калон, Миср эҳромлари ва шу кабилар ўзларининг миқёс кўлами билан ҳайрон қолдирса, бошқалари ўзининг нафислиги, нозик ифодали ранглар, қисмлар ҳамоҳанглиги, атроф муҳит билан узвий қўшилиб кетганлиги билан алоҳида аҳамият касб этган (Гўри Амир, Шоҳизинда, Мустақиллик майдони, Ичанқалъа, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси ва б.). Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли улуғворлик касб этаётган обидалар жаҳонга юз тутмоқда. Мамлакатимизда Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби аждодларимизга ҳайкаллар қўйилди. Шу каби Мустақиллик майдони, унда қад кўтарган рамзлар, Бахтиёр она ҳайкали ҳам улуғворликка мисолдир.

Демак, улуғворлик тарих, халқ, миллат, озодлик, мардлик, фидойилик билан ҳамоҳангдир. У инсоннинг орзу-армонлари, идеалларини акс эттиради ва ривожлантиради, буюк ишларни амалга оширишга чорлайди, яратувчанлик ва ижодкорликка илҳомлантиради, ҳаётга маъно-мазмун бағишлайди, инсон зотининг маънавий камолотига хизмат қилади.

Тубанлик категорияси. Тубанлик – инсонда кучли нафратланиш туйғуларини ҳосил қилувчи эстетик категориядир. Тубанлик моҳиятан инсонга хос бўлиб, унинг фаолиятида намоён бўлади. Табиатда табиат, ҳайвонот ва наботот оламида учрамайди. Тубанлик инсон феъл-атворидаги ёвузлик майлини қўзғалиши натижасида юзага келади.

Фожеавийлик (трагедия) категорияси– воқеликнинг энг муҳим, чуқур зиддият ва тўқнашувлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва мутелик, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзига хос тарзда ифода этувчи фалсафий тушунча. Деярли барча буюк ижодкорлар яратган асарларда фожеали оҳанглар мавжуд. Ҳар қандай фожеа замирида муайян фожеали тўқнашув, зиддият ётади. Гегель фожеавийликни моҳиятли кучлар тўқнашувининг натижаси сифатида бежиз таърифламаган. Чунки, бу тўқнашувлар кураши қандай якун топиши билан инсоният истиқболи, ахлоқий тараққиёт узвий боғлиқдир. Бу ҳол фожеани санъатнинг фалсафий жиҳатдан энг муҳим турига айлантирадики, у ижодкорга инсониятни бутун тарихи давомида ҳаяжонлантирадиган туб ҳаётий масалаларни ўз олдига қўйиб, ҳал қилиш имкониятини яратди.

Фожеа қаҳрамони кўпинча ижобий қиёфада тасвирланади, у даврнинг илғор орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс сифатида намоён бўлади. Лекин фожеа тўқимасида бошқа турдаги

қаҳрамонлар ҳам акс эттирилган бўлиб, Шекспирнинг Макбет ва Ричард, Б.Брехтнинг Куражонага ўхшаш қаҳрамонлари ўз тақдирлари билан томошабинда ўта зиддиятли ҳис-туйғулар уйғотади. Улар содир қилаётган мудҳиш кирдикорликлар қатъий норозилик, жирканиш, шу билан бирга, ачиниш туйғусини уйғотади. Одатда, фожеа мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намоён бўлади. Фожеанинг тарихий шакли қадимги дунё фожеаси (Эсхил, Софокл, Эврипид) эски патриархал тартиботлар емирилиб, тарихда илк синфий жамият шаклланиши жараёнида вужудга келди. Унга хос бўлган "қисмат оҳанги" табиий ва ижтимоий қонунлар ҳақидаги тасаввурларни акс эттирди. Ўрта асрларда Ғарб христиан мафкураси фожеа руҳига бутунлай қарши чиққани боис бу даврда бирор-бир арзигулик саньат асари яратилмаганини биламиз.

Фожеа ривожининг янги босқичи Уйғониш даврида бошланди. Шекспир асарларида фожеавийлик бутун ҳаёт, ижтимоий алоқалар ва муносабатларни қамраб олади. Унинг фожеавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин инсон тимсоли яратилди. Шекспир ўз қаҳрамонларининг ўзлигини англашга, инсон руҳини синдириб ҳалокатга етаклаётган тузум шароитида озодликка интилишини ифодалайди. М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" драмасини ҳам асосий бадиий оҳанги, ундаги эҳтиросли тўқнашувлар руҳи, улкан ҳиссий таъсир кучи, қаҳрамонларнинг тақдири жиҳатидан ўта фожеавий асардир. Унда ўша даврдаги илдиз отган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар қаламга олинади. Асар қаҳрамони фожеали драматик жараённинг асосий субъекти сифатида намоён бўлади. Унинг фаоллиги, ўз орзу-армонлари, ҳатто ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам, давлатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришга интилиши фаолиятининг моҳиятини белгилайди. Санъатда намоён бўладиган фожеавийлик тўқнашувлар, қиёфалар, вазиятларни тўла ва чуқур бадиий инъикос этиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Софокл фожеалари Шекспирникидан, Шекспир асарлари Расинникидан қанчалик фарқланмасин, улар ўртасида ўзига хос муштараклик, умумий жиҳат кўзга ташланади.

Ҳар қандай фожеа замирида кенг кўламли, ижтимоий аҳамият касб этадиган муайян фожеали тўқнашув ётади. Фожеавийлик санъатда турлича талқин этилиши мумкин. Бу ҳол мазкур жанрга хос умумий хусусиятларни инкор этмайди. Фожеа услубининг умумий белгилари қаторига кенг умумлашмаларга интилиш, тафаккур бойлиги, соддалик ва яхлитлик, ҳаяжон ва эҳтиросларнинг юксаклиги кабилар киради. Фожеа тарихий даврнинг бурилиш пайтларида, эски ижтимоий алоқалар ва муносабатлар барбод бўлиб, қарашлар, эстетик ва ахлоқий ақида-қоидалар қайта баҳоланаётган шароитда равнақ топади.

Фожеавийлик ҳар доим эстетик тафаккур тарихида долзарб муаммо саналган. Шунинг учун деярли барча буюк ижодкорлар яратган асарларда фожеали оҳанглар мавжуд. Фожеалиликни моҳиятли кучлар тўқнашувининг натижаси, деб билган немис файласуфи Гегель, бу тўқнашувлар курашининг қандай тугалланиши пировардида инсоният истиқболи, тақдири билан боғланиб кетади дея таъкидлаган. Шунинг учун фожиавийлик эстетика категориялари орасида улуғворлик билан яқин алоқадор: ҳақиқий улуғворлик

фожиавийликнинг давоми ҳисобланади. Қолаверса, улуғворликнинг барча хусусиятлари фожиавийликнинг ҳам у ёки бу кўриниши орқали намоён бўлади. Фожиавийлик категориясининг эстетикадаги марказий муаммоси – инсоннинг қаҳрамонлик, буюклик, жасорат каби тушунчалар ҳақидаги тасаввурини ҳар томонлама кенгайтириш ҳамда ҳаётдан қониқиш ва шукроналик хиссини ривожлантиришдан иборатдир.

Кулгилилик категорияси. Эстетик тафаккур тарихида кулгилилик бир қадар кенг ўрганилган тушунча ҳисобланади. Жумладан, Афлотун ожиз ва лаёқатсиз одамларни кулгили деб ҳисоблаган бўлса, Арасту кулги айрим хатоликлар ҳамда кишиларга озор етказмайдиган ва зарар келтирмайдиган хунукликни келтириб чиқаради, дейди. Олмон мумтоз нафосатшунсларидан Иммануил Кант кулгилиликнинг табиатини латифа мисолида очиб беришга ҳаракат қилади, Фридрих Шиллер ҳажвияни веаллик билан идеаллик орасидаги қарама-қаршилик орқали кўрсатиб ўтади. Ҳеорг Ҳегел кулгилиликнинг асосини зоҳирий ишонч ва ботиний тўлақонли орасидаги қарама-қаршилик орқали ифодалайди.

Инсондаги лаёқатсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик, иззатталаблик, шуҳратпаррастлик каби иллатлар кулгилиликнинг обьектларидир. Шунингдек, кулги – ахлоқ ҳудудларини безарар бузишдир. Ҳар қандай озод инсон ҳазил билан рўбарў келиши мумкин. Бу холатда кулги инсоннинг шахсий эҳтиёжини қондиради. Инсон кулишга ва кулдиришга қодир бўлган ягона моҳиятдир. Кулгилилик бошқа эстетик ҳодисалар сингари фақат объектив томонга эга бўлмай, субъектив томонларни ҳам ўзида бирлаштиради. Кулгилиликнинг субъектив томони – кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир.

Кулги ўз табиати жиҳатидан демократик хусусиятга эга. У турли кўринишларга бойлиги билан санъатнинг меъморчиликдан бошқа деярли барча турларида намоён бўлади. Бироқ, у ўзининг энг тўла бўлган эстетик ифодасини комедияда топади. Кулгилилик–юксак тараққий этган танқиднинг ибтидосини ўзида намоён қилади. Кулги – танқиднинг эстетик шаклидир. Кулги табиатига кўра табақаланишга қарши, мансаб ва амал олдида бўйин эгмайди. Кулги тенгсизлик, зўравонлик, манманлик, амалпарастлик, нодонликнинг барча шаклларига қарши кўришувчи буюк куч сифатида майдонга чиқади. Абдулла Авлонийнинг “Ҳажвиёт”идаги “Кўрнинг узри”, “Бир мунофиқ тилидан”, “Билимсиз олифталарга”, “Ҳақиқий маъноси”, “Дангасаман”, “Соқоврапорт” каби мақолаларида асримиз бошида халқимиз аҳволи тўғридан–тўғри кулги остига олинади.

Кулгининг бадиий шакллари орасида **сатира** алоҳида ўринга эга. Умумназарий маънода сатира воқеликни бадиий тасвирлаш тури бўлиб, унда ҳаётнинг салбий ҳодисалари устидан кулиш–бундай ҳодисалар асосида юксак инсоннинг орзуларига зид эканлигини бўрттириб кўрсатиш мақсади ётади. Сатира ҳар хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Унга лирика ҳам, эпос ҳам, драма ҳам бегона эмас. Сатира марказида доим ҳаётнинг салбий воқеа–ҳодисалари жойлашган бўлиб, бутун фош қилиш кучи уларга қарши қаратилган бўлади. Шунинг учун комедия санъатига хос танқидийлик,

йўналганлик сатирада энг тўла ва энг аниқ ифода топади. Сатирани асосан кулги фош этиб қўяди, лекин кулги бу жараёнда қаҳр–ғазабдан ажралмаган ҳолда намоён бўлади.

Ҳажвия–жамият, инсон фаолиятидаги иллатлар ва уларнинг оқибатлари, олам мукаммаллиги ва инсон идеалларига номувофиқ келишини кўрсатиб берувчи кулги туридир. Лекин масхара, мазах каби кулги турлари ҳам борки, улар эстетик тарбия воситаси бўлолмайди. Аксинча, улар моҳиятан инсонни қоралашга, уни хафа қилишга, обрўсизлантиришга қаратилган бўлади. Бу кулгининг ўта зиддиятли ва ғайриахлоқий кўринишидир. Шу боис масхара фисқу–фасоднинг муқаддимаси саналади. Мазаҳ қилиш ибосиз сўз билан инсонга дахл этмоқ демакдир. Мазаҳ қилиш, калака қилиш, ўзганинг устидан, жисмоний камчилигидан кулиш масхаранинг реал воқеликдаги кўринишларидир.

Кулгилиликнинг барча шакллари улар қанчалик эркин намоён бўлиш имкониятларига эга бўлиб борсалар, шунчалик кўп аҳамият касб этадилар. Ривожланган ҳазил туйғуси, ҳаётнинг кулгили томонларини нозик илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилияти ривожланиб борган сари шахснинг маънавий–руҳий соғломлиги ҳамда баркамоллиги юксалиб бораверади.

Умуман олганда, эстетиканинг тушунчалари (категориялари) доимий ҳамкорликда мустаҳкамланиб боради. Айниқса, бу жараёнда гўзаллик категорияси боғловчилик вазифасини бажаради. Шунинг учун фожиавийликда, улуғворликда, ҳунукликда ҳам гўзаллик унсурларининг учраши бежиз эмас

Таянч тушунчалар:

Эстетика, эстетика обьекти, нафосат, гўзаллик, санъат, гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, нафосат тарбияси, семиотика, категория, гўзаллик, чиройлилик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, фориғланиш, фожиавий қаҳрамон, кулгулилик, кулгили ҳолат, ҳазил, мутойиба, киноя, ҳажвия.

Такрорлаш учун саволлар:

1. “Эстетика” фан сифатидаги фалсафий моҳиятини тушунтиринг?
2. Эстетика қайси фанлар билан ўзаро яқин алоқадор?
3. Эстетика категорияларининг таснифини изохлаб беринг?
4. Нима учун гўзаллик эстетиканинг асосий мезоний тушунчаси ҳисобланади?
5. Улуғворлик табиатда қандай хусусиятларга кўра намоён бўлади?
6. Тубанликнинг иллат сифатида ижтимоий тараққиётга салбий таъсири нималарда кўринади?
7. Фожиавийликнинг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?
8. Кулгулилик категориясининг эстетик хусусиятлари нимада?

17-МАВЗУ. ТАБИАТ ВА ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ЭСТЕТИКАСИ

РЕЖА:

1. Жамият ривожида табиатга эстетик муносабатнинг шаклланиши
2. Табиатнинг эстетик жиҳатлари
3. Экологик эстетиканинг қадриятли мақоми
4. Табиатни эстетик идрок этишнинг анъанавий ва ноанъанавий усули
5. Экоэстетиканинг XXI аср илмий-техник тараққиётидаги ўрни
6. Техноген цивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига таъсири
7. Маиший турмуш эстетикаси
8. Замонавий шаҳарсозлик эстетикаси
9. Дизайннинг эстетик хусусиятлари
10. Халқ амалий санъати ва дизайн

Жамият ривожида табиатга эстетик муносабатнинг шаклланиши. Маълумки, қадим-қадим даврлардан бери кишилар ўзларини қуршаб турган табиат, унда содир бўладиган турли-туман ўзгаришларни кузатганлар. Борлиқни асосий шаклларидан бўлган табиий борлиқ, унинг ўзига хослиги, табиатни ташкил қилган нарса ва ҳодисалар, барча органик ва ноорганик моддалар олами, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси инсониятни қизиқтирган энг асосий муаммолардан бўлган. Нафақат табиат балки табиат гўзаллиги, унинг эстетик тарбиявий аҳамияти масалалари ҳам қадимдан мутафаккир ва донишмандларни қизиқтириб келган. Инсоният маънавий юксалишидаги энг буюк нуқталардан бири уни табиат ва одамзод ҳаётидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликнинг мавжудлигини идрок этиш, табиат ва дунёнинг тартибли яратилиши ҳақидаги тушунча бўлган.

Гўзаллик ҳақидаги илк тасаввурлар ҳам табиат билан боғлиқдир. Табиатдаги организмларнинг ҳар бири ўз ҳолича эмас, балки бошқа организмлар билан боғлиқ ҳолда яшайди. Наботот олами ҳам, ҳайвонот олами ҳам қуёш, сув, ҳаво, тупроқ таъсирида яшайди, ривожланади.

Ўзбек халқи табиатга тарихан узоқ даврдан буён меҳр билан қарашга, уни асраб-авайлага ўрганиб келган. Бу миллий байрам, қадимий анъана урф-одатларда ҳам яққол кўринади. Хусусан, Ўрта Осиё халқларининг ҳар йили нишонланадиган Наврўз байрами, асрлар давомида она Ерга ва табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган.

Табиатга эстетик муносабат хусусида Қадимги Хитой даочилик таълимотида ҳам ўзига хос ёндошув мавжуддир. Даосизм таълимотида Инсон мавжуд олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган., у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориш. Ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш-

одамлар учун ҳалокатли, барча ёвузликларнинг, сон-саноқсиз бахтсизликларнинг манбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинишдир. Шу сабабли, Лао-цзи наздида фаолият-даога қарши қаратилган ва халққа зарар келтиради., унинг асосий ахлоқий тамойили “увэй”- фаолиятсизлик, донишманд кишининг “дао”си-бу курашсиз фаолият. Лекин бу курашсиз фаолият аслида табиатга қарши бўлмаган фаол ҳатти-ҳаракат, фақат даога хос, табиат қонунларига мос фаолиятдир. Табиат гўзаллигини асл ҳолда сақлаш ва уни кўриш, ҳис қилиш даочиликда муҳим аҳамият касб этган.

Гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг табиат билан боғлиқлиги юнон фалсафасида ҳам намоён бўлади. Қадимги юнонлар оламнинг тартибли ва эканлиги, уйғунлик ва гўзаллик билан боғлиқ идрок этишган. Табиатдаги гўзаллик бу қарама-қаршиликнинг келишуви, бу осойишталикдир. Табиатнинг диалектик тараққиёти, ундаги гўзалликнинг ўзига хослиги таҳлил этилган.

Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда Ислом қонун ва қоидалари, шариат аҳкомлари билан бир қаторда атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиат бойликлардан тўғри фойдаланиш, уларни исроф қилмаслик, инсоннинг яшаша тарзи, шахсий гигенаси, зурриётни тозалигига, ўсимлик-ҳайвонот дунёсини асрашга, умуман экология ва табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилган.

Табиатдаги энг оддий нарса ва ҳодисалар мазмуни ва шакли уйғунлиги билан гўзалдир. Гўзаллик бу воқелик (табиат, жамият, санъат) ҳодисаси бўлиб, аниқ ҳиссий таъсир ўтказиш орқали инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, тўла маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади. Гўзаллик доимо фойдалидир, лекин бу фойдалилик жамият тараққиёти учун хизмат қилишга мўлжалланган бўлади.

Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, фойдали амалий фаолиятидаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин гўзаллик қанчалик ўзининг ранго-ранглиги билан ажралиб турмасин, уларнинг барчаси қандайдир умумий туб белгиларга эга бўлиб, мана шу умумий туб белгилар туфайли уларнинг барчасини махсус илмий-фалсафий истилоҳ-гўзаллик тушунчаси орқали талқин этиш имконияти мавжуд.

Инсонда табиатга қандай муносабатда бўлиш туйғуси бирданига пайдо бўлмаган, албатта, у секин-аста, инсон зоти ва табиати ривожланиб борган сари шаклланиб борган. Инсон атрофидаги табиатни ўзлаштира бошлаши билан табиат бошқача ижтимоий орзу мезонлари билан баҳоланади, ўлчанади, инсон учун табиатнинг гўзаллик ва хунук томонлари аён бўла бошлайди.

Биз яшаб турган асрда инсоният улкан вайрон қилиш қудратига эга бўлган ишлаб чиқариш кучларига ҳам эга бўлиб қолди. Шу нарса аниқ-равшан бўлиб бормоқдаки, табиатга фақат моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Инсоният ҳозир табиатни, атроф-муҳитни ҳимоя қилиб, ундан оқилона тарзда фойдаланиб, айни вақтда, табиий ҳамоҳанглик сирлари ичига янада

чуқур кириб бориб, ўзига унинг янгидан-янги мўъжизаларини очмоқда, ундан таълим-сабоқлари олмоқда.

Табиатнинг эстетик жиҳатлари. Дарҳақиқат эстетик гўзалликларнинг хилма-хил кўринишилари орасида табиат гўзаллиги инсон учун ҳаммадан кўра яқинроқ ва тушунарлироқдир. Табиат билан яқин бўлишга ички бир интилиш, ундаги гўзалликни, нафосат оламига ошно бўлиш барча учун хосдир. Табиат бутун табиий хилма-хиллиги билан бизни ўраб турган дунё демакдир. Жонли ва жонсиз табиат ўзининг мураккаб қонунлари асосида яшайди ва ривожланади.

Табиат эстетикаси инсонга табиий гўзаллик ва уйғунликни кўриш ва қадрлашга ўргатади. Табиатдаги ҳар бир ҳодисанинг гўзал ва такрорланмаслиги сезиш мумкин. Инсон табиатдаги гўзалликни аввало кўриш орқали идрок этади., уни табиатдаги ранглар ва шаклларнинг уйғунлиги, табиийлиги завқлантиради. Масалан баҳорда оламнинг гулга бурканиши, ёзда ўрмонларнинг яшилика бурканиши, кузда эса оловдек товланиши, баргларнинг қизғиш ранги, қишда оппоқ қорга бурканган қир-адирлар барчага эстетик зақ беради.

Табиат гўзаллигини ҳис этиш ва идрок этиш учун унинг уч жиҳатини тушуниш лозим. Бу табиий организмнинг ўзига хос тузилиши, узаро мутаносиблиги, доимий ҳаракатда, ривожланишида бўлган жонли организмнинг ўзига хос хусусиятини, табиий объектларга хос бўлган декоратив гўзаллик, масалан капалак қанотлари, ёки товус патларидаги ажиб бир уйғунлик ва гўзалликни ажрата билиш лозим. Бу айниқса санъат орқали етказиб берилади.

Табиат эстетикаси табиатни севишни, унинг гўзаллигига беғараз муносабатда бўлишни ўргатади, яъни табиатни фақат одамлар учун яратилган деб эмас, уни жамиятдан ташқаридаги умумоламий мустақил қадрият сифатида идрок этишни тақозо қилади..

Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди, янгидан-янги иншоотлар қад кўтарди. Барпо этилаётган янги кўчалар, йўллар, майдонлар, инсонда юксак масъулият, гўзалликларни асраш ва ватанпарварлик руҳиятини уйғотиши билан бирга дизайннинг инсонпарварлик моҳиятини намоён қилади.

Экологик эстетиканинг қадриятли мақоми. Глобаллашув жараёнида янги эстетик қадриятлар қарор топиб бормоқда. Бу инсоннинг табиатга ва жамиятга бўлган муносабатда акс этади. Немис файласуфи Иммануил Кант табиатни ахлоқийлик билан боғлайди: “Кимники бевосита табиат гўзаллиги қизиқтирса, бу унинг фикрлаш тарзида, йўқ деганда, ахлоқийликка, эзгуликка қобилият мавжудлигидан далолат беради”, – дейди у.[52] Аммо Ҳегелнинг, табиатда идеал йўқ, шу сабабли у иккинчи даражали гўзаллик тури, деган фикри эстетикада ҳукмронлик қилиб келди, айниқса, бу фикр табиатни “бўйсундиришни” тарғиб қилган марксизм таълимотида кенг эътироф этилди. Натижада узоқ йиллар мобайнида табиат эстетикасига эътибор

[52]Кант И. Сочинения в 6 т. Т. 5.- М., Мысль, 1966. - С.314.

қаратилмади. Биз меъморий обидаларни асраш, тиклаш ҳақида қайғурдик, уларни эстетик қадриятлар деб эълон қилдик, лекин ландшафт эстетикасини четга чиқариб қўйдик.

Ҳозирги кунда шу нарса аниқ бўлдики, табиатни энг улуғ ва мангу эстетик қадрият деб билмаслик бориб турган эстетик саводсизликдир. Аниқроғи, бугун табиатсиз эстетикани тасаввур қилиш мумкин эмас. ХХ1асрда оламни билиш, воқеликни эстетик ўзлаштириш билан бир қаторда уни қадрият сифатида эъзозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндиликда одамларнинг яратувчанлик фаолияти юксалиши баробарида эстетик қадриятларга нисбатан муносабати тубдан ўзгармоқда. Бу ўз навбатида инсон моҳиятан энг олий қадрият эканлиги, инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш барча ислоҳот ва эврилишларнинг бош мақсадига айланганлиги билан белгиланади.

Инсониятни ўраб турган борлиқ, табиий ва ижтимоий атроф-муҳит, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодлайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий, мутлақ ва муқаддас қадриятлардир.

Экоэстетиканинг XXI аср тараққиётидаги ўрни. Инсоният ҳозир ўз тарихининг масъулиятли даврида яшамоқда. Биз “табиат-жамият-инсон” муносабатлари уйғунлигининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйдик. Бу тарихий давр ўз реал имкониятлари, объектив тараққиёт қонуниятлари билан жамият олдига турли муаммоларни қўймоқда.

Булардан энг муҳим табиатни асрашдир. Табиат алоҳида бир халқ ва миллатники эмас. Табиат муқаддас бир даргоҳ, инсон кўз очиб кўрган дунё, она замин, инсониятнинг умумий уйи. Шундай экан уни авайлаб-асраш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, умумдавлат, умуминсоният ишидир. Экологик муаммони ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги ана шу муаммонинг ҳал қиинишига боғликдир. Бу эса одамларнинг, халқлар ва миллатларнинг маънавиятини юксалтириш, табиатга эстетик муносабатини шакллантиришни тақозо этади. Негаки воқеликка эстетик муносабатда бўлиш табиатга бўлган муҳаббатдан бошланади. Табиат-унинг ўзини гавдалантирувчи барча санъат турлари учун битмас-тугунмас шакллар манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Инсон билимининг ортиши, табиат ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаш, қонуниятларини ўргана бориш, техниканинг тараққиёти инсон қудратини оширди натижасида табиат устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилиш бошланди. Ва бу салбий оқибатларга олиб келди. XXI асрга келиб табиат ва инсон ўртасида янгича мулоқот вужудга келмоқда. Инсон табиатнинг ҳукмрони эмас унинг бир бўлаги эканлиги табиатга нисбатан қилинган ҳар қандай ёмонлик оқибат инсонга қилинган ёмонлик эканлигини англаб етди.

Ҳозирги замоннинг энг катта муаммоларидан бири экология эканлиги, уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига

боғлиқлиги ҳаммамизга аён ҳақиқат. Халқимиз яқин ўтмишда бошидан ўтказган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида атроф-муҳитга беписанд муносабатда бўлиниб, табиат бойликларидан очкўзларча фойдланишга зўр берилган эди. Ўша давр бизга ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондига салбий таъсирни, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа чиқиндиларнинг кўпайиши, чўлланиш, ер ва сув ресурслари деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган муаммоларни мерос қилиб қолдирди. Бу муаммолар инсон ҳамда унинг манфаатлари ҳимояси, биринчи навбатда, соғлом ва мусаффо атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш жараёни амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этган Ўзбекистон учун атроф табиий муҳитни асраб-авайлашни ва уни соғломлаштиришни янада долзарб қилиб қўйди.

Техноген цивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига таъсири. XX асрда илмий-техникавий тараққиёт натижасида биосфера ичида ноосфера яъни техникавий муҳитнинг пайдо бўлиши инсон ҳаёти ва фаолиятининг асоси бўлган меҳнатга катта таъсир кўрсата бошлади. Бугун уяли алоқа, компьютерларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса техника ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини кўрсатади. Албатта, биосферадаги барча ўзгаришларнинг сабабчиси инсон-унинг тафаккури эканлиги барчага аён. XXI аср юқори технологиялар, ахборотлар асри сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса кишиларнинг онги, фаолияти мана шу тезкорликка мослашиши лозимлигини тақозо этади.

Техника ривожининг кўп йиллик тарихи бизнинг техник билимларимиз, ихтирочилик, конструкторлик қобилиятимиз фан, инсон эҳтиёжлари, яшаш муҳити ривожига мувофиқ доимий мукаммалашиб боришини кўрсатмоқда. Ҳозирги замон цивилизацияси саноат ва техника тараққиёти билан боғлиқдир. У индустриал цивилизация ёки техноген жамияти деб аталмоқда.

Инсон ва жамият “техносфера” да жойлашган бўлиб, техника бир жойда тўхтаб турмайди. Техника инновацияси инсон хаётини тўхтовсиз ўзгартириб турувчи катализатор - харакатга келтирувчи сифатида инсон онгидан жой олди. Механизациялаш ва автоматлаштириш ижтимоий ҳаётга, иқтисод, сиёсат ва мафкурага кириб келди. “Инсон ва машина” муносабатлари тобора янгича мазмун касб этиб бормоқда.

Ҳар қандай ривожланган техника ҳам ижтимоий масалаларни инсонсиз ҳал эта олмайди. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган техника асрида тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик ва мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Техник тараққиётни, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини тўхтатиш, инкор этиш мумкин эмас. Шундай экан, техноген цивилизацияда инсон техноген маданият-фан амалиёти, техниканинг янгидан-янги шакллари, уларни ишлата билиш уқуви ва маҳоратига эга бўлиши тақозо этилади.

Маиший турмуш эстетикаси. Турмуш бу ижтимоий ҳаёт соҳасига оид тушунча бўлиб, у инсон, миллат ва халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлар, расм-

русум мажмуи, объектив реаллик, моддий, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлиқни сақлаш, шунингдек, маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. У азалдан маданий қадриятларни вужудга келтирадиган ва асрайдиган муҳим макон бўлиб келган. Турмуш маданияти инсон ҳаёти ва ижтимоий муҳитда иқтисодий, ижтимоий, эстетик мезонларни кўратиш билан бирга эстетик маданиятни ҳам шакллантирувчи ҳодисадир.

Турмуш маданиятининг ўзига хослиги меҳнат, оила, Ватан, катталарга ҳурмат, ўзини тутиш меъёрлари каби табиий, содда аммо, асосий қадриятларни сингдиришида намоён бўлади. Турмушга сингган қадриятлар нисбатан мутлақ бўлади, жуда кам ўзгаради. Ушбу фазилатлар, қадриятларни ҳар бир шахс ўзи билан оиласига олиб ўтади ва унинг абадийлигини таъминлайди. Турмуш эстетикаси дизайн, экоэстетика, атроф-муҳит эстетикаси, эстетик тарбия билан бевосита боғлиқ бўлиб, моддий ва бадиий маданиятни интеграциялашнинг энг таъсирчан воситаларидан биридир.

Турмуш эстетикаси инсонни воқеликка эстетик муносабатини намоён этадиган соҳалардан бўлиб, у бевосита ташқи кўриниши, кийиниш ва муомала маданияти, нарса ва буюмларга, турар жойларига муносабатини акс эттиради. Ўз ўрнида инсонни ўраб турган нарса ва буюмлар оламининг гўзаллиги инсон ҳаётининг уйғунлигини таъминлайди ва уни эстетик тарбиялайди. Турар жойи, ташки кўриниши, кийим кўркамлиги орқали инсон яшаётган, мансуб бўлган жамият ҳақида эстетик тасаввур олиш мумкин. Ва аксинча турмушда тартибсизлик, палапартишлик эстетик маданият пастлигидан далолат беради.

Турмуш эстетикасининг инсонни ўраб турган нарса ва буюмлар, турар жойларига муносабатини ўз ичига олади. Инсоннинг дизайнерлик, ижодкорлик қобилиятлари даставвал турмушда шаклланиб боради. Бунда маълум бир халқнинг тарихи, менталитети, аввалдан шаклланиб келган турмуш тарзи муҳим ўрин тутади. Кийинишидан тортиб, оилавий анъаналар, оилавий маконгача бўлган ҳодисаларда одамларнинг нарсалар дунёсига, гўзаллик ва улуғворлик орқали қарашлари, эстетик дидга, ижтимоий идеалларга ўзига хос муносабатлари намоён бўлади ва бу пировард натижада турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида маданий-ҳордиқ инфраструктурасидаги ислоҳотлар, болалар учун спорт мактаблари, маданият саройлари ва баркамол авлод саройлари, фитнес клублар, тикиш-бичиш, касб - ҳунар ўрганиш билан боғлиқ тўгараклар аҳоли турмуш эстетикасига ижобий таъсир кўрсата бошлади. “Маълумки, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш бугунги замонавий давлатчилик тараққиётидаги муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Яқинда айни шу кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томондан ижтимоий сўров ва тадқиқотлар ўтказилиб, шу асосда “Бутунжаҳон бахт индекси” нинг (“World Happiness index”) янги рейтинги эълон қилинди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки,

ушбу рўйхатда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустақил Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар орасида биринчи ўринда қайд этилди”[53].

Турмушнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини таҳлил қилиш уч нарсага эътибор беришни тақозо қилади. Булар - инсон ҳаёт кечирадиган ранг-баранг предметлар олами; инсоннинг бошқалар билан мулоқотда ўзлигини намоён қилиш ҳолатлари; инсоний муносабатларнинг одоб-ахлоқда акс этиш имконият ва хусусиятлари**.** Булардан биринчиси бевосита дизайн билан боғлиқ.

Турмуш эстетикасининг муҳим жиҳати инсонни ўраб турган нарса ва буюмлар яратиш ва унга бўлган муносабатида акс этади. Қадимги одамлар турли нарсалардан лой, ёғоч,тош ва табиатнинг бошқа предметларидан ўзига хос мўъжизалар яратганлиги маълум. Бу нарсалар дизайн фаолияти жараёнида яратила бориб турмуш маданиятининг муҳим хусусиятини ташкил қилади.

Инсон турмуш эстетикасининг муҳим таркибий қисмларидан бири инсоннинг кийиниши билан боғлиқ бўлиб бу модага бориб тақалади. Маълумки, мода деганда ташқи маданият шаклларининг вақти-вақти билан қисман ўзгариш ва такрорланиб туришини тушунамиз. Бундай такрорланишлар ва ўзгаришлар иқтисодий, маънавий, ахлоқий, эстетик омиллар каби ижтимоий асосга эга бўлади. Модани асосий кўпчилик эътироф этади, у ўзини фақат кийинишда эмас, ишлаб чиқаришда ҳам, сиёсатда ҳам, санъатда ҳам, фанда ҳам, ҳатто мафкурада ҳам намоён қила олади. У ижтимоий-эстетик мезон сифатида баҳолаш хусусиятига эга ва шу билан одамларга нима кераклигини белгилаб берадиган ҳукмрон дидга айланади. Мода одамларнинг яшаш тарзидан (услубидан) келиб чиқиб, доимий равишда ўзгариб борадиган ҳаёт мазмунига мос шаклни таклиф этади. Зотан у оммавий эстетик диднинг даражаси ва ўзига хосликларини замон кўзгусида акс эттириш хусусиятига эга. Шу жиҳатдан у, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзгарувчанлик табиатига эга.

Инсон қадди-қоматига эстетик кўриниш бериши билан ҳам эстетик таассурот қолдира олади. Инсон чеҳраси ва танасининг табиий тузилишига оид баъзи нуқсонларни косметика, жисмоний тарбия ва тиббиётнинг айрим соҳалари ёрдамида “тартиб” га келтириш мумкин. Бироқ бу ерда меъёр асосий мезон ҳамда ижтимоий онг даражаси билан бевосита боғланган бўлиши лозим. Бугунги кунда эстетик жарроҳлик инсонга “косметик безак” бермоқда, “чирой” бахш этмоқда, ўзига ишончни орттирмоқда. Аммо, қалб гўзаллиги инсоний гўзалликнинг асоси бўлиши лозим. Шу боис турмуш эстетикаси шахс бадиий-эстетик маданиятини шакллантиришда асосий ижтимоий манба ва омил бўлиб хизмат қилади.

Инсон фаолиятининг барча шакл ва маҳсулотларига эстетик салоҳият хос бўлганлиги боис турмуш унинг эстетик гавдаланишини мазмундор қилади ва ранг-баранглаштиради. Бу ўринда дизайннинг турмуш

[53]Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир.-Т.:Ўзбекистон. 2015. -12 б.

эстетикасига таъсирини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу маънода инсонни қуршаган предмет ва нарсалар муҳити уйғунлик, шинамлик ва қулайлик хусусиятлари билан инсонда завқ, кўтаринки кайфият, хотиржамлик каби ҳиссиётларни уйғотиши**;** инсонга ўз ҳаётидан мамнунлик уйғотиши, руҳий муаммолар ечимини ҳал этишда ёрдам бериши мумкин. Бинобарин, меъморлар, амалий санъат намояндалари, дизайнерлар, умуман ижодкорлар бу эстетик қулайликларни нафақат моддий балки инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратади.

Турмуш эстетикаси инсон фаолияти соҳалари, нарсалар олами, интерьернинг таркибий қисмлари, унинг шаклланиш қонуниятлари, иш жойлар муҳитини шакллантириш каби масалаларни ҳал этишда замонавий илм - фан билан боғлиқ бўлиб янги техник ва технологик ишланмалар, дизайнга таянади. Нарса ва буюмларни қулай, шинам жойлаштириш ва улардан тўғри фойдаланиш кундалик ҳаётимиз юқори турмуш маданиятига дахлдор бўлиб бормоқда ва ижтимоий ҳаёт марказида турибди.

Мамлакатимизда ёшларнинг меҳнат ва эстетик тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Кўча, маҳалла ва турар жойларни безашда мактаб, лицей ва коллеж талабалари қатнашмоқда. Шу орқали ёшларнинг воқеликка эстетик муносабатини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, “Баркамол авлод” болалар марказларида ўлкашунослик ва экология, дизайнерлик тўгаракларининг мавжудлиги болаларда дизайнерлик қобилиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Болаларнинг дизайнга оид билим ва ижодий тафаккури бойиб бормоқда, дизайнерлик касбининг дастлабки кўникмалари шаклланмоқда.

Алломаларнинг инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак деган таърифи шу ўринда ўз маъносини кўрсатади. Кийим-кечак, либос, нарса ва буюмлар нафақат моддий, шу билан бирга, бадиий-эстетик аҳамиятга ҳам эга предметлар мажмуи бўлиб, инсоннинг ташқи қиёфаси, диди, ўзига баҳоси, ихтисослиги, ижтимоий мавқеини ҳам гавдалантиради, бугина эмас, ташкилий ва руҳий вазиятни ҳам ифодалайди. Ва ниҳоят, кийим-кечак, либоснинг ярашиқли, нарса, предметларнинг кўркамлиги кишиларда муайян эстетик мамнунлик ва хушнудлик уйғотишини таъкидлаш лозим.

Замонавий шаҳарсозлик эстетикаси инсон камолотида муҳим ўринни эгаллайди. Ҳар бир вилоят, шаҳарнинг ўзига хос шаҳарсозлик анъаналари мавжуд бўлиб, улар даврлар мобайнида такомиллашиб, миллий ва замонавий анъаналарни уйғунлаштириб боради.

Мустақиллик йилларида шаҳарсозлик беқиёс ўзгаришларга, тараққиётга юз тутди. Шаҳарларда нафақат тарихий обидалар қайта тикланди, балки зиёратгоҳлар ободонлаштирилди, қатор замонавий касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, заводлар, фабрикалар, спорт майдонлари, шифохоналар, меҳмонхоналар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, бозорлар, йўллар, кўприклар, савдо мажмуалари, фавворалар, гулзорлар барпо этилди.

Айниқса кейинги йилларда бу соҳада муҳим ўзгаришлар бўлди. Турар-жойларни такомиллаштириш, бадиий лойиҳасини муҳандис, дизайнер мутахассислар ёрдамида қулай, чиройли, шинам бўлишига эришиш учун

махсус лойиҳалар қабул қилинмоқда. Замонавий шаҳарсозлик дизайнини такомиллаштириш учун «Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимини тубдан қайта ташкил этиш, шаҳарсозликнинг эскирган методология ва нормативлари, капитал қурилишдаги номутаносиблик ва муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, лойиҳа институтларининг самарасиз фаолиятини қайта кўриб чиқиш»[54] тақозо этилади.

Бугун Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят марказлари Нукус, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Қарши,Термиз каби шаҳарларни замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида Самарқанд шаҳри жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган 50 шаҳарнинг бирига айланди. Буюк Британиянинг “Экономист” журналида эълон қилинишича Тошкент шаҳар ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 та шаҳар орасида 58 ўринни эгаллади. Бу мисолларнинг барчаси маданий маконда дизайннинг ўрни ва роли ортиб бораётганини кўрсатади. Нафақат Тошкент, балки бутун Ўзбекистоннинг гўзаллиги дунёга намоён қилинмоқда. Бунда функционаллик ва бадиийлик, фойдалилик ва гўзаллик, тежамкорлик ва таъсирчанлик, қулайлик ва шинамлик каби дизайн парадигмалари маданий маконни шакллантиришнинг асосий омил бўлади ва дизайннинг инсонпарварлик мақсадини намоён этади. Бу миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги, урф-одат ва анъаналар, тарихий тажрибага асосланган ҳолда соғлом турмуш тарзи ва қулай шароит яратиб бериш, бир сўз билан айтганда юртимиздаги ободлик ва фаровонлик билан белгиланади.

Дизайннинг эстетик хусусиятлари. Италянчада лойиҳа, расм маъноларини англатувчи disegno сўзи ўрта асрларда инсон табиатида мавжуд бўлган ижодкорлик хусусиятларини ҳам ифодалаган. Аммо, “инглиз тилидаги design сўзи биринчи марта 1919 йил инглиз рассоми Джозеф Синело томонидан саноатда ишлаб чиқарилган нарсалар намунасига нисбатан қўлланилган. Бунда у аниқроқ ифодалаш учун industrial сўзини киритиб «industrial design “ саноатга, унинг тараққий этган машина техникаси ва серияли ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги бадиий предметли ижод соҳасини англатувчи сўз бирикмасини қўллайди. Вақт ўтиши билан бу термин халқаро аҳамиятга эга бўлиб борди.”[55]

Дизайн аввал нарса ва буюмлар оламини эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсадига қаратилган лойиҳалаш фаолияти бўлса бугунга келиб инсон фаолиятининг барча йўналиш ва кўринишларини қамраб олиб, нуфузли, кенг тарқалган ижодий фаолиятга айланди. Нарса ва предметлар, атроф-муҳитни лойиҳалар экан дизайнер айни пайтда инсон ва унинг ҳаёт тарзини ҳам лойиҳалайди.

---

[54] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б. 22-23.

[55]Медведев В.Ю.Научные аспекти дизайна. — СПб.: СПГУТД, 2014. - С.4.

Дизайннинг энг асосий эстетик хусусиятларидан бири, маҳсулот сифатини оширишнинг таъсирчан воситаси эканлигидадир. У илмий тафаккурнинг сўнгги муваффақиятларини ўзида гавдалантирадиган, энг юксак техниканинг иқтисодий, эстетик ва бошқа истеъмолчилик талабларига жавоб берадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши керак, бунда эса ҳал қилувчи омил дизайндир.

Дизайн бу ижодий фаолият бўлиб, унинг мақсади саноат маҳсулотари шакли ва сифатини белгилаб беришдир. Бу хусусиятлар махсулотнинг ташқи белгиларини қамраб олади, шу билан биргаликда маҳсулотни харидор-истеъмолчи нуқтаи назарида ҳам, тайёрлаб-етказиб берувчи нуқтаи назаидан бир бутунликка олиб келувчи функционал ва структуравий алоқадорлигини ҳам ўз ичига олади. Дизайн амалий санъат соҳаларини саноат оламига ҳам тадбиқ этиб, маҳсулот шаклини фақат мантиқий тузилиш, мақсадга мувофиқ эмас балки, ҳиссиётларга таъсир этишини таъминлайди.

Дизайн бугун жамиятнинг илмий-техник ва эстетик даражасини ҳам кўрсатади. Бу биз кундалик амалиётимизда қўллайдиган меҳнат қуролларидан тортиб, уй жиҳозлари-ю, коммуникацион воситалар телевизор, компьютерларда ҳам намоён бўлади.

Бугунги кунга келиб дизайн кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Шаҳарсозликдан тортиб, хонадонимиз интерьер (ички кўриниши) ва экстерьери(ташқи кўриниши), транспортдан тортиб, меҳнат воситаларигача, маиший турмуш буюмлар оламидан тортиб, либослар, дафтар-китобдан тортиб, газета-журналларгача уларнинг иштироки заруриятга айланиб қолган. Дизайн сўзининг ўзи инглизча чизиш, лойиҳалаш маъносини англатади. У инсон моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол буюмлари оламини уйғунлаштиришга қаратилган ижодий фаолиятдир.

Мустақилликдан сўнг аҳоли турмуш даражасининг юксалаётганлиги, эстетик маданиятнинг такомиллашиб борётганини кузатиш мумкин. Бунда дизайн катта рол ўйнамоқда. Бугунги дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуриш, уни халқимиз манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилмоқда.

Халқ амалий санъати ва дизайн. Маълумки, мавжуд барча санъат асарлари ўз ўқувчисига, тингловчисига ёки томошабинига ўтказадиган бадиий, эстетик, руҳий таъсири орқали билим беради, тарбиялайди. Шу ўринда амалий санъат турларининг хусусиятлари ўзига хос бўлиб, уларни бошқа ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Яъни бундай санъат асарлари айни чоғда ҳам бадиий, ҳам амалий вазифаларини бажара олиши уларнинг аҳамиятини белгилайди.

Шунинг учун халқ амалий санъатига эътибор кучайиб бормоқда. Мустақилликдан сўнг кандакорлик, каштадўзлик, зардўзлик каби амалий санъат турларига эътибор ортди. «Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўрисида»ги фармон, «Ўзбекистон халқ устаси» унвонининг таъсис этилиши, соҳага оид халқаро конференцияларнинг ўтказилиш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳакамасининг

2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиши ва улардан фойдаланиш Давлат дастури ҳам мана шу мақсадни ўз олдига қўйди. Амалий-безак санъати ва ҳунармандлик бозор иқтисодига мослашиб, унинг тур ва жанрлари бозор иқтисоди билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқди. Шахсий устахона ва корхоналар ташкил этилмоқда. Мустақиллик йиллари ёғоч ўймакорлиги, унинг маиший ва монументал турларининг кенг ривожланиш даври бўлди. Маҳобатли ёғоч ўймакорлиги кенг ривож топди. Барпо этилган меъморий мажмуаларда бу санъат ўзининг салмоқли ўрнини эгаллади.

Ўзбекистонда мунтазам ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам халқ амалий санъатининг бир қанча турлари намойиш этилмоқда. Мисгарлик, каштадўзлик, ёғоч кандакорлиги буюмларида қадим усталаримиз анъаналарининг замонавий услублар билан уйғунлаштирилгани турмуш эстетикасининг юксалишида катта аҳамият касб этади. Бу буюмлар хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Бугун миллий ҳунармандлигимиз нафақат Ўзбекистонда балки жаҳонга ҳам машҳур бўлиб бормоқда. Ҳиндистон, Хитой шунингдек Европа мамлакатларида халқ амалий санъати кўргазмалари ташкил қилинаётгани фикримиз далилдир. Дизайнер ва усталаримиз нафақат республикамиздаги замонавий иншоотларида, балки чет элларда масжид ва мадрасалар, ислом санъати музейлари интерьерларини безашда муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари ўтмиш аждодларимиз яратган баркамол, такрорланмас ва тарихан бебаҳо асарларнинг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва шу билан бирга жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маданий меросни ташкил этади. Халқ амалий санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий-эстетик дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ҳам ўзбек халқи амалий санъати кишиларнинг бадиий, ахлоқий, умуминсони жиҳатдан тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда ҳам маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан ҳисобланади.

Бугунги замонавий иншоотлар каби турар жойларда амалий санъатнинг бир қанча турларини кўриш мумкин. Турар-жойларнинг турли-туман бадиий-технологик усулларда намоён этилган бадиий безак турлари, Ўзбекистон меъморчилигида ҳам муҳим ўрин тутади. Интерьерларнинг бадиий безатилишда асосий аҳамият деворий нақкошликка қаратилган бўлиб бу ўзбек хонадонини безатишда муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Ёғоч ўймакорлиги фақат интерьернинг сиртида намоён бўлиб қолмай турли шакл ва композицияларда ҳам акс этади. Бу интерьер учун ишланган стол, стуллар, хонтахтанинг нафақат шаклининг бежиримлиги балки ёғоч фактурасининг гўзаллиги ва уларга берилган ишлов ҳамда нақшларнинг бетакрор ва енгиллиги кишига завқ бағишлайди. Тошкент турар жой меъморчилигида Ўрта Осиё меъморчилиги амалиётида қўлланилган бадиий

безакларнинг деярли барча турлари мавжуд: сувалган девор ганч наққошлиги авва ўймакорлиги шулар жумласидандир.

Интерьернинг бадиий безалишида асосий аҳамият деворий наққошликка қаратилган бўлиб, бу ўзбек хонадонини безатишда муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Кўпинча наққошлик ганч ўймакорлиги билан мувофиқликда бажарилади. Айниқса Тошкентда кенг тарқалган ўсимлик нақшлари-мажнунтол, анор, хризантема буталарининг ёйилган шохларини кўплаб учратиш мумкин. Бу лавҳалар фақатгина безак эмас ўз фалсафий маъносига эгадир. Масалан мажнунтол-севги соғинчи, анор-серҳосиллик, лола-баҳор, гулсафсар осойишталик ва узоқ умрни англатган.

Анъанавий бадиий ҳунармандчилик буюмлари патнислар, кўзачалар ҳар бири ўзининг бетакрор хислатларига эга бўлиб, уларни харид қилишгина эмас балки улардан завқланиш, уларнинг донолигини тушуниш ва уларнинг бадиий қимматига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу ёдгорликлар эстетик кечинмалар манбаи ҳамдир. Ҳеч бир ўзбек хонадони йўқки унда кулолчилик, бадиий каштачилик, заргарлик буюмлари билан безатилмаган бўлсин. Ўрта аср Шарқ миниатюралари рангтасвиридан олинган безаклар интерьер дизайнига ҳам кириб келиши миллий турмуш эстетикасининг юксалишида муҳим аҳамият касб этиб қолмай, янги-янги анъаларни вужудга келтирмоқда.

Таянч тушунчалар:

Экоэстетика, табиат, илмий-техник тараққиёт, техноген цивилизация, инсон гўзаллиги, санъат, турмуш эстетикаси, ишлаб чиқариш эстетикаси, эстетик идрок этиш, қадрият, экология,эстетик тарбия, эстетик муносабат, шаҳарсозлик эстетикаси, фан, дизайн, амалий санъат.

Такрорлаш учун саволлар:

1.Табиатга эстетик муносабатнинг моҳияти ҳақида тушунтириб беринг.

2. Экологик эстетиканинг қадриятли мақоми нималардан иборат?

3.Экоэстетиканинг фалсафий моҳиятини изоҳлаб беринг.

4. Табиатни эстетик идрок этишнинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари қандай?

5. Техноцивилизациянинг ишлаб чиқариш эстетикаси ва фан тараққиётига қандай таъсири бор?

6. Маиший турмуш эстетикасининг инсон турмуш тарзида тутган ўрни қандай?

7. Замонавий шаҳарсозлик эстетикасининг бугунги ривожи ҳақида гапириб беринг.

8. Дизайн эстетик хусусиятларини тушунтириб беринг.

9.Халқ амалий санъати ва дизайннинг ўзаро алоқадорлигини изоҳлаб беринг.

18-МАВЗУ. ЭСТЕТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

РЕЖА:

1. Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари
2. Эстетик тарбияда фан, таълим ва маданиятнинг ўзаро алоқаси
3. Меҳнат – турмуш эстетикасининг муҳим омили
4. Инсоннинг табиий, ахлоқий ва эстетик диди мутаносиблиги
5. “Оммавий маданият”нинг ёшлар эстетик дидига таъсири
6. Спорт ва унинг маънавий-эстетик жиҳатлари
7. Воқеликка эстетик муносабатнинг аҳамияти
8. Оламни эстетик англашда технологияларнинг роли
9. Рекламанинг эстетик жиҳатлари

Эстетик тарбиянинг турлари ва йўналишлари. Эстетик тарбия ўз–ўзидан пайдо бўлиб, ривожланадиган «микроорганизм» эмас ва айни пайтда бирдан тўхтаб қоладиган «механизм» ҳам эмас. У секин–аста инсон томонидан орттирилган ҳаётий тажрибалар, кўникмалар, билимлар орқали шаклланиб боради. Қолаверса, эстетик тарбия ижтимоий тараққиётнинг муайян жабҳаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолият сифатида иш олиб боради. Бундан ташқари тарбиянинг мазкур шакли айрим кишиларнинг ёхуд бирор–бир гуруҳнинг турли хил фаолиятлари натижасида юзага келади.

Эстетик тарбия моҳиятан инсон омили билан боғлиқ бўлиб, бу омил нафис дидга, юксак фаросатга ва покиза туйғуларга эгалиги билан ажралиб туради. Жамиятда яшаётган бирор–бир шахс эстетик жараёнлардан четда турмайди, аксинча, ўзининг муайян хатти–ҳаракати билан мазкур жараёнларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Эстетик тарбиянинг мақсади ана шундай таъсирларни гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик асосида йўналтиришдан иборат.

Ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис қилиши лозим. Эндиликда мафкура дунёсида пайдо бўладиган бўшлиқ пировардида жамият, инсон ва мамлакат учун нақадар катта хавф солишини англанмоқда. Тарбиянинг эстетик шакли эса мазкур жараёнларда ёш авлодни гўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиатга бўлган муносабатини, бадиий адабиётга қизиқишини, жамият маънавий ривожидаги янгича қарашларни гўзаллик ва улуғворлик асосида тарбиялашдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Эстетик тарбиянинг асосий вазифалари:

- кишиларда санъат асарлари, бадиий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштириш;

- жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириш ва улардан фойдалана билишга ишонч туйғусини уйғотиш;

- табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига соф туйғу билан муносабатда бўлишга ва уларни равнақ топтириш йўлида астойдил фаолият олиб бориш кўникмаларини хосил қилиш;

- ўтмиш маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш;

- ижоднинг барча турларини тараққий эттириб жаҳонга юз тутиш ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундашди.

Эстетик тарбия жуда кенг кўламга эга бўлиб, инсонни бир бутун шахс сифатида намоён қилади. Шунинг учун ҳар қайси давр, тузум, жамият эстетик тарбияга эҳтиёж сезади. Бироқ, бу жараён педагоглар зиммасига жуда катта вазифа юклайди. Айниқса, бугунги кунда олий таълим муассасасида катта эҳтиёжга айланмоқда. Бироқ, кўпгина муассасаларда бу фанга ниҳоятда жўн ва примитив ёндошув мавжудлигини алоҳида эътироф этиш зурур.

Эстетик тарбиянинг асосий воситалари. Санъат - эстетик тарбиянинг муҳим воситаси. Маълумки, ҳиссиётлар, туйғулар, кечинмалар инсоннинг тириклигидан далолат беради. Чунончи, ижобий фазилатлар, бадиий-эстетик идеаллар инсон ҳаётининг мазмунига кўрк бағишлайди. Тарбияда айниқса, эстетик тарбияда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади муҳим аҳамият касб этади. Гоҳида мақсад мавҳум тушунчага айланиб шахснинг табиатига мутлақо зид бўлган ҳолатларни келтириб чиқаради. Пировардида инсон бундай мақсадларнинг таъсиридан зарар кўради. Санъат шу маънода замонавий инсонни эстетик жиҳатдан тарбиялашдаги асосий воситаки, у инсоннинг эстетик туйғуларини мақсадли, ижобий томонга йўналтиради, унинг келажакда буюк ишларни амалга оширишига кўмак беради.

Шахснинг эстетик тарбиясини санъат воситасида амалга оширишнинг афзал томонини икки хусусият билан ифодалаш мумкин. Биринчидан, санъат ижтимоий англашнинг бошқа шаклларига қараганда инсонга бирмунча яқинроқ ҳамда тезроқ таъсир кўрсата олиш имконига эга. Иккинчидан, санъат инсонни эстетик жиҳатдан камолотга етказиш жараёнига муайян мафкуравий мазмун бағишлаши билан бирга инсон маънавий қадриятларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Санъат ўзининг эстетик бисотини тўлалигича намоён қилиши учун ҳам тарбия жараёни билан чамбарчас боғланади. Чунончи, инсон тафаккурини гўзаллаштириш эстетиканинг тадқиқот обьекти ҳисобланса, эстетик тарбиянинг предмети эса маънавий дунёни инсон томонидан эстетик англаш билан белгиланади. Санъатнинг инсон эстетик тафаккурини юксалтиришдаги аҳамияти яна шу билан изоҳланадики, санъат аввало; воқеликни бадиий қиёфалар ёрдамида акс эттиради, ўзида моддийлик ва маънавийликнинг эстетик мазмунини намоён қилади, ижтимоий ҳаётга янгича кўрк бағишлайди, уларни қайтадан ташкил этади ва ўзгартиради. Ана шунга кўра,

инсоннинг билимлилик томони санъатнинг кўринишларини намоён эттириш ҳолатларини амалга оширади. Мазкур холатлар натижасида эстетик тарбиявийлик ҳусусияти ўз ифодасини топади.

Электрон ахборот воситалар - эстетик тарбиянинг замонавий воситаси. Ҳозирги кунда эстетик тарбиянинг шундай воситалари мавжудки, унинг маънавий жараёнларга кўрсатаётган глобал таъсирига бефарқ бўлиш асло мумкин эмас. Ана шундай таъсирлардан бири - бу электрон ахборот воситалардир. Электрон ахборот воситаларининг муҳим эстетик тарбия воситаси сифатида қатор хусусиятларга эга. Булар:

- нархининг арзонлиги**;**
- асосий маҳсулот – билим, ахборот, мода ва имидж;
- янги иқтисодиёт - у ахборотга эга бўлишни хохлайдиган одамларга имтиёз беради;
- чинакам глобал характерга эга эканлиги.

Меҳнат эстетик тарбиянинг асосий воситаси. Меҳнат ҳам моддий, ҳамда маънавий гўзалликлар яратиш билан эстетик тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу жараён ижтимоий–фойдали меҳнатнинг бадиийлик билан алоқаси таъсирида вужудга келади. Мазкур муносабат пировардида меҳнат воситаларининг инсонга келтирадиган зарарини камайтиради. қолаверса, меҳнатга ижодий ёндашув жамият маънавий қиёфасини белгиловчи омил ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси–ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Ушбу жараёнда энг муҳим ва долзарб вазифа инсонларда меҳнатга бўлган янгича эстетик муносабатни шакллантиришдан иборат. Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик хиссиётини тарбиялаш ўз навбатида меҳнатга бўлган эстетик муносабат орқали рўёбга чиқади.

Оммавий ахборот воситалари эстетик тарбиянинг таъсирчан воситаси. Бу восита инсонга яқиндан таъсир қилувчи қудратли ва фаол кучдир. Айниқса, телевидение шахс ҳамда оммани эстетик дунёқарашини шакллантиришда, уларни нафосатли жиҳатдан тарбиялашда юксак аҳамият касб этади. Ранг–баранг мавзулардаги кўрсатувлар бадиий ва ҳужжатли филмлар, ижтимоий–маънавий мазмундаги рекламалар, телемарафонлар нафосатли тарбияни мақсадли йўналтиришда, инсонлар тафаккурида гўзалликка бўлган янгича муносабатни шакллантиришда салмоқли аҳамият касб этади.

Спорт – эстетик тарбиянинг замонавий воситаси. Спорт эстетик тарбия воситаси сифатида замонавий инсонни камол топтиришда алоҳида эътиборга эга. Ҳозирда спортни ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад авлодни жисмонан бақувват, соғлом, ватаннинг жасур ҳимоячиси қилиб тарбиялашдир. Спорт ва спорт мусобақалари моҳиятан инсон нафосатли дунёқарашини, тафаккурини соғломлаштиришга қаратилган.

Эстетик тарбия омиллари. Маҳалла - эстетик тарбиянинг муҳим омили. Маҳалланинг шахс эстетик тарбиясига таъсири ниҳоятда катта.

Чунки, маҳалла жамият ичидаги кичкина жамият бўлиб, у бугун шахснинг ижтимоий–сиёсий фаоллигини оширишга, унинг ижтимоий–ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга кўмак берувчи макон сифатида ҳам юксак аҳамият касб этади. Маҳалла шахс нафосатли тарбиясига яқиндан таъсир кўрсата олиши билан бошқа омиллардан ажралиб туради. Маҳалла ўз олдиган қўйган эзгу мақсадларни бажариши билан замонавий инсонни нафосатли жиҳатдан тарбиялайди. Чунончи маҳалла:

- ўзига қарашли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги, кўркамлигини ҳамда фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаши;
- турмуш нафосати ва муомала эстетикани шакллантириб, инсонлар қалбида ижобий туйғулар, яхши орзуларни намоён эттириши;
- маҳаллийчилик ва миллатчилик сингари салбий ҳолатларга йўл қўймаслиги ҳамда қўшничилик маданиятини камол топтириши;
- санъат, маданият, маърифат арбоблари, илм аҳллари иштирокида бўладиган ранг-баранг мавзулардаги маърузаларни, суҳбатларни уюштира олиши;
- исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаган ҳолда урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, тантанали шодиёналарни тартибли, чиройли ўтишини таъминлаши ва ҳоказо шу кабилар билан инсон эстетик тафаккурини шакллантиришда муҳим маскан бўлиб ҳисобланади.

Эстетик тарбияга таъсир ўтказувчи глобал таҳдидлар. Миллий маънавиятга таъсир ўтказувчи ташқи таҳдидлар айни пайтда эстетик тарбия жараёнига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ижтимоий-маънавий муносабатлар тизимида эстетик тарбияни мақсадли йўналтиришни тақазо этмоқда.

Интернет. Бугунги кунда эстетика ниқоби остида турли хил кўринишдаги “енгил ҳаёт тарзи”, “мусаффо туйғулар”, “ҳузурбахш ахлоқ”, “мафтункор кўриниш”, “янги имидж”ни тарғиб қилувчи тармоқлар эстетик тарбияга жиддий ҳавф солмоқда. Бундай таҳдидлар одатда, инсоннинг ташқи ва ички кўринишидаги мутаносибликни бузишга қаратилганлигида кўринади. Бу аввало, инсоннинг фаҳми, фаросати ва дидига жиддий зарар етказади. Натижада дидсизлик ва фаросатсизлик одамнинг асл қиёфасини билишга, унинг ниятини англашга қолаверса, маънавий тўпосликка олиб келади. Зеро, ҳар қандай чиройли кўринган нарса ҳам инсон манфаатига хизмат қилавермайди.

Инсон руҳиятига таъсир этиш ҳам эстетик тарбияга таҳдиднинг кўринишларидандир. Бу онг ости ҳодисаси орқали намоён бўлади. Булар:

Сезгилар. Яъни, 5 та сезги илғамаган нарсани онг ости илғаш қобилиятига эга. Узлуксиз жараённи туйғулар ҳотирага узлуксиз ёзади. Аммо биз уларнинг ҳаммасини ажрата олмаймиз.

Кузатиш. Бунга реклама маҳсулотлари ва унинг эстетик табиатини мисол қилиш мумкин. Маҳсулотга бўлган қизиқиш рекламада кўрсатилган шахсга ихлос туфайли ортади.

Ташвиқот. Онгости ташвиқотга табиий холда эшитилмайдиган овозлар орқали таъсир қилади. Супермаркет, кафе-бар, бозор ҳамда кўнгилочар

масканларда қўйиладиган мусиқаларда ҳам ҳаридорларни чорлаш мақсади кўзланади.

Яширин кадр орқали таъсир қилиш. Бу инсоннинг онг ости хисларига яширин таъсир қилишда кўринади. Мутахассисларнинг фикрича бу турдаги ташвиқот ҳар доим ҳам эзгу йўлда ишлатилавермайди, бу аксарият ҳолатларда шум ниятли инсонларга қўл келиши мумкин. Мисол учун кино ёки сериалларда, “Агар бир инсонга давомли равишда “Қўшнингни ўлдир!” шаклидаги яширин кадр билан таъсир қилинса, у ҳеч иккиланмасдан қотилликка қўл уриши мумкин эканлигини тиббиёт психологияси исботлаб берди.

Эстетик тарбияда фан, таълим ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Шахснинг эстетик камолотини фан, таълим ва маданиятнинг, хусусан эстетик маданиятнинг уйғунлигисиз тасаввур этиш қийин. Чунки, эстетик маданият – бу инсон эҳтиёжларининг мураккаб тизими бўлиб, унда одамзод ҳиссиётлари, малакалари, кўникмалари, билимлари, меъёрлари, маслаклари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги.

Эстетик маданият мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида жамият миқёсида табиатни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари, меҳнат фаолияти, турмуш, ижтимоий муносабатларнинг эстетик жиҳатлари, синф ва ижтимоий қатламларнинг эстетик қарашлари, дид ва манфаатларининг муайян ҳолати, эстетик тарбия назарияси ва амалиёти, кишилар ижтимоий-эстетик фаоллигининг ранг-баранг намоён бўлишини англатади. Бунда эстетик маданиятнинг кўпроқ инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ эканлиги назарда тутилади. У ранг-баранг фаолият ҳамда эстетик муносабатлар тизими сифатида бадиий ижоднинг профессионал ҳамда ҳаваскорлик турлари, мода, дизайн, оммавий ахборот воситалари, эстетик идрок маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни ҳам қамраб олади.

Касб эстетикаси эстетик маданиятнинг энг юксак шаклларидан бирдир. Ҳар бир касб ўзига хос ахлоқий меъёрларига эга бўлгани каби, ўз меҳнат фаолияти тақозо этадиган эстетик меъёрларга ҳам эгадир. Касб этикаси каби касб эстетикаси хусусида Кайковус, Алишер Навоий, Умар Хайём каби мутафаккирларимиз ўз қарашларини баён этишган. Хусусан, Кайковус “Қобуснома” асарида бир қанча касблар хусусида фикр билдиради. “Ҳофиз ва созандалик зикрида” бобида “Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ, бўл, ҳамиша пок, мутайяб ва хушзабон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлгил, ярамас хулқ қўпол башара бўлмағил” деб, таъкидлайди.

Инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида кишилар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан ҳамкасблар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Мана шу вазиятда касб эстетикаси муҳим рол ўйнайди. Касб этикаси ва касб эстетикаси ўзаро боғлиқдир. Барча касб учун умумезон бўладиган ахлоқий меъёрлар ростгўйлик, ҳалоллик, хушфеъллик хулқ гўзаллигини ташкил этади. Хулқ гўзаллиги эса касб этикасигагина эмас, балки касб эстетикасининг ҳам

муҳим таркибий қисми десак хато бўлмайди. Бу шифокор, ўқитувчи, журналист каби барча касб эгалари учун муҳимдир.

Ҳар бир касб ўзига хос хусусиятларга эга. Бу касб эстетикасида ҳам ўз аксини топади. Ўқитувчи фаолияти, меҳнат маҳсули муҳандисникидан фарқ қилади. Унинг меҳнат маҳсули ўқувчининг ахлоқ одоби, билим даражаси, эстетик диди билан белгиланади. Муҳандис эстетик диди эса у яратган автомобилнинг қулай, чиройли, фойдалилиги билан белгиланади. Ўқитувчининг юриш-туриши, эстетик фазилатлари унинг ўқувчиларида акс-садо берса, муҳандиснинг меҳнат маҳсули инсон учун қулайлик яратади, моддий маданиятимизга ҳисса қўшади. Албатта, бунда муҳандис табиий фанлар қатори эстетика, руҳшунослик каби фанларни ҳам эгаллаган ва эстетик дидга эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёнига биноан, бир томондан, фан, таълим ва маданият соҳасида муштарак тамойилларига йўл очилса, иккинчи томондан, айрим халқлар миллий қадриятлари, маданият турлари ва эстетик тасаввурларига салбий таъсир этадиган жиҳатлар кўзга ташланиши табиий бўлиб қолди. Демак, ана шундай объектив ва субъектив сабаблар, шароитлар натижаси бўлган глобаллашув даврида маънавий ҳаётда, маданият жабҳаларида ниҳоятда сезгирлик ва огоҳлик билан иш кўришга тўғри келади.

Меҳнат-турмуш эстетикасининг муҳим омили. Инсоннинг ақлий ёки жисмоний кучи билан амалга ошириладиган мақсадли фаолияти меҳнат дею аьалтишт маълум. У маънавий ва моддий жиҳатдан одамзот ҳаётини фаровонлаштириш, маънавий ҳамда моддий қадриятларни яратиш воситаси. Меҳнатда инсон айни пайтда ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан тарбияланиб, маънавий юксалиб боради. Бироқ меҳнат оғир мажбуриятга айланган жойда унинг бу хусусиятлари йўқолади. Шу сабабли меҳнат ҳар жиҳатдан юксак самара бориши учун эркин бўлиши, меҳнат жараёни ижодий ва қизиқарли кечиши лозим. Агар меҳнат эркин ва ижодий бўлса кўплаб юксак асарлар, мукаммал маҳсулотлар яратилади. Ва аксинча, меҳнат асарлари хунук бўлса инсоннинг меҳнат қилиш завқи ва бахтидан мосуво эканлиги, бу эса улар яшаётган жамиятнинг маънавий қашшоқлигини кўрсатади.

Меҳнат эстетикаси деганда меҳнат шароити, меҳнат воситалари, меҳнат натижаларида эстетик қонуниятларнинг намоён бўлиши тушунилади. Меҳнатнинг эстетик жиҳатлари шахснинг ижодий фаолият потенциали унинг маънавий, ақлий, ахлоқий-эстетик томонлари билан умумийлиги ва меҳнат натижаларидан беғараз лаззатланишига боғлиқдир. Меҳнатнинг эстетик жиҳатдан тўлақонли бўлиши учун аввало объектив омиллар, ишлаб чиқариш жараёнига ҳам боғлиқ. Албатта бу ўринда меҳнаткашларнинг маданияти, эстетик диди масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, меҳнатнинг эстетик моҳияти у кечадиган ижтимоий шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бозор муносабатлари шароитида рақобат амал қилиши моддий неъмат ишлаб чиқарувчилардан ҳар томонлама кенг ижодий фаолият кўрсатиш, сифатли маҳсулотлар яратиш,

истеъмолчиларнинг бадиий-эстетик диди ва эҳтиёжларига мос товарлар етиштиришни зарурий эҳтиёжга айлантирди. Моддий ва маънавий эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини таъминлаш ва ривожлантириш шахс, миллат ва жамият тараққиёти гаровларидан биридир.

Меҳнатнинг эстетик жиҳатдан тўлақонли бўлиши аввало объектив омил - ишлаб чиқариш жараёнига ҳам боғлиқ. Албатта, бу ўринда меҳнаткашларнинг маданияти, ахлоқи, эстетик диди масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, меҳнат инсонга кучли ва кўп-қиррали таъсир кўрсатиб, унинг фаолиятига эстетик маъно-мазмун бахш этади, маънавий камол топишига кўмаклашади. Бунда ижод устуворлиги қанча юқори бўлса, унинг эстетик моҳияти ҳам шунча барқарор, маънавий таъсирчанлиги кучли бўлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач меҳнатнинг моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” тамойили мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар аввало инсон ҳаётини фаровон, турмушини обод бўлиши, меҳнатнинг эркин ва ижодий табиатига боғлиқлиги ифодасидир.

Инсоннинг табиий, ахлоқий ва эстетик дидининг мутаносиблиги. Инсон дунёга келар экан, атроф муҳитга ва унда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати орқали унинг табиий диди шаклланса, воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиши ва баҳолаши жараёнида олинадиган қониқиш ёки қониқмаслик туйғуси ва эстетик мезони орқали унинг эстетик диди намоён бўлади. Эстетик дид инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, моддий ва маънавий ижод маҳсулотларида ўз ифодасини топади. Айнан шу уйғунлик инсоннинг табиий, ахлоқий ва эстетик дидининг мутаносиблигини англатади.

Эстетик дид заминида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш ҳамда лаззатланиш қобилияти ётади. Эстетик дид одамларнинг дунёқарашидан, айниқса, эстетик қарашларидан ажралмаган ҳолда амал қилади. Эстетик билимлар ва қарашлар дидда ифодаланиши учун улар шахснинг ички дунёсига, идрок қилиш жараёнининг ўзига сингиб кетиши, шахснинг мустаҳкам ахлоқий эътиқодига айланиши лозим.

Эстетик дид ўзида бевосита ва билвосита, ҳиссий ва ақлий, якка одам ва жамият эстетик диди қарама-қаршиликлари бирлигини мужассамлаштиради. Эстетик диднинг зиддиятли табиати ҳақида дастлаб Кант муносабат билдирган эди. Кант назарида дид якка одамга хос бўлган инсоннинг туғма қобилиятидир. Дид шу қадар якка тартибда ифода топадики, уни ҳеч қандай далиллар билан инкор этиб бўлмайди. Дид мулоҳазаси ниҳоятда шахсий табиатга моликдир. Шу боисдан ҳам “дид тўғрисида баҳслашмайдилар”. Лаззатланиш объекти бўлган ҳиссийлик, нафосат барча учун баробар даражада аҳамиятлидир, у фақат мазкур шахснинг ўзигагина эмас, балки ҳаммага ёқади. Инсон ўзига ёққан нарсаларни бошқаларга ҳам ёқади деб ўйлайди. Демак, дидлар учун умумий ҳисобланадиган томонлари ҳам бор. Шу сабабли дид тўғрисида баҳслашиш асослидир. Кант иккала мулоҳазани антиномия сифатида таърифлайди. Инсон амалиётининг бой ва

хилма-хиллиги маънавий муносабат ларнинг ҳам бой ва хилма-хил бўлишига олиб келади, дид эса, уларнинг энг муҳим намоён бўладиган туйғуларидан ҳисобланади.

Алоҳида шахснинг эстетик диди унинг бетакрор ҳаётий тажрибаси заминида шаклланади. Табиийки, алоҳида тарбия шароитлари, ҳаётий тажриба, табиати ва эҳтироси таъсири остида у ёки бу эстетик қадриятлар табиат ҳодисалари, инсон моддий фаолияти маҳсулотлари, бадиий қийматларга кўпроқ мойиллик вужудга келади. Эстетик онг билан бадиий онгни тенглаштириб бўлмаганидек, эстетик дид билан бадиий дидни ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Эстетик дид бадиий дид билан боғлиқ бўлиб, кўп жиҳатдан унинг устига қурилади, лекин у билан қўшилиб кетмайди. Бадиий ва эстетик дид ўртасидаги тафовут уларнинг турлича идрок этиш объектларига эга бўлиши билан боғлиқдир. Икки дид ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш билан бирга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик лозим. Бадиий дид ҳамма вақт эстетик дидга асосланади, ундан келиб чиқади.

Худди шунингдек, эстетик дид ахлоқий дид билан мутаносибликда ривожланиб боради. Зеро, инсоннинг қалб нафосати ва эзгу ахлоқий қиёфаси уйғунликда унинг гўзаллигини яхлитликда намоён қилади.

“Оммавий маданият”нинг ѐшлар эстетик дидига таъсири. XXI аср оммавий маданияти замонавий қиёфада гўё ривожланган маданий дунёга интеграциялашиш ниқоблари остида намоён бўлмоқда. Бу ниқоблар остидаги салбий холатлар ва улар шакллантириш мумкин бўлган иллатлар билан умуминсоний қадриятлар орасидаги кескин тафовутни англай билиш замон талабидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев: “Аммо фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбаи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёт бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен мутлақо қаршиман", [56]- деб таъкидлайди. Оммавий маданият энг аввало, миллий эстетик тарбияга зарба бериб, жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан ҳатарли ҳисобланади. Эстетик тарбия айнан шундай ҳолатга қарши мақсад йўлида ёш авлодни миллийликка зид бўлмаган эстетик идеал тимсолида, юксак дидли қилиб тарбиялаш билан долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. “Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам

[56] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017. - 469 б.

эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор.”[57] “Оммавий маданият” иллат сифатида ҳақиқат, гўзаллик, эзгулик сингари муқаддас тушунчаларни умумистеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлаб, истеъмол ва товар сифатида ҳаридоргир бўлишига қаратилган мақсадни тарғиб қилади. Бу эса пировардида “бозор адабиёти”, “бозор санъати” деган маънавиятга таҳдид солувчи ҳодисаларнинг “гуллаб-яшнаши” учун имкон яратади.

ХХ-асрнинг 70 йилларида кўплаб социологлар, файласуфлар, санъатшунослар “оммавий маданият”нинг ижтимоий тараққиётга, айниқса умумаданий жараёнларга таъсири ҳақида бир қатор тадқиқотларни олиб борган эдилар. Хусусан, социолог Ч.Рейч ўзининг “Гуллаётган Америка” китобида “Исёнкор ёшлар ўзларининг шахсий “маданият”ларини яратмоқдаларки, бу маданиятнинг асосини кийим, мусиқа ва наркотиклар ташкил этмоқда. Ёш “исёнкорлар” маданиятнинг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ фалсафий, ахлоқий, эстетик аҳамиятидан ҳамда муомала ва мулоқот маданиятидан юз ўгирган холда ўзларига мос қадриятларни яратмоқдалар ва уларни ҳимоя қилмоқдалар. Бу каби “янги одам” учун мазкур қадриятнинг асоси – бу ўзини мавжуд тизимдан ташқарида хис қилишга бўлган лаёқатидир.”-, деган фикрни баён этган эди.

“Оммавий маданият”нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадиий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламини кенгайишига хизмат қиладиган асарларни яқинига йўлатмайди. Шунинг учун “оммавий маданият” намуналари бадиий-эстетик қимматга эга эмас. Демак, бугун эстетиканинг замонавий муаммолари инсон-табиат, инсон-инсон, инсон- техника билан боғлиқ бўлиб,

- экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва кўпайтириш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш ва авлодларга етказиш;

-инсон ўзини “гўзаллаштириши” орқали ўзлигини йўқотиши ва миллат (қиёфасига) генофондига зарар етказишини англаши;

-инсоннинг техникага ва атроф-муҳитга муносабати, “оммавий маданият”нинг ҳар қандай кўринишига ҳамда “фетиш эстетика” ва “бозор санъати” каби таҳдидлар эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Спорт ва унинг маънавий-эстетик жиҳатлари. Жисмоний тарбия ва спорт инсонга хушкайфият, эстетик руҳ, ҳаракатчанлик, эпчиллик, чаққонлик, жисмоний фаоллик бахш этади. Бу хусусда Б.Лоу ўзининг “Спорт гўзаллиги” деган китобида Ф.Кинонинг “Театр, томошабинга суяниб ривожланадиган санъат тури... Спорт мусобақаларида томошабинлар ўзларини худди спектакл томошосидагидек тутадилар: улар юксак маҳорат эгаларига қарсак чаладилар ва ёмон ўйин кўрсатганга нисбатан салбий муносабатларини яширмайдилар. Спортда ҳам, театрда ҳам биз “ўйин” ҳақида гапирамиз”[58] деган фикрини

---

[57] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 267-268.

[58]Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. - С.92.

келтирар экан спортнинг ахлоқий-эстетик тарбиявий аҳамиятга эгалигини назарда тутади. Шунингдек Б.Лоу Ҳ.Слюшернинг “Спорт ва экзистенция” китобидаги “Спорт – токи ҳақиқий спорт экан, у эстетик фазилат ва нафисликка эриша олади. У спортчи учун чуқур маънога бой ҳолат... спорт ботиний яхлитликни ва юксак даражадаги ҳиссий кўтаринкиликни талаб қилади” бу билан Ҳ.Слюшер спортчи ҳис этадиган эстетик завқ ҳақида[59] таъкидлайди деб фикр билдиради. Бундан ҳам кўриниб турибдкик спорт шахсда жисмоний гўзалликни ҳис қилиш қобилиятини тарбиялаш унинг камолотида катта ўрин тутади. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар соғлом ва баркамол авлоднинг жисмоний гўзаллиги, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир.

Зеро, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний маданият муҳим аҳамият касб этиб, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқаради, уни маънан юксалтириб эзгу ишларга сафарбар этади. Бу ерда гап профессионал спортчининг жисмоний маданиятига оид талаблар ҳақида эмас, балки табиий ҳаракатчанлиги, келишган қадди-қомати, жисмоний фазилати билан ажралиб турувчи соғлом инсон ҳақида бормоқда. Бинобарин, соғломлик бебаҳо бойлик, моддий ва маънавий неъматлар яратиш асоси, олий қадрият саналган инсон камолотининг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, аввало, ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга”[60].

Маънавий ва жисмоний соғлом инсон ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларига эга, кайфияти юқори, ижодкор бўлади. Бу нарса унинг нафақат жисмоний меҳнат соҳаси, балки эстетик қадриятларни яратишдаги фаоллигида ҳам кўз-га ташланиб туради..Мустақиллик йилларида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. 1998 йил 6 сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари Кураш халқаро ассоциация (КХА)га асос солишди.Ўтган йиллар давомида 711 та спорт иншооти қурилиб, болалар ихтиёрига топширилди, уларнинг 161 таси янгидан бунёд этилди, қурилиш-тиклаш ишларига 9,8 миллиард сўм,уларни замонавий асбоблар билан жиҳозлашга 1,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлатилди. Биргина 2008 йил-нинг ўзида касб-ҳунар ва ака-демик лицейлар қуриш учун 382,4 млрд сўм сарфландиЖаҳоннинг энг замонавий стадионлари билан тенглаша оладиган “Бунёдкор” стадиони ҳам Ўзбекистоннинг спортга бўлган муносабатининг ёрқин намунасидир. Мустақиллик йилларидаЎзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ўзига хос янги тизими шаклланди. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод»,

---

[59]Ўша манба. - С. 177.

[60] Мирзиёев Ш.М.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 475-476 .

олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада» мусобақалари доимий тус олди.

Спорт иродани мустаҳкамлашда, аниқ мақсад сари интилишда, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишда жуда катта аҳамият касб этишини, у инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Айниқса, “Баркамол авлод” мусобақалари спорт соҳасида янги анъаналарни бошлаб берди. Ёшларнинг нафақат жисмоний чиниқишларига, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашига, халқимизга хос мардлик, тантилик ва бағрикенглик ҳисларини кўрсатиб, маънавиятларининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт нафақат ёшларнинг жисмоний жиҳатдан чинакам соғлом бўлиши, ўз табиий имкониятларини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб қолмай, балки ҳар томонлама камол топиши, маънавий-руҳий, сиёсий-мафкуравий ва бадиий-эстетик салоҳиятларини, онги ва тафаккурини ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий ифтихор руҳида шакллантириш ва ривожлантириш омили сифатида ҳам ижтимоий аҳамият касб этади.

Шунингдек, спорт – миллий ва умуминсоний эстетик маданият рамзи сифатида халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашда катта ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Бунинг ёрқин мисолини бир қатор миллий ва оммавий спорт ўйинларида кўришимиз мумкин. Хусусан, ўзбек миллий кураши ўзида эстетик маданиятнинг юори кечинмаларини намоён этиши, курашаётган курашчиларнинг нозик ҳаракатларида кишини илҳомлантирадиган ва завқлантирадиган эстетик қиёфанинг акс этиши миллийлик ва умуминсонийлик хусусиятларини намоён этади. Спортнинг нозик ва барчанинг ўзига эстетик завқ билан жалб этадиган турларидан енгил атлетикада ҳам бу жараён яққол гавдаланади. Спорт ўйинлари ичида умумбашарий аҳамият касб этадиган футбол миллионлар ўйини сифатида юксак эстетик маданиятнинг намунасидир.

Воқеъликка эстетик муносабатнинг миллий ва умумбашарий аҳамияти. Нафосат оламининг объектив ва субъектив томонлари мавжуд бўлиб, унда одамларнинг воқеликка эстетик муносабатда бўлиш жараёнида яратилган “иккинчи табиат”, ишлаб чиқариш технологияси, турмуш тарзи, оила, боғча, таълим-тарбия муассасалари объектив омил ҳисобланиб, шахс ва унинг ҳис- туйғуси, диди, тасаввур ва хаёллари субъектив томонларни ташкил қилади. Нафосат оламидаги ана шу объективлик ва субъективлик эстетик қадриятларнинг вужудга келиши, ривожланиши, аҳамиятини белгилаб беради. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири – бу халқимиз қалби ва онгида юксак миллий ва умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббатни кучайтириш, ахлоқий ва диний қадриятларни эстетик туйғулар, кечинмалар ва тасаввурлар билан уйғунлаштиришдан иборатдир. Умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятлар негизида қурилган маънавий-маърифий-маданий ҳаёт ҳар бир шахснинг ўзлигини англаб, умумбашарий ва миллий маънавий меросни ўрганиб, олижаноб

фазилатлар асосида ўз ҳаётини ташкил этишни тақозо этади. Миллий маънавият – бу муайян миллатнинг тарихий ўтмиши, дини ижтимоий-маънавий қадриятлар тизими ҳамда дунёқарашининг ифодаси. Унда миллий урф-одатлар, анъаналар, моддий-маданий мерос, тарихий ёдгорликлар муҳим аҳамият касб этади. Умуминсоний маънавият эса - барча халқларга хос бўлган, уларнинг барча ижтимоий идеалларини акс эттирувчи анъаналар, ғоялар, интилишлар, мақсад-муддаоларни ифодаловчи қадриятлар тизимидир. Бундай қадриятлар бирор бир давлат, жамият, мафкура томонидан яратилмайди, у барча инсонларнинг орзу-умидини ифодалайдиган, уларга бирдек манзур бўлган, ёвуз ғояларга қарши ягона куч сифатида қарор топадиган қадриятлар тизимидир. Тинчлик, эрк, истиқлол, демократия каби тушунчалар башариятнинг азалий қадриятларидир. Воқеъликка эстетик муносабатни миллий ва умумбашарий аҳамияти шахс маънавиятининг юксак бўлиши, унинг умуминсоний ва миллий маънавият билан қанчалик муштараклигига боғлиқ.

Оламни эстетик англашда технологияларнинг роли. Ҳозирги замон цивилизацияси саноат ва техника тараққиёти билан боғлиқдир. Уни индустриал цивилизация ёки техноген жамияти деб аталмоқда . Технология - техника билан узвий боғлиқдир. «Технология» юнонча сўз бўлиб, претметларга таъсир этиш ишлов бериш, тайёрлаш, ўзгартириш методлари мажмуи деган маънони билдиради. Агар техника инсоннинг объектга нима воситасида таъсир кўрсатишини англатса, технология инсоннинг объектга қандай таъсир кўрсатишини англатади. Освальд Шпенглер XX асрнинг 30- йилларида «Инсон ва техника » асарида инсон оламнинг ҳукмдори эди, у машинанинг қули бўлиб қолди, деб ёзган эди. Техника инсон борлиғининг барча соҳаларига: иқтисод, сиёсат ва мафкурага кириб келди.«Инсон ва машина » муносабатлари янгича мазмун касб этяпти. Асримиз бошида ижтимоий-техника тараққиётининг ибтидосидаёқ олимлар, ёзувчилар техника ва технология унинг табиатга инсон ҳаётига таъсири масаларига ўз муносабатларини билдиришган. Бу хусусда ноосфера таълимотининг асосчиларидан бўлган академик Вернадский “Сайёрамиз юзи-биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда. Инсон қуруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда.. Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз”[61] деб таъкидлайди. Ноосферанинг атроф-муҳит, табиатга таъсири ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Атом бомбасининг яратилиши, баллистик ракеталарнинг ҳаво қатламини тешиб ўтавериши натижасида азон қатламининг кенгайиб бораётганлиги, кимёвий завод-фабрикаларнинг кўпайиши натижасида атмосферанинг заҳарланиши наботот, ҳайвонот дунёсигина эмас инсониятга салбий таъсири каби мисолларни кўплаб

[61]Вернадский В.И.Начало и вечность жизни М.”Сов. Россия” 1989. -С.186-187.

келтириш мумкин. Ҳозирги глобаллашув шароитида юқори технологиялар, янги ахборотлар асри сифатида намоён бўлмоқда. Оламни эстетик англашда технологияларнинг роли ортиб кишилар онги мана шу тезкорликка мослашиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилаганидек, инсон тафаккури ноосферанинг турли-туман йўналишларини вужудга келтирмоқда. Нанотехнологиялар бугун ҳаётимизга кириб келмоқда. Табиат ва нанотехнологиянинг ўзаро муносабати мураккаб бўлиб ва кўп маъноли хусусиятларга эга. Унинг ўзига хослиги шунда кўринадики, нанотехнологиянинг баъзи бир объектлари табиат объектларидан фарқ қилади. Табиатда мавжуд бўлмаган наномаҳсулотлар сунъий дунёни пайдо қилиб табиатга нисбатан муносабатни қийинлаштиради. Шу билан биргаликда нанотехнология нафақат сунъий дунёни яратади, балки табиат билан янги муносабатларни ўрнатади. Бу муаммолар бугун инсоният олдида турли туман ҳал этилмаган масалаларни ҳам қўймоқда. Техника инсонийлашуви, инсон маънавияти. билан уйғунлашуви, инсон манфаатлари ҳар бир инсоннинг онги ва фаолиятига сингиши лозим. Негаки улар инсон маънавий олами, эстетик онги ва диди, эстетик эҳтиёжларига ҳам таъсир кўрсатади. Шундай экан оламни эстетик англашда технологияларнинг роли муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Буни компютер технологиялари, интернетнинг фарзандларимизга таъсири орқали кўришимиз мумкин. ЭАВ ва коммуникация технологияларидан маълумотлар оқими манфаатдорлик нуқтаи назаридан етказилиши,и атайлаб қарама-қарши характердаги маълумотларни кетма-кет бериш орқали охир-оқибатда ёшларнинг идрокини сусайиштиришга олиб келади. Интернет ва унинг шакллари бўлган - интернет-телевидение, интернег-радио, электрон почта, онлайн-видео, ижтимоий тармоклар каби кўплаб ахборот тарқатиш технологиялари имкониятларидан ёшларнинг маънавияти ва билим даражасини оширишда максадли ва окилона фойдаланиш зарур.

Шу ўринда рекламаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Рекламанинг эстетик жиҳатлари ва ғайриэстетик ҳолатлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Айрим фирма ва компаниялар ўзларининг сифатсиз айни пайтда зарарли маҳсулотларини реклама қилишда усталик билан фойдаланмоқда. Бундай рекламаларни кўрган ёшлар мақталган “ўша” нарсаларни татиб кўришни хохлайди. Бу реклама беозор кўрингани билан маълум мамлакат турмуш тарзини ҳам ёшларга етказаётгани, уларда қизиқиш уйғотаётганини унутмаслик лозим. Шундай экан, ижтимоий воқеликдаги ҳодиса ҳамда жараёнларга ёшларда онгли муносабатни шакллантириш, уларнинг эркинлик ҳақидаги тасаввурлари, ижтимоий масъулиятга муносабатларини тарихийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида қуйидагиларни ёшлар турмуш тарзига сингдириб бориш зарур:

-жамиятнинг ҳар бир фукаросини глобал жараёнларни мулоҳазакорлик билан таҳлил килишга ўргатиш, уларнинг ахлокий масъулиятни чукур хис килишига эришиш;

-шахс эркинлиги оила, махалла, давлат ва жамиятни ўзаро уйғунлигида

рўёбга чиқгани, хориждан экспорт қилинаётган, разолат ва тубанликка етакловчи "оммавий маданият" миллат ахлоқи, урф-одати, дину-диёнати, имон-эътиқодига мутлақо ёт эканлигини, улар руҳиятига мунтазам сингдириб бориш;

-шарқ кишисига хос фазилатларни юксалтириш асосида ҳар бир шахснинг эркинлик ва масъулиятни чуқур англашга сафарбар этиш ўз амалий фаолиятида демократик қадриятларга таяниш кўникмасини ҳосил қилиш;

-айни пайтда эркинликни том маънода моҳиятан англашда унинг ғарбона (Европача) тамойилларига кўр-кўрона асосланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эги Чунки бундай тақлид юқорида таъкидлаганимиздек, кутилмаган оқибатларга, хусусан эркинлик ниқобига ўранган масъулиятсизликка, демократия ниқобига ўранган парокандаликка, бош-бошдоқликка олиб келиши мумкин.

Нима бўлганда хам глобаллашув жараёни ижобий таъсирини эътироф этган холда ўтмиш қадриятларимиз билан замонавий тамаддун ўзгаришларни мунтазам ўрганиб бориш миллий қиёфасизлик, дидисизлик, ахлоқсизлик, масъулиятсизлик каби салбий ҳолатларга замин яратувчи глобал таъсирлардан ёшларни имкон даражада асраш, бугунги кундаги энг муҳим вазифадир.

Таянч тушунчалар:

Эстетик тарбия, фан, таълим, спорт эстетикаси, эстетик дид, “оммавий маданият”, маданият, эстетик муносабат, эстетик англаш, воқеълик, турмуш эстетикаси, меҳнат эстетикаси, реклама, технология

Такрорлаш учун саволлар:

1.Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.

2. Эстетик тарбиянинг асосий воситаларига нималар киради?

3. Миллий эстетик тарбияга маҳалланинг таъсири қандай?

4. Эстетик тарбияда санъатнинг тутган ўрни ҳақида гапириб беринг.

5. Эстетик тарбияда меҳнатнинг роли қандай?

6. Глобаллашув шароитида эстетик тарбияга таҳдидларнинг ўзига хос кўринишларини шарҳлаб беринг.

7. Интернетнинг ва эстетик тарбияга таъсири хусусияти ҳақида гапиринг? Оммавий маданият”нинг намоён бўлиш шаклларини айтинг.

ХУЛОСА

Маълумки, инсоният азал-азалджан инсоният мавжуд экан, олам ва одам қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излаб келмоқда. Умрнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар ҳам барчани ўйлантиради. Эхтимол, ўзингиз ҳам шу сингари бир-биридан мураккаб саволларга дуч келгансиз, уларга жавоб излагандирсиз? Бу масалалар ҳақида кимлар биландир фикр алмашиб, бахслашгингиз ҳам келар? Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиёт масалалари фалсафанинг асосий мавзулари хисобланади.

Шу маънода, бундай масалалар ечимини топишда фалсафий тафаккур услубининг бошқа соҳа билимларидан фарқи ва самарадорлиги маълум. Фалсафий билимлардан бехабар, ундан йироқ бўлган инсон теварак-атрофдаги, жамият, нарса-ҳодисалар ва табиатдаги ўзгаришлар, янгиланишларнинг асосан, ташқи томонини сезги аъзолари воситасида идрок қилади. Лекин, нима учун бу ҳодиса содир бўлди? Нима учун айнан шундай ҳолатда, айнан шу вақтда ва маконда рўй берди? Бу тасодифий ҳодисами ёки зарурийми? Воқеалар ривожи қандай давом этади? Келажакда қандай ўзгаришларга олиб келади? – каби саволлар устида бош қотирмайди. Ушбу саволларга жавоб беришга имкон яратадиган фалсафий билимлар эса одамни фикрлашга мажбур қилади, олам ва яшаш сирларини англашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бу эса, фалсафанинг асосий вазифаси инсон онгида эзгу интилишлар, юксак маънавий қадриятларга мос, соғлом дунёқарашни шакллантиришдан иборатлигидан далолат беради Бундай дунёқараш бирон-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қуруқ ёд олдириш орқали эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамойилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади. Биз яшаётган олам турли-туман даражада яралган: жонсиз нарсалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, кишилик жамияти. Ташқаридан қараганда булар ҳар қайсиси ўз қонун-қоидаларига эга бўлган алоҳида бир системалардир. Фалсафадан бошқа билим соҳалари ёрдамида бу масалалар бироз мушкуллик туғдириши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жуда кўплаб табиатшунослар, адабиёт, санъат ва бошқа ижтимоий соҳалар вакиллари, математик, физик, инженер олимлар фаолиятида воқеа-ҳодисалардаги ўзгаришларнинг сабабини, ўзаро алоқадорлигини ва таъсирини илғай олишдек етук фалсафий тафаккур ва мушоҳада намоён бўлади. Нарсаларнинг ташқи томони, кўриниши эмас, балки унинг ички туб моҳиятига етиш, ўзгаришининг сабабини аниқлаш ҳамда келажаги тўғрисида фикрлар билдириш фалсафа мутахассиси бўлмаган кўпчилик олимларга ҳам хос фазилатлардир.

Лекин шу нарса аниқки, фалсафий билимлар инсонни ҳаётда ўз ўрнини топиши, том маънода ўз эътиқодига, фуқаролик позициясига эга бўлишида, мақсадига эришишида беқиёс роль ўйнайди. Албатта, файласуфлар оламни хилма-хил изоҳлайдилар, ҳар бир кишининг ҳаёти ҳам турлича кечади. Бу борадаги энг асосий масала, умрни мазмунли ўтказиш, яхши ном қолдириш, эл-юрт корига яраб, одамларга доимо керак бўлиб яшаш туйғусини ўзига саодат деб билишдир.

Шу билан бирга, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган муаммоларга фалсафий муносабатда бўлиб, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш умрни мазмунли ўтказишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, бу борада оддий тилда ёзилган фалсафий қўлланмалар, халқчил китоблар ҳали ҳам етарли эмас.

Биз бу жараёнда бирор бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириб, бошқаларининг аҳамиятини камситиш фикридан йироқмиз. Аксинча, мақсадимиз уларнинг барчасини холис талқин этиш, талабаларда фалсафа фани, хилма-хил фалсафий оқимлар, атоқли файласуфлар ва уларнинг таълимотлари хақида тўғри ва холисона тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Фалсафий билимлар ривожи узлуксиз жараён бўлиб, у инсониятнинг тафаккур бобида илгари эришган ютуқларни танқидий баҳолашни тақозо этади. Бироқ бу — уларни тамоман рад этиш, кўр-кўрона танқид қилиш лозим дегани эмас, балки уларга хос барча хато ва камчиликларни англаб, яхши ва ижобий жихатларидан фойдаланиш демакдир. Ана шундай танқидий ёндашув ва ворислик фалсафанинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ана шуларни ҳисобга олган холда, мазкур китобда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

— фалсафани жахон маданияти ва цивилизациянинг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;

- фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги тамойилига амал қилиш;

- ҳар бир мавзуни истиқлол ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан узвий боқлиқ ҳолда тушунтириш.

Бу фаннинг олдига қўйилган вазифаларга ва унинг ҳаётдаги ўрнига қараб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки фанлар пайдо бўлиб ва уларнинг баъзилари фалсафадан ажралиб, алохида мустақил фан соҳасига айлана бошлаган даврлардаёқ шакллана бошлаган.

Фалсафанинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида фалсафанинг асл мохиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган.

Кишилик жамияти хеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ортидан инқирозлар, ютуқлар кетидан мақлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъқиб этган. Муайян жамият иқтисодий-сиёсий,

ахлоқий-диний, бадиий-эстетик тараққиёт борасида инқирозга дуч келар экан, ундан чиқиб кетиш учун илқор фалсафий таълимотларга эхтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам буюк фалсафий таълимотларни, бир томондан, маданий-интеллектуал ривожланиш самараси, иккинчи томондан, туб ижтимоий ўзгаришлар тақозоси дейиш мумкин. Муайян тарихий бурилиш даврида «Фалсафа нима ўзи?» деган масала долзарб аҳамият касб этиши ҳам шундан. Ана шундай даврларда кишилар фалсафанинг мохияти, унинг мақсад ва вазифаларини янгича идрок этганлар.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Масалан, биология ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, турларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бу соҳага оид фанлар ушбу йўналишдаги жараёнларнинг баъзи хусусият ва жиҳатларини чуқурроқ тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни билан эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни билан қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг мохияти қандай? Масаланинг айнан шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фалсафий масалага айлантиради. Яъни, шу тариқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдан фалсафий муаммо тусини олади.

Фалсафанинг умумбашарий фан экани, унинг бахс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интихоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Шу билан бирга, муайян даврда туғиладиган ва хал этиладиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эхтиёжларидан келиб чиққани учун, муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ холда ривожланади. У тарихий давр билан мустаҳкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Фалсафий муаммолар бевосита ҳаёт заруратидан туқилади. Айнан улар орқали фалсафада даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Масалан, хозирги замонда юртимиз фалсафаси учун истиқлол даврига хос қонуниятларва хусусиятларнинг фалсафий асосларини изохлаш зарурати шу билан белгиланади.

Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва қояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади. Фалсафадаги устувор қараш ва қоидалар давр махсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади.

Қ.Назаров, Л.Мухамеджанова, Д.Файзихўжаева, Ж.Раматов, П.Қулматов,
Б.Узоқов, М.Обилқосимов, С.Маманазаров, А.Рўзиев, М.Тожибоев,
Қ.Раззоқов, Ҳ.Хидиров, Т.Ибайдуллаев, Ш.Туратов

ФАЛСАФА

дарслик

Муҳаррир М.Турсунова
Мусаҳҳиҳ М.Турдиева
Дизайнер Д.Эрматова

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти,
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 – уй.
Тел./факс 239-88-61

Нашриёт лицензияси: AI№ 216, 03.08.2017.
Босишга рухсат этилди 24.06.2020. “Uz-Tames” гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 60x84. Шартли
босма табоғи 9,8. Нашриёт босма табоғи 10,7.
Адади 500 нусха. Буюртма № 12

“Файласуфлар” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 – уй.